



Н.Ҳ.ҲАКИМОВ

# ИНСОН ЭКОЛОГИЯСИ

Монография



«IQTISODIYOT»

**НАЗАР ҲАКИМОВ**

**ИНСОН  
ЭКОЛОГИЯСИ**

**Монография**

**“IQTISODIYOT”  
ТОШКЕНТ-2021**

УҮК: 504.75.05

КБК: 60.5.022

**Ҳәқимов Н.Х. “Инсон экологияси”: Монография.  
Т.: “IQTISODIYOT”, 2021. – 244 б.**

Ушбу монография ижтимоий фалсафанинг муҳим муаммоларидан бири – инсон экологиясининг мазмуни, моҳияти, шахс экологик маданиятини шакллантиришнинг муҳим қирра-лари, воситалари ва унинг жамият тараққиёти учун амалий ва назарий аҳамияти жиҳатлари тадқиқига багишланган.

Монографияда мамлакатимиизда демократик ислоҳотлар давомида ва янги тараққиёт босқичида инсон экологияси масаласининг ечими учун жамиятда вужудга келтирилган, тако-миллашаётган институ-ционал тизимдаги туб ўзгаришларнинг фалсафий масалалари ўрганилган. Муаллиф мамлакатимиизнинг экологик муаммолари ечимида муҳим аҳамият касб этадиган ҳалқаро ҳамкорлик ривожининг фалсафий томонларини ёритган. Унда экологик муаммоларнинг вужудга келиши, шаклланиши, тўпланиши ва инсон ижтимоий, иқтисодий ҳаётига салбий таъсири жиҳатлари жараёни ва уларни бартараф қилиш учун олиб борилаётган самарали фаолият таҳдил қилинган.

Тадқиқотда минтақадаги чиқиндиларнинг тўпланиши, Орол денгизи ҳалокати натижасида пайдо бўлган экологик хатарлар ва уни юмшатиши механизмлари кўрсатилган. Монография инсон экологияси муаммолари билан қизиқадиган файласуфларга, жамиятшуносларга, тадқиқотчиларга, магистрлар ва кенг китоб-хонлар аудиториясига мўлжалланган.

**Маъсул муҳаррир:**

**Мамадалиев Ш. О. – фалсафа фанлари доктори, профессор  
Тақризчилар:**

**Мухтаров А.М. – фалсафа фанлари доктори, профессор**

**Саифназаров И.С. – фалсафа фанлари доктори, профессор**

**Рузиева Р.Х. – фалсафи фанлари доктори, профессор**

**Садиков А.К. – фалсафа фанлари номзоди, доцент**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети Илмий кенгашининг 2020 йил 1 июлдаги 13-сонли қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилган.

**ISBN 978-9943-6066-6-1**

УҮК: 504.75.05

КБК: 60.5.022

**“IQTISODIYOT”, 2021  
ҲАҚИМОВ Н.Х., 2021**

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси янги тараққиёти босқичида инсон манбаатлари, ҳар бир шахснинг жамиятда муносаб ўрин эгаллаши, фаровон турмуш кечириши ўтказилаётган демократик ислоҳотларнинг бош мақсадидир. Шу муносабат билан инсон экологиясига алоҳида эътибор берилмоқда. Табиат, инсон ва жамият орасидаги ўзаро муносабатларни илмий, ижтимоий фалсафий жиҳатларининг фундаментал ва ижтимоий фаплар вакиллари томонидан тадқиқ қилиниши долзарб, назарий ва амалий аҳамият касб этадиган масалардан бирига айланди. Унинг долзарблиги жаҳонда кечётган ижтимоий ва иқтисодий, муайян ҳолатларда сиёсий жараёнларнинг экологик вазият, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, инсон манбаатларининг, унинг соглиги, яшаш шароитининг такомиллашуви, узоқ умр кечириши, меҳнат шароити, ҳужалигининг бутлиги, санитария талабларига жавоб бериши, озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари билан узвий боғлиқdir. Муаммонинг умумпланетар аҳамияти ва долзарблиги Ер юзининг турли бурчакларида вужудга келаётган экологик инқирозлар ва ҳалокатлар, табиий характерга эга бўлган катаклизмларнинг инсон фаолиятига боғлиқлиги ва таъсирида намоён бўлмоқда. Муаммонинг долзарблиги Марказий Осиё мамлакатларида ҳам сезилмоқда. Ушбу ҳудудда ер ва сув ресурсларидан самарали, рационал фойдаланиш, атроф-муҳитни ифлослантирумаслик тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, юқори бонитетга эга бўлган ер ресурсларининг камайиши ҳолатлари, чўлланишга даҳлдор бўлган ҳудудларнинг кенгайиб бораётганилиги, флора ва фауна вакилларини асраб-авайлаш, келажак авлодга етказиш зарурияти, экологик муаммолар ечимида ҳар бир инсоннинг маъ суллигини оширишни тақозо қилмоқда. Мамлакатимиз ҳудудида глобал, миңтақавий, регионал, локал даражадаги экологик хатарларни учратиш мумкин. Бундай вазият инсон экологияси муаммоси тадқиқишининг долзарблиги, унинг бевосита демократик ислоҳотларга боғлиқлигини, шунингдек, алоҳида қўриқланадиган ҳудудлар майдонини

кенгайтириш заруриятини ҳам вужудга келтирмоқда. Марказий Осиёда энг катта масштабдаги экологик бўхрон марказиларидан бири Орол дengизидир. Инсон экологиясининг долзарблиги ҳар бир шахсда табиий ресурслардан фойдаланиш маданиятини, урбанизация шароитида сувдан, ердан, фойдаланишда тежамкорлик сифатларини, ҳавони ифлослантирмаслик тушунчасини ҳар бир ватандошимиз онгида ёшлиқ давридан шакллантиришнинг ижтимоий механизм-ларини янада такомиллаштириш заруриятини вужудга келтириди. Муаммонинг ижтимоий- фалсафий жиҳатлари, бевосита жамиятнинг янги ривожланиш босқичида ҳар бир инсон фаолияти учун шаффоғ, хавфсиз экологик муҳит яратиш лозимлиги билан боғлиқдир. Бундай вазият унинг ҳуқуқий, институционал асосларини вужудга келтириш, мунтазам такомиллаштириш билан биргаликда, олий таълим тизимида тайёрланаётган кадрлар сифатини ошириш, шахс экологик маданиятини шакллантириш ва юксалтириш жараёнига эътиборни кучайтириш, ушбу соҳадаги ҳалқаро ҳамкорликни тобора кенгайтириш вазифасини ҳам илгари суради. Шу билан бирга, экологик хавфсизлик инсоннинг демократик ислоҳотлардаги фаоллигини оширади, мамла-катимизда янги тараққиёт босқичида амалга оширилаётган яратувчанлик, илгарилаш, рақамлаштириш, ижтимоий, иқтисо-дий жараёнлар жадаллашувида иштирок этишга, инновацион гояларни илгари суришга ундайди. Муаммонинг амалий жиҳатларидан яна бири, инсон маънавий, ахлоқий камо-лотини, меҳнатсеварлигини таъминлайдиган омиллар қаторига киради. Инсон экологиясининг таъминланиши ҳар бир шахснинг она заминга, юрга муҳаббатини оширади, унинг ҳар бир қарич ерини қадрлайди, ундан самарали фойдаланишнинг ижтимоий имкониятларини яратади. Янги тараққиёт босқи-чида, инсон экологиясига илмий, фалсафий муносабатнинг кучайиши амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлиги учун инсон фаолияти такомили механизмининг муҳим қисми ҳисобланади.

Ижтимоий экологик фанлар уч тармоқга бўлинади. Биринчиси, инсон экологияси. Иккинчиси, глобал экология. Учинчиси, ижтимоий экология. Инсон экологияси фани

инсоннинг табиат билан муносабатларини, ижтимоий ва технологик соҳалар билан ўзаро алоқаларини ўрганади. Глобал экология фани биосферанинг коинот ва техноген жараёнлар, шунингдек, планета тубида, атрофида бўлаётган ўзгаришларни тадқиқ қиласди. Ижтимоий экология фани жамиятнинг атроф-муҳит билан ўзаро алоқалари, муносабатларини ташкил қиласди. Бу фанларни уларнинг мақсадларига қараб фарқлаш мумкин. Инсон экологияси шахснинг саломатлиги, муқим яшаш жойидаги шароитда фаолият олиб бориши, шакл-лантирилган инфраструктура, ундан самарали фойдаланиш механизмлари мазмуни-моҳияти, экологик муҳитнинг инсонга таъсир қилиш жараёнларини ўрганади.

Глобал экология фанининг мақсади биосферанинг параметларини асраш учун зарур бўлган шароитни сақлаш, содир бўлаётган, кечеётган экологик жараёнларга объектив баҳо бериш, илмий асосланган тавсиялар тайёрлашдан иборат.

Ижтимоий экология фанининг асосий мақсадиди жамият тараққиётига табиий шароитнинг таъсирини оптималлаштириш, ушбу жараённи шакллантирган сабабларни аниқлаш, инсоннинг муайян шароитдаги фаолияти учун зарур бўлган тавсиялар ишлаб чиқиш ташкил қиласди.

Ушбу фанлар орасидаги ўхшашлик, ажратиш, фарқлаш мураккаблиги шундан иборатки, яъни уларнинг тадқиқот объектининг бир-бирига яқинлигиdir. Жумладан, инсон экологияси ва ижтимоий экологиянинг объектини “инсон муаммоси” ташкил қиласди. Глобал ва ижтимоий экология фанларининг объекти хам бир бирига яқинdir, улар муайян даражада инсон ҳаётига таъсир қиладиган жараёнларни биргаликда ўрганади. Жамият, биринчи навбатда, бисфера билан муносабатда бўлади ва биосферада содир бўладиган турли ўзгаришлар жамиятда ўз ифодасини топади, турли ижтимоий-иктисодий ўзгаришларга олиб келади. Шунинг учун глобал экология фани бисферадаги ўзгаришларни ўргангани учун, айниқса, биосферага антропоген омилларнинг таъсирини тадқиқ қиласди ва шу билан ижтимоий экологияга алоқадордир. Таъкидаш лозимки, глобал экология биосфера ва жамият орасидаги муносабатларни биосфера нуқтаи

назаридан ўрганади, ижтимоий экология эса ушбу жараённи жамият нүқтаи назаридан таҳлил қиласи. Фикримизча экологик фанлар классификацияси тадқиқотчилар томонидан давом эттирилади. Юқоридағиларга асосланиб қайд қилиш лозимки, инсон экологияси табиий, ижтимоий ва технологик жараёнларни тадқиқ қилиш билан биргаликда, кучайиб бораётган антропоген омиллар, инсон фаолиятининг жадаллашуви масалаларини объектив тадқиқ қиласи. Шунинг учун ҳам инсон экологияси ижтимоий фанлар таркибиға киради, шу билан бирга, табиий фанларга яқин бўлган муаммоларни ўрганади. Инсон экологияси жамиятнинг рақамлашиш жараёнига яқин бўлган фан сифатида атроф-мухитнинг сифатини бошқаришга ҳам алоқадордир. Инсон экологияси атроф-мухит билан инсон орасидаги муносабатларни у ёки бу усусларини ўрганиш билан чегараланмасдан, табиий ресурслардан рационал фойдаланиш ва уларни ҳимоя қилишнинг эфектив механизмларини яратишга ҳам ёрдам беради. Шу муносабат билан такидаш лозимки “Табиат” тушунчаси кенг ва тор мазмунда ишлатилади. Табиат сўзи, объектив реалликни ифодалайди ва жамиятни асосий элемент сифатида бирлаштиради, тор мазмунда эса жамиятни планетанинг қоплаб турувчи қобиқ сифатида қабул қилиниб, табиат ва жамият орасидаги муносабатларни ифодалайди. Табиий муҳит жамият ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Табиий муҳит инсоннинг ижтимоий талабларини қондиради, яъни ишлаб чиқариш физиологик, коммуникатив, эстетик ва бопиқа жараёнларни ўз ичига олади. Табиий муҳит жамиятда жамият ҳаётининг тақрорланишида, кенгайишида асосий ролни бажаради. Жамият ҳаётининг муҳим қисми сифатида ижтимоий тараққиётнинг моддий асосини ташкил қиласи. Табиий муҳит ижтимоий-иктисодий тизимлар ривожи учун энергия ва материаллар манбаидир. Жамият табиат томонидан яратилган энергия ва материалларни истъемол қиласи ва улардан фойдаланади, шу билан бирга, унинг бир қисми бўлиб қолади. Жамият ҳаёти доимий суръатда табиий шароитда кечади ва инсон фаолиятида намоён бўлади, ҳамда инсоннинг биологик мавжудод эканлигини тасдиқлайди.

Инсон антропоген фаолиятининг кенгайиши ва чукурлашуви натижасида инсон экологияси пайдо бўлади. Инсон экологиясининг янги фан сифатида шаклланиши локал характерга эга бўлган жараён эмас, балки жуда кўплаб фанларга доир муаммоларга дахлдордир. Ҳозирги шароитда тараққиётнинг янги босқичида илмий билимларда экология-лашувга ёндашиш кузатилмоқда. Бу жараённинг ўзига хос хусусияти табиий ҳолатни ўрганиш билан бирга, унинг инсон фаолиятига боғлиқ жиҳатларига ҳам кўпроқ эътибор берилмоқда.

Тарихий жараёнларда шаклланган тармоқ фанларидан фарқли ўлароқ, инсон экологияси фанлараро билимларга асосланади ва инсон фаолиятининг жамият ва табиат орасидаги муносабатларининг уйғулигини таъминлашга хизмат қиласди. Таъкиддаш лозимки, инсон экологияси табиат обьектлари ва ижтимоий тизимлар орасидаги муносабатларни ўрганади. Ҳозирги даврда муаммоли мақсадга йўналтирилган инсон фаолиятини ўрганиш мухим аҳамият касб этади. Экологик тадқиқотлар фақат ижтимоий-табиий билимларга асосланмаслиги лозим. Табиий ресурслардан фойдаланиш жараёни, биринчи навбатда, ижтимоий жараёндир. Янги тараққиёт босқичида бу аксиомани барча фанлар вакиллари тушунади. Шунинг учун ҳам экологик тадқиқотлар нафақат экотизимлар модели, шу билан биргалиқда, инсон фаолиятининг табиий жараёнларига аралашуви ва унинг натижаларига баҳо бериши лозим. Натижада табиий жараёнларга таъсир қилишга мўлжалланган кўп вариантилик дастур сифатида шаклланади, табиат қонунари ва инсон имкониятларини чуқур билишга ёрдам беради. Бундай дастурнинг амалиётга татбиқ қилиниши натижасида, биринчидан, инсон ва табиат тизими ҳолатини баҳолаш, иккинчидан, ушбу ҳаракатлар стратегияси келажагини белгилашга ёрдам беради. Шундай қилиб, инсон экологияси фақат табиий тизим, инсон антропоген фаолияти ҳақидаги фан бўлмасдан, ижтимоий, иқтисодий ривожланиш шароитида атроф-муҳитни асраш, табиий ресурсларни ривожлантириш бўйича инсон фаолия-тини ҳам ўрганадиган фандир.

# **ІБОБ. ИНСОН ЭКОЛОГИЯСИННИГ НАЗАРИЙ МЕТОДОЛОГИК ВА ИЖТИМОИЙ ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1. Марказий Осиё мутафаккирларининг инсон экологияси ҳақидағи ижтимоий фалсафий қарашлари**

Инсон экологиясининг асосий вазифаларидан бирига унинг предметига тирик организмларнинг атроф-мухит билан бұладыган муносабатлари жараёни киради. Ҳозирги даврда инсоннинг атропоген, яъни ҳўжалик фаолиятининг кенгайиши муносабати билан унинг планетадаги инсон ҳаётини таъминловчи факторларга таъсири кучайиб бормоқда. Жумладан, инсон фаолиятининг атмосферага таъсири, иссиқлик тизимининг, радиоактивликнинг кучайиши атроф-мухитнинг ифлосланиши, заҳарли моддаларнинг кўпайиши, инсон саломатлигининг ва унинг генофонди кучсизланиши ҳолатлари кузатилмоқда. Бу жараёнга инсоният цивилизациясининг сифат жиҳатидан янги ҳолатга ўтиши ва унинг ҳозирги жамиятнинг ҳаётини таъминловчи тизимларга таъсири билан белгиланади. Ҳозирги даврда глобал техноген жараёнларнинг вужудга келиши жадаллашуви, энергия ва моддалар алмашинувида сунъий тизимларнинг вужудга келганилиги билан харakterланади.

Техник-технологик жараёнларнинг биосферага таъсири интенсивлашы ва бутун планетада инсон ҳаётини таъминловчи манбаларга ўз салбий таъсирини ўтказди. Шундай қилиб, техноген жараёнларнинг инсон яшаш шароитига таъсири юқори нүктага етди. Ер юзида, глобал масштабда инсон ҳаётига хатарлар мазмуни яққол намоён бўлди. Бундай шароитда инсоният учун техноген асосда ривожланишининг салбий оқибатларини англаш зарурдир. Тараққиётнинг ҳозирги босқичида, яъни фақат ўзининг манбаатлари учун яшаш шароитини яратиш, яъни атроф-мухитдаги тирик организмлар флора ва фаунанинг ҳаётини асрамаслик салбий оқибатларга олиб келади. Инсон томонидан

илгари суралаётган глобал техноген жараёнлар жамиятда шаклланган қадриятлар тизимиға муайян үзгарти-ришлар киритилишига олиб келди. Табиий ресурсларга фақат истеъмол нуқтаи назаридан ёндашиш даври тугаганини англатади. Инсон шуни тушуниши лозимки, унинг бу жамиятда яшashi ва барқарор ривожланиши табиатга муно-сабатини үзгартириши билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳозирги жамият аъзолари табиат имкониятлари билан бевосита боғлиқ эканлигини англаши лозим. Техноген омиллар таъсири натижасида инсон яшаш шароитининг ёмонлашуви, жамият ва табиат орасидаги муносабатларнинг ижтимоий механизм-ларига үзининг дикқатини оширди. Шунингдек, ушбу жараён экологияяга ва унинг муаяйн ҳисми ҳисобланган инсон экологиясининг ижтимоий жиҳатларининг тадқиқоти вазифа-сини илгари сурди. Шу муносабат билан, жамият ва табиат орасидаги муносабатларни ривожланиши қонуниягларини фалсафий таҳдил қилиш мұхим илмий назарий аҳамият касб этади. Ушбу жараёнда цивилизацияда содир бўлаётган глобал техноген жараёнларнинг ҳозирги замон жамиятидаги ўрнини фалсафий таҳдил қилиш зарур. Шу билан бирга мамлакати-мизда жамият ва табиат муносабатларининг уйгунилигига асосланган дастурларни ишлаб чиқиш зарурияти вужудга келди. Бундан кузатилган асосий мақсад инсоннинг ушбу заминда яшashi ва барқарор ривожланишини таъминлашга хизмат қилиши лозим.

Фуқаролик жамиятининг ривожланиши шароитида мамлакатимиизда яшаб ўтган, илм ғанга бекиёс ҳисса қўшган буюк шахслар, машҳур олимлар, файласуф донишманлар, илм-фан, маънавият, маърифат, маданият номояндаларининг ижодини, уларнинг инсон экологияси таълимотига қўшган шахсий ҳиссасини ўрганиш мұхим назарий, тарбиявий, амалий аҳамиятга эгадир. Таъкидлаш лозимки, ўзбек ҳалқининг машҳур файласуф олимлари, маънавий маданият гимназиянинг улутакиллари жаҳон фани ва маданияти ривожланишига, яъни умуминсоният цивилизацияси тараққиётига катта ҳисса қўшган. Экологик қадриятлар, табиий ресурслардан унумли

фойдаланиш, атроф-муҳитни авайлаб асрар ҳалқимиз руҳиятида, менталитетида, ҳаёт ва турмуш тарзи ҳамда анъаналарида ва миллий урф одатларида муҳим ўрин олган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, демократик ислоҳотлар даврида ҳалқимизнинг маънавий қадриятларини, интеллектуал салоҳиятини қайта тиклашга алоҳида эътибор берилди, мамлакатимизда аждодларимиз илмий фалсафий меросини янада чуқурроқ ўрганишга ҳуқуқий, ижтимоий имконият яратилди. Жумладан, жаҳон фани тараққиётига бетакрор ҳисса қўшган ватандошимиз, беназир мутафаккирлардан, буюк сиймолардан бири Шайхур ур-Раис – “Олимлар бошлиғи” номи билан машҳур бўлган Абу Али Ибн Синодир. Олимнинг бундай номланиши унинг машҳур давлат арбоби, вазир ва бошқа муҳим вазифаларни бажарганлигидан далолат беради. Унинг “шайх” деган ном билан аталиши инсон экологияси ва фалсафани чуқур билишидан далолат беради.

Абу Али Ҳусайн Ибн Абдаллоҳ Ибн Ҳасан Ибн Али Ибн Сино (980-1037) фалсафа, мантиқ, табиатшунослик, астрономия, математика, физика, ҳуқуқшунослик, адабиётшунослик, тиашунослик, мусиқашунослик, тиббиёт каби фанлар ривожланишига муносиб ҳисса қўшган машҳур қомусий олимдир. Буюк ватандошимиз Бухоро шаҳри яқинидаги Афшона қишлоғида таваллуд топган. Унинг отаси Абдаллоҳ Балҳда туғилган бўлиб, молиявий ишлар билан шугулланган.

Фавқулодда табиий, түгма истеъдодга эга бўлган Ибн Сино ёшлигидан илм фан сирларини мустақил ўргана бошлади. У яшаб ижод этган давр, ижтимоий иқтисодий муҳит ниҳоятда мураккаб ва зиддиятли эди. Унинг ижодий фаолияти ва ҳаёти Самонийлар, Қорахонийлар, Газнавийлар ҳукмрон-лиги даврига тўғри келди. Ёш Ибн Сино Самонийлар салтанатининг шаҳзодаси Нух Ибн Мансурни оғир касалдан даволагани учун Бухоро шаҳридаги Шарқ Ренесанси (Уйғониш) даврининг энг бой кутубхонасидан фойдаланишга мұяссар бўлди. Ҳокимият тепасига Қорахонийлар келганидан сўнг Урганчга кетишга мажбур бўлди. Чунки бу даврда, яъни XI аср

бошларида Хоразмда илмий мұхит шаклланған, илм ған эса ривожланған әди. Хоразмпоқ раҳномалигида вужудға келган Хоразм Маъмун академиясида истеъоддади олим Ибн Сино дүнёға машқур бўлган файласуфлар, шу жумладан, мутафаккир Абу Райҳон Беруний ва бошқалар билан танишади, уларнинг ижоди, илмий асарлари намуналаридан баҳраманд бўлди. Таъкидлаш лозимки, ушбу илм масканида, яъни “Байт-ул-Ҳикма”да 500 дан ортиқ олимлар фаолият кўрсатган.

Ибн Сино қомусий олим сифатида фанларнинг муҳим соҳалари билан шугулланған. Унинг 450 дан ортиқ асарларидан 242 таси бизгача етиб келган. Шу 242 тадан 80 таси фалсафа, илоҳиёт ва тасаввуфга тегишли, 43 таси табобатга оид, 19 таси мантиққа, 26 таси руҳшуносликка, 23 таси тиббиёт илмига, 7 таси фалакиётга, 1 таси риёзиётга, 1 таси мусиқага, 2 таси кимёга, 9 таси одоб илмига, 4 таси адабиётга ва 8 таси бошқа олимлар билан бўлган ёзишмаларга бағишиланған.

Айниқса, олимнинг фалсафа фани тараққиётiga қўшган ҳиссаси салмоқлидир. Мутафаккирнинг фалсафий концепциясидаги бош масала инсон бўлиб, унинг мазмуни, ҳаёт тарзи, маънавий ва жисмоний шакланиши ташкил қилади. Мутафаккирнинг барча фалсафий асарларида инсон вужудини англаш, атроф-муҳитни, ижтимоий жараёнларни, инсон фалсафаси можиятини билиш масаласи марказий ўринини эгаллайди. Олим Аристотель ва Форобий таълимотининг давомчиси сифатида фалсафанинг ривожланишига бекиёс ҳисса қўшган. Унинг бизгача етиб келган фалсафага оид йирик ва муҳим асари “Китоб аш-шифо” деб аталган. Қомусий китоб даражасига кўтарилиган ушбу асар мантиқ, табиий фанлар, риёзиёт, илоҳиёт қисмларидан иборат. Асарнинг айрим бўлимлари Гарб ва Шарқ тилларида чоп этиган. Мутафаккирнинг фалсафага оид иккинчи китоби “Китоб ан-нажот” (“Нажот китоби”) бўлиб, унда “Китоб аш-шифо”нинг мазмуни баён этилган.

Ибн Сино ўзининг илмий, фалсафий асарларида ижтимоий, маънавий маърифий, таълим, тарбия масалаларига алоҳида эътибор берган. Мутафаккир қаламига мансуб бўлган

йирик фалсафий асар “Ал-ишорат ва танбиҳот” (“Ишоралар ва танбихлар”) бўлиб, унда инсон вужуди мазмунининг асосий масалалари баён этилган. Олимнинг “Донишнома алаи” (“Билимлар китоби”) форс ва рус тилларига нашр қилинган. Алломанинг “Китаб ал-Инсоф”, (“Ҳақиқат ҳақида”); “Лисон ал-араб” ( Араб тили); “Рисола ат-Тайр (“Қуш тили”); “Саломон ва Ибсол”; “Вужуд мазмуни ва сифати ҳақидаги трактат”, “Мавжуд нарсаларнинг бўлининиши ҳақидаги трактат” каби ва бошқа асарларида ҳам тарбия, инсон экологик қарашларининг шаклланини учун муҳим амалий аҳамият касб этадиган маънавий, аҳлоқий юксалиш, атроф-муҳитни асраш, унинг унсурларидан рационал фойдаланиш масалалари тадқиқ қилинган.

Таъкидлаш лозимки, демократик ислоҳотлар, фуқаролик жамиятининг шакллантирилиши, ривожланиши давомида Ибн Синонинг илмий, фалсафий меросини ўрганиш учун янада кенг имконият яратилди. Унинг тарихий хизмати шундаки, у илм-фан билан тажрибани, инсон фаолиятини ўрганиш жараё-нини қўшиб олиб борди. Ўйғониш даври буюк олимларининг фалсафий меросини таҳдил қилиб, табиий ва ижтимоий фанларнинг янги йўналишларига асос солди. Ибн Сино илоҳиётга эътиқоди балаңд бўлиши билан бирга, у аниқ, дунёвий, фалсафа, логика фани асосчиларидан биридир.

Фуқаролик жамияти ривожланиши шароитида ёшларимизнинг Абу Али Ибн Сино фалсафий меросини, атроф-муҳит, флора ва фаунани асраш ҳақидаги бетакрор фикрларини, экологик қарашларини, инсон тарбияси, унинг жисмоний камолоти ҳақидаги фикрларини ўрганиши, миллий гоямизга, янги тараққиёт босқичидаги демократик ислоҳотларга мос равишда миллий ўзликни англашда, ёшларнинг маънавий дунёсининг шаклланиниши ва юксалишида муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамиятини ривожлантириш даврида миллий қадриятлар, бой маданий меросга асосланган миллий маънавиятнинг юксалишига алоҳида

зътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда таълим мазмунига ҳам миллий қадриятлар мазмунини сингдириш асосида ёш авлодни тарбиялаш таълим жараёнининг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Ушбу муаммолар орасида ёшларни глобаллашув даврининг энг муҳим масалаларидан бири – экологик ҳавфни бартараф этишда иштирок этишга имкон берувчи интегратив билимлар билан қуроллантириш алоҳида аҳамият касб этади.

Узлуксиз педагогик таълим жараёнида ёшларда интеграциялашган экологик маданиятни шакллантиришда Ўрта Осиё алломаларининг экологик гояларидан фойдаланиш бўйича уч муҳим ҳолат юзага келади:

1) Улар экологик гояларни ифода этувчи миллий қадрият-лар намуналари билан танишадилар;

2) Талабалар атроф-муҳит экологик ҳолатини яхшилашга масъулиятли бўлиш, табиатни асраб-авайлаш тўғрисидаги билим ва кўникмаларни ўзлаштирадилар;

3) Бўлажак иқтисодчиларда ер, сув ресурсларидан рационал фойдаланиш тўғрисидаги фундаментал билимлар мажмуаси шакланади.

Ёшларда экологик онг ва маданиятни юксалтиришда хулқатвор сифатларининг шаклланиши ва мустаҳкамланишида муҳим ўрин тутувчи имкониятларга, илмий манбаларга зътибор қаратиш лозим. Шу муносабат билан инсон экология-сининг можияти ва унинг аҳамиятини англашда Ўрта Осиё алломаларининг экологик қарашлари ижобий натижаларни беради. Ўрта Осиёлик буюк алломаларнинг экологик қарашларига асосланган назарий билимларни ҳосил қилиш уларда атроф-муҳитга, табиатга масъулиятли муносабатда бўлиш кўникмаларини тарбиялайди.

Ўрта Осиё алломаларининг экологияга оид фикрларини ёшлар онгига сингдириш орқали миллий гоянинг шаклланишига ҳам эришилади. Шунинг учун ҳам тадқиқотни олиб боришда зътибор танланган муаммонинг назарий жиҳатдан ишланганлик даражасини баҳолашга қаратилди. Ўрганиш натижаларининг кўрсатишича, ўтган асрнинг 70-йилларидан

бошлаб жаҳон миқёсида атроф-муҳит ва табиат ҳолати, ижтимоий-маиший тараққиётнинг экотизимга салбий таъсири, уларнинг олдини олиш ва юзага келган экологик хавфни бартараф этиш масаласи ўта долзарб муаммолардан бири сифатида кун тартибига қўйила бошланди. Шу боис бугунги кунга қадар бевосита инсон фаолияти, унинг ижтимоий, иқтисодий қирралари билан боғлиқ бўлган, жамиятда экологик барқарорликни таъминлаш, табиий ресурсларини асраш, атроф-муҳит мусаффолигини сақлаб қолиш йўлида фалсафа, биология, тиббиёт йўналишларида ижтимоий фан-лар, хусусан, ижтимоий фалсафий йўналишдаги гадқиқотлар олиб борилди ва ижобий патижаларга эришилди.

Ёшларда инсон экологиясининг мазмуни ҳақида тушунчаларни шакллантиришда мутафаккир Абу Али ибн Сино асарларининг аҳамияти катта. Аллома томонидан яратилган асарларнинг 80 дан ортиги табиат ва инсон муносабатлари масаласига багишланган. Улардаги асосий фикрлардан бири, инсон табиатнинг бир бўлаги, онгли мавжудот вакили сифатида, ундан фойдаланишга юксак масъулият, ҳурмат, оқилона ёndoашуви лозим.

Ташқи табиий муҳитнинг киши организмига кўрсатадиган таъсири, инсон саломатлигини сақлаш, парҳез, шахсий гигиена тўгрисидаги масалалар эса аллома томонидан яратилган “Тиб қонунлари” асарининг бош гоялари саналади. Алломанинг инсон танасида касалликларни келтириб чиқарувчи омиллардан бири сув, ер ва ҳавода мўътадилликнинг бузилиши билан боғлиқлиги, яшаш жойларининг торлиги, озода бўлмаслиги, юқумли (мохов, чечак, вабо иситмаси, йиринг, тошма ва бошқа юқимли) касалликларнинг тез тарқалиши учун қулай шароит яратиши, юқумли касалликларнинг аҳоли зич жойлашган жойларда ҳаво ва бошқа омиллар орқали юқишига доир ўйтлари бугунги кунда ҳам муҳим ижтимоий-тиббий аҳамиятга эгадир. Мутафаккирнинг “Агар ҳавода чанг ва губор бўлмаганида эди, инсон минг йил умр кўрган бўлар эди” деган машҳур ибораси эса ёшларда ҳавони ифлослантирмаслик,

атроф-мухитни озода сақлаш ва табиаттга зиён етказмаслик кўнинма ва малакаларига эга бўлишларига ёрдам беради. Атмосфера, тоза ҳавони ифлослантирмасликнинг амалий аҳамияти, ҳозирги кунларда одамлар орасида коронавирус касаллиги тарқалиши жараёнида ҳам ўз тасдигини яна бир марта топди. Олимнинг фикрича, инсон табиатдан, табиий ресурслардан моддий ҳаёт манбаларини ўзлаштирибгина қолмай, балки руҳий ва жисмоний қувват ҳам олади. Шунингдек, у айрим касалликларни даволашда табиий манбалар, хусусан, қум, тупроқ, сув ва ўсимликлардан самарали фойдаланиш зарурлигини уқтириб, қимматли тавсиялар беради.

Абу Али ибн Сино ўзининг “Тиб қонунлари” асарида бир қатор касалликларни даволаш йўлларини кўрсатибгина қолмай, балки жисмоний тарбиянинг саломатликни муҳофаза қилишдаги аҳамиятини ҳам асослаб берган.

Аллома ёшлар соғлигини сақлашнинг энг муҳим омиллари сифатида қўйидагиларни эътироф этган:

- 1) Бадантарбия;
- 2) Тўгри овқатланиш ва дам олиш;
- 3) Етарли ва самарали бўлган уйқу.

У бадантарбияни кишининг ёшига, саломатлигига ва касаллигига қараб, турли усулларда ўтказиш кераклигини таъкидлайди. Айниқса, болалик, ўсмирлик, йигитлик ва қарилик даврида киши жисмоний машғулотларга эҳтиёт-корлик билан муносабатда бўлиши керак. Мутафаккир Абу Али ибн Сино: “Жисмоний машқ кишини кетма-кет чўқур нафас олишига мажбур қиласиган ихтиёрий ҳаракат” эканли-гини қайд этган ҳолда, мунтазам равиша бадантарбия билан шугулланган кишига дард яқин йўламаслиги, табибга ҳам, дори-дармонга ҳам муҳтожлик сезмаслигини таъкидлайди.

Буюк аллома Абу Али ибн Сино жисмоний тарбиянинг турли кўринишлари ва улардан қандай фойдаланиш кераклигини ҳам илмий асослаган. Мутафаккир жисмоний машқларни қўйидаги гуруҳларга бўлади: “Кичиги ва каттаси, жуда кучли ва

кучиз, тез ва суст ёки тез ва шиддатли ҳаракатлардан иборат ёхуд суст тури". Аллома болаларнинг бадантарбия билан шугулланишлари учун қулай бўлган вақтларни ҳам тавсифлаган. Чунончи, бадантарбия учун баҳор фаслида тушга яқин вақт қулай бўлиб, машқ ўртacha ҳароратли уйда бажарилиши, ёзда эргалаб, қишида эса кечқурун жисмоний машқлар билан шугулланиш мақсадга мувофиқдир. Мутафаккирнинг фикрича, бадантарбия билан шугулланишда яна қуидаги шартларга ҳам риоя қилиш зарур: қишида уйни ўртacha ҳароратда иситиш, машқларни овқат ҳазм бўлгач амалга ошириш тиббий жиҳатдан тўгри саналади.

Аллома болалар томонидан бадантарбия бажарилаётганда қуидаги уч ҳолатга алоҳида эътибор бериш зарурлигини таъкидлайди:

**1. Терининг рангига** - агар у яхшилана борса, машқларни давом этгiriш мумкин, агар тер чиқа бошласа, ҳаракатни тўхтатиш лозим.

**2. Машқларнинг енгиллигига** - жисмоний машғулот давомида киши танаси енгил бўлиб турса, машқни давом эттириш мумкин.

**3. Аъзоларнинг ҳолатига** – агар уларнинг кўпчиши давом этса, машқни давом эттириш мумкин, агар кўрсатилган белгилар йўқола борса, машқни дарҳол тўхтатиш керак.<sup>1</sup>

Улуғ аллома Абу Али ибн Синонинг жисмоний тарбияни самарали ва узлуксиз ташкил этишга оид тавсиялари билан ёшлар, шу жумладан, бўлажак иқтисодчиларни таништириш ва уларда жисмоний фаоллик, жисмоний тарбия кўникмаларини шакллантириш уларнинг ҳар томонлама етук бўлишларига ёрдам беради.

Ўзбекистонда марказлашган давлатчиликнинг асосчиси, Соҳибқирон Амир Темур таълимотида мамлакат ижтимоий иқтисодий ривожланишига алоҳида эътибор берилган. Соҳибқирон вужудга келтирган марказлашган давлат ўзининг

<sup>1</sup> Сино Абу Али ибн. Тиб қонунлари. I жилдик сайланма /Тузувчилар: У.Каримов, Х.Хикматуллаев. - Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 1996. – 542 б.

иқтисоди, бошқарув тизимиға эга бўлган. Шу жумладан, мамлакатнинг сув, ер ресурсларининг аҳволи, улардан унумли фойдаланиш, келажак авлодларга уларнинг табиий ҳолатини бузилмасдан етказилишига эътибор берилган. Амир Темурнинг экологик қарашларини ўрганиш ҳозирги давр учун ҳам назарий, илмий ва амалий аҳамиятга эгадир. Унинг экологик қарашлари ёплар, талабаларда экологик маданиятни юксалтириш, экологик онгини ўстириш, айниқса, бўлажак иқтисодчилар экологик тарбиясида муҳим манба сифатида хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти қайд қилганидек, “чунки тенгсиз азму шижаот, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдирди, илму фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очди”<sup>2</sup>.

Мамлакатда истиқомат қилган фуқораларнинг асосий турмуш манбаи бўлган табиий ресурсларни ҳар томонлома муҳофаза қилиш давлатнинг ички сиёсатида алоҳида ўрин эгаллаган. Буюк давлат арбоби Амир Темур ёзадики, “хирожни экиндан олинган ҳосилга ва ернинг унумдорлигига қараб йигсинлар. Чунончи, доим, узлуксиз равишда кориз, булоқ ва дарё суви билан сугориладиган экин ерларни ҳисобга олсинлар ва ундей ерлардан олинган ҳосилдан икки ҳиссасини олий сарколик [салтанат хазинаси] учун олсинлар. Булардан ташқари, кузги, баҳорги, қишки ва ёзги дехқончиликдан олинган ҳосил раиятнинг ўзига бўлсин”<sup>3</sup>. Давлат ҳудудидаги экологик ҳолатга таъсир этувчи омиллардан бири - мавжуд ер, сув ресурсларини қўриқлаш, ундан унумли фойдаланиш бўлган. Шу мақсадда “ҳар шаҳар ва ердан олинадиган жон солиги, касб-хунардан олинадиган жон солиги, касб-хунардан ҳамда ўтлоқ ва

<sup>2</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т.; “Маънавият”, 2008, 44 - 45 бет.

<sup>1</sup> Темур тузуклари.Т.: F.Гулом номидаги наприёт- матбаа бирлашмаси, 1991, 98-99 б.

сувлоқдан олинадиган солиқни түплашда қадимдан келған тартиб-қоидага амал қылсылар”<sup>4</sup>, деб күрсатма берилган.

Қайд қилиш лозимки, Соҳибқирон Амир Темур давлатида, салтанат пойтахтида, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ва қишлоқларда аҳоли учун зарур бўлган ижтимоий турмуш шароити шакллантирилган, яъни экологик тизимнинг мунтазам барқарорлигига эришилган, ушбу жараён жойларда давлат бошқаруви тизимиға масъул бўлган мутасаддилар, жойлардаги ваколатли шахслар томонидан назорат қилинган. “Деҳқонлар ва раиятдан қайси бирининг деҳқончилик қилишга қурби етмай қолган бўлса, унга экин тикин учун зарур уруг ва асобоб тайёрлаб берилсин. Агар фуқародан бирининг уй иморати бузилиб, тузатишга қурби етмаса, керакли ускуна-ларни етказиб бериб, унга ёрдам берилсин.”<sup>5</sup> Мамлакатдаги мавжуд табиий ресурслардан фуқаролар манфаати учун хизмат қилишини таъминлаш, соҳибқирон Амир Темур салтанатидаги асосий экологик масалалар, вазифалар сирасига кирган. Буюк саркарда Амир Темур даври тарихи билан шуғулланган олим М. Иванин қайд қиласиди, Соҳибқирон вилоят, туман амирларини уч йил муддатга тайинлаган ва у шу даврда ҳудуднинг ижтимоий аҳволи, ободончилиги яхшиланса, унинг бошқарув муддати яна узайтирилган.<sup>6</sup>

Соҳибқирон Амир Темур ўзининг “Темур тузуклари” да таъкидлайди, “ҳар ернинг табиати, ҳар эл ва шаҳарнинг расму одатлари, мижозидан воқиф бўлиб турдим. Ҳар бир мамлакатнинг аҳволини, сипоҳу-раият кайфиятини, туриш-турмушларини, қилмиш-қидирмишларини, булар ўрталари-даги алоқаларни ёзиб, менга билдириб туриши учун диёнатли, тўғри қаламли кишиларни воқеанавислар (ахборотнавис-хабарчилар) белгиладим.”<sup>7</sup> Аҳоли турмуши учун зарур бўлган, мавжуд табиий ресурслардан фойдаланишда жамият аъзолари

<sup>4</sup> Уша асар, 99 -бет.

<sup>5</sup> Уша асар, 67 бет.

<sup>6</sup> Қаранг. Иванин М. Состояние военного искусства у среднеазиатских народов при Тамерлане. В книге “Тамерлан: Эпоха. Личность. Деяния”, М.: «Гураш», 2002- 434 с.

<sup>7</sup> Темур тузуклари. Т.: F. Гулом номидаги нашриёт- матбаа бирлашмаси, 1991, 55-56 б.

учун қулай имкониятлар вүжудга келтириш мақсадида “дарёлар устига күпrikлар қурилган”.<sup>8</sup> Соҳибқирон ҳузурига келган Испаниялик элчи Г. Клавихо үзининг “Буюк Темур тарихи” китобида мамлакат экологияси ҳақида қимматли фикрлар қолдирган. Муллиф қайд қиласиди, биз август ойининг охирида Кеш шахрига етиб келдик. Шаҳар кенг текислиқда жойлашган бўлиб, уни сугориш каналлари ва ариқлар кесиб ўтган. Шаҳарни кўплаб боғлар ўраб турарди. Сугориладиган ерларда буғдой, узум, пахта, қовун ва мевали дараҳтлар ўсган эди. Элчи, шунингдек, Оқсарой ва унинг атрофини тасвирлаганилиги эътиборга лойикдир. У қайд қиласиди, саройнинг олдида жуда күп мевали ва соя берувчи дараҳтлар экилган, саройда кўплаб ҳовузлар, фавворалар мавжуд бўлган.<sup>9</sup>

Салтанат пойтахти Самарқанднинг ўша даврдаги ободончилиги, экологик ҳолати ҳақида испания элчиси муҳим маълумотлар берган. Элчи Самарқандга келганида, давлат раҳбарининг вакиллари уни дастлаб Самарқанд яқинидаги Гул боғда қабул қилишган. Элчи ёзадики, биз пойтахтга етиб келганимизда, атрофи деворлар билан ўралган боғга таклиф қилишди. Боғда жуда кўплаб мевали дараҳтлар бўлиб, уларнинг ичида, цитрус ўсимликлар, лимонлар экилган эди, шунингдек, олтита ҳовуз қурилган, боғнинг ўртасида катта ариқ мавжуд бўлиб, боғни кесиб ўтган. Боғда Амир Темурнинг буйруғига биноан олиб келинган кийиклар, қирғовуллар сайд қилиб юради. Боғнинг ёнида атрофи деворлар билан ўралган катта узумзор яратилган эди.<sup>10</sup> Испания элчиси ўз хотираларида Буюк Амир Темур томонидан Боги Чинор, Боги Нав, Боги Дилкушода қабул маросимлари ўtkазилганилигини ҳамда ушбу боғларнинг тузилиши ҳақида қимматли маълумотлар берган. Элчи Г.Клавихонинг берган маълумотига кўра, ушбу боғларнинг олдида кенг майдонлар мавжуд бўлган, дарё ва канал оқиб

<sup>8</sup> Ўша ерда, 58 бет.

<sup>9</sup> Қаранг. Клавихо Г. История Великого Тимура. В книге “Тамерлан: Эпоха. Личность. Деяния», М.; Гураш», 2002, с.300.

<sup>10</sup> Қаранг. Клавихо Г. История Великого Тимура. В книге “Тамерлан: Эпоха. Личность. Деяния», М.; «Гураш», 2002, с.305.

үтган.<sup>11</sup> Г. Клавихонинг бевосита Самарқанд шаҳри, унинг ободончилиги, умумий экологик ҳолати ҳақидағи фикрлари ҳам бизнинг давримиз учун мұхимдир. Самарқанд шаҳри текисликда жойлашған. Шаҳар боғлар ва узумзорлар билан үралған. Боғлар ва узумзорлар орасыда аҳоли яшайдиган үйлар, күчалар, майдонлар мавжуддир. Шаҳар атрофи каналлар билан үралған, далаларда пахта, қовун, анжир, бұгдой етиштирилади.<sup>12</sup> Соҳибқирон Амир Темур давлати пойтахти ва унинг атрофидаги экологик ҳолат ҳақида Г. Клавихо шундай ёзади: бу ер бұгдой, вино, гүштга, мевалар ва құшлар, құйларға жуда бойдир. Құйлари жуда каттадир, уларнинг дүмбаси оғирлиги йигирма фунт келади ва уни бир одам құтара олмайди. Шуниси мұхимки бу құйлар жуда арzon бўлған. Бу диёрда гуруч жуда мұл, бұгдой арzonдир.<sup>13</sup> Ўша даврда яшаган араб олимининг қолдирған маълумотларига қараганда, Соҳибқирон Амир Темур “Самарқандда кўпдан кўп бўстонлар барпо қилиб, баланд ва мустаҳкам қасрлар бунёд этди. Уларнинг ҳар қайсиси гаробатли тартибда, кўркам ва ажиб сувратда эди. Бўстонлар асосини мустаҳкам қилиб, фаҳоматли мевали кўчатлар билан уларни безади. Улардан бирини Эрам боги, иккинчисини Дунё зийнати, яна бошқасини Фирдавс жаннати, унисини Шимол боги, бунишини Олий жаннат деб атади.”<sup>14</sup> Бундай ободончилик ишлари халқ мафаатларига хизмат қилған. “Амир Темур бирор томонга отланиб, Самарқанд, (унинг) қўшинларию ёрдамчиларидан холи бўлиб, ўша бўстонлар бўшаб қолса, шаҳар аҳлидан бадавлату мискинлар у (бўстон)ларга қараб йўл олардилар. Чунки бу боғлардан кўра роҳатланишга мувофиқ ва осойишиштароқ жой йўқ эди. Боглардаги ширин, мазали мевалар эса барчага баравар (текин) эди”.<sup>15</sup>

<sup>11</sup> Ўша асар, 313 бет.

<sup>12</sup> Қаранг. Клавихо Г. История Великого Тимура. В книге “Тамерлан: Эпоха. Личность. Деяния”, М.; «Гураш», 2002, с.335.

<sup>13</sup> Қаранг. Ўша асар, 336 бет.

<sup>14</sup> Уватов У. Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида. Т.: “Шарқ”, 1997, 57 бет.

<sup>15</sup> Ўша ерда, 58 бет.

Мовароуннахр жанубидаги экологик вазиятдан, шу жумладан, ҳайвонот дунёсининг бойлиги ҳақида соҳибқирон Амир Темурнинг ўзи шундай ёзади, биз Хоразм томонга бораётаб, Аму дарё бўйларида ўз аскарларимиз билан бир ой тўхтадик ва озиқ-овқатимизни овлаш ҳисобига ҳал қилдик.<sup>16</sup> Амир Темур давлати ҳақида муҳим маълумотлар қолдирган араб Ибн Арабшоҳнинг маълумотига кўра, ўша даврда Хоразмнинг нози неъматлари битмас туганмас, табиий бойликлари беҳисоб бўлган.<sup>17</sup> Мамлакатимиз худудларида Ўрта асрдаги экологик хилмаҳиллик, унинг бой ҳайвонот дунёси ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган. Буюк саркарда шарқий Мовароуннахрдаги ҳарбий юришлардан бирида мен йўлбарсни учратдим ва уни ёйда отилган ўқ билан ўлдирдим ва шу ерда тўхтаган вақтимизда аскарларни ов қилиш билан озиқлантирилдик деб қайд қиласди.<sup>18</sup> Экологик масалаларнинг, инсон ҳаёти бутлиги, хавфсизлиги давлат раҳбари эътиборида бўлганлигини яна шундан билиш мумкинки, Амир Темур таржимаи ҳолида алоҳида, менинг олдимдаги вазифалардан бири ушбу ҳудудни гулзорларга айлантиришдан иборат эди деб ёзади.<sup>19</sup>

Буюк ҳукмдор Амир Темур билан шахсан учрашган, сухбат қилган машҳур араб олими Ибн Халдун Соҳибқирон фанларнинг ижтимоий экологик зарурлигини қадрлаганлиги, айниқса, амалий аҳамиятга эга бўлган тиббиёт, астрономия, математикага алоҳида эътибор берганлиги ҳақида маълумот беради.<sup>20</sup> Шунингдек Амир Темур мен ўз ҳузуримга табиблар, мунажжимлар ва муҳандисларни мунтазам суратда таклиф қиласди, чунки “улар салтанат корхонасига ривож

<sup>16</sup> Қаранг. Автобиография Тамерлана. В книге “Тамерлан: Эпоха. Личность. Деяния”, М.; «Гураш», 2002, с.83.

<sup>17</sup> Уватов У. Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида. Т.: “Шарқ”, 1997, 36 бет.

<sup>18</sup>, Қаранг. Автобиография Тамерлана. В книге “Тамерлан: Эпоха. Личность. Деяния”, М.; «Гураш», 2002, с. 86.

<sup>19</sup> Қаранг. Автобиография Тамерлана. В книге “Тамерлан: Эпоха. Личность. Деяния”, М.; «Гураш», 2002, с.51.

<sup>20</sup> Қаранг. Якубовский А. А. Темур. В книге “Тамерлан: Эпоха. Личность. Деяния”, М.; «Гураш», 2002, с.43.

бөрүүчиләрдир. Уларни ўз атрофимга түпладым җакимлар ва табиблар билан иттифоқда беморларни даволар эдим. Мұнажжимлардан сайёralар [кавокиб]нинг қутлуғ ва қутсиз күнлари, уларнинг ҳаракати ва осмонда айланишини аниқлаб олардим. Мұхандислар билан иттифоқда олий иморатлар барпо этиб, боғу бўстонларнинг лойиҳа тарҳини чиздирдим.”<sup>21</sup> Тарихчи А. Якубовский Амир Темур чорвачилик, шаҳар турмуш тарзи ва деҳқончилик сир-асрорларини яхши билар эди, деб ёзади.<sup>22</sup> Соҳибқирон Амир Темур таълимотида экологияга оид назарий, амалий гоялар, муаммолар ёхуд ушбу масалалар ечимлари “Гемур тузуклари”да баён қилинган. “Амир қылдимки, тўрт вазир ҳар куни девонхонада ҳозир бўлсинлар. Биринчи – мамлакат ва раият вазири. Бу вазир мамлакатдаги мұхим ишларни, кундалик муаммоларни, раият аҳволини, вилоятлардан олинган ҳосил, солиқ ўлпонлар, уларни тақсимлаш, кирим чиқимларни, [мамлакат] ободон-лигини, [аҳолининг] фаровоналиги ишларини ва хазинани қандай қилиб тартибиға келтираётганлигини менга билдириб турсин.”<sup>23</sup>

Буюк давлат арбоби Амир Темур таъкидлайдики, “кимки бирон саҳрони обод қылса ёки кориз курса ё бирон боғ кўкартиrsa, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қылса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили эса [солиқ] қонун қоидасига мувофиқ хирож йифасин”.<sup>24</sup> Соҳибқирон амрига биноан ободонлаштириш, ерларнинг умумий экологик ҳолатига эътибор берилган, “хароб бўлиб ётган ерлар эгасиз бўлса, холиса [давлат даромадлари ва ерлари билан шугулланувчи олий мансабдорлардан иборат ҳайъат] тарафидан обод қилинсин. Агар эгаси бўлсаю [лекин] обод қилишга курби етмаса, унга турли асбоблар ва керакли нарсалар берсинлар, токи ўз ерини обод қилиб олсин. Мен ариқларни

<sup>21</sup> Темур тузуклари. Т.: Г.Фулом номидаги нашриёт матбаа бирлашмаси, 1991, 66 б.

<sup>22</sup> Қаранг. Якубовский А. А. Темур. В книге “Тамерлан: Эпоха. Личность. Деяния”, М.; «Гураш», 2002, с.22,43.

<sup>23</sup> Темур тузуклари. Т.: Г.Фулом номидаги нашриёт -матбаа бир-си, Т.:1991.,856.

<sup>24</sup> Темур тузуклари. Т.: Г.Фулом номидаги нашриёт -матбаа бир-си, Т.:1991.,996.

тозалашни, дарёларга күпrikлар қуришни, ораси бир күнлик йўл бўлган аҳоли яшаш жойларига карvonсаройлар қуриш ҳақида тошириқ бердим. Ҳар бир қиплоқда масжид, мадраса ва хонақоҳлар бино қилсинлар, фақиру мискинларга лангархона солсинлар, касаллар учун шифохона қурдирсинглар ва уларда ишлаш учун табиблар тайинласинглар".<sup>25</sup>

Соҳибқирон Амир Темур давлатида боғлар яратилишига, теварак-атрофнинг гўзаллиги, фуқораларнинг дехқончилик маҳсулотларини етказишлари, парваришлари учун шароит яратилган. Буюук Амир Темур Самарқанд атрофида ажойиб боғлар - Боги чинор, Боги Дилкушо, Боги Беҳшит, Боги Баланд ва бошқа боғларни вужудга келтирган.<sup>26</sup> Давлат раҳбари Амир Темур Самарқандда нафақат ижтимоий аҳамиятга эга бўлган машҳур архитектура ансамбларини қурдирган, балки фуқоралар учун зарур бўлган бозорлар, маҳаллаларда расталар вужудга келтирган<sup>27</sup>. Аҳолининг турмуши учун зарур бўлган дехқончилик, сабзавот, полиз экинлари, мева етиштиришга алоҳида эътибор берилган. Экологик мувозанатни сақланишда муҳим омил ҳисобланган сув ресурсларидан унумли фойдаланишга умумдавлат вазифаси сифатида қаралган. Таъкидлаш лозимки, ушбу мақсадда Тошкент, Оҳангарон туманлари атрофида Сирдарёдан каналлар қазилган.<sup>28</sup> Урта аср тарихий манбаларининг маълумотларига кўра, ҳайвонот, ўсимлик дунёсининг қўриқ-ланиши, улардан унумли фойдаланиш чоралари кўрилган. Маълумки экологик масалалар ечими, табиий ресурсларнинг сақланишига нафақат Маворунаҳрда, балки Амир Темур давлати таркибидағи бошқа ҳудудларда ҳам экологик шарт-шароитлар яратилиши ҳақида ғамхўрлик қилинганд. Марказий Осиё, шу жумладан Амир Темур давлати тарихига оид асаллар ёзган олим В.

<sup>25</sup> Қаранг. Ўша асар, 99- бет.

<sup>26</sup> Қаранг. Якубовский А. А. Темур. В книге "Тамерлан: Эпоха. Личность. Деяния", М.; «Гураш», 2002, с.45.

<sup>27</sup> Ўта асар, 45 -бет.

<sup>28</sup> Муминов И. Роль и место Амира Тимура в истории Средней Азии. В книге "Тамерлан: Эпоха. Личность. Деяния", М.; «Гураш», 2002, с. 535.

Бартольд ўзининг “Темур подшолиги” рисоласида шундай ёзади, Амир Темур буюк қурилишлар ва ажойиб боғлар яратди, унинг даврида шаҳарлар ва қишлоқлар тикланди, сугориш иншоотлари вужудга келтирилди, Хурсонда, шу жумладан, Қобул атрофидаги, Муғон чўлларида катта ҳажмдаги сугориш иншоотлари қурилган.<sup>29</sup>

Машҳур олим Гиёсидин Алиниңг фикрича, Амир Темур Қобулда бўлганида Бодом деб номланган канал бўйида тўхтаган, кунларни шу ерда ўтказган. Ушбу канал Соҳибқирон Амир Темурнинг раҳномалигида, саъии ҳаракатлари билан қурилган. Ўша даврда бундай катта сув иншооти ҳеч ким томонидан бунёд этилмаган.<sup>30</sup> Амир Темур давлат хизматчиларига берган кўрсатмаларида, алоҳида белгилаб қўйганки, улар “дехқонлар ва экин майдонларига ишлов берувчиларни (мўзорион) кўнглини хушнуд этиб, ўзларига қаратсинлар”.<sup>31</sup>

Соҳибқирон Амир Темур таклифига биноан, сугориладиган ерларни ўзлаштириш ёхуд улардан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор берилган. Амир Темур таклифига биноан ҳудудлараро алоқалар, шу жумладан, экологик муносабатларнинг уйгунашувида муҳим омиллардан бири бўлган Сирдарё ва Амударёга кўприклар қурилган. Ўрта асрдаги иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан, бўлажак авлодларга қиппелоқ хўжалик экинларининг сара урувлари қолдирилган.

Соҳибқирон Амир Темурнининг бевосита топшириги билан ёзилган, моҳир ёзувчи Низомиддин Шомийнинг қаламига мансуб “Зафарнома” асарида ўша даврда давлат раҳбарининг бевосита раҳномалигида экологияга оид ишлар ҳақида маълумотлар берилган ва ушбу соҳа ҳам “давлат тузими билан қувватлантирилган, чунки унда инсонлар учун катта хавф ва фойдалар бордир.”<sup>32</sup> Салтанат ҳудудидаги боғлар, экинларни

<sup>29</sup> Бартольд В. Царствование Тимура. В книге “Тамерлан: Эпоха. Личность. Деяния”, М.; «Гурав», 2002, с. 488-489.

<sup>30</sup> Гийасиддин Али. Дневник похода Тимура в Индию. В книге “Тамерлан: Эпоха. Личность. Деяния”, М.; «Гурав», 2002, с. 293.

<sup>31</sup> Темур тузуклари. Т.: F.Гулом номидаги нашриёт -матбаа бир-си, Т.:1991.,96 б.

<sup>32</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома. Т.: “Ўзбекистон”,1996,17 бет.

шарваришилашда асосий роль ўйнаган “дәжқонларни мұхофаза этишда қонунларга риоя қилиб, адолат расмини бажо келтирилган”<sup>33</sup>

Машхұр олим Низомиддин Шомий ёзадики, салтанатда инсон саломатлигини ҳимоялаш, турлы касалликларни даволашга эътибор берилған, зарур ҳолларда аскарлар, саркардалар орасыда “етүк даражада муолажаларга киришилған ва касалликни даф этиш ҳамда бемор табиатини құвватлантиришнинг барча нозик шарт-шароитларини тугал бажо келтирғанлар.”<sup>34</sup>

Демак, Соҳибқирон Амир Темурнинг бой тарихий, илмий, маданий меросини ўрганиш унинг асарларида экологияга оид қарашларнинг ҳам ёритилғанлығидан далолат беради. Амир Темурнинг экологияга мансуб фикрлари, ғоялари ўз моҳиятига күра табиатнинг инсоният ҳәтидаги ўрни, ижтимоий муносабатларни ташкил этишдеги аҳамияти, инсоннинг экологияга, атроф-мухитта муносабати, мұхим географик объектлар, уларнинг хусусиятлари, экотизим үнсурларининг үзаро узвий боғлиқлиги, табиат ҳодисалари, атроф-мухиттнинг улар яшаб ўтган даврлардаги ҳолати ва бошқа масалалардан таркиб топған бўлиб, асрлар давомида авлодлар учун мұхим йўриқнома сифатида хизмат қилиб келмоқда.

Биринчидан, фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида инсон омилини ошириш учун зарур бўлган, экологик маданиятнинг фалсафий тарихий илдизларини фанлараро илмий ҳамкорликда чуқур ўрганиш мұхимдир;

Иккинчидан, Ўрта Осиёлик мутафаккирларининг, шу жумладан, буюк Соҳибқирон Амир Темур таълимотининг экологияга оид жиҳатларини ўрганишни давом эттириш, унинг амалий, назарий жиҳатларига эътибор қаратиш;

Учинчидан, Соҳибқирон Амир Темурнинг экологик қарашларини хорижий мамлакатлар илмий марказларидаги мавжуд фалсафий, тарихий йұналишдеги манбаларни ўрганиш асосыда таҳлил қилиш, илмий конференциялар ўтказиш, инсон

<sup>33</sup> Ўша асар, 20 бет.

<sup>34</sup> Ўша асар, 168 бет.

экологиясига оид янги материалларни китоб, журнал мақолалари сифатида чоп қилиш;

Тўртингидан, Темурйлар даврида яшаган олимлар, файласуфларнинг экологик қарашлари бўйича илмий изланишлар ўтказиш ва натижаларини чоп қилиш;

Бешинчидан, Амир Темур ва Темурйлар давлати ҳудудида олиб борилган экологик тадбирларнинг мазмuni, моҳияти, мақсади ва аҳамиятига доир илмий изланишни кафедраларда олиб борилаётган, режалаштирилаётган илмий лойиҳалар мавзусига киритиш, тадқиқот хулосаларидан ўкув жараёнида фойдаланиш;

Олтинчидан, Темурйлар давлати давридаги экологик сиёсатнинг асосий жиҳатларини, Соҳибқирон ҳақида тайёрланётган, монографиялар, илмий тўпламларда, ҳужжатли, ўкув фильмлари тайёрлашда фойдаланиш;

Еттингидан, соҳибқирон Амир Темурнинг экологик қарашларига доир материаллардан талабалар орасида олиб борилаётган маънавий маърифий, ахлоқий тарбия йўналишидаги тадбирларни ўтказища ижодий фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

## 1.2. Инсон экологиясининг ҳуқуқий ва фалсафий асослари

Глоболлашув жараёни жамиятнинг барча жабҳаларига ўз таъсирини ўтказмоқда. Бундай ижтимоий ва иқтисодий шароитда инсон, шахс тарбиясига алоҳида эътибор бериш, унинг илмий асослари тадқиқини кучайтириш, бевосита ислоҳотлар ривожи ҳамда ижобий натижаларга эришиши билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида ҳар бир инсоннинг атроф-муҳитни саклашга жавобгар эканлиги белгилаб қўйилган.<sup>35</sup>

<sup>35</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, Ўзбекистон. 2018 йил, 50-модда.

Демократик ислоҳотлар даврида Ўзбекистонда экологияга оида қатор янги қонунар қабул қилинди. Жумладан, “Барқарор интеграллашган сув таъминоти концепцияси”, “Суғоришни ривожлантиришнинг 2000–2005 йилларга мўлжалланган муроҷаати”, “2010 йилгача мўлжалланган электр ишлаб чиқариш дастури”, “Энергетика самарадорлиги дастури”, “2008–2012 йилларга мўлжалланган табиатни муҳофаза қилиш дастури”, “2000–2010 йилларга мўлжалланган қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш давлат дастури”, “Суғориш ва дренаж тизимини ривожлантириш стратегияси”, “2008–2010 йилларга мўлжалланган фаровонликни ошириш стратегияси” ва бошқалар<sup>36</sup>.

“Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги” 1992 йилда қабул қилинган қонунга, 10 та қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилдаги Табиий атроф-муҳитни ифлослантириш ва чиқиндиларни жойлаштириш учун тўловлар тизимини такомиллантириш тўғрисидаги қарорида атроф-муҳитни ифлослаш ва чиқинди учун тўланадиган товон миқдори белгиланади. 1993 йилдаги Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида Қонун 2004 йилда, жумладан, қонунни Биохилмажиллик, Рамсар<sup>1</sup> ва Бонн 2 конвенцияларига мос келтирган “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонун” билан алмаштирилди. Унда муҳофаза қилинган табиий ҳудудларнинг етти тоифаси белгилаб берилган ва ҳар бирида рухсат этилган фаолият турлари батафсил таърифланади. Биринчидан, Сувда сузувчи қупиларнинг яшаш муҳити сифатида халқаро аҳамиятта эга бўлган сув-ботқоқ муҳитлари тўғрисидаги (Рамсар) конвенцияси. Иккинчидан, Ёввойи ҳайвонларнинг кўчманчи турларини сақлаш бўйича конвенция.

Ўзбекистон 2002 йилда 1994 йилдаги “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Қонун янги таҳрирда қабул қилди. Бу Қонунда атроф-муҳит учун муҳим қоидалар талайгина. Масалан, қазиб

<sup>36</sup> Атроф-муҳит ҳолатининг шархи. БМТ. Женева, Нью Йорк, 2010, Бет. 24.

олин саноати атроф-мухитни мұхофаза қилиши ва шикастланған ер ва бошқа табиий жойларни тиклаши зарур; фаолияти лицензияланған бўлиши ва экологик экспертизадан ўтиши шарт; чиқинди билан ишлап ва чиқиндини чиқариб ташлаш жараёнларига амал қилиш шарт. Ушбу янги Қонунда биринчи марта чиқинди корхонага тегишли эканлиги ва корхона атроф-мухитга кўрсатилган таъсир ва рекультивация учун тўла жавобгар эканлиги таъкидланади. 1997 йилдаги “Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида”ги Қонун охирги марта 2007 йил 26 сентябрь куни ўзгартирилди. Қонунда бир қатор чоралар, жумладан, стандарт ва кўрсаткичлар киритиш, энергия самарадорлиги назоратини олиб бориш, энергия жиҳатидан самарали жараёнларни ривожлантириш ва энергия жиҳатидан самарадор маҳсулот ишлаб чиқариш ва юқори самарали лойиҳаларни намойиш қилиш зоналарини барпо этиш орқали энергиядан оқилона фойдаланишни жорий этишга ҳаракат қилинди. 2002-йилдаги “Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонунда эмиссия ва ҳаво ва сув ифлосланишидан ташқари, чиқиндини чиқариш ва қайта ишлаш масалалари кўриб чиқилади, инспекция ўтказиш, мувофиқлаштириш, чиқиндини қайта ишлашга рухсат этила-диган жойларга нисбатан экологик экспертиза ўтказиш белгиланди. Қонунда фуқароларнинг хавфсиз ва соглом атроф-мухитга, лойиҳалар мұхокамасида қатнашишга, ҳаёти, соғалиғи ва мулкига етказилган зарар қопланишига ҳақлари борлиги таъкидланади. Мамалакат ичida ёки халқаро ташиладиган хавфли юк экологик сертификатлашдан ўтиши ва маҳсус транспорт воситалари ёрдамида ташилиши шарт. Ҳар қандай радиоактив чиқиндини сақлаш ёки күмиш мақсадида олиб кириш қатъяян тақиқланади. Гарчи қонунда айтилмаган бўлса-да, чиқинди миқдорини камайтирадиган ёки уни қайта ишлайдиган технологиялар киритаётган шахс ва корхоналарга маҳсус имтиёзлар берилди. Корхоналар чиқиндилар учун жавобгардир, аммо чиқиндини қайта ишласалар, уларга давлат бюджетидан, Табиатни

муҳофаза қилиш миллий жамгарма-сидан ёки ихтиёрий тұловлар ҳисобидан ёрдам күрсатилиши мүмкін<sup>37</sup>.

Инсон экологияси мазмуну, моһияти ҳақидағи дастлабки ғоялар зардыштыйлық динининг мұқаддас китоби «Авесто»да ҳам үз аксини топған. Унда инсон фаолиятининг тұртта Ыұналиши, яғни одамларнинг жамиятдаги ижтимоий фаолиги, инсон ҳұқуқларининг устуворлиги, хусусий мұлк ҳамда инсонларнинг жамият ва давлат бошқарувидағи фаол иштирок этиши алохіда ажратиб күрсатилади. «Авесто»да илк жамоавийликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, инсонларнинг жамоа бўлиб яшаш турмуш тарзи, уларнинг ижтимоий муносабатлари, жамоа ижтимоий, иқтисодий ҳаётига доир масалаларни, ер ва сувдан оқилона фойдаланиш-ни биргаликда ҳал этиш, давлат ва жамият ўртасидаги үзаро муносабатлар тилга олинган.<sup>38</sup>

Мамлакатимиз қадимги дунёсида шаклланған қабилаларнинг үзаро иттифоқи эса дахиюни вужудға келтирған. Инсонларнинг бу шаклдаги жамоавийлиги, үз навбатида, қадимги дунё одамларининг табиии ресурслардан фойдаланишидаги муайян мувозанат, ижтимоий алоқаларда, инсонлар орасидаги муносабатларда тенглик, бағрикенглик, адолат принциплари-ни шакллантирган. «Авесто»да илгари сурилган мұхим фикр, яғни илк жамоавийликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичларининг қайд этилиши, инсон ҳаёти учун зарур бўлган ер, сувдан, флора ва фаунадан самарали фойдаланишнинг инсонлар учун маъқул усулларини топиш имкониятини берган.<sup>39</sup>

Шунингдек, Милоддан аввалги III асрдан то Милодий V аср бошларигача қадимги Парканы (Фарғона) давлатида ҳам инсон экологиясининг жамиятдаги ўрнига алохіда аҳамият берилген. Инсонлар орасидаги ижтимоий муносабатлар, жум-ладан,

<sup>37</sup> Атроф-мұхит ҳолатининг шархи. БМТ. Женева, Нью Йорк, 2010, Бет. 25-28.

<sup>38</sup> Словарь философских терминов. Научная редакция профессора В.Г. Кузнецова. М., ИНФРА-М, 2007, с. 2-3.

<sup>39</sup> Авеста (Зенд-Авеста), книга. <http://rushist.com/index.php/ancient-east/2512-avesta-zend-avesta-kniga>

муайян ҳудудда табиий ресурслардан, жумладан, ер ва сувдан оқилона фойдаланишга, мулкн шаклланиши ва унинг инсонлар ҳаётидаги ўрнига эътибор берилган.

Бу даврда жамоаларнинг манфаатлари биринчи ўринга қўйилиб ва улар маҳаллий аҳамиятга, ердан, сувдан фойдаланишга оид масалаларни ҳал этган. Шу сабабли инсон экологиясига оид масалалар ўтмишдаги Шарқ мутафаккир – олимлари, давлат ва жамоат арбобларининг ҳам эътиборидан четда қолмаган.

Таъкидлаш лозимки, ватандош мутафаккирлар Мұхаммад Мусо ал-Хоразмий, Мұхаммад ал-Фаргоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Абу Жаъфар Наршахий, Маҳмуд Кошгари, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Мұхаммад Бобур каби буюк алломалар асарларида адолатли жамият ва инсоннинг қадр-қиммати улуғланиши билан бир қаторда, жамоа бўлиб яшаш тарзи, унинг жамият ҳаётидаги ўрни, жамоа томонидан амалга ошириладиган вазифа ва ваколатлар тўғрисида қўпроқ фикр-мулоҳазаларни учратиш мумкин.

Бу фикрлар ҳамма вақт ҳам инсониятнинг эътиборини ўзига жалб қилиб келган ва унинг жамиятдаги ўз ўрнини белгилаб олишида муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Жумладан, инсонлар орасидаги муносабатларда, ҳар бир кишининг турмушида муҳим ўрин эгаллайдиган, савдо-хунармандчиллик ишларини тасдиқлайдиган «маҳалла» терминини биринчи марта ватанимиз ҳудудида уйгониш даврида ижод қилиб, бетакрор асарлар қолдирган мутафаккир Маҳмуд Кошгариининг «Девону луготит турк» асарида асослаб берилган<sup>40</sup>. Бу даврда ушбу ижтимоий тузилманинг асосий мақсади, вазифаси аҳолининг турмуш фаолиятини, инсон талабларига мувофиқ, ижтимоий-ҳудудий жиҳатдан ташкил этишни ташкил қиласган. Шунингдек, жамоатчилик манбаатларини ҳимоялаш ташкилотларининг мавжудлиги, фаолияти ва уларнинг ваколатлари ҳақида аллома Юсуф Хос

<sup>40</sup> Маҳмуд Кошгари. Девону Луготит Турк. Том 1. Ташкент, 1960. - 499 с.

Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида ҳам ифодаланган. Алломанинг асарида эзгулик жамияти ва унга эришип йўлларини кўрсатиб ўтилади. Унинг фикрича, инсонда тўрт қолат, яъни «абадий тириклик» – бу инсон руҳининг мумтоз бир руҳта айланиши (комиллашиши); «абадий ёшлиқ» – кўнгилнинг ҳамиша сир-асрор учун уйғоқ туриши; «доимий соғлиқ» – инсоннинг ҳамишпа барча масалада ўз фикрига, қарашига эга бўлиши; «туганмас бойлик» – чексиз бир маънавиятга эга бўлиш мужассамланади<sup>41</sup>.

Мамлакатимизда яшаган таниқли мутафаккирларидан бири Абу Жаъфар Наршахий IX - асрда ёзган «Бухоро тарихи» асарида эса, Бухорода бундан 1100 йил илгари 19 та катта-катта маҳаллалар мавжуд бўлганлиги, бу маҳаллалар узини ўзи идора қилиб, ўз ваколатларига эга бўлганлиги, бу Қадимги Шарқ мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистон ҳудудида шужудга келган илк давлатлар ва уларнинг бошқарув фаолиятида ҳам ёрқин ифодасини топганлигини таъкидлаб ўтган. Олим ўз асарида «Куйи Ало», «Куйи бикор», «Куйи риндон», «Самарқанд дарвоза», «Фахсадара дарвоза», «Гардун Кашон», «Дарвозайн Мансур», «Куйи деҳқон», «Куйи Муқон», «Куйи Коҳ» каби ўндан ортиқ маҳаллалар бўлганлигини ва улар ҳудудлардаги муаммоларни ҳал қилиш ваколатларига эга бўлганлигини қайд қилиб ўтган. Бу борада Л. Левитин таъкидлаганидек, «Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида бўлган шаҳарлардаги маҳаллаларнинг айрим мавзелари ўша шайтлардаёқ шу қадар катта эдиларки, уларни шаҳарнинг мустақил қисми сифатида кўриб чиқиш мумкинdir. Маҳаллага обрўли шахслар – умумий йиғилишда сайланадиган шайх ёхуд юзбоши раҳбарлик қилар эди. Ҳар бир маҳалла ўзининг қўкаламзор ҳудудида масжид ва чойхона жойлашган жамоатчилик марказига эга бўлган. Маҳалладагилар ҳар хил

<sup>41</sup> Юсуф Ҳос Ҳожиб «Қутадғу билиг» <https://ziyouz.uz/ozbek-sheriyati/ozbek-mumtoz-sheriyati/yusuf-hos-hojib/>

турдати жамоат ишлари ўтказиш учун зарур бўлган умумий атбоб анжомларга эга бўлишган».<sup>42</sup>

Таъкидлаш лозимки, бу даврда маҳаллалар ободонлаптириш, ҳашарлар уюшириш, ҳудуддаги турли маънавий-маърифий тадбирларни ўтказиш ва шу каби ваколатларга эга бўлган. Тарихий манбалар тасдиқлайдики, мамлакатимиз ҳудудида Х асрдаёқ «маҳалла» атамаси савдо-ҳунарманчилик касбларини белгиловчи атама сифатида учрайди. Бу даврларда маҳалла уч асосий йўналишпда ўз ваколатига эга бўлган. Хусусан, шаҳар ҳудудини ораста сақлаш, тегишли ҳудудда истиқомат қилувчи аҳоли жойи ҳамда маҳаллий аҳолининг турмуш тарзини тўтри ташкил этилишини таъминлаш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тадбирларни ўтказишда уларга раҳбарлик қилиш борасидаги вазифаларни бажарган.

Буюк аллома Абу Наср Форобий мамлакатимиз тарихида илк бор «давлат», «жамият», «бошқарув» сингари ижтимоий тушунчаларни фалсафий мазмуни ва инсон экологияси нуқтаи назаридан асослаган. Машҳур файласуф таъкидлаганки: «Ҳар бир инсон табиатдан шундай туғилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади аммо бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди. Уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бугун ҳолда, уларнинг ҳар бирiga яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон шахслари кўпайдилар ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар, натижада инсон жамоаси вужудга келди», деб эътироф этган.<sup>43</sup>

Шунингдек, файласуф фозил шаҳар (давлатни) ижтимоий уюшишнинг етук шакли, инсоният камолотга эришувининг зарурий воситаси, деб ҳисоблаб, дунёда ягона инсон жамоасини тузиш, унинг ижтимоий аҳамияти ҳақидаги ижобий

40. Абу Жаъфар Наршахий. «Бухоро тарихи»<sup>42</sup> <http://www.e-tarix.uz/milliyat-insholari/311-buxoro>

43 Абу Наср Форобий — Шарқнинг иккинчи муаллими. <https://ziyouz.uz/ilm-fan/falsaфа-abu-nasr-forobiy-sharqning-ikkinchi-muallimi/>

фикрларни илгари сурган. Мутафаккир ўзининг сиёсий ва ҳуқуқий қарашларида «фозил шаҳар», яъни маҳалла, давлат қурилиши муаммоларига эътиборини қаратганинги, буни жамоа бошқаруви деб бемалол атаса бўлишини, зотан, фозил шаҳар – давлат (демак, маҳалла ҳам) фозил жамоа, унда ишовчиларнинг табиатига мос бирлашма – уюшма бўлгандагина бошқарувнинг жамоа тизимиға эга бўлишини таъкидлайди.

Абу Райхон Беруний қаламига мансуб «Ҳиндистон» асарида жиддий илмий тадқиқотлар қилиш билан бирга, бу мамлакат тарихи, географияси этнографияси ҳақида бой маълумотларни ёзар экан, муҳим бир фикрини айтади: «Ҳар бир ҳалқнинг үдумлари кўп йиллар тажрибадан ўтган ўша ҳалқнинг яшаш тарзи, дунёқараши билан уйгуналашиб кетган». Бундан қуриниб турибдики, бу пайтда маҳаллалар аҳолининг яшаш тарзида вужудга келадиган барча маҳаллий аҳамиятга молик масалалар билан шугулланган. Шунингдек, Беруний кишилик жамияти, инсонлар уюшмасининг вужудга келиши таълимотини ёқлади. Унинг фикрича, инсонлар эҳтиёж туфайли бирга яшашга иштиёқ сезадилар. «Ҳамма гап шундаки, (инсон) эҳтиёжларининг кўплиги ва ҳимоя восита-ларидан маҳрум бўлганда чидамсизлиги ҳамда душманларнинг сероблиги орқасида, ўзаро қўллаб-қувватлаш ва ҳар бири ўзини ҳам бошқаларни ҳам таъминлайдиган ишни қилиш мақсадларида ўз ҳамтовоқлари билан жамият бўлиб бирлашишга мажбур бўлган эди».<sup>44</sup>

Буюк мутафаккир ва аллома, давлат арбоби Алишер Навоий ҳам ўз асарларида жамият ва инсон муносабатларининг этник ва эстетик, экологик муаммоларига эътиборини қаратган. Алишер Навоий ўзининг «Хайратул – аброр» асарида Ҳирот шаҳрини 100 та шаҳарчадан – маҳаллалардан ташкил топган гўзал жой, деб талқин қиласи. Маҳаллаларнинг ҳулуллари, ҳар бир маҳаллаларда фуқароларнинг ҳаёт

<sup>44</sup> Абу Райхон Беруний Муҳаммад ибн Аҳмад. <http://www.ferlibrary.uz/abu-rayon-beruniy-muhammad-ibn-a>

кечириши, фаолияти билан боғлиқ бинолар: масжид, бозор, чойхона, дўкон, ҳаммом, сартаропхоналар ва бошқалар ҳақида баён қиласи.

Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарида маҳалланинг ижтимоий ҳаётда туттган ўрни ва нуфузи, маҳалладошлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, тенглик, шоҳу гадонинг бир-бирига бўлган муносабатида гамхўрлик қадрланганлигини ёзди. Бундан келиб чиқиб, ушбу даврда маҳаллалар ҳудудларни ободонлаштириш, саранжом-саришта қилиш, уларни озода тутишни назорат қилиш, аҳолига ёрдам кўrsатиш, йўқсил бечораларнинг аҳволини чуқур хайриҳоҳлик билан ҳал этиш, мақбараларни таъмиrlаща бош-қош бўлиш ва бошқа шу каби ваколатларни амалга оширганлиги борасидаги холосага келиш мумкин<sup>45</sup>.

Инсон экологияси мавзусининг янги тараққиёт босқичида фалсафий муаммо сифатида тадқиқ этишининг долзарблиги қўйидагилар билан белгиланади:

Биринчидан, Ўзбекистон республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январидаги Олий Мажлисга мурожаатномаси талабларининг амалиётга жорий қилинишидаги ютуқларнинг илмий фалсафий таҳлили ва олий таълимни такомиллаштириш шароитида бўлажак бакалавр ва магистрлар экологик маданиятини ривожлантириш моделининг назарияси ва амалиёти масалалари яхлит педагогик илмий муаммо сифатида тадқиқи ҳозирги даврдаги илмий фалсафий қарашларда алоҳида ўрин эгаллаганлиги;

Иккинчидан, Ўзбекистон экологик партиясининг тузулганлиги, ушбу экологик партия вакилларидан Олий Мажлис Конунчилик палатаси депутатлигига сайланганлиги, экология соҳасидаги қонунлар тизимининг яратилганлиги ҳамда муттасил такомиллашаётганлиги, жамиятимиз аъзолари, жумладан, узлуксиз таълимни модернизациялаш даврида бўлажак педагогларда экологик маданиятни ривожлантириш модели

<sup>45</sup> Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) кутубхонаси.  
[http://n.ziyouz.com/books/alisher\\_navoiy\\_asarlari/Alisher%20Navoiy.%20Majolisun-nafois.pdf](http://n.ziyouz.com/books/alisher_navoiy_asarlari/Alisher%20Navoiy.%20Majolisun-nafois.pdf)

Билан чамбарчас боғлиқлиги монография мавзусининг назарий, илмий-амалий аҳамиятини тасдиқлайли.

Учинчидан, олий таълимни ислоҳ қилиш даврида ижтимоий фанларда вужудга келган ва илмий таҳдил қилиниши муҳим аҳамият касб этадиган масала талабаларнинг атроф-муҳитга муносабати, экологик маданияти, шу жумладан, олий таълим тизимида, замонавий таълим ва тарбия воситаларидан самарали фойдаланиб, бўлажак кадрларда экологик маданияти юксалтириш модели муаммосини илмий асослаш зарурати вужудга келганини;

Гўртингчидан, олий таълимни модернизациялаш шароитида бўлажак кадрларнинг экологик маданиятини ривожлантириш модели масаласининг республикамиз файласуф олимлари томонидан маҳсус, чуқур таҳдил қилинмаганлиги ҳамда ушбу илмий масаланинг назарий ва амалий аҳамият касб этувчи муаммо эканлиги;

Бешинчидан, олий таълимда бўлажак мутахассислар экологик маданиятини ривожлантиришнинг ахлоқий, маънавий тарбия билан узвий боғлиқлиги, ҳозирги даврда содир бўлаётган маънавий, ахлоқий мазмундаги, экологик таназзул ҳодисаларининг сабаблари ва уларни бартараф этиш ҳақидаги гояларни талабалар шуурига тарбиявий таъсирини илмий асослашнинг зарурияти;

Олтинчидан, мамлакатимизда олий таълим тизимида ўлқаро интеграциялашув содир бўлмоқда, олий таълимнинг ўтуқлари, Ўзбекистонда бакалавр ва магистрлар тайёрлаш бўйича тўплangan гажриба хорижий мамлакатларда андаза сифатида ўрганилаётганлиги, инсон тараққиётининг муҳим ўрини эътироф этилаётганлиги ва бўлажак педагоглар тайёрлаш гажрибасига ҳалқаро ташкилотлар, етакчи олий таълим муассасалари вакилларининг диққат-эътибори ошиб бораётганлиги, ушбу тажрибани янада такомиллаштириш зарурлиги билан белгиланади.

Шу муносабат билан қайд этиш лозимки, демократик ислоҳотлар давридаги муҳим тарбиявий масалалардан бири

шахс экологик тарбияси дир. Бу масала инсон, табиат ва жамият муносабатларининг чигаллашганлиги туфайли, унинг амалий аҳамияти янада яққол намоён бўлмоқда. Глобаллашув шароитида инсон ўзининг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий фаолияти билан теварак-атрофга, ўзи истиқомат қилаётган муҳитга таъсир қилиб, табиат билан ўзаро муносабатларга киришишини тезлаштириди. Ушбу жараёнда фан ва техника тараққиёти ютуқларидан, жамият ривожланишида тобора муҳим аҳамият касб этаётган инновацион фаолиятнинг натижаларига эътибор берилиши, улардан унумли фойдаланиш талаб қилинмоқда. Масалага бундай ёндашув табиий ресурсларнинг чекланганлиги, инсоннинг тобора ошиб бораётган ижтимоий, иқтисодий талабларини тўлиқ қондириш учун экологик қийинчиликларнинг кўпайишининг илмий ечимини топиш ҳолатларини инобатга олиш лозимлиги фикрини илгари сурмоқда. Бундай шароитда инсон турмуши, унинг барча жабҳалардаги фаоллиги қулай экологик шароитда яшashi, табиий ресурслардан оқилона фойдаланаётганлиги ёхуд шундай имкониятнинг шакллантирилганлиги, яъни ижтимоий, иқтисодий структуранинг, коммуникацияларнинг яратилганлиги билан чамбарчас боғлиқdir.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти қайд этган эдики, “шу борада ҳам жисмоний, ҳам маънавий етук, ўз мустақил фикрига эга, оқни қорадан ажратишга, тараққий топган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг соғлигини асраш, ҳаётга йўллашда оиланинг ўрнини ҳеч нарса билан баҳолаб бўлмаслигини биз юксак қадрлаймиз”<sup>46</sup>.

Инсон экологияси мазмуни ва моҳиятига оид илмий адабиётларда “экологик тарбия” тушунчаси билан биргаликда “экологик маданият” термини ҳам қўлланилади. Баъзи ҳолларда экологик маданият биринчи тушунчанинг синоними сифатида келади, аммо экологик маданият ушбу жараённинг бош

<sup>46</sup> Каримов И. А. Бизнинг йўлимиз демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчили давом этириш йўлидир. // Халқ сўзи, 2011 ийл 8 декабрь.

мақсадини ифода қиласы да инсон экологик онгининг маҳсулі сифатыда намоён бўлади. Экология – юн. “Oikos” – ватан, уй ва “logis” – фан, таълимот. “Экология – биргаликда яшайдиган ўмро ва теварак-атрофдаги мұхит билан бўлган муносабатини, шунингдек одам ва биосфера ўртасидаги ўзаро муносабат масалаларини ўрганувчи фан”<sup>47</sup>, “Экологик” сүзи – экологияга оид, у билан бөлглиқ деган маънени ва “Маданият” сүзи эса – “Жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий маънавий-маърифий ҳастида қўлга киритган ютуқлари мажмуи”, бирор ижтимоий группа, синф ёки ҳалқнинг маълум даврда қўлга киритган шундай ютуқлари даражаси, ўқимишлилик, таълим-тарбия кўрганлик, зиёлилик, маърифат<sup>48</sup>, маъносипи англатади. Демак, юқоридаги изоҳлар таҳдилига асосланиб, “Экологик маданият”га – экологияга оид ижтимоий, маънавий-маърифий фаолиятида эришган натижалар киради. Экологик маданият таркибларини - инсоннинг табиат ва турмуш маконларини исрасга қаратилган ижтимоий онгини юксалтириш жараёни, шунингдек, атроф-мұхитга ахлоқий, маънавий ва нафосат туйгусини шакллантиришдан иборат. Шундай қилиб, “Экологик маданият” инсон онги ва тафак-курини, маънавияти, атроф-мұхит, табиий ресурсларга мансуб билимлар асосидаги ижобий муносабати ва ижтимоий, иқтисодий фаолиятидан иборат жараёндир. Профессор С. Мамашакиров таъкидлайдыки, “Экология тушунчасини немис олими Э. Геккељ 1866 йилда фанга олиб кирган эди”<sup>49</sup>.

Экологик маданият тушунчасига, хусусан, тадқиқотчи А. Р. Маликова қуйидагича таъриф беради: “Экологик маданият – бу тирик мавжудотлар билан атроф-мұхит ўртасидаги ўзаро узвий алоқадорлик тўғрисидаги тушунча, билим, тафаккур, онг ва уларни амалий фаолиятга татбиқ этиш кўникмаси, малакаси ва

<sup>47</sup> Большой словарь иностранных слов русского языка. Москва, [https://gupo.me/dict/foreign\\_words](https://gupo.me/dict/foreign_words).

<sup>48</sup> Узбек тилининг изоҳли лугати. Москва, “Рус тили” нашриёти, 1981, Б.439

<sup>49</sup> С.Мамашакиров. Ваҳимами ёки ҳақиқат. Тошкент, “Иқтисод- молия”, 2012.Б.8.

масъулиятидир”.<sup>50</sup> Тадқиқотчи Бозорова Н. Ш. “Экологик маданият – бу табиат ҳақидағи билим, онг, идроқ, саводхонлик, интеллектуал салоҳият ва уни амалда құллай билиш фаолияти, атроф-муҳитта нисбатан фаолиятнинг юксак күрсаткичи, онгли ва масъулиятли ёндашувдир” деб таъриф беради<sup>51</sup>. Тадқиқотчи Н.Ү.Нишонованинг фикрича, экологик маданият: “Табиатни муҳофаза қилиш, табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш, экологик онг ва ҳис-түйғуларнинг шаклланиши, фаол ҳаёттің нұқтаи назарда туриш, экологик билимга эга бўлишдир”.<sup>52</sup>

Аслида экологик маданият тушунчаси тирик мавжудотлар, шу жумладан, инсон ва унинг атрофидағи табиий олам үртасидаги мураккаб муносабатларнинг үзига хос қырраларини үзида мужассам этади. Шахс экологик маданияти авлодлар, замондошларимизнинг маънавий ва амалий тажрибасига таянади, шунингдек, мутахассисларнинг учинчи минг йилликда атроф-муҳиттинг экологик ҳолатида содир бўлаётган доимий үзгаришлар ҳақидағи илмий асосланган фикрларини ҳам ҳисобга олади. Узлуксиз таълим орқали олинаётган экологик маълумотлар экологик маданиятни ривожлантирувчи муҳим омиллардан ҳисобланади, шунингдек, экологик маданият инсоннинг табиат билан үзаро алоқасида ва экологик вазият мазмунини чуқур англашида асосий үрини эгаллайди. Шундай экан, шахс экологик маданияти ривожланиши моделининг үзига хос хусусиятларидан бири, унинг табиат билан муносабатларининг чуқурлашувида, уйғунлашувида, яъни табиат ва инсоннинг алоқаси мавжуд-лиги, инсоннинг табиий ресурслардан фойдаланиш фаолияти бир-бири билан чамбарчас боғлиқдикни ва ягона занжирни ташкил қиласи.

Экологик маданият мазмунига доир масалалар инсон онгидаги мавжуд ижтимоий ҳолатлар, яъни атроф-муҳитни

<sup>50</sup> Маликова А.Р. Педагогика олий үқув юрти талабаларида экологик маданиятни шакллантириш: Пед.фан.номз ... дисс. – Т.: 2010. -8 б.

<sup>51</sup> Бозорова Н.Ш. Талабаларда экологик маданиятни ривожлантиришпнинг илмий-педагогика асослари (олий үқув юрти мисолида). Пед. фан. ном...дисс. – Т. 2006. -9 б.

<sup>52</sup> Нишонова Н.Ү. Умумий үрта таълим мактаб үқувчиларининг экологик маданиятини ривожлантириш (адабий таълим мисолида): Пед. фанл., номз. ... дисс. – Т.: 2001. -4 б.

билиш, улардан исроф қылмасдан фойдаланиш қадриятларига амал қиалиш ва психологияк шарт-шароитлар билан боғлиқдир. Экологик маданият инсонга оламни, табиатни шахс фаолияти үчүн зарурлыгини түүлиқ ҳолда тушуниш имконияттини беради, биосферада инсоннинг ўрни ва унинг ҳәётидаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳолатларни илмий асосда аңглаш, тушуниш, унга ўз муносабатларини билдириш имконияттини вужудга келтиради. Бизнинг фикримизча, экологик маданият – шахснинг экологик билимлардан амалий фаолиятда, таълим-тарбия жараёнида самарали фойдалана олишининг намоён бўлишидир.

Бўлажак мутахассис шахси тарбияси, унинг экологик маданиятининг ривожланиш моделини яратиш мураккаб педагогик жараёндир. Айниқса, шахс экологик тарбияси ҳозирги глобаллапув даврида, гоявий хуружлар кучайган, ёшлар онгига салбий таъсир этувчи воситалар сони кўпайиб бораётган шароитда янада қийинлашмоқда. Шунинг учун ҳам шахс ахлоқий, экологик маданиятини ривожлантириш, унинг маънавияттини мавжуд илмий, тарбиявий, услубий воситалар, таълим имкониятлари билан мустаҳкамлаш педагогик жараёнидаги муҳим омиллардан ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, инсоният бошидан кечираётган глобал пандемия, коронавирус тарқалиши даврида, ёшларнинг экологик маданиятини узлуксиз таълим имкониятларидан самарали фойдаланиб ривожлантириш моделини яратиш тарурияти вужудга келди. Бундан кутилган асосий мақсад инсоннинг атроф-муҳитга ижобий муносабатини кучайтириш, шунни пировард натижада унинг экологик маданиятини ривожлантиришга эришишдир.

Ҳозирги даврдаги инсон ва табиат муносабатлари орасидаги толерант муносабатга, барча инсонларда экологик онгни ривожлантириш, уларнинг экологик саводхонлик ва маданиятини ошириш, барқарор ривожланиш лозимлиги ғамойилларини чуқур тушунишлари орқали эришиш мумкин. Жаҳондаги ва ҳудуддаги, минтақадаги экологик вазият инсоннинг табиатга бўлган хулқида ўзгаришлар содир бўлишини

талаң қилмоқда. Бозор иқтисодиёти муносабаглари чүкүрлашуви шароитида Ер шарида яшәтгәнлар, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий фаолият олиб бораётгәнлар инсоннинг биологик тур сифатидаги ҳолати ҳамда бошқа экологик тур вакиллари билан биргаликда яшаш имкониятларини англаши орқали, барқарор ижтимоий иқтисодий ривожланишни таъминлаш учун ҳаракат қилишини тақозо қилмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодчи кадрлар тайёрлаш тизими олдида турган муҳим вазифаларни бажаришда, жумладан, бўлажак кадрлар экологик маданиятини юксалтиришда олий таълимда фаолият кўрсатаётган педагог кадрларнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Чунки бу жараёнда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг асосий йўналишларини белгилаб берувчи, давлатимиз ва жамият олдида турган хайрли ишларни амалга оширувчи, олий маълумотли мутахассислар тайёрланади. Ёш мутахассислар ўз ихтисосликлари бўйича Ватанимизнинг иқтисодий, экологик, миллий хавфсизлигини таъминлаш, ёш авлодни ўқитиш, истиқолимизга содик фарзандлар сифатида тарбиялаш ишида иштирок этадилар. Бундай масъулиятни бўлажак мутахассисларда ривожлантиришда университетлар кафедраларида иш олиб бораётган профессор-ўқитувчиларнинг таълим-тарбиядаги роли янада ошмоқда. Таъкидлаш лозимки, "... маънавият - инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиласиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир"<sup>53</sup>. Университетларнинг бакалавр йўналишдаги таълим-тарбия ишларида иштирок этаетган, уни ташкиллаштираётган, унга раҳбарлик қилаётган олимлар, профессор-ўқитувчилар маънавияти бутун, ахлоқан пок, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш учун масъуллиги-ни таъкидлаш лозим.

Айниқса, мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиш учун олиб борилаётган ички ва ташқи

<sup>53</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т.: "Маънавият", 2008, 19 бет.

сиссат, ёшлар келажаги учун яратилаётган барча ижтимоий-иқтисодий имкониятлар, таълимдаги ислоҳотларнинг мақсади, моҳияти бўлажак кадрлар билан олиб бориладиган маънавий-маърифий ишлар, тарбиявий соатларнинг бош мавзуси бўлмоги даркор. Бундай фаолият учун педагогдан чуқур гуманитар билимлар мажмуасига эга бўлиш лозимлиги талаб қилинади. Муаммога бундай ёндашув ҳар бир педагогдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев асарла-ри, шутқлари, Фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Конунлари, Вазираар Маҳкамаси қарорлари мазмунни билан яқиндан танишиш, таълим-тарбия ишида самарали фойдаланиш, уларнинг мазмунини чуқур билиш лозимлигини тақозо этади. Шунингдек, мунтазам такомиллашиб бораётган олий таълимга оид қонунлар, Вазираар Маҳкамаси қарорлари мазмунни билан танишиш, билиш ва амалиётга жорий қилиш ишида ҳам фаол иштирок этишни талаб қиласди.

Олий таълимни модернизациялаш зарурияти бакалаврлар ва магистрлар тайёрлапни тубдан такомиллаштиришни талаб қиласдоқда. Бундай шароитда ҳар бир профессор-ўқитувчидан ўз илмий тадқиқот фаолиятини ҳамда талабалар билан олиб борадиган экологик маданиятни ривожлантиришга йўналтирилган таълим-тарбиявий ишни янада юқори савияга кўтаришини талаб қиласди. Юқори малакали иқтисодчилар тайёрлаш масаласи ҳар бир педагог илмий тадқиқот ишларининг жадаллаштирилишини, янги талаблар асосида ривожланган мамлакатлар даражасида ташкил қилиниши заруриятини вужудга келтирмоқда. Илмий ишлар натижаларининг, шу жумладан, экологияга, бўлажак иқтисодчилар экологик маданиятини ривожлантиришга доир хулоса ва таклифларнинг амалиётга жорий қилиниши ушбу соҳада ўқитилаётган ижтимоий ва гуманитар фанларга доир дарслик, ўқув-услубий қўлланмалар тайёрлаганлиги ва уларнинг талабаларга ўрганиш учун тавсия этилаётганлигига намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий соҳалари жадал ривожланиб, унинг халқаро ҳамжамиятдаги, шу

жумладан, олий таълим соҳасидаги ютуқлари тобора ошиб бормоқда. Мамлакатимизда юқори малакали бакалаврлар, магистрлар тайёрлаш тажрибаси жаҳондаги етакчи давлатлар томонидан эътироф этилганлиги, олий иқтисодий таълим соҳасида халқаро интеграциянинг кенгайишини тақозо қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, профессор-педагоглардан, устоз-педагоглардан ва бўлажак бакалавр ва магистлардан хорижий тиллардан бирини, ахборот технологиялари асосларини мукаммал билиш заруритини вужудга келтирди. Шу муносабат билан "...олий ўқув юртларининг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятга асосланган ўқув жараёнини интеграциялаштириш ҳозирги босқичда долзарб аҳамият касб этади".<sup>54</sup>

Глобаллашувнинг олий иқтисодий таълимга таъсири ва фанлараро илмий тадқиқот соҳаларида халқаро илмий ҳамкорликнинг кенгайиб бораётганлиги замонавий педагогдан интернет тизимини яхши билишни, компьютер технологияларидан ўз фаолиятида, педагогик жараёнда, илмий ишларида унумли фойдаланишни талаб қиласди. Шу жумладан, ҳар бир маъруза ва амалий машғулотларда экологияга доир илмий ахборотларга бой презентацион материалларнинг намойиш этилиши, дарсларнинг тарқатма материаллар билан бойитилиши унинг назарий, амалий ва тарбиявий аҳамиятини оширади. Талабаларнинг ўтилаётган экологияга оид янги ўқув материалларни тез ва тўлиқ ўрганиб олишларини таъминлайди.

Ушбу таълим-тарбия жараёни туфайли бўлажак мутахассиснинг шаклланиши жадаллашади, экологик маданият қирраларининг вужудга келиши кузатилади. Инновацион узлуксиз таълимда компьютер технологияларидан унумли фойдаланиш бўлажак бакалаврларда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий масалалар мазмунини англаш, тушуниш, ижтимоий,

<sup>54</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримовнинг "Юксак билимли ва интелектуал мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг мұжым шарты" мавзуидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидағи нутқи. \\\ Халқ сүзи, 2012 йил 18 февраль.

иқтисодий воқеаларга нисбатан мустақил хуросалар чиқаришта ёрдам беради.

Устоз-педагогларнинг ўқув жараёнида компьютер технологиясидан самарали фойдаланиши фанлар бўйича ўқув-услубий мажмууларнинг талаблар даражасида тайёрланиши таълим-тарбия жараёнини юқори савиядада ташкил этилишига имкон яратади. Экологик мазмундаги ўқув-услубий материалларнинг замонавий, янги педагогик технологиялар, кейс – стади (case - аниқ вазият, ҳодиса, stadi - ўқитиш)лар билан бойитиш имкониятини беради. Шунингдек, экологияга доир ўқув-услубий мажмуанинг электрон базасининг яратилиши талабанинг ушбу материалардан ўз вақтида ва унга манзур бўлган манзилда фойдаланиш имкониятини ҳам вужудга келтиради. Устоз-педагогнинг фан бўйича янги дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва бошқа адабиётлар рўйхатининг яратилиши бўлажак педагог учун ушбу курс фанларини ўрганишда муҳим манбалар ролини бажаради.

Замонавий электрон почта, телеграм, зоом канали ёрдамида олий таълим муассасаларига экологияга доир янги маъруза ва мустақил дарс материалларини тезкорлик билан киритиш орқали бўлажак бакалавр ва магистрларга ўқув-услубий материал, муаммони мазмун ва моҳиятини тушунтирадиган манбалар етказилади. Экологик таълимга монанд фанларни мустақил ўрганишга тавсия этилган экологияга доир материаллар, маҳсус адабиётлар бўйича методик маслаҳатлар ва услубий ёрдам кўрсатиш имкониятини ўз вақтида вужудга келтиради. Гаъкидаш лозимки, ушбу ижодий фаолият туфайли шахондаги етакчи университетлар олимлари билан бевосита шамий мулоқатга киришиш ҳамда экологик билимларни тақомиллаштиришга қаратилган ижодий ҳам-корлик имкониятлари кенгаяди. Шунингдек, компьютер технологияларидан унумли фойдаланишда бўлажак иқтисодчилар учун зарур бўлган фанлар бўйича экологик маданиятни ривожлантиришга йўналтирилган ижодий тўғаракларни

ТАНКИЛ ҚИЛИШДА, ЭКОЛОГИК МАЗМУНДАГИ ТАДБИРЛАРНИҢ ҚИЛИҚАРЛЫ ЖОНЛЫ ҮТКАЗИЛИШІДА ҲАМ МУХИМ ҮРИНГА ЭГА.

Замонавий олий иқтисодий таълимнинг муҳим хусусиятларидан бири, устоз, профессор-педагогнинг камтарлиги, талабалар билан үзаро мулоқотда уларга ҳурмат ва эътибор билан муносабатда бўлиши, улар шахсига хос бўлган билимга интилишларида, баъзи ҳолларда экологик муаммоларни изоҳлашда йўл қўйган камчилликларда педагогларга хос вазминлик билан фикр билдириши ёки услубий йўналтиришидир. Устоз-педагогнинг бўлажак иқтисодчилар билан мулоқотида интеллектуал имкониятларини алоҳида қайд қилиш, экологияга оид қизиқтираётган масалалар бўйича ечимини топа олишларига ишонтириш усули шогирдларни мустақил ҳаракатларини кучайтиради ва ўз имкониятларига бўлган ишончини оширади. Мулоқотлар таъсири талабанинг дастлабки илмий тадқиқот ишларини бошлишига замин бўлиши мумкин. Шу муносабат билан қайд қилиш лозимки, бундай методик усулнинг қўлланилиши бўлажак мутахассис-ларнинг мустақил топшириқларни, экологик муаммога доир ҳар бир мавзуга тегишли мустақил ишларнинг тўлиқ ва мазмунли бажарилишини, фанлардан асосий манбаларни яхши ўзлаштирип имкониятини ривожлантиради.

Таълим жараёнида “тарбиячи – устоз бўлиш учун, бошқаларнинг ақл – идрокини ўстириш, экологик билим ва маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш, ҳақиқий ватанпарвар, ҳақиқий фуқаро сифатида етиштириш учун, энг аввало, тарбиячининг ана шундай юксак талабларга жавоб бериши, ана шундай буюк фазилатларга эга бўлиши керак”.<sup>55</sup> Таълимни модернизациялаш даврида устоз-педагог шахсига нисбатан қўйилаётган замонавий талаблар олий иқтисодий таълимда фаолият кўрсатаётган педагог-устозларга мутахассислик бўйича маҳсус маълумот, касбий тайёргарлик, юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлиш масъулиятларини юклайди.

<sup>55</sup> Каримов И.А. Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолоти. – Тошкент, Шарқ наприёти – матбаа концерни Бош таҳририяти, 1993. – Б. 27-28.

Ҳозирги даврда устоз-педагог шахсига нисбатан муҳим касбий маҳорат талаблари белгиланган. Шу жумладан, профессор ўқитувчи, жамият ижтимоий ҳаётида рўй берадётган ўзгаришлар, экология бўйича, яъни атроф-муҳит муҳофазасига доир олиб борилаётган ижтимоий ислоҳотлар можиятини чуқур англаб этиши ҳамда бу борада бўлажак мутахассисларга асосланган илмий маълумотларни бера олиши, энг сўнги фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиши лозим. Шунингдек, устоз-педагог ўз мутахассислиги бўйича чуқур, пухта билимга ша бўлиши, ўз устида тинимсиз изланиши, ижтимоий, гуманитар фанлар асосларини пухта билиши, таълим-тарбия жараёнида бўлажак педагогларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда фаолиятини ташкил этиши керак.

Таълимдаги ислоҳотлар мазмунига мувофиқ, устоз-педагог таълим-тарбия жараёнида ўқитишнинг энг самарали шакл, метод ва воситаларидан унумли фойдалана олиш имкониятига ша бўлмоғи, ижодкор, ташаббускор ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиши, юксак дарражадаги педагогик маҳоратни ўзлаштириб олиши, шахсий ҳаётда, экологик хабардорлик бўйича ҳам ибратли бўлиши лозим.

Олий таълимда талабалар, бўлажак бакалаврлар орасида олиб борилган эмпирик кузатишлар, социологик сўровлар натижалари шундан далолат берадики, ўтказилаётган дарслар давомида устоз-педагогдан равон, тушунарли, илмий асосланган, мантиқан бир-бирини тўлдирадиган сўз бойлиги, нутқ маданияти бўлишини ҳам талаб қиласди. Устоз-педагогдан ҳозирги даврда Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг мақсадлари, можияти ва натижаларига доир материалларни яхши ўзлаштирганлиги, ундан таълим-тарбия ишида ва экологик аҳволга доир материаллардан самарали фойдалана олиши ҳам муҳим амалий аҳамияг касб этади.

Бўлажак бакалавр, магистрлар экологик маданиятини ривожлантириш модели мазмунининг муҳим хусусиятларидан

яна бири, бити्रув малакавий ишларига, магистрлик диссертациясига илмий раҳбарлик даври ҳисобланади. Илмий раҳбарлар томонидан бу жараён давомида бўлажак мутахассислардан битириув малакавий ишлари, магистрлик диссертацияларининг мазмуни, қўйилган экологик масалалар ечими ҳақида мустақил изланиш ва фикрга эга бўлиш талаб қилинади. Бу иш давомида устоз-педагогнинг интеллектуал имкониятлари, экологияга оид билими, тажрибаси, мулоқот маданияти ёрқин намоён бўлади. Чунки талаба билан муттасил ишлаш, унга малакали илмий-услубий кўрсатмалар, маслаҳатлар бериш натижасидагина талаблар даражасида ёзилган битириув малакавий ишини, магистрлик диссертациясини ҳимояга тавсия этиш мумкин. Таъкиддаш лозимки, ушбу ҳолларда битириув малакавий иши, магистрлик диссертацияси мавзусига шу жумладан, экологияга доир янги адабиётлар, интернет ресурслари туркуми ҳақида маҳсус ахборотга эгалиги унинг илмий ишлардаги фаол иштирокидан далолаг беради.

Узлуксиз таълимни модернизациялаш, олий таълимдаги ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш даврида устоз-педагогларнинг олий таълимдаги ролининг муттасил ошиб бориши, олий таълимдаги ислоҳотларнинг ажralmas қисми, муҳим бўлагидир, пировард натижада юқори малакали иқтисодчи мутахассислар тайёрланишидаги, бўлажак бакалавр, магистрнинг экологик маданияти ривожланиши моделидаги асосий омиллардан биридир.

Экологик масалаларнинг глобаллашув жараёни жамиятнинг барча жабҳаларига, шу жумладан, узлуксиз таълимга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Бундай ижтимоий ва иқтисодий шароитда инсон, шахс тарбиясига, бўлажак педагоглар экологик маданиятининг ривожланишига алоҳида эътибор бериш, унинг илмий асосларини кучайтириш, бевосита ислоҳотлар ривожи ҳамда ижобий натижаларга эришиш билан чамбарчас боғлиқдигига эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Узлуксиз таълимнинг барча жабҳаларидағи ислоҳотлар давридаги муҳим масалалардан бири, шахс экологик тарбияси

иа унинг экологик маданиятини ривожлантиришdir. Бу масала инсон, табиат ва жамият муносабатларининг чигаллаш-ганлиги туфайли, унинг амалий аҳамияти янада яққол намоён бўлмоқда. Глобаллашув шароитида инсон ўзининг ижтимоий-иқтисодий на сиёсий фаолияти билан теварак-атрофга, ўзи истиқомат қилаётган мұхитга антропоген таъсир қилиб, табиат билан ғаро муносабатларга киришишни тезлаштиради. Ушбу жараёнда фан ва техника тараққиёти ютуқларига, жамият ривожланишида тобора мұхим аҳамият касб этаётган инновацион педагогик фаолиятнинг мазмунига эътибор берилиши, тарбиявий иш натижаларидан унумли фойдаланиш заруряти вужудга келмоқда. Гаълим-тарбияга бундай ёндашув табиий ресурсларнинг чекланганлиги, инсоннинг тобора ошиб бораётган ижтимоий-иқтисодий истеъмол талабларини тўлиқ қондириш учун экологик қийинчиликлари-нинг кўпайиши ва уларнинг илмий ечимини тошиш зарурраги фаоллашди. Бундай шароитда инсон турмуши, унинг барча жабҳалардаги фаоллиги, қулай экологик шароитда яшаши, табиий ресурслардан оқилона фойдаланаётганлиги, ёхуд шундай имкониятнинг ривожлантирилганлиги ижтимоий-иқтисодий струк-туранинг, коммуникацияларнинг яратилган-лиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти қайд қиласиди, “шу борада ҳам жисмоний, ҳам маънавий етук, ўз мустақил фикрига эга, оқни қорадан ажратишга, тараққий топган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг соғлигини асрарш, ҳаётга йўллашда оиланинг ўрнини ҳеч нарса билан баҳолаб бўлмаслигини биз юксак қадрлаймиз”.<sup>56</sup>

Муаммо тадқиқотининг долзарблиги унинг бевосита шахс баркамоллигига эришиш, жамият аъзоларининг экологияга толерант муносабатда бўлишлари, миллий иқтисодиётимиз-

<sup>56</sup> Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчили давом эттириш йўлидир. // Халқ сўзи, 2011 йил 8 декабрь.

нинг барқарор тараққиётини таъминлаш ва мамлакатимизни жаҳондаги ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олишини таъминлаш стратегияси билан боғлиқлигидадир. Шунингдек, ушбу масала шахснинг маънавий камолоти, ахлоқий тарбияланганлиги каби жиҳатларини ҳам ўз ичига олади. Бўлажак бакалавр ва магистрлар экологик маданияти ривожланиши моделини яратишнинг долзарблиги жамият аъзоларининг табиий ресурслардан унумли фойдаланиш тафаккурини янада бойитиш, вужудга келаётган экологик танглик жараёнларини бартараф қилиш учун ижодий ёндашиш, ушбу масала ечимдаги мансуб таклифлар бериш, локал шароитда унинг ечимдаги тадбирларда бевосита иштирок этиши муҳим амалий аҳамиятга эгадир. Муаммога бундай муносабат экологик йўналишдаги илмий асосланган дастурлар қабул қилиниши, унинг молиявий ва техник жиҳатдан таъминланишини ҳам талаб қиласди. Экологик масалаларни тубдан, минтақавий экологик муаммолар ечимини таъминловчи гояларнинг давлат ташкилотлари, илмий жамоатчилик, нодавлат-нотижорат ташкилотлари томонидан эътиборга олиниши, ушбу фикрларнинг амалиётга жорий қилиниши билан узвий боғлиқлигини таъкиддаш лозим. Экологик масалалар масштабига, мураккаблик даражасига қараб бундай дастурлар локал, ҳудудий, миллний ёки давлатлараро шаклида бўлиши мумкин. Экологик муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатларининг илмий таҳдили шуни кўрсатадики, уларнинг ривожланишида глобал экологик муаммоларнинг таъсири каттадир.

Глобал экологик муаммоларнинг чигаллашувида инсон факторига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Инсоннинг экологияга нисбатан салбий ҳаракатлари, табиий ресурслардан фойдаланишдаги илмий асосланмаган фаолияти экологик вазиятнинг бузилишидаги асосий омиллар сирасига киради. Шунинг учун ҳам бўлажак иқтисодчиларнинг экологик тарбияланганлик даражасига нафақат назарий, балки амалий аҳамият касб этувчи фактор сифатида ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Шахс экологик тарбиясининг ўзига хос

қусусиятларидан бири унинг мавжуд экологик вазиятни англаши билан боғлиқдир. Бундай шароитда унинг умумий маданий савияси табиий, ижтимоий, гуманитар характерга эга бўлган илмий ахборотлар мажмуаси билан қуролланганлиги, ўмаштирган билимларининг ижтимоий турмушга, ўзининг кундалик фаолиятига жорий эта олганлигига намоён бўлади. Экологик тарбияланганлик флора ва фаунага нисбатан шахснинг толерант муносабатида яққол кўринади. Ушбу жараённинг мавжуд ижтимоий-иктисодий йўналишдаги ислоҳотлар билан ўзаро боғлиқлигини, шахснинг ҳозирги даврда экотизимларда содир бўлаётган ижобий ва салбий характердаги ҳолатларни англаши, унинг моҳиятини тушуниши ҳам унинг умумий экологик тайёргарлиги билан ҳамнафасдир.

Глобаллашув туфайли экологик муаммоларнинг қатори ҳуудларда чигаллашганлиги кузатилмоқда. Бундай ҳолат унинг илмий ечимини топиш заруриятини, экологик масала-ларни ҳал қилиш муаммоси билан барча ижтимоий гуманитар фанларнинг вакиллари у ёки бу шаклда шуғулланмоқдалар. Экологик муаммоларнинг ижтимоий масалалари, яъни инсон ва унинг фаолияти натижасида вужудга келаётган ижобий ва салбий жиҳатларини ижтимоий фалсафа фани вакиллари чукур таҳлил қилишмоқда. Бу жараён ҳар бир инсоннинг яшаётган, ишлаётган ҳудудидаги экологик вазият, унинг фаолиятига ўз таъсирини ўтказади. Шу муносабат билан мавжуд шароитда сувнинг тозалиги, ҳавонинг ифлосланмаганлиги, озиқ-овқатнинг хавфсизлик даражаси, яъни санитария нормаларига жавоб берishi лозим.

Ҳозирги даврда, “айниқса, озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини ҳал этиш, генетик модификация қилинган маҳсулотлар етиштирмаслиги бўйича қатъий назорат ўрнатишга алоҳида зътибор қаратиш талаб этилади.

### 1.2.1 – шакл



Сұнги йилларда мамлакатимиз бозорларида импорт мева-сабзовот маҳсулотлари күпайиб бораётгани бизни, албатта, ҳүшёрликка чақириши керак".<sup>57</sup>

Экологик хатарларнинг инсон фаолиятига таъсири 1.2.1 шаклда көлтирилган.

Муаммонинг долзарбилиги унинг бевосита шахс баркамоллигига эришиш, жамият аязоларининг экологияга толерант муносабатда бўлишлари, миллий иқтисодиётимиз-нинг барқарор тараққиётини таъминлаш ва пировард натижада мамлакатимизни жаҳондаги ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олишини таъминлаш стратегияси билан боғлиқлигидадир. Шунингдек, ушбу масала шахснинг маъна-вий камолати, ахлоқий тарбияланганлиги каби жиҳатларини ҳам ўз ичига олади. Шахс экологик тарбиясининг долзарбилиги, жамият аязоларининг табиий ресурслардан унумли фойдаланиш тафаккурини янада юксалтириш, вужудга келаётган

<sup>57</sup> Шавкат Мирзиёев. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Тошкент, "Ўзбекистон", Том 2, Б.130.

Экологик танглиқ жараёнларини бартараф қилиш учун ижодий ғилмиши, таклифлар бериш, локал шароитда унинг ечимидаги табибирларда бевосита иштирок этиши мұхим амалий аҳамиятта оғанып. Муаммога бундай муносабат, экологик йұналишдаги, ғалам асосланған дастурлар қабул қилиниши, унинг молиявий, табиқ жиҳатдан таъминланишини ҳам талаб қиласы. Экологик масалаларни тубдан, экологик муаммолар ечимини таъминловчи гояларнинг давлат ташкилотлари, ғалам аммоатчилик, нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ғибиборга олиниши ва ушбу фикрларнинг амалиётта жорий қилиниши билан узвий боғлиқлигини таъкидлаш лозим. Экологик масалалар масштабига, мұраккаб-лик даражасига қыраб, бундай дастурлар, локал, ҳудудий, миллий ёки давлатлараро шаклида бўлиши мумкин. Экологик муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларининг, оқибатларининг ғалам таҳдили шуни кўрсатадики, уларнинг шаклланишида глобал экологик муаммоларнинг таъсири каттадир.

Шахс экологик тарбиясидаги мұхим жиҳатлардан яна бири юртимиз экологиясининг глобал экологик ҳолатлардаги қийинчиликлар, шу жумладан, ичимлик сувининг таңқислиги, иқлим исиши, атмосфера ҳавосининг, сув ресурсларининг трансчегаравий ифлосланаётганлиги, ернинг эррозияга үтраши билан боглиқ муаммоларга ўз шахсий муносабатини билдиришида ҳам намоён бўлади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида табиий ресурслардан самарали фойдаланиш зарур. Табиий ресурслардан унумли фойдаланиш иқғисодиёт тармоқларининг ривожланишида мұхим аҳамиятта эга. Саноат тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқариш, унинг рақоботбордошлиги ҳом ашё ресурсларининг сифати билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу жараён ундирилаётган, етиштирилаётган маҳсулотларнинг таркиби, стандартларга жавоб бериши бевосита табиий ресурсларнинг умумий ҳолати ва уларнинг экологик талабларга жавоб беришини талаб қиласы. Бундай ҳолат аграр сектор ривожланишини ҳозирги талаблар даражасида ташкил этишни

ҳам тақозо қиласи. Мамлакатимиздаги мавжуд ер, сув ресурсларининг, ўсимлик ва ҳайвонат дунёсининг умумий ҳолати иқтисодий тармоқларни модернизациялаш шароитида ривожланишинг муҳим омилидир. Таъкидлаш лозимки, саноат тармоқлари учун тайёрланаётган ҳом ашё маҳсулотларининг сифати ва рақобатбордошлигини таъминлаш уларни мунтазам қўриқлаш, хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқdir. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти таъкидлаганидек, "...бугунги кунда барчамизнинг олдимииздағоят муҳим вазифа турибди. Бу табиатни ҳозирги ва келажак авлодлар учун сақлаб қолиш, уни бизнинг минтақамиз ва бошқа минтақалар аҳолисининг турмуш шароити ва табиатдан фойдаланиш имкониятларини янада мураккаблаштирадиган янги хавфли лойиҳалардан асрардан иборатдир".<sup>58</sup> Мустақалигимиз йилларида мамлакатимизда экологик масалаларга бағишиланган 35 дан ортиқ қонунлар ва 100дан ортиқ, агротехнологияларни мұхитни муҳофаза қилиш ва табиий бойликлардан тўғри фойдалашини соҳасида ҳукумат қарорлари, ташкилотлар меъёрий-ҳуқуқий актлари, техника регламентлари, методик кўрсатмалар қабул қилинди. Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти «Ислом Абдуганиевич Каримовнинг ташаббуси билан ер ва сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, экин майдонларини оптимилаштириш ва янги, илфор агротехнологияларни жорий этиш, қайта ишлайдиган замонавий корхоналарни ташкил этиш бўйича кенг чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Ҳақиқий мулқдорларнинг янги синфи бўлган фермерлик ҳаракати шакллантирилди».<sup>59</sup>

Янги ривожланиш босқичида Ўзбекистон Республикаси Президенти

<sup>58</sup> Каримов И.А. "Ўрта Осиёнинг трансчегаравий экологик муаммолари: уларни ҳал этишда ҳалқаро ҳуқуқ механизмларини қўллаш" мавzuидаги ҳалқаро конференция иштирокчиларига. Халқ сўзи, 2010 йил 18 ноябрь.

<sup>59</sup> Шавкат Мирзиёев.Миллӣ тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.Том 1, Тошкент, "Ўзбекистон".2017, Бет7.

III.М.Мирзиёев раҳномолигида табиатни асраш, қўриқлашнига сарфланадиган маблағлар ҳажми оширилди. Шу билан бирга, Ватанимиз сарҳадларидағи экологик вазиятнинг ҳимояни фақат Давлат ташкилотларининг вазифаси эмас, балки кенг ҳамоатчиликнинг ҳам ишидир. Экологик мувозанатнинг сиқланиши, атроф-муҳитнинг тозалиги, инсон саломатлиги ва меҳнат фаолиятига салбий таъсир кўрсатадиган ҳолатларнинг олдини олиш кўп жиҳатдан жамоатчилик, фуқораларнинг ижтимоий фаоллигига боғлиқдир. Иқтисодиётнинг барча тармоқларини модернизациялаш, демократик ва ҳуқуқий давлатнинг қурилиши, ҳамда фуқаролик жамияти ривожланиши шароитида фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги ошади, ҳар бир жамият аъзосининг мамлакатимиздаги мавжуд табиий ресурслардан оқилона фойдаланишдаги бевосита иштироки кучаяди.

Табиий ресурслардан унумли фойдаланиш кичик ва ўрга бизнес ривожланишида муҳим омиллардан биридир. Мамлакатимиз иқтисодий ривожланишида ва ҳалқ фаровонлигини гаъминлашда табиий ресурслардан унумли фойдаланиш муҳим ўрин эгаллади. Табиий ресурслар тизимдаги ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш туғайли яратилаётган маҳсулотлар аҳолининг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш, айниқса, экологик талабларга жавоб берадиган, сифатли, истеъмолга яроқли озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш ишлаб чиқаришни модернизациялаш шароитида алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу жараён қишлоқ ҳужалиги ва бугунлай мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислоҳотларнинг амалга оширилиши, ўтказилиши пировард натижада Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда мунтазам суръатда стратегик аҳамиятга молик бўлган, табиий ресурслардан унумли фойдаланишга даъват этадиган давлат дастурлари ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Қишлоқ жойларда мамлакат аҳолисининг 62,0%дан ошиги истиқомат қилишини ҳисобга олинса ва жадал суръатлар билан фермер

хўжаликларининг ривожланиши кузатилаётган шароитда мавжуд ер ва сув ресурсларидан тежамли фойдаланишини тақозо қиласи. Қиплоқларда етиширилаётган гўшт, сут, сабзавот маҳсулотларининг катта ҳажмини дэҳқон хўжалик-лари томонидан таъминланаётганлиги ҳам ушбу муомманинг муҳим амалий аҳамиятидан далолат беради. Табиий ресурс-лардан унумли фойдаланиш стратегияси билан боғлиқ бўлган масалалар ечимида давлат ташкилотлари, шу жумладан, маҳаллий ҳокимият органлари, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг жойлардаги бўлимлари, жамоат ташкилотларининг бевосита ҳамкорлиги зарурдир. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти таъкидлайдики, "...атроф-муҳитни ҳимоя қилишни таъминлаш тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ва ўрнини белгилашга қаратилган "Экологик назорат тўғрисида" ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва бошқа қатор қонун ҳужжатларини қабул қилиш фурсати етди, деб ўйлайман".<sup>60</sup> Аҳоли томонидан фойдаланилаётган ер ресурсларининг умумий ҳолати, унинг экологик талабларга жавоб бериши, ушбу жойда инсоннинг антропоген ҳаракатлари натижалари юқоридаги ҳамкорликни талаб қиласи. Шунинг учун ҳам мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш шароитида ер ресурсларининг унумдорлигини таъминлаш амалий аҳамиятга эга бўлган муаммодир.

Кишлоқ жойларда ўз фаолиятини олиб бораётган ёки бошлиётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фойдаланаётган ер ресурслари ҳолатини талаблар даражасида таъминлаши, экологик қонунларнинг уларга ажратилган ҳудудларда бузилмаслиги учун масъулдирлар. Бундай ёндашув кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шугулланувчилар аренда асосида ажратилган ер ресурсларининг шўрланмаслиги, деградацияга учрамаслиги ва зарур

<sup>60</sup> Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. //Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь.

бўлмаган мақсадларда фойдаланмаслигини талаб қиласди, айниқса, инсон антропоген фаолияти натижасида унга босимнинг ошиб бориши унинг бутунлай ишдан чиқишига йўл қўймаслик муҳим масаладир. Фермер ва деҳқон хўжаликлари учун сув ресурсларидан тежамли фойдаланиш, сув ресурсларининг ифлосланишига таъсир этувчи омилларни муттасил камайтириш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муҳим шартларидан биридир. Сув захиралари ҳимоясида, сувдан аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларининг унумли фойдаланишларида “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси қонуни мухим аҳамиятга эгадир. Ушбу қонунига мувофиқ сув ресурслари давлат мулкидир ва унинг ҳимоясига олинган.

Сув омборлари, давлатлараро каналлар ва иншоатлар тубидаги ерлар, ер ости сувлари олинадиган жойлар ҳам давлат мулки таркибиға киритилган. Хўжаликлар ҳудудидаги сув иншоотлари сувдан фойдаланувчилар ассоциасининг тасаруфидадир. Ушбу Қонуннинг қабул қилинishi сувдан фойдаланиш муносабатларини такомиллаштиришда, ундан фойдаланиш самарадорлигини оширишда катта аҳамият касб этмоқда

Жумладан, “Муҳофаза этиладиган табиий муҳитлар” мақоми берилган ер ости сувлари булоқлари тасдиқланиб, мамлакатимиздаги 7та булоққга вилоят аҳамиятидаги булоқлар, 8та булоққга Республика аҳамиятидаги булоқлар мақоми берилган. Бугун ватандошларимиз сув ресурсларининг мамлакатимиз учун аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини сув билан таъминлаш эмас балки мамлакатимиз миллий хавфсизлиги билан боғлиқдигини англашмоқда. Шу муносабат билан қайд қилиш лозимки, мавжуд трансчегаравий сувлардан унумли фойдаланиш масаласи янада муҳимдир. Юртдошлари-мизнинг манфаатлари бу масалада янада кўпроқ намоён бўлмоқда. Республика мизнинг аҳоли зичлигининг кўрсаткичи 1980 йилдаги бир квадрат километрга 53,6 кишидан 2002 йилга келиб 55,8 кишигача ортди. 2020 йилда республика аҳолиси 34 миллион

кишига этди. Мамлакатимиз ҳудудининг катта қисмини қуруқ минтақа шароитлари ташкил этишини, ҳамда аҳоли сонининг муттасил ўсиб боришини ҳисобга олсак, сувга ва ҳаёт учун зарур бўлган озиқ-овқат манбаларига нисбатан ҳам эҳтиёж ошиб боради. Эколог олимларнинг фикрича, бундай ҳолат республикамизда аҳоли зич яшайдиган минтақаларда экологик вазиятнинг қийиналашувига олиб келиши мумкин. Шундай экан, мавжуд ер, сув ресурсларидан тежаб, оқилона фойдаланиш масаласи қўйилмоқда.

Ўзбекистон ҳудудидаги экологик вазият ва уни янада яхшилаш доимий мониторинг қилиниши мамлакатимиз манфаатлари нуқтаи назаридан стратегик масалалардан биридир. Шунингдек, ушбу жараён қазиб олинаётган маъданларнинг истеъмолчиларга йўқотишларсиз етказилиши, уларни қайта ишлашда замонавий технологиялардан кенг ва унумли фойдаланиш самарадорлигини таъминлашни талаб қиласи. Ушбу масаланинг ўзига хос ҳусусиятларидан бири, иқтисодиётнинг глобаллашув шароитида ривожланишини эътиборга олиб ривожланган мамлакатларда табиий ресурслардан фойдаланиш тажрибасидан ҳам фойдаланиш имкониятларини яратади. Иқтисодиёт тармоқларининг интенсив ривожланиш ҳусусиятлари мавжуд ер, сув, биологик ресурслардан фойдаланишни янада такомиллаштиришни тақозо қиласи. Табиий ресурслардан самарали фойдаланиш мунтазам суръатда экологик жараён билан bogliq bўlgan ҳуқуқий асоснинг такомиллашувини талаб қиласи. Муаммога бундай ёндашув экологик масалаларнинг глобаллашуви, минтақаларда табиий ресурслардан фойдаланиш жараёнида вужудга келаётган муаммолар ечими билан чамбарчас боғлиқдир. Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш шароитида табиий ресурсларидан, шу жумладан, ер, сув ресурсларидан унумли фойдаланиш масаласи бевосита барқарор иқтисодий тараққиёт, аҳолининг озиқ-овқат, инсон саломатлиги, пировард натижада ижтимоий хавфсизлигини таъминлаш масаласи билан боғлиқдир. Шу мақсадларни амалга

ошириш учун ер ресурсларининг мелиорагив ҳолатини жиҳилланмоқда.<sup>61</sup> Аграр сектор фойдаланаётган ер ресурслари мамлакатимиз ички ялпи маҳсулотининг 26,8%ини яратилиши табиий ресурсларниң иқтисодиётимиздаги салмоқли ҳиссасидан далолат беради. Иқтисодий ривожланишнинг муҳим жиҳатларидан бири табиий ресурслардан ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланаётган субъектларниң вазифаси уларниң ифлосланишига йўл қўймасликлари, ишлаб чиқаришнинг атроф-муҳитга салбий таъсир этмаслигини таъминлашлари, шунингдек мавжуд биологик хилмажилликнинг экологик ҳолатини бузмаслигини таъминлаши лозим. Бундай ёндашув мавжуд экологик қонунчилик асосларига қатъий амал қилишни ҳам талаб қиласди. Муаммонинг ечимига иммий асосланган ёшдошув экологик мониторингни мунтазам ўтказишни ҳам талаб қиласди. Табиий ресурслардан фойдаланаётган барча субъектлар, шу жумладан хорижий компаниилар ҳам мамлакатимиздаги табиий ресурслардан фойдаланиш жараёнида қонуллар талабларига қатъий амал қилган ҳолда ишлашлари талаб қилинади.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланаётган даврда жамият тараққиётида ёшлар муҳим ўрин эгалламоқда. Ёшлар ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларида фаол иштирок этиб, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишига муносиб ҳисса қўшяптилар.

Ёшларда экологик маданиятни шакллантириш зарурияти бир қатор объектив ва субъектив омиллар билан боғлиқдир. Жамиятда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси амалга оширилаётган даврда, ёшларниң экологик муаммоларни ечимидаги роли ошмоқда. Шунингдек, глобал, регионал, локал, миллий экологик муаммолар жамият тараққиётига салбий таъсир этувчи омиллар сирасига киради. Бундай шароитда ёшларимизнинг экологик маданияти шаклланиши, тобора

<sup>61</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига. Халқ сўзи, 2010 16 октябрь.

юксалиши масалалари мұхим ижтимоий ақамият касб этади. Ҳозирги шароитда ёшлар экологик маданиятининг ижобий қырраларини, унинг намоён бұлиши шаклларини ва ниҳоят амалиётдаги күринишларини вужудға келтириш мұхим назарий ва амалий ақамиятта эга. Ёшлар экологик маданияти-нинг хусусияти, уларнинг экологик вазиятни англаши, мазмун-моҳиятини тушуниши, ижтимоий ҳаётдаги күринишларига ўз муносабатини билдиришида намоён бұлади. Ёшларда экологик маданиятни шакллантириш мамлакатимизнинг ўз тарақ-қиётида янги босқичга кирганилги, ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олиш учун олиб бораётган саъй-ҳаракатлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти таъкидлаганидек, "...бугунги кунда барчамизнинг олдимиздә ғоят мұхим вазифа турибди. Бу табиатни ҳозирги ва келажак авлодлар учун сақлаб қолиши, уни бизнинг минтақамиз ва бошқа минтақалар аҳолисининг турмуш шароити ва табиатдан фойдаланиш имкониятларини янада мураккаблаштирадиган янги хавфли лойиҳалардан асрашдан иборатдир".<sup>62</sup>

Таъкидаш лозимки, ёшлар экологик маданияти шаклланиши масаласи экологиянинг глобал жиҳатларига ҳам эътибор беришларини тақозо қиласи. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг саъй-ҳаракатлари ва таклифлари билан мустақиллігимизнинг илк даврида "Табиатни мұхофаза қилиш ҳақида" ги (1992) Қонун қабул қилинди. Бу Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимиздеги экологик ахволни тубдан яхшилаш ишининг бошланиши эди. Демократик ислоҳотлар даврида атроф-мұхитни мұхофаза қилиши ва табиий бойлик-лардан тұғри фойдалашиш соңасыда ҳукумат қарорлари, таш-килотлар меъёрий-хуқуқий актлари, техника регламентлари, методик құрсатмалар қабул қилинди. Давлатимизда табиатни асраш, қўриқлаш ишига сарфлана-диган маблағлар ҳажми

<sup>62</sup> Каримов И.А. "Ўрта Осиёнинг трансчегаравий экологик мұаммолари: уларни ҳал этишда ҳалқаро ҳуқуқ механизмларини күллаш" мавзуудаги ҳалқаро конференция иштирокчиларирига. Ҳалқ сүзи, 2010 йил 18 ноябрь.

оширилди. Шу билан бирга, Ватанимиз сарҳадларидағи экологик вазиятнинг ҳимояси фақат Давлат ташкилотларининг вазифаси эмас, балки кенг жамоатчилик ва ёшларнинг ҳам ишицир. Экологик мувозанатнинг сақланиши, атроф-мухитнинг тозалиги, инсон саломатлиги ва меҳнат фаолиятига салбий таъсир күрсатадиган ҳолатларнинг олдини олиш кўп жиҳатдан жамоатчилик, ёшларнинг ижтимоий фаоллигига боғлиқдир. Иқтисодиётнинг барча тармоқларини модернизациялаш, демократик ва ҳуқуқий давлатнинг қурилиши ҳамда фуқаролик жамияти ривожланиши шароитида ёшларнинг ижтимоий фаоллиги ошади, ҳар бир жамият аъзосининг мамлакатимиздаги мавжуд табиий ресурслардан оқилона фойдаланишдаги бевосита иштироки кучаяди.

Ўзбекистон ҳудудидаги экологик вазият ва уни янада яхшилаш учун доимий мониторинг қилиниши мамлакатимиз ёшлари манбаатлари нуқғай назаридан стратегик масалалардан биридир. Шунингдек, ушбу жараён табиий ресурслардан унумли фойдаланиш, қазиб олинаётган маъданларнинг истеъмолчиларга йўқотишларсиз етказилиши, уларни қайта ишлашда замонавий технологиялардан кенг ва унумли фойдаланиш самарадорлигини таъминлашни талаб қиласи. Ушбу масаланинг ёшлар экологик маданияти билан боғлиқ-лиги ва ўзига хос хусусиятларидан бири, иқтисодиётнинг глобаллашув шароитида ривожланишини эътиборга олиб ривожланган мамлакатларда табиий ресурслардан фойдала-ниш тажрибасидан ҳам фойдаланиш имкониятларини яратади. Шунингдек, ёшлар экологик маданиятини шакллантиришнинг долзарблиги, иқтисодиёт тармоқларининг интенсив ривож-ланиш хусусиятлари мавжуд ер, сув, биологик ресурслардан фойдаланишни янада такомиллаштириши билан боғлиқлиги-дир. Табиий ресурслардан самарали фойдаланиш мунтазам суратда экологик жараён билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий асоснинг такомиллапувини талаб қиласи. Муаммога бундай ёндашув экологик масалаларнинг глобаллашуви, минтақаларда табиий ресурслардан фойдаланиш жараёнида вужудга келаёт-ган

муаммолар ечими билан чамбарчаслигидир. Мамлакати-мизни янги ривожланиш шароитида экологик маданият масаласи бевосита барқарор иқтисодий тараққиёт, аҳолининг озиқовқат, инсон саломатлиги, пировард натижада ижтимоий хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқдир. Шу мақсадларни амалга ошириш учун мамлакатимиз ёшларининг фаоллигини таъминлаш, уларнинг экологик характерга эга бўлган тадбирлардаги иштирокини кенгайтириш ва пировард натижада экологик маданиятини шакллантириш долзарб фалсафий масалалардан биридир.

### **1.3. Инсон экологик хавфсизлигини таъминлаш институционал тизими такомиллаштирилиши**

Инсон экологияси мустақил фан сифатида шаклланишида экология мавзууда тадқиқотлар ва уларнинг амалиётга жорий эгилиши муҳим аҳамият касб этган. Тирик организмларнинг, шу жумладан инсоннинг экологияси ҳақидаги илмий хуносалар ва қарашларнинг умумлаптирилиши натижасида назариялар вужудга келган. Жумладан, эколог олим А. Ф. Миddenдорф ҳайвонларнинг климатик шароитларда яшashi тўғрисидаги гояларни илгари суради. С. Форбс экологиянинг амалий аҳамияти тўғрисида ва унинг назарий жиҳатларини тадқиқ қилган. К. Мебиус “биоценоз” тўғрисидаги тушунчани фанга олиб кирган. Таъкидлаш лозимки ўсимликлар экология-си тўғрисидаги тушунчалар илмий ёндашувлар, ўсимликлар физиологияси ва фитогеография атрофида шаклланган. Ҳозирги даврда экологиянинг ривожланиш босқичида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар, кўп жиҳатдан биосферанинг ҳозирги ҳолатига багишланган. Янги тараққиёт босқичида экологиянинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради. Биринчидан, табиий ва сунъий (инсон томонидан яратилган) тизимлар тузилиши ва фаолияти ҳақидаги тадқиқотлар. Иккинчидан, турларнинг жойлашиш ҳудуди, ёши, жинси, ҳақидаги маълумотлар ва уларнинг кўпайиши. Учинчидан, биоценозларнинг яшashi тизимлари умумий сонига нисбатан

кўпайиш қонуниятлари тўғрисидаги илмий қарашлар. Тўртингидан, турли экотизимлар орасидаги модда ва энергия алмапинуви ҳақидағи илмий холосалар. Бешинчидан биосферадаги жараёнлар ҳақидағи умумлаштирилган тушунчалар ҳамда биосфера да биоген элементларнинг айланиши, уларни ҳисоблаш методи баҳоланиши тўғрисидаги инновацияцион фикрлар. Шунинг учун ҳам экология биологик фан сифатида инсон ва биосфера ва атроф-муҳит орасидаги муносабатларни унинг ташкилий жиҳатларини ўрганади. Ҳозирги даврда ижтимоий экология фан сифатида умумий экологияяга ва хусусий экологияяга бўлинади. Умумий экология, ўз навбатида, аҳоли экологиясини, жамият экологиясининг экотизимини ўрганади. Хусусий экология, ўз навбатида, ўсимликлар экологияси, ҳайвонлар экологияси, бактериялар экологияси ва замбуругулар экологиясига бўлинади.

Инсон экологик хавфсизлигини таъминлаш институционал тизими такомиллаштирилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2018 йил 3 октябрдаги қарори муҳим амалий аҳамиятга эга бўлди. Қарорда таъкидланганидек, сўнгги йилларда республикада экологик хавфсизликни таъминлаш, экологик вазиятини яхшилаш, чиқиндиларнинг инсонлар соғлигига зарарли таъсирининг олдини олиш, шунингдек, ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида техник ва технологик жараёнлар оқибатида юзага келаётган муаммоларни ҳал этишга янги ёндашувларни жорий қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Республика шаҳар ва туманларида санитария жиҳатидан тозалашнинг муглақо янги тузилмаси яратилди. Барча жойларда давлат-хусусий шериклик шароитида замонавий технологияларни қўллаган ҳолда чиқиндиларни тўплаш, ташиш ва қайта ишлаш кластерларини ташкил этишни назарда тутувчи

чиқиндиларни комплексли бошқариш тизими жорий этилмоқда.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳдил давомида белгиланган вазифаларнинг тегишли даражада амалга оширилишини, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ислоҳотларни белгиланган суръатларда ва самарали амалга оширилишига тўсқинлик қилувчи қатор омиллар мавжудлиги аниқланди, хусусан:

**Биринчи**, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг функциялари ва ваколатлари ҳаддан зиёд марказлашган;

**Иккинчи**, Давлат экология қўмитаси инспекциявий фаолиятининг ягона вертикали мавжуд эмаслиги ҳайвонот ва ўсимлик дунёси обьектларидан ноқонуний фойдаланишга қарши курашишни самарали олиб бориш, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш имконини бермаяпти;

**Учинчи**, санитария жиҳатидан тозалаш соҳасидаги субъектларнинг ташкилӣ, техник, иқтисодий ва ишлаб чиқариш фаолияти етарли даражада мувофиқлаштирилмаяпти;

**Тўртинчи**, экологик тарғиботни ташкил этиш ва олиб бориш бўйича самарали механизmlарнинг йўқлиги мазкур йўналишда ижтимоий реклама ва амалга оширилаётган ахборот-тушунтириш ишларининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда;

**Бешинчи**, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизимига, шу жумладан, атроф-муҳит ҳолатини моделлаштириш ва прогнозлаштиришда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари етарли даражада жорий этилмаяпти.<sup>63</sup>

Юқоридаги ижтимоий экологик муаммоларнинг ечимини таъминлап мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси таркибида:

<sup>63</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 3 октябрдаги қарори. Қонун ҳужжатлари мальумотлари миллий базаси, 05.10.2018 й., 07/18/3956/1994-сон; 21.03.2019 й., 07/19/4247/2801-сон; 22.07.2020 й., 06/20/6031/1088-сон.

Биохилмакиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиши назорат қилиш инспекцияси ва Чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, тўпланиши, сақланиши, ташилиши, утилизация қилиниши, қайта ишланиши, кўмилиши ва реализациясини назорат қилиш инспекцияси негизида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича инспекцияси, Санитар тозалаш бўйича ихтисослаштирилган корхоналар республика бирлашмаси, Ахборот-коммуникация технологиялари ва биллинг тизимини жорий этиш ва ривожлантириш маркази негизида давлат унитар корхонаси шаклида Экологик ахборот, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва мультимедиа маркази ташкил этилди.<sup>64</sup> Мамлакатимизда янги ривожланиш босқичида, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурс-лардан оқилона фойдаланиш, санитария ва экологик ҳолатни яхшилашни таъминлаш соҳасида изчил ишлар олиб борилмоқ-да. Шу билан бирга, бу борада ўтказилган таҳдил натижалари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат функция-ларини амалга оширишда комплекс ёндашув ва стратегик режалаштиришнинг мавжуд эмаслиги, шунингдек, қўйилган вазифаларни самарали бажариш учун табиатни муҳофаза қилиш органининг ваколатлари етарли эмаслигидан далолат беради.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилишлари профилактикаси, уларни аниқлаш ва олдини олишнинг самарали механизмларини жорий этиш, республика аҳоли пунктларининг санитария ва экологик ҳолати учун давлат органлари, ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва фуқароларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш, шунингдек, 2030 йил-

<sup>64</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тақомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбиралар тұғрисида» 2018 йил 3 октябрдаги қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллӣ базаси, 05.10.2018 й., 07/18/3956/1994-сон; 21.03.2019 й., 07/19/4247/2801-сон; 22.07.2020 й., 06/20/6031/1088-сон.

гача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифаларга эришишни таъминлаш мақсадида:

а) 2030-йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси тасдиқланди ва унда қўйидаги чора-тадбирлар назарда тутилган:

❖ атроф-муҳит объектларини (атмосфера ҳавоси, сув, ер, тупроқ, ер қаъри, биохимиялар, қўриқланадиган табиий ҳудудлар) антропоген таъсир ҳамда бошқа салбий таъсир қимувчи омиллардан сақлаш ва сифатини таъминлаш;

❖ экологик жиҳатдан энг кам хавф тугдирувчи материаллардан, маҳсулотлардан, ишилаб чиқариш объектлари ва бошқа объектлардан устувор даражада фойдаланиш;

❖ қўриқланадиган табиий ҳудудларни кенгайтириш;

❖ заҳарли кимёвий ва радиоактив моддалардан экологик хавфсиз фойдаланишини таъминлаш;

❖ чиқиндилар билан bogliq iishlarни амалга оширишининг экологик хавфсиз тизимини тақомиллаштириш;

❖ аҳолининг экологик маданиятини шаклантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиши соҳасида давлат органлари фаолиятининг шаффоғлик даражасини ошириш ва фуқаролик жамиятининг ролини кучайтириш;

б) 2030-йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини 2019-2021 йилларда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди. Концепция эришилган натижалар мақсадди кўрсаткичлар ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича тегишли даврга мўлжалланган асосий йўналишлардан келиб чиқсан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан уч йил муддатта алоҳида-алоҳида тасдиқланадиган “Йўл хариталари” асосида босқичма-босқич амалга оширилади.<sup>65</sup>

<sup>65</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси” <https://aza.uz/oz/documents/2030-yilgacha-b-lgan-davrda-zbekiston-respublikasining-atrof-31-10-2019>

Экологик хавфсизлик соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш мақсадида ва республикада атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик шароитни яхпилаш, чиқиндиларни атроф-муҳитга заарли таъсирини олдини олиш ва аҳоли саломатлиги, аҳоли турмуш тарзи сифати ва даражасини ошириш учун қулай шароит яратиш, чиқиндилар билан ишлаш тизимини узоқ вақт мобайнида яхпилаш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 21-апрелдаги “Экология ва атроф-муҳит соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида” Фармонига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятини ташки этишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига айлантирилди.<sup>66</sup>

Ўзбекистон Республикасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси экология атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва такрор ишлаб чиқариш соҳасида давлат органи бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Давлат Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси тизимида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича Қорақалпогистон Республикаси қўмиталари, шунингдек вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳудудий бошқармаларидан ташкил топган.

Қорақалпогистон Республикаси экология қўмитаси қошида ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари, туманлар

<sup>66</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг тарихи – <http://www.uznature.uz/yz/site/page?numer=103>.

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўлинмаларида, "Гоза Ҳудуд" давлат унитар корхонасининг шаҳарлар ва шунингдек, республика туманларида майший чиқиндиларни йўқ қилиш бўйича хизматлар кўрсатиш участкалари асосида туман ҳокимликларининг ободонлаштириш бўлимлари тузилди.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қулай экологик вазиятни барқарор таъминлаш, ҳудудий бирликларнинг самарадорлигини ошириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожланишининг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясининг мақсадларига мувофиқлаштириш ҳамда давлат бошқарувида маъмурий ислоҳотлар концепцияси доирасида давлат бошқарувининг самарадорлигини таъминлаш мақсадида. Давлат экология қўмитаси қошида Ўзбекистон экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш илмий-текшириш институти, Ўзбекистон экологик қўмитаси, "Эко-Энергия" Илмий-инновацион маркази, Илмий-Ахборотлар маркази каби бўлимлар фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш сиёсати мамлакат экологик хавфсизлигини ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазиятни яхшилаш, чиқиндиларнинг атроф-муҳитга зарарли таъсирини олдини олиш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, чиқиндиларни йигиш, сақлаш, ташиш, қайта ишлаш ва утилизация қилишга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уни такомиллаштириш соҳасидаги давлат органи ҳисобланади ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисбот беради, Ўзбекистон Республикаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида бир қатор халқаро конвенцияларга қушилган ва тегишли ривожлашиш протоколларини ратификация қилган.<sup>67</sup>

<sup>67</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг тарихи – <http://www.uznature.uz/yz/site/page?numer=103>.

Мамлакатимизда инсон экологияси ечимидағи масалларга өрдам беришда Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оиласи құллаб-құвватлаш вазирлигининг тапкил этилиши ҳам мұхим ақамият касб этди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қысқартыриш вазирлигининг тузилганингиң таъқидаш лозим.

Инсон экологияси моҳияти, мазмуні ва уннің жамият ривожидаги үрнини ақолига тушунтиришда оммавиіт ахборот воситалари мұхим үрин әгаллайды. Шунингдек, экологик таълимнинг оммалашувида, бұлажак иқтисодчилар экологик мәданиятининг юксалишида ҳам оммавиіт ахборот воситаларининг ролі каттадир. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-мұхитни мұхофаза қилиш давлат құмитаси, жамоат ташкилотлари, олий таълим мұассасалари, мутахассислар иштирокида Ўзбекистон телерадиокомпанияси билан ҳамкорлықда юртимиздеги мавжуд экологик вазият, ҳудудларда ёки локал ҳолатда вужудға келаётган экологик тангликларга бағищланған радиоэшиттишлар, телевизион күрсатувлар үюштирилиши йүлға қўйилған. Ижодий гурухлар томонидан мамлакатимизнинг ранг-баранг бетакор табиати, табиий ресурсларининг умумий ҳолати, инсон ва табиат мүносабатларини тараним утывчи телевизион фильмдар суръатта олинмоқда. “Ҳозирги даврда республикамизда 1500 дан зиёд оммавиіт ахборот воситалари фаолият күрсатмоқда. Биргина Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибидағи телеканалларнинг бир сутқа давомидеги умумий эфир вақти 616 соатни тапкил этмоқда. Ҳолбуки, мустақилликдан один бу рақам бор-йүғи 48 соатга teng эди, холос”<sup>68</sup>. Республика телерадиокомпаниясининг “Ўзбекистон 24”, Ўзбекистон, “Ёшлар”, “Тошкент”, Оиласи, “Мәданият ва маърифат”, Уз. репорт, Севимли, Спорт, Маҳалла, Ўзбекистон тарихи, Зўр.ТВ каналлари ва вилояtlар телевидениеси, мустақил хусусий телевидение каналлари орқали экология

<sup>68</sup> Шавкат Мирзиёев.Миллий тараққиёт йўлнимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.Том 1, Тошкент, “Ўзбекистон”.2017, 4986.

масалаларига бағишиланган семинарлар, симпозиумлар, илмий конференциялар иши кенг ёритилмоқда, ижтимоий-иқтисодий тармоқларда мавжуд бўлган, шунингдек инсон фаолияти томонидан вужудга келаётган янги экологик танглашклар моҳияти, оқибатлари тасвирларга туширилиб намойиш этилмоқда ва бундай кўрсатувлар, тадбирлар экологик таълимда, бўлажак бакалавр ва магистрларнинг экологик маданиятининг ривожланишида муҳим роль ўйнамоқда. Таъкидлаш лозимки, экологик муаммолар таҳдилида ва унинг ёшлар тафаккурига таъсирида радио ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун Ўзбекистон радиоси, FM радиоси, Ўзбегим таронаси, Махсима радиоси, Ориат доно, Маҳалла, Водий садоси ва бошқа каналларда экологик вазиятга доир эшиттиришлар мунтазам олиб борилмоқда. Экологик муаммоларнинг объектив мазмунда ёритилишида хусусий ахборот восигалари муҳим роль ўйнамоқда. “Эътиборга молик жиҳати шундаки, оммавий ахборот воситаларининг таркиби ҳам тубдан ўзгариб бормоқда. Буни юртимиздаги барча телеканалларнинг қарийиб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари экани ҳам тасдиқлайди.”<sup>69</sup> Шунингдек, мамлакати-мизда нашр қилинаётган газеталарда, яъни Янги Ўзбекистон, Ўзбекистон овози, Халқ сўзи, Правда Востока ва бошқа нашрларда, журнallарда экологияга доир мақолалар эълон қилинмоқда.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ёшлар муҳим ўрин эгаллашини ҳисобга олиб, Ўзбекистонда ёшларнинг ахлоқий, экологик тарбияси, уларнинг бугунги кун талаблари-га жавоб берадиган даражада, юқори малакали мутахассислар ёрдамида замонавий, дунёвий билим олишлари учун барча имкониятлар яратилган. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган, дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг 2017-2021-йилларга мўлжаллланган Ҳаракатлар стратегияси

<sup>69</sup> Шавкат Мирзиёев.Миллий тараққиёт йўлдизини қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.Том 1, Тошкент, “Ўзбекистон”.2017, 4986.

Ёшларимизнинг экологик таълим-тарбиясида аҳамият касб этмоқда.

Мустақиллик йилларида ёшлар камолотини таъминлашга қаратилган кенг қамровли давлат сиёсати туфайли юртимиизда миллий кадрлар тайёрлашнинг ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий асоси яратилган. Давлатимиз раҳбарининг таклифи билан 2008 йил “Ёшлар йили” деб номланган бўлса, 2009 йил “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги”, 2011 йил “Кичик бизнес ва тадбиркорлик йили” ва 2012 йил “Мустаҳкам оила йили”, 2013 йил “Обод турмуш йили”, 2014 йил “Соғлом бола йили”, 2015 йил “Қарияларни қадрлаш йили”, 2016 йил “Соғлом она ва бола йили”, 2017 йил “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”, 2018 йил “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғояларни қўллаб-қуватлаш йили”, 2019 йил “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш”, 2020 йил “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиёт йили” деб аталиши эса ёшларимизнинг ҳар томонлома ижтимоий, иқтисодий ҳаётда ўз ўринларини эгаллашлари учун барча имкониятлар вужудга келтирилаётганлигидан дарак беради. Чунки ватанимизнинг келажаги, ҳалқимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обру-эътибори, аввалимбор, фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улгайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Бу жараёндаги асосий ўринни, келажакда ушбу ёшлар тарбияси учун масъул бўлган бакалаврлар ва магистрлар эгаллайди.

Бўлажак иқтисодчилар экологик тарбиясининг муҳимлиги ва амалий аҳамияти мамлакатимиизда амалга оширилаётган ижтимоий иқтисодий ислоҳотлар, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини модернизациялаш масаласи билан чамбарчас боғлиқлигидадир, чунки мамлактимиизда ёшларнинг аҳоли таркибидаги салмоғи 64,0% ташкил қиласди. Шу жиҳатдан олиб қарасак, уларнинг билим олишлари, тарбияси, касбий тайёргарлиги масалалари мамлакатимииздаги ҳуқуқий демократик давлат қуриш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, ижтимоий

иқтисодий жабҳаларни модернизациялаш шароитида турли жабҳаларда меҳнат қилаётган, ўкув юртларида таълим олаётган ёшлиаримиз экологик вазият ва атроф-муҳитни асрар ёки табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларининг муҳимлиги билан юзма-юз келмоқда. Инсон ҳёти, фаолияти билан узвий боғлиқ бўлган табиат ва ижтимоий муҳит алоқадорлигини ёшлар чуқур англамоқда.

Мамлакатимиз ҳудудларида ер ва сув ресурсларидан унумли фойдаланиш масалаларининг ечимида, атмосфера ҳавосининг тозалигини сақлаш, минерал хом ашё захираларимизнинг Ватанимиз бугуни ва келажаги учун фойдаланишда жонкуярлик ишларини амалга оширишда ёшларнинг ўрни муҳимдир. Бугунги кунда экологик ҳолатнинг асосий қисмларидан бири мавжуд минерал хом ашё, шу жумладан, газ, нефть ресурсларидан тежамли фойдаланишни ташкил этишдан иборат. Масаланинг аҳамияти фақат унинг тарбиявий томонида эмас, балки юртимизнинг ижтимоий иқтисодий тараққиёти билан чамбарчас боғлиқлигидadir. Глобаллашув жараёнида, давлатлар орасида иқтисодий, маданий алоқалар кенгайиб бораётган бугунги даврда Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамияти, шу жумладан, Ўрта Осиёдаги тутган ўрни, ҳалқаро обрўси муттасил ошиб бормоқда. Бундай имкониятларнинг қўлга киритилишида ёшларимизнинг бевосита ҳиссаси бор. Мамлакат ҳалқаро нуфузининг ошиб бораётганилиги умумбашарий, минтақавий, ҳудудий экологик мuaоммаларнинг ечимини топиш учун урунишларида, ушбу соҳада амалга ошираётган тадбирларида, экологик муҳитни соғломлаштириш учун бажараётган ишлари, глобал, минтақавий, ҳудудий экологик тангликларни бартараф этиш учун давлат бюджетидан ажратилаётган катта миқдордаги маблағларида ҳам намоён бўлаяпти. Таъкидлаш лозимки, юртимиздаги экологик муҳит, вазиятнинг долзарб масалаларини ўрганиш, лойиҳалар тузиш, илмий ишлар олиб бориш учун ҳалқаро ҳамжамиятга мансуб ташкилотлар билан ҳамкорлик кенг йўлга қўйилди.

Талабаларнинг, бўлажак бакалавр ва магистрларнинг атроф-муҳит, экологик мувозонатни сақлаш борасидағи яратувчанлик фаолияти, маълум ҳудудларда, зарур ҳолларда экологик вазиятни тиклаш ишларида ҳам ўз аксини топаяпти. Бўлажак иқтисодчиларимиз таълим олишлари учун ҳуқуқий асос мустақиллик йилларида яратилди ва такомиллаштирилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 20 октябрдаги қарорига мувофиқ “1999 – 2005 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳаракатлар дастури” амалга оширилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2013 йил 27 майда “2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастури тўғрисида” қарорини қабул қилди.<sup>70</sup> Янги тараққиёт босқичида экологик мувозонатни сақлашда Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларга мўлжалланган янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси муҳим роль ўйнайди. Мустақиллик шароғати туфайли биз ўз ҳудудларимиз экологик мувозонатини сақлаш учун мустақил ҳаракат дастурларини яратиш имкониятига эга бўлдик. Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ёшлиаримиз орасида узлуксиз экологик таълим-тарбия тизимини яратиш борасида арзигулик ишларни амалга оширмоқда. Натижада Халқ таълими вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг қарори билан “Экологик таълим давлат стандарти” ва “Узлуксиз экологик таълим концепцияси” ишлаб чиқилди ва таълим-тарбия амалиётига киритилди. Экологик таълим-тарбия бўйича семинарлар ташкил қилинмоқда. Дарсдан ташқари вақтда талаба-ёшлиар билан ишлап учун экологик тўгараклар ишини ташкил этишга мўлжалланган дастурлар ишлаб чиқилди. Халқ таълими вазирлиги томонидан экологик таълим йўналишидаги

<sup>70</sup>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2013 йил 27 майда “2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастури тўғрисида” қарори. <http://news.mail.ru> 28 май 2013

дарсликлар, ўқув қўлланмалари, тавсиялар тайёрланди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги мутахассислари томонидан тайёрланган ўқув дастурлари, ўқув қўлланмалар ўқув юртларига ўтказилди. Талабаларимизнинг экологик тарбияси-да муҳим ўринга эга бўлган “Экология”, ва “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш” фанлари олий ўқув юртларида ўқитилиши йўлга қўйилди. Мамлакатимизда эколог мутахассислар тайёрлаш масаласи тубдан янгиланди. Шу жумладан, Тошкент давлат иқтисодиёт университетида эколог иқтисодчи мутахассислар, бакалавлар тайёрланди.

Олий педагогик таълимда экологик таълим ва гарбия ишининг мукаммаллаштириш, уни давримиз талаблари асосида ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузурида иш олиб бораётган ахборот марказининг ишини алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу қўмитанинг “Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда ишларни ташкил этиш бўйича тавсиялар” дастури амалиётга жорий этилди, қўмитанинг саъй-ҳаракати билан “Экология хабарномаси” журнали нашр этилмоқда. Мунтазам суръатда оммавий ахборот воситалари орқали экологиянинг долзарб масалалари, атроф-муҳитни сақлаш бўйича тавсиялар ёшларимиз орасида тарқатилмоқда, уларда экологик онг, тафаккурнинг ривожланиши бўйича тавсиялар берилмоқда. Қолаверса, оммавий ахборот воситалари орқали хорижий мамлакатларда экологик вазиятни сақлаш, унга зарар этказмаслик, айниқса, жонли табиатни асраш бўйича тўпланган тажрибаларнинг кўрсатилиши талабаларда катта қизиқиш ўйготмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлайдики, “бу ҳақда сўз юритганда, энг тезкор ахборот воситаси интернет ҳаётимизга тобора чукур кириб бораётганини алоҳида қайд этиш лозим. Ҳозирги вақтда глобал тармоқда Uz доменли веб сайtlар ахборот порталлари сони 400 дан ошиб кетгани, уларнинг аксарияти хорижий тилларда ҳам фаолият кўрсатаётганини, ушбу йўналишда янги ижодий авлод

интернет журналистлари шаклланиб бораётгани эътиборга сазовордир".<sup>71</sup>

Давлатимизнинг мустақил ривожланиши даврида ёшларимизда экологик маданиятни шакиллантиришга муҳим ўрин эгаллаётган, ушбу масалада қатор амалий ишларни бажараётган жамаоат ташкилотлари вужудга келди. Шулар жумласига Узбекистон ёшлар иттифоқи киради. Унинг қуий ташкилотлари вакиллари томонидан вилоятлар ҳудудларидағи экологик вазият ўрганилиб, уни янада яхшилаш, кўкаламзор-лаштириш, ҳудудлардаги мавжуд табиий ресурсларни, жумладан, флора ва фаунанинг камёб қисмини асраш борасида амалий ишлар бажарилмоқда. Узбекистон ёшлар иттифоқи-нинг олий ўқув юртларидағи бошлангич ташкилотларининг ташаббуслари билан талабалар экологик маданиятини ривож-лантириш аҳамиятига молик ишлар йўлга қўйилган.

Бўлажак бакалаврларда экологик маданиятни ривожлантиришда олий ўқув юртлари талабалари орасида экологик муаммоларга бағишланиб доимий суръатда ташкил этилаётган, ўtkазилаётган кўрик-танловлар, викториналар, ёш рассомларнинг экологик мавзуга багишлиланган ишлари, бадиий-ижодий намуналарининг кўргазмалари, мамлакатимизда экотуризм ривожланишини тарангум этувчи тадбирлар муҳим тарбиявий аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг соҳа институтлари ёш тадқиқотчилари, университетлар, институтларда фаолият кўрсатаётган докторантлар, ёш педагогларнинг илмий тадқиқотларининг маълум қисмида экологик муаммоларнинг ечими изланмоқда. Ёш илмий тадқиқотчиларга халқаро, республикамиз даражасидаги илмий амалий конференцияларда иштирок этиш, экологияга бағишлиланган илмий мақолаларини гўпламларда чоп этишга амалий ёрдам қилмоқда. Энг муҳим натижалардан бири ёш олимларнинг мустақил тадқиқотлари натижасида қўлга киритган илмий хуросалари,

<sup>71</sup> Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлнимизни қатъяят билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Том 1, Тошкент, "Ўзбекистон". 2017, 4986.

мустақил илмий ишлари туфайли қўлга киригган натижалари асосидаги таклифларининг экологик тизимда амалиётга киритилишига ҳам ёрдам бермоқда.

Олий таълим муассасалари шаҳарлар ва қишлоқларда яшаётган, мамлакатимиз ижтимоий иқтисодий ривожланишига ўзларининг катта ҳиссасини қўшаётган ёшларимиз орасида экологик маърифат, тарбиявий аҳамият касб этувчи тадбирлар ўтказмоқда. Таъкидлаш лозимки, экологик партия мутасаддилари Қорақалпогистон Республикасидағи экологик қийинчиликлар вужудга келган туманларни тоза ичимлик суви билан таъминланиши бўйича амалга оширилаётган ишларни ҳам экологик тарбия ишлари мажуасига киритганлиги экологик маданият ривожланишида муҳим роль ўйнади. Бўлажак бакалаврлар экологик маданиятини ривожланиши-нинг амалий жиҳатлари сифатида ҳар йили экологик ташкилотлар томонидан болалар шифохонолари, ижтисослаш-тирилган касалхоналар, шу жумладан, юқумли касалликларга мўлжалланган сиҳатгоҳларда, аҳоли яшаш жойларида, фаолият юритаётган деҳқон бозорлари худудларида юқумли касалликларнинг олдини олишга мўлжалланган медикаментлар билан таъминлаш йўлга қўйилганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу мақсадда «Қишлоқ турмуш маданияти: ижтимоий саломатлик, экологик жиҳатлари» мавзусидаги лойиҳа-нинг ҳаётга татбиқ этилаётганлиги ёшларнинг экологик маданиятини ривожлантириш, улар экологик тарбиясида муҳим омиллардан бўлмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ҳокимиятлар, жамоат ташкилотлари томонидан ташкил этилаётган «Саломатлик поездлари»нинг асосий мақсадларидан бири ҳам экологик танглик мавжуд ҳудудларда яшовчи аҳолига гуманитар ёрдам бериш, улар экологик маданиятини оширишга қаратилгандир.

# **II БОБ. ЖАМИЯТНИНГ ЯНГИ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧИДА ИНСОН ЭКОЛОГИЯСИ РИВОЖИГА КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ**

## **2.1. Рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тизими такомиллашувининг инсон экологияси таъсири**

Ўзбекистонда ривожланишнинг янги босқичида ислоҳотларни амалга ошириш даврида табиий мухитга салбий таъсир этувчи сабабларни, яъни инсон антропоген фаолиятининг ўзига хос хусусиятини аниқлашга алоҳида эътибор берилади. Чунки глобаллашув даврида инсоннинг ижтимоий-иктисодий, сиёсий фаолиятининг самарали натижаси муқобил, ижобий экологик вазиятда амалга ошиши мумкин. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда инсоннинг экологик тоза замин, талабларга жавоб берадиган технологик шароитида фаолият юритишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Бўлажак бакалаврлар ва магистрларни мамлакатимиздаги экологик вазиятга доир таққослаш маълумотлари билан қуроллантириш мақсадга мувофиқdir. Эколог олимларнинг маълумотларига қараганда дунёда 1,1 миллиард одам тоза ичимлик сувга эга эмас. Жаҳон аҳолиси орасида учраётган турли касалликларнинг 10,0% ичимлик сувининг ифлосланиши ёки унинг етишмаслиги оқибатида вужудга келмоқда. Бундай ижтимоий экологик муаммолар айниқса ривожланаётган мамлакатларнинг қишлоқ жойлари аҳолиси орасида кўпроқ содир бўлаяпти, чунки уларнинг 29,0% тоза ичимлик суви ичмайди, 62,0% аҳолининг турмуш шароити санитария ҳолати талабларга жавоб бермайди. Жаҳон соглиқни сақлаш ташкилотининг маълумотлари далолат берадики, Ер шарида яшаётган одамлар орасида содир бўлаётган касалликларнинг 25-30,0% экологик аҳволнинг чигаллашуви билан боғлиқdir. Шунингдек, жаҳондаги ривожланаётган давлатлар ҳудудида яшаётган 2,4 миллиард аҳоли ўз турмushiда канализациядан фойдаланмайди, шаҳар аҳолисининг 40,0% мураккаб сани-

тария ҳолати шароитида истиқомат қиласы. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлайдыки, “қиплоқ ахоли пунктларида ичимлик сув тармоқларини кенгайтириш ва модернизация қилиш дастури биз учун гоят долзарб бўлган муаммоларни ҳал қилишга қаратилади. Бу муаммолар асосан қўйидагилардан иборат, биринчидан, бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисини марказлашган ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 67 фойизни ташкил этмоқда.”<sup>72</sup>

Инсоннинг салбий, табиатга нисбатан анропоген фаолияти натижасида ҳудудлар экологиясига салбий таъсир миқдори мунтазам ошиб бораяпти. Ишлаб чиқариш технологияларидаги камчиликлар экологик катасстрофалар содир бўлишига сабаб бўлмоқда ёки унга олиб келмоқда. Турли техноген фалокатлар сони кўнаймоқда. Ўзбекистонда 2020 йил май ойида Сирдарё вилоятида сув омборидан сув чиқиши натижасида вужудга келган фалокат фикримиз далилидир. «Сардоба» сув омбори тўғонининг ўпирилиш сабаблари аниқланишича, сув омбори 2010–2017 йилларда қурилган бўлиб, лойиҳага буюртмачи сифатида «Сирдарё сув қурилиш инвест» ДУК (Сув хўжалиги вазирлиги), бош лойиҳачи – «UzGip» МЧЖ, бош пурратчи – «Ўзтемирийўл қурилиш монтаж» УК («Ўзбекистон темир йўллари» АЖ) танланган. Сув омбори қурилишига давлат бюджетидан 1,2 трлн сўм сарфланган. Сув омборидан фойдаланиш «Ўзбекистон темир йўллари» АЖга қарашли «Сардоба сув омбори обьектларидан фойдаланиш ва ривожлантириш дирекцияси» томонидан амалга оширилган.<sup>73</sup>

Экспертиза хulosасига кўра, сув омбори тўғонининг ўпирилишига қўйидаги инсон омиллари сабаб бўлган.

Биринчидан: лойиҳанинг техник-иқтисодий асослари тегишли экспертизадан ўтиб, тасдиқланганидан кейин ишчи-loyiҳa ҳужжатларини тайёрлаш вақтида конструкцияга

<sup>72</sup> Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Том 1, Тошкент, «Ўзбекистон». 2017, 776.

<sup>73</sup> «Сардоба» сув омбори тўғонининг ўпирилиш сабаблари аниқланди. <https://www.gazeta.uz/uz/2020/07/27/sardoba>

(қияликларнинг баландликка нисбати, ҳимоя ва фильтрловчи қопламаларнинг характеристикаларига) лойиҳачи томонидан ўзбошимчалик билан, асослантирилмаган ҳолда, тўғоннинг ишонччалиги ва турғуналигини таъминламайдиган даражага олиб келган ўзгартиришлар киритилган.

Иккинчидан: тўғоннинг танасини ташкил қилган тупроқнинг зичлиги лойиҳавий талабдагидан паст ва тупроқ ёт жисмлардан тозаланмаганини оқибатида улар чириб, бўшлиқлар ҳосил қилган, ҳимоя қатламига ётқизилган харсангтошларнинг диаметри лойиҳадаги ўлчамлардан бир неча бор катта бўлған ҳолда, харсангтош қопламаси лойиҳа ҳужжатида белгиланган қаликликтан кам, тошлар нотекис, сифатсиз жойлаштирилган ва катта диаметрли тошлар ўртасидаги бўшлиқлар майда тошлар билан тўлдирилмаган.

Учинчидан: эксплуатация жараёни билан боғлиқ жиiddий моддий ва номоддий камчиликларга йўл қўйилган. Жумладан, тўғонга хизмат кўрсатувчи «Сардоба» сув омбори обьектларидан фойдаланиш ва ривожлантириш дирекцияси»нинг бевосита тўғонга хизмат кўрсатувчи таркиби зарурӣ моддий-техник воситалар билан таъминланмаган. Боз устига, ўtkazilgan малака аттестацияси эксплуатацияга жалб этилган ходимларнинг 56% зарурӣ билимга (ижтисос), 82% малака ва тажрибага эга эмаслигини ва бунинг оқибатида тўғонга сифатли хизмат кўрсатишга, ўпирилиши каби фавқулодда ходисаларга олиб келувчи омилларни ўз вақтида аниқлашга қодир эмаслигини кўрсатди.

Тўртингчидан: юқорида аниқланган ҳолатларни инобатга олган ҳолда, экспертиза сув омборини лойиҳалаш, қуриш ҳамда эксплуатация қилиш жараёнидаги қайд этилган хато ва камчиликлар, сув омбори қурилиши 2-босқичи давлат комиссияси томонидан қабул қилинмаган бўлсада, тўла ҳажмда сув тўпланганини якка тартибда ёки уларнинг мажмуи тўғон ўпирилишига сабаб бўлганилиги ҳақида хуносага келган.<sup>74</sup>

<sup>74</sup> «Сардоба» сув омбори тўғоннинг ўпирилиш сабаблари аниқланди. <https://www.gazeta.uz/uz/2020/07/27/sardoba>

Шунингдек, атроф-муҳитни асраши учун инсон ҳаракатининг зарурияти ва унинг экологик маданиятини ривожлантиришнинг муҳимлиги шу билан белгиланадики, баъзи ҳолларда ҳозирги экологик вазият унинг генофондига салбий таъсири кучайиб бораётганлигини кўрсатмоқда, яъни истеъмол товарлари таркибида концраген моддаларнинг кўпайганлиги ҳам инсон фаолиятига салбий таъсир қилаяпти.

Ўзбекистон олий таълим тизимида ўтказилаётган ислоҳотлар рақаботборош, мамлакат келажаги, ундаги экологик хавфсизлик ва инсон манфаатлари ижроси учун ҳаракат қиласидиган кадрлар корпусини тайёрлашга қаратилгандир. Ушбу муштарак вазифани ҳисобга олган ҳолда, бўлажак бакалаврлар экологик маданиятининг ривожланиши модели билан ҳамоҳанг бўлган ва жамият барқарор тараққиётига ҳалақит берадиган факторлар қаторига қўйидагиларни киритиш мумкин: озон қатламишининг емирилиши, ўрмонларнинг камайиши, саҳролар ҳажмининг кенгайиб кетаётганлиги, тупроқ эрозияси, шўрланиши ва ер ҳосилдорлигининг пасайиши, сув ресурсларининг ифлосланиши, ер ости сувларининг кўтарилиши, биохилмажилликнинг камайиб кетиши ва атмосферада парник газлар концентрациясининг ўсиб бораётганлиги кузатилмоқда. Бундай ҳолатнинг асосий сабаблари бўлажак кадрлар томонидан таҳдил қилиниши, мазмунини, моҳиятини ва оқибатларини тушуниб олишлари уларнинг умумий билим савиясини, экологик тайёргарлигини оширади ва экологик маданиятини ривожлантиради. Ўзбекистонда узлуксиз таълимдаги ислоҳотлар мобайнида мавжуд экологик аҳволни яхшилаш учун қатор амалий ишлар ва тадбирлар амалга оширилди, экологик вазиятни юмшатишга қаратилган ҳалқаро ҳамкорлик йўлга қўйилди. Шу жумладан, олий таълимдаги ислоҳотлар давомида бўлажак кадрлар экологик маданиятини ривожлантириш жараёнининг илмий, амалий жиҳатларининг мазмуни ва моҳиятини илмий асослашга алоҳида аҳамият берилди.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегиясида амалга оширилиши ва узликсиз таълимни модернизациялаш орқали табиатинсон-жамият муносабатларининг уйғуналашувини таъминлаш учун чора тадбирлар белгиланди. Бу жараён, ўз навбатида, бўлажак мутахассисларнинг экологик маданиятини ривожлантиришда муҳим фактор вазифасини бажарди. Демократик ислоҳотлар даврида атроф-муҳитни асраршнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланган экологияга доир қонунлар қабул қилинди ва экологияга доир масалаларни қамраб олган қонун ости ҳужжатлари амалиётга жорий қилинди ва бу жараён, ўз навбатида, бўлажак мутахассислар экологик маданиятининг ривожланишига ижобий таъсир қилган омиллардан ҳисобланади. Таъкидлап лозимки, мамлакатимизда экологик хавфсизликни таъминлаш учун ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий, ҳуқуқий мазмундаги, илмий асосланган қатор тадбирлар амалга оширилди. Ушбу соҳага ҳалқаро ташкилотларнинг эътибори ва молиявий ҳамкорлиги ҳам жалб қилинди. Бундай саъй-ҳаракатлар натижасида мамлакатимиз вилоятларида атмосфера ҳавосининг ифлосланиши камайди, аҳолини ичим-лик суви билан таъминлаш яхшиланди, қишлоқ хўжалигига пестицидларни ишлатиш қисқартирилди, экин майдонлари таркибига ўзгартиришлар киритилди, натижада шаҳар ва қишлоқларда инсон яшаси, меҳнат қилиши учун шартшароитлар тубдан яхшиланди.

Энг муҳим тадбирлардан бири узлуксиз таълимдаги ислоҳотларнинг самараси ўлароқ ёшлиарнинг, баркамол авлоднинг, шу жумладан, бўлажак кадрларнинг экологик маданиятини ривожлантиришга йўналтирилган тарбиявий ишлар бажарилди, таълим жараёни ҳалқаро стандартлар даражасида ташкил қилинди, яъни олий ўқув юртлари таълим дастурларига ўзгартиришлар киритилди, ўқув режаларида экологик билимларни беришга қаратилган мавзулар сони қўпайтирилди. Бевосита ўқитилаётган фанлардаги экологияга доир мавзулар мазмуни такомиллаштирилиб, атроф-муҳит ҳимояси зарурия-

тини ва мақсадини очиб берадиган материаллар ўқув қўлланмалар ҳамда дарсликлар саҳифаларидан ўрин олди. Атроф-муҳитнинг ҳар бир бўлажак педагог ҳаётидаги алоҳида ўрни ўқув юргларида ўтказилаётган илмий семинарлар, тарбиявий йўналишдаги сұхбатлар, илмий конференция дастурлари ва илмий тўғараклар фаолиятидан жой олди. Экологик вазиятнинг ижтимоий-иктисодий, халқаро қирралари мутахассислар иштирокида илмий муҳокамалардан ўтказиш амалиёти бошланди. Масаланинг муҳим томонларидан яна бири ушбу анжуманларга Ўзбекистон экологик партияси фаолиятини қўллаб-қувватловчилар сифатида, талабалар, яъни бўлажак мутахассислар ҳам кенг жалб қилинди. Атроф-муҳитни асраш, флора ва фаунани сақлаш масалалари талабалар билан дарсдан ташқари шароитда жамоатчилик вакиллари билан ўтказиладиган экологик тадбирлар режасига киритилди. Айниқса, ушбу илмий, ижтимоий аҳамиятга мансуб тадбирларнинг Ўзбекистон Экологик партияси жамоат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари вакиллари билан ҳамкорликда ўтказилаётганиги, экологик мазмундаги тадбирлар нотижаларининг ёшлиар билан биргаликда муҳокама қилинганиги ушбу тадбирларнинг бўлажак кадрлар экологик маданиятини юксалтиришдаги ўрни юқори бўлди, яъни бўлажак мутахассис бевосита келажакда ўзи фаолият кўрсатиши мумкин бўлган ўқув юртидаги иш фаолиятини, экологик тадбирлар ўтказишнинг мақсади, мазмунини, аҳамиятини тасаввур қилиш имконияти вуҷудга келди. Шунингдек, иктиносиди мутахассисликни эгалламоқчи бўлган талабаларга регионал экологиянинг турли жабҳаларини ўз ичига олган мустақил илмий тадқиқот мавзулари, реферат ишланмаси, курс ишлари, битирув малакавий иши сифатида тадқиқ қилишга берилиши ҳам улар тафаккурида экологик билимларнинг кенгайишига олиб келади. Ушбу фанлар бўйича мустақил ишларни тайёрлашда, фанлар бўйича бажарилаётган курс ишларида, яъни экологик мавзулар устида иш олиб борища талабалар маҳаллий материаллардан ҳам фойдаланишмоқда, ўқув материалларни

тобора глобаллашаётган экологияга оид масалалар билан таққослаб мустақил хуносаларга келишмоқда. Бўлажак бакалавр ва магистр илмий раҳбар томонидан экологияга оид мавзуни мустақил ўрганиш учун ва илмий семинарда, аумалоқ стол атрофидаги экологияга бағишлиланган давра сұхбатида чиқиши учун таклиф қилиниши, уларда ушбу ижтимоий масалага нисбатан катта қизиқиш ўйготади ва экологик муаммолар можиятини англашларига ёрдам беради. Натижада талабалар экологик маданияти ривожланиш модели мазмунида мұхим омил вазифасини бажаради.

Бўлажак бакалаврлар экологик маданиятини ривожлантириш модели муаммоси олий таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш билан ҳам боғлиқдир. Педагогик жараённи бошқариш ижтимоий бошқарувнинг ажralmas қисми бўлиб, уни такомиллаштириш зарурияти узлуксиз таълимнинг долзарб муаммоси бўлиб ҳисобланади. Шунга кўра, бу масала олий таълим бўғинларининг, узлуксиз таълим раҳбарлари ва ташкилотчиларининг ҳамда ижтимоий фанлар соҳасида хизмат қилаётган олимлар ва илмий ходимларнинг доимий диққат-эътиборидаги масаладир.

Бўлажак кадрларда экологик маданиятни ривожлантириш модели олий таълим муассасаларининг фаолиятини самарали, оқилона ташкил қилиш, олий таълим таркибидағи муассасаларнинг ҳар бир раҳбари ва педагоглари томонидан ўз бурчларининг сифатли бажарилиши, ўқув тарбия ишларининг самарасига, таълим муассасасида келажакда қилинадиган ишларнинг аниқ-равшанлигига, бажарилаётган масалаларнинг аниқлигига, вазифаларнинг тўғри тақсимланишига ва экологик таълим-тарбия ишини моҳирлик билан оператив бир-бирига мувофиқлаштириб олиб борилишига боғлиқ.

Узлуксиз таълимнинг модернизациялашуви шароитида олий таълимни бошқариш мунтазам суръатда такомиллаштирилишини талаб қиласиган фаолиятдир. Таъкидлаш лозимки, олий педагогик таълим муассасаси ички тузилишга эга бўлган механизмдир. Унинг ҳар бир қисми фақат тартибли, ижодий ва

фан ютуқларига таяниб ишлаганида, ўқув-тарбия жараёнини самарали бошқарганида юқори натижаларга эришади ва бўлажак кадрларда экологик маданият ривожланишида муҳим омил ролини бажаради.

Ислоҳотлар даврида олий таълимни бошқариш асослари таҳдил қилинар экан, шуни қайд қилиш лозимки, олий таълим муассасаларининг мақсади юқори малакали, рақаботбардош кадрлар тайёрлашдан иборатdir. Бундай шароитда олий таълим йўналишлари, факультетлар ва кафедралар орқали профессор-ўқитувчилар фаолиятини бошқариш ишларини илмий педагогик кенгашларга юклатилганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Олий таълим муассасаларига раҳбарлик қилиш, якка бошчилик принципига таяниш, бўлажак кадрларни юқори малакали мутахассис сифатида тайёрлаш ва улар мураккаб экологик тарбия жараёнининг мазмун, моҳиятини билишлари учун барча имкониятларни вужудга келтириш билан боғлиқdir. Олий таълим муассасаларини бошқаришдаги якка бошчилик принципининг муҳим аҳамияти шундаки, бўлажак кадрларда экологик маданиятни ривожлантириш моделини шакллантириш омилларига ижодий ёндашилади, ҳар бир профессор ўқитувчи фаолиятига мустақил баҳо берилади.

Таълим муассасалари жамоаси педагогик фаолиятнинг муҳим бир қисми бўлиб, олий таълимни ташкил қиласи, мазмун ва моҳиятларини белгилайди, илмий методологик нуқтаи назардан асослайди, бўлажак кадрларни мутахассислик йўналишларига доир ривожлантиришнинг асосий вазифаларини бажашиб тартибини белгилайди. Ушбу жараёнда олий таълимнинг ўқув услубий адабиётлар, дарсликлар, монографиялар ва илмий тўпламлар, журнallарнинг янги авлоди билан таъминланишига эътибор бериш лозим. Шунинг учун ҳам ушбу масаланинг ечимини таъминлаш учун университетлар хузуридаги босмохона, ахборот ресурс марказлари ташкил этилган. Шу билан биргалиқда, “бугунги кунда мамлакатимизда китоб маҳсулотларини нашр қилиш ва тарқатиш тизими

самарадорлигини ошириш, китобхонлик маданиятини юксалтириш масаласига катта эътибор берилмоқда. Бундай муҳим назифани амалга ошириш учун юртимизда 118 та нашириёт, 1 минг 760 та матбаа корхонаси, минглаб ижодий ва техник ходимлар фаолият олиб бормоқда. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан ҳар йили 7 тилда 60 миллион нусхадан ортиқ китоб чоп этилмоқда”<sup>75</sup>.

Фалсафа фани жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг маълум соҳасини, унинг тараққиёти, ёшлиар тарбиясига оид қонуниятларини ифодалайди ва таҳдил қиласди. Шунинг учун ҳам олий таълим бошқарувининг мукаммалаштирилиши ва таълим соҳасидаги ташкилотчиликни такомиллаштириш, тарбиявий ишларга аниқлик киритиш, таълим сифатини ошириш билан боғлиқdir.

Олий таълим муассасалари ишларини бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш масалаларини такомиллаштириш зарурияти, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши ва унинг узлуксиз таълим тизимида тўлиқ амалга оширилиши билан янада амалий аҳамиятга эга бўлди. Бу жараён олий таълим таркибидағи фанлар орқали талабаларга экологик билимларни бериш имкониятини ҳам кенгайтирди.

Ислоҳотлар давомида олий таълим муассасаларининг методологик, ҳуқуқ, моддий техника асосининг такомиллашувига ҳам эътибор берилди ва бу жараён давом эттирилаётганлиги, талабаларда экологик маданиятни ривожлантириш жараёнида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунинг асосий натижалари қўйидагиларда ўз аксини топмоқда: 1) миллый кадрлар тарбиясининг мақсад ва вазифалари тўғрисидаги таълимот Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев асарлари, нутқларида намоён бўлди; 2) олий таълимдаги ислоҳотлар миллый ғоя таълимо-тига асосланган ҳолда олиб борилди ва такомиллаштирилди. Бу жараён мазмуни

<sup>75</sup> Шавкат Мирзиёев. Миллый тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Том 1, Ташкент, “Ўзбекистон”. 2017, Бет 499.

таркибида талабалар экологик мадания-тини ривожлантириш моделини яратиш ғояси ва унинг амалиётдаги ҳолати ҳам ўз аксини топди.

Узлуксиз таълимдаги ислоҳотлар кўламида бўлажак кадрлар экологик маданиятини ривожлантириш модели мазмунига йўналтирилган ўқув-тарбия ишини талаблар даражасида ташкил қилиш учун қўйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқлиги аниқланди:

– ўқув дастурлари, фанлар бўйича маъруза матнлари мазмунига экологик маданият масаласига доир материалларнинг киритилиши, кенг ифода қилинishi, методик жиҳатдан асосланиши;

– ўқув хоналирини экологияга оид материаллар, замонавий таълим воситалари билан жиҳозлаш;

– замонавий компьютер воситалари, интернет, смарт доскалар билан таъминланиши;

– талабани экологияга доир дарслклар, ўқув қўлланмалар, илмий методик адабиётлар, электрон ахборотлар мажмуаси билан таъминлаш;

– талабани экологияга оид дидактик материаллар билан таъминлаш;

– аудиторияда инсон фаолияти учун экологиянинг муҳимлигини таъкидловчи қулай ижодий психологик, ижодий вазиятни вужудга келтириш;

– педагоглар жамоасида экологияга доир материалларни ўрганиши ва ўқитишга йўналтирилган ижодий муҳитни ташкил қилиши.

Олий таълим муассасаси раҳбарлигининг такомиллаштирилиши ўқув-тарбия ишларини модернизациялашаётган узлуксиз таълим талабларига мос равища олиб боришни талаб қиласди. Натижада таълим муассасаларида мониторинг ишларини амалга ошириш талабаларнинг экологияга доир масалаларни мустақил ўрганишлари учун муҳим манба ва восита ролини бажарди. Таълим муассасасида талабаларнинг экологик мавзулардаги фанлар доирасидаги мустақил ишлари-

нинг юқори илмий педагогик савиядада ташкил қилиниши, экологик билимларга доир ўқув-тарбиявий ишларни такомиллаштиради. Пировард натижада талабалар экологик маданиятини ривожлантиришда мұхым омиллардан ҳисобланади.

Узлуксиз таълим жараёнига, шу жумладан, олий таълим-тарбия фаолиятига раҳбарлик қилишнинг ўзига хос хусусиятларидан бири таълим муассасаси ишини комплекс суръатда тасаввур қилиш ва уни замонавий талаблар даражасида ташкил этишдир.

Олий таълим муассасасидағи таълим-тарбия жараёни ҳозирги мұраккаблашаётган давр ахборотлар тизимини, ўқув муассасасининг ички бошқарув тизимини такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини оширишни талаб қиласы. Бу жараён бевосита талабаларнинг тарбиявий ишларини янги талаблар асосида ташкил қилишда мұхым ўрин әгаллайды. Унинг мақсади бүлажак педагоглар, мұтахассислар учун мұлжал-ланган таълим-тарбия ишларини ҳозирги глобаллашаётган, фуқаролик жамияты ривожланаётган давр талаблари асосида ташкил қилишдир. Жамиятнинг олий таълимга, кадрлар корпуси олдига қўйган талаблари илфор педагогик тажриба-ларни, замонавий педагогик технологияларга асосланишни, экологик тарбияни самарали йўллар билан бойитишни ва уни янада такомиллаштишни қамраб олади.

Бўлажак кадрларни тайёрлайдиган олий таълим муассасаларининг таълим-тарбия ишларида ташкилотчилик қилишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Ушбу хусусиятлардан бири таълим муассасасида ижодий психологияк вазиятни вужудга келтириш натижасида профессор-ўқитувчилар жамоа-сининг илмий, ўқув-тарбиявий ишларини уйғулашувига эришиб, бу жараённи узлуксиз таълим талабларига жавоб берадиган ҳолда ташкил қилишдан иборатdir. Қайд қилиш лозими, узлуксиз таълимнинг мұхым бўғини ҳисобланган олий ўқув юртларидаги ислоҳотлар туфайли, ижтимоий фанлар соҳасидаги илмий изланишлар тараққиёти, таълим-тарбияни такомиллаштишнинг асосий йўналишларидан экологик таълимни модерниза-

циялаш билан боғлиқ ҳолда олиб бориш заруриятини вужудга келтириди. Бинобарин, олий таълим жараёнининг такомиллашуви таълим-тарбия назарияси ва амалиётига доир масалаларни; таълимнинг мазмуни, таълим принциплари, ўқитишининг шакли, услуби ва воситалари, таълимни янада мукаммал ташкил қилишни талаб қиласиди.

Олий таълим муассасасидаги масъул раҳбарлар, профессор ўқитувчилар, олимлар, тарбия жараёнининг ташкилотчилари экологик таълим ишларини уюштиришга раҳбарлик қилиш жараёнида замонавий, модернизациялашган ўқув қўлланмалар, илмий, назарий, методик ва умум-педагогик адабиётлардан упумли фойдаланиш масаласини вужудга келтиради. Олий таълим соҳасидаги бўлажак иқтисодчиларни тайёрлашни мукаммалаштиришга қаратилган тадбирлар доирасида ўқув режаларига ўзгартишлар киритилади. Шунингдек, муаммонинг бундай ечими бўлажак бакалаврлар, магистрлар экологик маданияти ривожланиш модели мазмунидаги мухим роль ўйнайдиган омиллардан бири ҳисобланади. Таъкидаш лозимки, ўқув жараёни модернизациялашган, таълим талабларига мос равишда яқин келажак истиқболни лойиҳалаштириш олий таълимнинг мазмуний қисмини талаблар даражасида ташкил қилишга қаратилган. Бўлажак бакалаврни, магистрни етук мутахассис сифатида тайёрлашга мўлжалланган олий таълимнинг умумий ва аниқ мақсади ўқитиладиган фанлар мажмуасини аниқлаш, уларни замонавий талаблар асосида такомиллаштириш, ўқув режасига киритилган ҳар бир фаннинг мазмуни, ўқув материаларининг умумий ҳажмини талабаларнинг умумий бандлигини ҳисобга олган ҳолда тапкил қилиш каби масалаларни ҳал қилишни ўз ичига олади.

Баркамол авлод тарбияси вазифаси ва бўлажак бакалаврлар, магистрларнинг маънавий юксалишида экологик маданиятни ривожлантириш моделини шакллантириш жараёнини бошқариш – нафақат, олий ўқув юргларида фаолият олиб бораётган илмий жамоалар ишини такомил-лаштиришни ҳамда мамлакатимизда фан, адабиёт, санъат, маданият ва соғлиқни

сақлаш ходимларининг иштирокини ҳам ўз ичига олади. Шунга кўра, олий таълим тизимини жаҳон андозалари талабларига мос суръатда бопқариш, жамиятда ижтимоий бошқарувнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ушбу жабҳанинг мунтазам ривожланишида, яъни талабалар учун муайян шароитларни яратишда ўқув муассасасининг фаолиятини моделлаштирилиши, таълим-тарбия ишининг яқин келажак ҳолатини илмий асосда режалаштирилиши, бўлажак бакалаврларнинг касбий тайёргарлиги экологик маданиятнинг ривожланиш моделини яратиш муаммоси билан bogлиқdir.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини, кадрлар тайёрланишини назорат қилиш, мониторинг тизимининг мукаммаллаштирилиши, ўз наъбатида, кафедралар томонидан бўлажак мутахассислар экологик маданиятини ривожлантириш модели мазмунига йўналтирилган фаолият олиб борилишининг самарадорлигини таъминлашга қаратилгандир. Ушбу жараён давомида талабалар учун олиб борилаётган экологик мазмундаги дарсларнинг сифати, ушбу дарслардан кутилган мақсадга эришиш, пировард натижада юқори малакали, педагог мутахассис тайёрланишини таъминлаш, бўлажак педагогларда юксак экологик маданиятни ривожлантиришга эришиш мумкин.

Таъкидлаш лозимки, талабалар экологик тарбияси ишини юксак даражага кўтариш, бўлажак иқтисодчиларнинг экологик маданиятини ривожлантириш жараёнида кафедраларда олиб борилаётган тарбиявий ишларни, факультетлардаги тадбирлар билан мувофиқлаштириш ёки кўзда тутилган тадбирларни амалга оширишдаги муайян босқичларнинг қандай бажарилаетганлигини илмий таҳдил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, мазкур тизимнинг асосланган иш дастурини, кўзланган тадбирлар мажмуасини тайёрлаш давомида экологик мазмундаги илмий ахборотлар базасидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқdir.

Олий таълим муассасалари фаолиятидаги бошқариш жараёнини мониторинги, ўқув жараёнига раҳбарлик қилиш-

нинг шакллари ва методлари, муассасадаги тарбия ишига масъул шахсларнинг фаолиятини таҳдил қилиш жараёнида талабалар билан ишлапнинг ўзига хос хусусиятларига эътибор берилади, бўлажак иқтисодчиларнинг фанлар ва экологик билимларни ўзлаштириши, уларда экологик маданиятнинг ривожланиш модели шаклланишига эришиш йўллари илмий асосланган ҳолда излаб топилади.

Олий таълим тизимида таълим-тарбиядан кўзланган мақсадга эришиш вазифаси, асосан, олий таълим муассасаси ходимларига юкланди. Бу ўз навбатида, олий таълим раҳбарлик бўғинларида ишлайдиган профессор педагогларнинг илмий педагогик фаолияти билан боғлиқdir. Таъкидлаш лозимки, олий таълим муассасаларида ички назорат ишлари илмий асосда, ислоҳотларга монанд суръатда ташкил қилинган бўлса, таълим-тарбия ишларида, шу жумладан, бўлажак бакалаврларда барқарор экологик маданиятини ривожлантириш масаласида ҳам юқори даражадаги кўрсаткичларга эришилади. Узлуксиз таълимни модернизациялаш даврида олий таълим фуқаролик жамиятига, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари учун зарур бўлган иқтисодчи мутахassislar тайёрлашга хизмат қиласди. Бу жараён давомида шахс маънавий эҳтиёжларини қондиришга эътибор берилиб, унинг экологик маданияти шаклланишига эришилади. Олий таълим олдига қўйилган асосий мақсад бўлажак иқтисодчи шахсининг тарбияси, юксак маданияти, ахлоқан пок, экологик маданиятининг ривожланганинига иборат. Олий таълим муассасаларидаги илмий асосланган меҳнат тақсимоти таълим-тарбия ишидаги муҳим омил ҳисобланади. Табиийки, бундай иш тартибининг мавжудлиги тарбия жараёнининг илмий асосда, мақсадли, шахс ва мамлакатимиз истоқболини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилинишини талаб қиласди. Олий таълимнинг таркибиға кирувчи барча фанлардан дарс жараёнининг юқори савияда ташкил қилиниши бўлажак бакалавр шахсининг ривожланиши, юқори малакали иқти-садчининг тайёрланиши ва пировард натижада экологик маданиятга эришган мута-

хассисларни тарбиялаш билан якунланади. Бундай илмий асосланган тарбиявий ишнинг амалга оширилишида олий таълим муассасаларини ички назоратини такомиллаштириш мухим роль ўйнайди. Бу жараёндаги умумийлик шундан иборатки, дарс жараёнини мониторинг қилиш туфайли кафедра профессор педагог-ларининг маърузалари, амалий машгулот ўтказишлари ва талабалар орасидаги ижодий ҳамкорлик янада кенгаяди. Ушбу илмий ҳамкорлик натижасида талабалар томонидан мустақил ўрганилиши лозим бўлган, экологияга доир мавзулар устида мустақил ишланади ва маълум ижодий натижаларга эришилади. Мониторинг ишларининг кўлами давомида кафедралар ҳузуридаги талабалар илмий тўгаракларининг фаолияти билан кенроқ танишишни ва пировард натижада ушбу тўгаракларда талабаларнинг иштирокини фаоллаштириш имкониятини вужудга келтиради.

Олий гаълимда бўлажак бакалаврлар экологик маданиятини ривожлантириш моделини вужудга келтириш жараёнида ижтимоий фанлар методологиясини ва янги педагогик технологияларини яхши билим олишларига ҳам эътибор қаратиш зарур, яъни таълим муассасида таълим ва тарбияга доир муаммоларни мазмунини тушуниш, мақсадини англай олиш зарур, бусиз талабалар экологик маданиятини ривожлантиришнинг оптималь йўлини топиб бўлмайди.

Олий таълим муассасалари фаолиятининг асосини ташкил қилувчи, фаолият турларини белгиловчи қонунлар, директив ҳужжатлар ва қарорлар таълимни модернизациялаш даврида такомиллаштирилди, бу тизим олий таълим муассасаларини фаолиятини мукаммаллаштиришда мухим методологик асос ролини бажармоқда. Ушбу жараённинг мухим томони талабаларда экологик маданиятни ривожлантиришга қаратилганлигидир.

Гаълимдаги ислоҳотлар давомида, олий таълим муассасаларини бошқариш ва унга раҳбарлик қилишининг талабларини белгилашда, янги ривожланиш босқичида Ўзбекистон Республикаси Президентининг олий таълимни такомиллаштиришга

бағишлиланған Фармон ва қарорларининг қабул қилиниши мұхим ақмиятта эга бўлди. Натижада ушбу ҳужжатларнинг ҳаётга табиқ этилиши муносабати билан узлуксиз таълим жараёнида модернизациялаш бошланди ва мұхим амалий натижаларга эришилди.

Ушбу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Президенти асрлари, нутқлари, Фармон ва қарорлари демократик давлатни, фуқаролик жамиятини ривожлантириш түғрисидаги таълимоти жамиятимизнинг негизини, бўлажак кадрлар экологик маданиятини ривожлантиришнинг ҳуқуқий, методологик асосини ташкил қилади.

Таълимни модернизациялаш шароитида олий таълим мазмунига, шу жумладан, бўлажак иқтисодчилар экологик маданиятини ривожлантириш моделига нисбатан қўйиладиган талаблар янада кучайди. Тадқиқотларимиз натижалари шуни кўрсатмоқдаки, бугунги талабаларнинг, яъни бўлажак иқтисодчиларнинг аксарияти ижтимоий фанларни ўрганиш жараёнида баъзи мавзуларга доир муаммоларни билиб олишга қизиқишилари пасайганлиги кузатилмоқда. Бунинг сабабларидан бири дарс мобайнида педагог билан талаба ўртасида илмий мулоқотнинг сусайганлиги, баъзи ҳолларда устозларнинг талабаларни ушбу масалага диққатини жалаб қдоломаслиги натижасида содир бўлмоқда. Шунингдек, олий таълим муассасаларида ҳамкорлик педагогикаси, халқ тарбияшunosлиги ва педагог руҳшунослар хизмати фаолиятида камчиликлар мавжудлиги туфайли юқоридаги ҳолатлар кузатилади. Тадқиқотимиз натижаларидан маълум бўлди, олий таълимда педагог ижодий фаолияти давомида ўзининг ўқитиш методикаси, фанга доир мавзу материаларини чуқур билиши, ўз фаолиятини мунтазам назорат қилиши талаб қилинади. Кафедралардаги айрим педагоглар ўзларининг ижодий, методик камчиликларига, айниқса, экология соҳалари бўйича етарли замонавий билимга эга эмасликларига қарамасдан, талабага нисбатан талабчанликни кучайтириш ҳоллари мавжуд. Натижада талабалар педагог фаолиятидаги ижодий

камчиликларни, ўқитиши методикасидаги мавжуд касбий педагогик қийинчиликларни тез англайдилар. Шунинг учун, у ҳадисирааб эмас, балки педагог ҳурматини жойига қўйиб талабалар билан ижодий муносабатга киришиши мумкин. Бундай ижодий муҳитни ва талабаларнинг руҳий кайфиятини педагог баъзан сезмайди. Талабалар педагогнинг ижодий фаолиятини, билим бериш усулини ҳар доим кузатиб боради. Улар ундан мутахассис сифатида ривожланиши учун зарур бўлган малакали билим, тарбияга оид илиқ сўз, ижодий қийинчиликларни енгиб ўтиш учун зарур бўлган меҳр, улар билимларини рейтинг асосида баҳолаш жараёнида мурувват кутадилар.

Ҳозирги даврдаги ижтимоий фанлар олдида таълимнинг экологик тарбиявий аҳамиятини кучайтириш муаммоси турибди. Шундай шароитда, баъзан педагогнинг экологик мавзуларни чуқур билиши ҳам тарбиявий аҳамият касб этади. Лекин буларнинг ичида энг муҳими ва талаба учун энг аҳамиятлиси педагогнинг экологияга доир янгиликлар ва глобал, минтақавий экологияга доир билимларга чанқоқлиги, талабаларни мунтазам изланишга, экологик билимларни мустақил эгаллашга, фаннинг моҳиятини тушунишга, экологик маълумотларни ўрганишга ижодий ёндашишга ундаши ва эркин фикрлаши ҳамда мустақил, ижодий ишлаш учун шароит яратиши билан белгиланади.

Олий таълимдаги педагогик фаолиятда амалга оширилган кўп йиллик иш тажрибалар ва эмпирик кузатишлар шуни тасдиқлайдики, педагог ҳамиша ўз устида ишлаши, билим, кўникума ва малакаларини такомиллаптириб бориши кераклигини кўрсатмоқда. Профессор ўқитувчи педагогик маҳоратининг кундан-кунга ўсиб бориши, ўқув жараёнида янги педагогик ва ахборот технологияларини қўллай олишини кучайиши, унинг педагогик фаолиятида амалга ошади. Педагог фаолиятининг қанчалик самарали эканлигини, одатда, унинг маҳоратини кузатиш, ўтаётган дарсларини таҳдил, талабалар орасида социологик сўровлар ўтказиш орқали билиш мумкин.

Хозирга замон олий таълим муассасаларида экологияга доир ўтказилаётган дарслар мониторингининг бир қанча усуллари мавжуддир. Кузатувчилар педагог билан биргаликда дарсга кириши, яъни дарсда бевосита иштироки ёки электрон назорат усуллари орқали амалга оширилади. Педагогнинг талаблар даражасида дарсни олиб бориши учун дарсга кирганида гуруҳ журнали, ишчи ўқув дастури, календар-мавзуу режаси, дарснинг технологик харитаси, тарқатма материал бўлиши керак. Ўтувчининг методик жиҳатдан бундай таъминланганилиги дарс жараёнини юқори савияда ўтказиш имкониятини таъминлайди.

Дарсларда экологик аҳамиятдаги материалларнинг фойдаланиш методикаси мунтазам суръатда дидактик (ёки таълимий) таҳдил олиб бориш талаб қилинади. Таҳдилнинг бу турида мавзунинг илмийлиги ва изчиллиги, оддийдан мураккабга томон йўналиши, кўргазмалилиги ва берилаётган экологик билим, глобал, ҳудудий, локал экологияга доир янги ахборотларнинг илмийлиги, уларнинг жонли ва равон тилда очиб берилиши назарда тутилади.

Олий таълимдаги экологик мавзуга оид дарслар таҳдилда услубий таҳдил методи ҳам қўлланилади. Бунда педагог ижодий фаолиятининг икки томони:

Биринчидан, экологияга доир материал ўрганилаётган мавзуга дастурда мўлжалланган соатда, уни қандай усуллар ёрдамида, талабаларнинг ёши ва шахсий-психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда етказиб бера олиши, талабаларни ижодий изланишга йўналтириши ва уларга имконият, услубий шароит яратиши;

Иккинчидан, педагогнинг тажрибаси, илмий методик тайёргарлиги қайси даражада эканлигини намойиш эта олиши назарда тутилади. Педагог фаолиятининг иккинчи томони таҳдил этилаётганда, унинг ижодкорлиги, услубий маҳорати кўзга ташланиши лозим. Талабаларга экологик материалларни тушунтиришида педагогнинг илгор педагогик ва новаторлик тажрибалари намоён бўлади.

Олий таълим жараёнида методологик таҳдил усулидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу таҳдил мобайнида таълим йўналишидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маъжкамаси қарорлари, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирилиги қарорлари, давлат тили, миллий рух, маданиятнинг гўзал дурдоналари, шу соҳа бўйича буюк аллома ва олимларнинг асарлари, фикрлари, республикада узлуксиз таълимга ва экологик вазиятга доир сўнгги янгиликларнинг машгулот давомида фойдаланилиши асос қилиб олиниши мумкин.

Олий таълим муассасаларида экологик мавзуларда олиб бориладиган дарсларни мутахассислар томонидан ўрганилишида психолого-педагогик таҳдил методи ҳам қўлланилиши мақсадга мувофиқдир. Дарс жараёнининг бундай усул билан таҳдилда, аввало, талабаларнинг дарсга тайёргарлик кўрганлиги, уларнинг соғлиги, жамоадаги соглом мұхит, муайян фанга бўлган қизиқишилари, дарс бераётган педагогнинг маъруза ва семинар машгулоти давомида қўллайдиган методларига эътибор берилади. Талабаларнинг ҳозиржавоблиги, сезгир ва топқирилиги, экологияга доир янги ва ўтилган материалларни эсда сақлашлари, образли ва мантиқий тафаккури, талабалар фантазияси, олдида турган масъулиятларига талабаларнинг иродали ёки иродасизлиги, улардаги билим, кўнирма ва малакалар кўлами каби томонлар киради. Педагогнинг фавқулодда вужудга келган вазиятдан ўз билимдонлиги, маданий савиёси юқорилиги, экологик билимлар билан қуролланганлиги, аудиторияни бошқара олиш маҳоратига эга эканлиги, талабалар билан ўзаро муносабат маданиятига қаттий амал қилганлиги ва психолого-педагогик вазиятдан осонлик билан чиқа олиши, мавжуд вужудга келган вазият шароитида ўзини бошқара олиши ҳам инобаттга олинади.

Таълим муассасаларидағи ўтиладиган ижтимоий фанлар ўқитилишига доир дарс жараёнини ўрганишда педагогик таҳдил методи ҳам қўлланилади. Дарс таҳдилнинг бу тури анча мураккаб ва масъулиятли бўлиб, педагогнинг умумий маданийати,

талабалар билан мuloқot маҳорати, маданияти, аудиториядаги дарс жараёнида экологик тарбия мазмунига хос билимларни талабаларга бера олиши ва унинг илмий ахборотлар билан таъминланган нутқ маданияти мавжудлиги назарда тутилади.

Дарс мобайнида ҳозирги кундаги маънавий баркамоллик, миллий экологик, иқтисодий, ахлоқий, жинсий, меҳнат, нафосат тарбияси ва миллий ғояни сингдириш вазифалари дарсда ўз аксини топганлиги муҳим аҳамият касб этади. Шу жумладан, дарс давомида, бўлажак педагогларда экологик маданиятнинг ривожланишига эътибор бериш лозим.

Дарснинг умумий тарбиявий таъсирининг бўлажак педагогларга самараси қандай бўлганлиги мутахассислар тайёрлашдаги муҳим жиҳатлардан ҳисобланади. Таъкидлаш лозимки, дарс жараёнига бундай ёндашув педагогик таҳдилнинг илмий асосини ташкил этади. Шунингдек, профессор педагогнинг мазмунли, экологик ахборотларга бой, илмий асосланган нутқини ҳеч қачон алмаптириш мумкин эмаслиги ҳам маълум бўлади.

Бўлажак иқтисодчиларнинг экологик маданиятига оид материалларни ўрганишда педагогнинг ҳамкорликдаги вазифаси ҳам таҳдил қилинади ва бу метод таҳлилида қуидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Биринчидан, экологик йўналтирилган ахборотлар асосида талабаларни фикрлашга ўргатиши;

Иккинчидан, экологияга доир аниқ хуносалар ва материаллар талабалар томонидан мустақил ўрганилиб, мулоҳаза юритишлари, фикр билдиришиларини таъминлаши;

Учинчидан, талабаларни экологияга оид материалларни мустақил илмий изланишга, замонавий ахборот воситаларидан унумли фойдаланиб тест жавобларини қидириб топишга ўргатиши;

Тўртинчидан, дарсдаги материалларни ўрганишлари натижасида талабани экологияга доир мустақил фикрга эга бўла олишини таъминлашга ҳаракат қиласи.

Олий таълим муассасаларида дарсларнинг умумий савиасини, экологияга оид материалларнинг дарсларда фойдаланганлик даражасини ўрганишда якуний таҳдил ҳам қўлланилиши мақсадга мувофиқдир. Бу жараёнда педагогнинг касбий тайёргарлиги, педагогик тажрибаси, методик малакаси, юқори малакали мутахассис эканлиги бўйича турли таклифлар, йўл-йўриқлар, хулосалар баён этилади.

Экологияга оид дарсни таҳдил қилиш жараёнида, аввало, машғулот олиб борган педагогнинг фикрини эшитиш мақсадга мувофиқдир. Бундай ижодий мулоқот давомида педагог мутахассис сифатида экологик билимга доир янги таклифлар киритиши, дарс савиасини оширишга қаратилган тавсиялар бериши мумкин. Дарснинг якуний таҳдили давомида эксперталар дарсда экологияга доир материалларнинг қўлланилганлигини, дарснинг тарбиявий аҳамияти ва кўзда тутилган мақсадга эришилганлиги эътиборга олинади. Таҳдилга бундай ёндашув дарсларнинг бўлажак педагогларда экологик маданиятини ривожлантириш модели шакланиши жараёнида асосий омиллардан бирига айланиш имкониятини кенгайтиради.

Тадқиқот мавзуси доирасида, яъни бўлажак иқтисодчиларнинг экологик маданиятини ривожлантириш модели мазмунида қўйидағи хулосаларга келинди.

Биринчидан, олий таълимни модернизациялаш даврида юксак маънавий ва ахлоқий фазилатлар, экологик маданиятга эга бўлган, касбий билимларни юқори даражада эгаллаган, самарали педагогик фаолият олиб боришга тайёр бўлган педагоглар жамиятнинг асосий капитали ҳисобланади. XXI асрда экологик маданияти ривожланган мутахассисларга эга бўлган мамлакатгина юксак тараққиётга эришиши мумкин. Фақат жамият аъзоларининг аксарияти, шу жумладан, ёшлар тарбияси учун масъул бўлган педагогларга эга бўлган жамият глобал ва минтақавий экологик хавфсизликни таъминлай оладиган фуқароларни тарбиялаши мумкин ва тобора чигаллашаётган экологик хавфга қарши кураша олиши ёки унинг олдини олиш бўйича илмий асосланган таклифлар

киритади, ижтимоий, иқтисодий жабҳаларда фаолият юрита олади.

Иккинчидан, юксак малакали, экологик маданияти ривожланган педагогларга эга бўлиш мамлакатнинг умумий интеллектуал ва маданий савиясини юксалтирувчи омиллардан биридир. Жамиятнинг барча жабҳалари ва шу жумладан, таълим соҳасининг глобаллашув шароитида фаолият юритаётганлиги туфайли бўлажак педагогларнинг экологик билимлилик даражаси мамлакатда таълим-тарбия ишини модернизациялаш, баркамол авлод тарбиясининг таркибий қисмига айланмоқда. Бўлажак иқтисодчиларнинг юксак экологик маданияти даражаси, касбий тайёргарлиги эса талаба ёшларда экологик тарбияланганликни, ҳуқуқий демократик давлатда билим олиш, келажакда меҳнат қилиш имкониятларини кенгайтиради, таълим олишга нисбатан бўлган қизиқишиларини ўстиради.

Учинчидан, бўлажак иқтисодчиларда экологик маданиятни ривожланиши жараёни уларнинг миллий ва жаҳондаги экологик муаммоларни англаб етишларига ёрдам беради, шунингдек, уларда замонавий экологик билим олишни мунтазам чукурлаштириш заруриятини, экологик инқизорзларни ҳал қилишга ёрдам берадиган илгор технологияларни тарбияланувчиларга тушунтиришда ўқув-услубий ишлардаги замонавий методикалардан фойдаланиш лозимлигини тақозо қиласди.

Тўртингчидан, олий ўқув юртларида таълим олаётган бўлажак педагоглар билан ишлаш масаласи, яъни уларнинг экологик билимларга эришиши, экологик маданияти шаклланиши жараёни, юқори малакали, экологик мутахассисликка эга бўлган педагогларнинг мавқеини ошириш вазифасини ҳам вужудга келтиради.

Бешинчидан, бўлажак иқтисодчиларнинг эгаллаган экологик билимларининг сифати, умумий экологик жиҳатдан тарбияланганлик савияси ва экологик маданиятининг ривож-

ланганлик даражаси жаҳондаги талабларга мос бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Олтинчидан, олий таълимда ўқитилаётган, бўлажак магистрлар ва бакалаврларга мўлжалланган экологияга доир фанларнинг ўқув дастурлари, ўқитилаётган дарслерлар, ўқув қўлланмаларини мунтазам суръатда такомиллаштириш, зарур ҳолларда етарли тиражда қайта чоп қилиш лозим.

Еттинчидан, экологик таълимга доир ўқув қўлланмалари, дарслерлар, услубий кўрсатмаларнинг янги авлодини яратишда дунёдаги етакчи университетлар томонидан тўпланган тажрибадан ижодий фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу ишга жалб қилинган муаллифлар жамоаси аъзоларини хорижий университетлар, экология масалалари билан шуғул-ланадиган илмий марказларга илмий, ижодий сафарга юбориш мақсадга мувофиқдир.

## **2.2. Табиий ресурслардан рационал фойдаланишининг инсон экологияси билан ўзаро боғлиқдиги**

Инсон экологиясидаги муҳим масалалардан бири инсон фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланган, унинг ижтимоий фаолигини таъминловчи факторлардан бири озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш механизмининг шакллантирилганигидир. Шунинг учун Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва уларни тақсимлашга муҳим аҳамият берилмоқда. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигининг ҳуқуқий асослари яратилган. Улар қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
- Ер кодекси;
- Меҳнат кодекси;
- Фермер ҳўжалиги тўғрисидаги Конун;
- Деҳқон ҳўжалиги тўғрисидаги Конун;
- Қишлоқ ҳўжалик кооперативлари (ширкат ҳўжалиги) тўғрисидаги Конун;
- Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириши борасидаги қонунлар.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари қабул қилинган, такомиллаштирилган меъёрий ва бошқа қонуности ҳужжатлари. Ҳозирги даврда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича жаҳонда ва унинг айrim минтақаларида мураккаб вазият юзага келди. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда дунёда 840 миллиондан ортиқ киши, яъни деярли ҳар саккиз одамнинг бири тўйиб овқатланмаяпти, сайёрамиз аҳолисининг 30 фоизидан зиёди тўлақонли равища овқатланмаслик, энг асосий микроэлемент ва витаминалар етишмаслиги муаммосини бошидан кечирмоқда. Ана шундай сабаблар туфайли 160 миллиондан ортиқ бола бўйининг ўсиши, жисмоний ва интеллектуал ривожланишига доир камчиликлардан азият чекмоқда<sup>76</sup>. Ер юзи аҳолисининг тез кўпайиб бораётгани билан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш имкониятлари чеклангани ўртаси-даги тафовут озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи кескинлашиб бормоқда. Атроф-муҳитга антропоген таъсир давом этаётгани, иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатлари, тақрорланаётган қурғоқчилик ва ичимлик сув ресурслари тақчиллиги, жумладан, сугориш учун ер ости сувларининг тугаб бораётгани, ирригация, мелиорация ва ерларнинг унумдорлигини қайта тиклашга йўналтириладиган инвестицияларнинг етарли эмаслиги мазкур муаммони янада кескинлаштироқда.<sup>77</sup>

Ер ресурсларининг экологик жиҳатдан бузилиши, яъни кимёвий моддалар, минерал ўғит ва пестицидларни нормадан ортиқ фойдаланиш натижасида давом этмоқда. Шунингдек, урбанизация жараёнлари жадаллашмоқда. Ўзбекистонда янги

<sup>76</sup> Д.Н.Сайдова, И.Б.Рустамова, Ш.А.Турсунов. “Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги”. Ўқув кўлланма. Т.: “ЎзР Фанлар Академияси Асосий кутубхонаси” босмахонаси нашриёти, 2016. – 6.4.

<sup>77</sup> Д.Н.Сайдова, И.Б.Рустамова, Ш.А.Турсунов. “Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги”. Ўқув кўлланма. Т.: “ЎзР Фанлар Академияси Асосий кутубхонаси” босмахонаси нашриёти, 2016. – 6.6.

ривожланиш босқичида, экологик сиёсат мақсадида инсон саломатлиги, унинг баракали умр кўришини таъминлаш масалалари турди ва унинг бу вазифаларнинг самарали бажарилиши фермер ва дехқон хўжаликлари фаолиятида ўз ифодасини топган. Бозор иқтисодиёти муносабатлари чуқурлашган, фуқаролик жамияти ривожланиши даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш жараёнларининг моҳиятини тушунишда зарур бўлган билимлар амалий аҳамият касб этади. Жамиятнинг ҳар бир аъзосини экологик маданияти, маънавий дунёқарашини кенгайтириш зарурлигини тасдиқлади. Таъкидлаш лозимки, ҳозирги тараққиёт даврида фермерлар, қишлоқ аҳолиси, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан савдо қиласиданлар учун озиқ-овқат маҳсулотлари доимий даромад манбаидир. Шунинг учун ҳам, бундай ҳолатда инсон манфаатлари йўлида қишлоқ хўжалиги тармоқлари ривожланади, ҳамда атроф-муҳитни, флора ва фаунани ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар ижроси таъминланади. Янги тараққиёт босқичида аҳолини хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони тарихий аҳамият касб этади. Ушбу ҳужжатда таъкидланадики, мамлакатда экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш ва соддалаштириш, талаб юқори бўлган озиқ-овқат товарларини импорт қилишда тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, ташки иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, носоғлом рақобат, озиқ-овқат маҳсулотлари импортининг айрим хўжалик юритувчи субъектлар томонидан монополлаштирилиши, сунъий тақчилликни юзага келтириш ва баъзи товарлар учун нарх-навонининг асоссиз оширилиши, оқибатда, бу асосда қўшимча фойда олиш учун шарт-шароитлар яратувчи жиҳдий тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда.

Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш, бозорни сифатли, хавфсиз ва арzon озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, аҳолининг харид имкониятларини мустаҳкамлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш ва соглом рақобат мұхитини ривожлантириш, шунингдек, мазкур соҳадаги мавжуд тизимли муаммоларга барҳам бериш мақсадида: 2018 йилга озиқ-овқат маҳсулотларини ташувчиларни излаб топиш ва жалб қилиш, улар учун бозорга киришда тенг шароитлар яратиш, уларга шартномалар тузиш, киритилган маҳсулотларни ташиш ва сақлашда күмаклашиш бўйича комплекс чора-тадбирлар, шунингдек, аҳолининг сифатли, арzon озиқ-овқат товарларига бўлган талабини тўлиқ қаноатлантиришга қаратилган бошқа чора-тадбирларни ишлаб чиқишини;

республиканинг барча худудларида давлат-хусусий шериклик шартларида ихтисослаштирилган омборхона иморатлари, омборлар, музлатиш камералари, озиқ-овқат товарларини қайта ишлап ва қадоқлаш бўйича замонавий юқори технологик, энергия самарадор ускуналарни ташкил этишни таъминласин;

бозорни сифатли, хавфсиз ва арzon озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, аграр комплексни ривожлантириш, ижтимоий ва давлат-хусусий шерикликнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш, озиқ-овқат бозори барқарорлигига таҳдидларни ўз вақтида бартараф этиш, озиқ-овқат товарлари импортини қулай божхона-тариф тартибга солиш бўйича чораларни белгиловчи «Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилиши белгиланди<sup>78</sup>. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг объектив зарурияти, инсон саломатлигини асраш, табиатга бефарқ муносабатнинг намоён бўлаётганлиги, инсон антро-

<sup>78</sup> Узбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони Қонун хужжатлари маълумотлари миллай базаси, 17.01.2018 й., 06/18/5303/0579-сон, 20.02.2018 й., 06/18/5354/0791-сон, 31.10.2018 й., 06/18/5564/2137-сон, 12.12.2018 й., 06/18/5596/2298-сон; 14.12.2019 й., 06/19/5894/4161-сон)

ноген фаолияти таъсириининг кучайиб бориши, озиқ-овқат истеъмолидаги исрофгарчилик, тараққий топган мамлакатлар ва ривожланаётган давлатлар ўртасидаги озиқ-овқат баланси бўйича фарқнинг кескин ўсаётгани, иқлим ўзгаришлари ва бошқа қатор салбий ҳолатларни вужудга келтирди. БМТ маълумотларига кўра, ҳозирги кунжашон аҳолисининг 815 миллион нафари оч қолаётган бўлса, 2050 йилга бориб, бу сон 2 млрд. кишига етади. Уларнинг 12,9 фоизи ривожланаётган мамлакатларда яшайди. Беш ёшгача бўлган болалар ўртасидаги ўлимининг 45 фоизи айнан тўйиб овқат емаслик натижасида келиб чиқаётир. Ҳозирги кунда ҳар йили 3,1 миллион нафар бола айнан шу сабаб ҳаётдан кўз юммоқда.<sup>79</sup> Олимларнинг таъкидашибича, қишлоқ хўжалиги дунёдаги энг катта иш берувчи тармоқдир. Жаҳон аҳолисининг 40 фоизи айнан шу соҳа орқали тирикчилик қиласи. Бу қашшоқ қишлоқлардаги оиласлар учун даромад келтирувчи ва бандликни таъминловчи асосий манбадир.<sup>80</sup>

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг етакчи тармоғи саналади. Унда 3,6 миллион киши, яъни иқтисодиётда банд бўлганларнинг 27 фоизи ишлайди. ЯИМда тармоқ улуши 32 фоизга teng бўлса, соҳада фойдаланиладиган ер майдонлари республика ҳудудининг 45 фоизини эгаллайди. Ҳозирги вақтда 180 дан ортиқ турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари 80 дан ортиқ мамлакатларга экспорт қилинаётгани диққатга сазовор, албатта. Яна бир эътиборли жиҳати, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг кластер усули йўлга қўйилиб, у кенг қулоч ёзяпти. Улар билан қишлоқ хўжалиги ер майдонларининг 62 фоизи пахта-тўқимачиликда, 8 фоизи чорвачиликда ва 7,5 фоизи мева-сабзавотчиликда қамраб олингани бунинг тасдиғидир. 2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича, келгусида

<sup>79</sup> Холмурадов Р. Ва бош. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш – давр талаби. <http://www.xs.uz/uzkr/post/oziq-ovqat-khavfsizligini-taminlash-davr-talabi>

<sup>80</sup> Холмурадов Р. Ва бош. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш – давр талаби. <http://www.xs.uz/uzkr/post/oziq-ovqat-khavfsizligini-taminlash-davr-talabi>

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлигининг ва маҳсулдорлигининг ўсишини таъминлашга йўналтирилган дастурий чораларни амалга ошириш, мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш учун экин майдонларни кенгайтириш, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматлар) ҳажмининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 6,6 фоизга ўсишини таъминлади. Жумладан, деҳқончиликда ва чорвачиликда, овчилик ва бу соҳаларда хизмат кўрсатишда - 6,6 фоизга, ўрмон хўжалигига - 1,8 фоизга ва балиқ хўжалигига - 21,6 фоизга ўшиш таъминланди. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматлар) ҳажмининг ўсиши, асосан, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, овчилик ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматларнинг сезиларли даражада ошганлиги билан боялиқ. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг Республика ялпи қўшилган қиймати таркибида улуши 17,6 фоизни ташкил этди. Республикада келгусида озиқ-овқат экинлари етиштириш ҳажмларини кўпайтириш ва ўстирилаётган навлари турларининг кўламини кенгайтириш ва шу асосда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш бўйича тизимли чораларнинг амалга оширилиши туфайли 2016 йилнинг январ-декабрь ойларида республиканинг барча тоифадаги хўжаликларида 8 263,8 минг тонна дон экинлари ишлаб чиқарилиб, бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 87,2 минг тоннага ёки 1,1 фоизга кўп бўлди. Республикада картошка ишлаб чиқариш 2958,3 минг тонна (109,7 фоиз), сабзавотлар 11272,5 минг тонна (111,3), озуқабоп полиз 2045,2 минг тонна (110,4), мевалар ва резаворлар 3042,7 минг тонна (110,8) ва узум 1735,3 минг тонна (109,9)ни ташкил этди. Келгусида чорвачилик соҳасининг ички имкониятларини ошириш бўйича чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиб борилаётганлиги, шунингдек, уларга давлат томонидан тизимли ёрдам кўрсатилиб келинаётганлиги чорва моллари бош сонининг

кўпайишига, ички истеъмол бозорларини чорвачилик маҳсулотлари билан тўлдиришга имкон яратди<sup>81</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилинди. Ушбу ҳужжат доирасида замонавий ёндашув асосида соҳа модернизацияси бошланди. Шунингдек, 7 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик тармоқларини жадал ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Давлат раҳбари таъкидладики, “Худудларимиз салоҳиятида тўғри фойдаланиб, қаерга нима экиш, қайси чорва турини етишириш, қўшилган қиймат занжирини яратиш орқали бозорларимизда гўшт, сут ва тухум маҳсулотларини кўпайтириш, нархлар барқарорлигини таъминлаш ва даромадни ошириш бўйича, афсуски, самарали тизим мавжуд, деб айта олмаймиз”<sup>82</sup>.

Мамлакатда чорва озуқасига бўлган талаб 120 миллион тоннани ташкил этади, аммо ўтган йилда атиги 47 миллион тонна озуқа ишлаб чиқарилиб, эҳтиёж 40 фоизга қондирилган. Бутун дунёда чорвани озиқлантиришда, асосан, силос ва омухта ем ишлатилади. Янгийўл туманида такрорий экин сифатида маккажўхорининг интенсив навидан гектарига 50–60 тонна силос олинганда унинг 1 килограмми таннархи бор-йуги 150 сўмни ташкил этган. Ваҳоланки, 1 кг. шелуханинг бозордаги нархи 2 минг сўмдан ошади. Яъни шрот-шелухага нисбатан 10 баравар арzon озуқани бемалол чорвадорларнинг ўзи етиштирса бўлади. Чорва учун озуқа навли буғдойдан гектарига 100 центнергача ҳосил олиш мумкин. Бироқ жойларда озуқа-

<sup>81</sup> Ўзбекистон бир йилда қанча гўшт ишлаб чиқаришини биласизми?

<https://kun.uz/02867092?q=%2F02867092>

<sup>82</sup> Шавкат Мирзиёев чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва ипакчилик тармоқларини янада ривожлантириш масалаларига бағишиланган видеоселектор йиғилиши ўтказди.

13 ноябр 2019, <https://www.gazeta.uz/uz/2019/11/13/chorvachilik/>

емга бўлган дефицитни қоплаш чораларини кўриш ўрнига озуқабоп экин ерларидан самарасиз ва мақсадсиз фойдаланиш ҳоллари мавжуд. 2019 йилда хориждан қарийб 100 миллион АҚШ долларилик зотли ва гўшт учун қорамол импорт қилинди. Шунинг учун, қўшимча озуқа базасини яратиш мақсадида чорвадорларга ер бериш, тўғри экин турларини экиш борасида имкониятлар яратилди. Давлат раҳбари қайд этадики, паррандачиликда ҳам шунга ўхшаш муаммолар мавжуд. Жумладан, озуқанинг 70–75 фоизи импорт ҳисобига таъминланиб, 2019 йилда 80 миллион долларга 160 минг тонна соя ва кунгабоқар шроти, 14 миллион долларга 80 минг тонна маккажўхори импорт қилинган. Тармоқ корхоналарига 2019 йилда озуқа учун 137 минг гектар ўрнига амалда 5 минг гектар ер берилган, холос.<sup>83</sup>

Чорвачилик соҳаси ривожланишини таъминлаш учун наслчиликка эътибор бериш зарур. Мутахассисларнинг таъкидлашича, маҳаллий чорва моллари 20 минг сўмлик озуқа-ем билан кунига 900 грамм тирик вазн олса (500 грамм гўшт), зотли моллар 1 килограмм 600 грамм (900 грамм гўшт) вазн олади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда қорамолларнинг 94 фоизи, қўй ва эчкиларнинг 84 фоизи, парранданинг 58 фоизи аҳоли хонадонларида боқилади. Боқилаётган қорамолларнинг 34 фоизи зотли моллардир. Янги ривожланиш босқичида, қўйчиликда эса фақат қоракўл қўйларнинг насли 30 фоизга яхшиланишига эришилган. Шунингдек, маҳаллий бир бош сигирдан соғиб олинадиган сут йилига 2,5 тоннани ташкил қиласиди. Ҳар бири 2-3 минг доллардан импорт қилинган насли сигирлар 35–40 литр сут бериши лозим бўлса-да, чорвадорларга бундай жонзотларни парвариш қилиш сирасорлари ўргатилмаган, натижада ҳар бир сигирдан олинаётган сут ўртacha 25 литрдан ошмаган. Чорванинг тўғри рационини ишлаб чиқиш, замонавий ветеринария хизмати

<sup>83</sup> Шавкат Мирзиёев чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва ипакчилик тармоқларини янада ривожлантириш масалаларига багишланган видеоселектор йигилиши ўтказди.

13 ноябр 2019, <https://www.gazeta.uz/uz/2019/11/13/chorvachilik/>

кўрсатиш бўйича мутахассислар етарли эмас. Чорвачиликнинг қисқа муддатда юқори самара берадиган йўналишлари, хусусан, паррандачалик, балиқчилик, қуёнчиликни ривож-лантиришида муаммолар мавжуд. Давлатимиз раҳбарининг таклифига мувофиқ, 30 дан 100 бошгача қорамолдан иборат оиласи чорва фермалари ташкил қилинади. Ташкил этилаётган чорвачилик кооперацияси ушбу тузилмаларни озуқа-ем, ветеринария хизматлари ва агротехника билан таъминлаш кўзда тутилган.<sup>84</sup> Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда балиқчилик муҳим ўрин эгаллади. Таъкидлаш лозимки, мамлакатимида 38 минг гектар сунъий сув ҳавзаларининг 460 гектарида (1 фоиз) интенсив балиқчилик ташкил этилган. Бунинг асосий сабаби, интенсив усуlda етиштирилган балиқнинг таннархи оддий усуlda етишти-рилгандан 2 баравар қиммат. Шунинг учун тадбиркорлар оддий усулдан фойдаланади. Тажриба тасдиқлайдики, бундай усул билан балиқ етиштириш 1 гектарига 2-3 тоннадан ошмайди, интенсив шаклда 100 тоннагача маҳсулот олиш мумкин. Жумладан, лосось, осётр, форель каби тансиқ балиқларни интенсив усуlda етиштириш имкониятлари мавжуд. Таъкидлаш лозимки, озиқ-овқат таъминотида қуёнчилик ҳам муҳим роль ўйнайди, чунки қуённинг териси ҳам, гўшти ҳам инсонга керак. Мутахассислар фикрича, наслли қуённи табиий усуlda бир йилда 4 марта (6-8 та бола), саноат усулида эса 7 марта гача (8-10 та) кўпайтириш мумкин. Ўзбекистонда ҳозирги даврда 1 минг 250 та қуёнчилик фермаси мавжуд бўлиб, саноат усулида 500 минг бош қуён боқилмоқда.<sup>85</sup> Мазкур тажрибанинг афзаллиги шундаки, оиласи чорвалар қаердан ем ва техника олиш, маҳсулотни кимга сотиш ҳақида бош қотирмайди. Бу ишлар билан

<sup>84</sup> Шавкат Мирзиёев чорвачилик, паррандачалик, балиқчилик ва ипакчилик тармоқларини янада ривожлантириш масалаларига бағишлиган видеоселектор йигилиши ўтказди.

13 ноябрь 2019, <https://www.gazeta.uz/uz/2019/11/13/chorvachilik/>

<sup>85</sup> Шавкат Мирзиёев чорвачилик, паррандачалик, балиқчилик ва ипакчилик тармоқларини янада ривожлантириш масалаларига бағишлиган видеоселектор йигилиши ўтказди.

13 ноября 2019, <https://www.gazeta.uz/uz/2019/11/13/chorvachilik/>

кооперация шугулланади. Ушбу тизимнинг мұжымлиги, фермерлар, кластерлар ғаллани қайта ишлаш орқали омухта ем ишлаб чиқариш ҳамда ғалладан бўшаган ерларда такрорий әкин сифатида озуқабоп экинларни етиштириб, ўзи силос ишлаб чиқариш имконига эга бўлади. Ҳозирги даврда чорвачиликни озуқа-ем билан таъминлашда кластерлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш зарур. Чунки бу тузилмаларда ер, ишчи кучи, маҳсус техника мавжуд. Шунингдек, ёш фермерларга чорвани боқиши инновацион усувларини ўргатиш, мамлакатимиздаги аграр йўналишдаги универсиитетлар ва илмий тадқиқот институтлари мугахассислари иштирокида Чорвадорлар амалий ўқув марказини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Ветеринария, зоотехника, стандартлаштириш, санитария-эпидемиология хизматлари-нинг ҳамкорлигини таъминлаш, ҳалқаро тажриба асосида чорвачилик маҳсулотлари тайёрлашнинг узлуксиз занжирини яратиш, ушбу жараённи мониторинг тизимини ишлаб чиқиш зарур. Озиқовқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги вазифалар ижросини мувофиқлаштириб боришни такомил-лаштириш учун Республика кенгаши тузилди.

Демократик ислоҳотлар даврида, табиий ресурслар, шу жумладан, сув ресурсларидан рационал фойдаланиш бўйича амалий ишлар бажарилди. Ўрта Осиёдаги экологик бўхронларга жаҳон жамоатчилигининг эътибори қаратилди. Жумладан, Оролбўйи ижтимоий масалалари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки ва бошқа қатор ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳал қилиш муммоси сифатида кўтарилиди. Ҳалқаро ҳамкорликнинг амалий натижасида Орол масаласига бағишлиган ҳалқаро конфе-ренция Хива шаҳрида ўтказилди. Конференция ишида иштирок этган давлат раҳбарлари, ҳалқаро ташкилотлар вакиллари, ер, сувдан рационал фойдаланиш бўйича амалий таклифлар киритдилар. Сув ресурсларидан рационал фойдаланиш натижасида, экологик бўхронлар ҳудудларида, аҳоли соғлигини сақлаш, ижтимоий тизимлар ишини такомил-лаштиришга оид ишлар бажарилди.

Бундан кузатилган асосий мақсад мавжуд табиий ресурслардан рационал фойдаланишни янада такомиллаштиришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 - 2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”-ги Фармони қабул қилинди.<sup>86</sup> Фармонда таъкид-ланадики, сўнгги йилларда ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, сув хўжалиги обьектларини модернизация қилиш ва ривожлантириш бўйича изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, глобал иқлим ўзгариши, аҳоли сонининг ва иқтисодиёт тармоқларининг ўсиши, уларнинг сувга бўлган талаби йил сайн ошиб бориши туфайли сув ресурсларининг тақчиллиги йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Фойдаланилган ўртacha йиллик сув миқдори **51-53** миллиард куб метрни, жумладан, **97,2** фоизи дарё ва сойлардан, **1,9** фоизи коллектор тармоқларидан, **0,9** фоизи эса ер остидан фойдаланиб, ажратилган сув олиш лимитига нисбатан **20** фоизга қисқарган. Республикада 2020-2030 йилларда аҳолини ва иқтисодиётнинг барча тармоқларини сув билан барқарор таъминлаш, сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув хўжалигига бозор тамойиллари ва механизмларини ҳамда рақамли технологияларни кенг жорий этиш, сув хўжалиги обьектларининг ишончли ишлашини таъминлаш ҳамда ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш лозим.

Мамлакатимизда экологик мувозанатни назорат қилиш, мавжуд табиий ресурсларни қўриқлаш ва улардан унумли фойдаланишни мониторинг қилиш тизими яратилди. Ўзбекистон Республикаси фақат мустақиллик йилларидағина мустақил ижтимоий-иқтисодий, экологик сиёсат олиб бориш

<sup>86</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”. <http://aza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-suv-kh-zhaligini-rivozhlantirishning--10-07-2020>

имкониятига эга бўлди. Республика бўйича умумий ҳажми 19,2 млрд.м<sup>3</sup> бўлган 55 дона сув омборлари мавжуд. Катта ва кичик ҳажмдаги 55 дона сув омборларини сугориш мавсумига тайёрлаш, уларни соз ҳолатда сақлаш ҳамда хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ишлар олиб борилади.

Сирдарё ҳавзаси бўйича дарё оқими ўртача кўп йиллик ресурслари йилига тахминан 38,8 километр кубини ташкил қиласди. 1.1.1 чизмага қаранг<sup>87</sup>.

Янги тараққиёт босқичида мавжуд табиий сув ресурсларидан унумли фойдаланиш, уни авайлаб-асрашга эътибор берилди. Сирдарё ҳавзаси бўйича дарё оқими ўртача кўп йиллик ресурслари йилига тахминан 38,8 км<sup>3</sup> ни ташкил қиласди. Бунда кўп йиллик учун ўртача йилига Қиргизистонда 28 км<sup>3</sup> (72,2%), Узбекистонда – 5,59 км<sup>3</sup> (14,4%), Қозогистонда – 4,08 км<sup>3</sup> (10,5%) ва Тожикистонда 1,1 км<sup>3</sup> (0,3%) сув шаклланади.

### 1.1.1- чизма.



Амударё ҳавзаси бўйича дарё оқими ўртача кўп йиллик ресурслари йилига 78 км<sup>3</sup>дан ортиқни ташкил қиласди, шундан 62,9 км<sup>3</sup> (80%дан ортиги) Тожикистонда ривожланади,

<sup>87</sup> Национальный доклад о состоянии окружающей среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан. ( 1999-2007). Ташкент, 2008, стр.42.

Ўзбекистон улушига  $4,7 \text{ км}^3$  (6%) тўғри келади.<sup>88</sup> Амударё хавзаси бўйича дарё оқими ўртача кўп йиллик ресурслари йилига 78 километр кубдан ортиқни ташкил қиласди. 1.1.2. чизмага қаранг.

Мамлакатимизнинг ҳозирги ривожланиш босқичида ўтказилаётган демократик ислоҳотлар адолининг экологик маданиятини юксалтириш учун олиб борилаётган ишларни кенгайтиришни тақозо этади. Ҳозирги даврда мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар кўлами, мавжуд экологик аҳволни янада яхшилаш туфайли инсоннинг ислоҳотлардаги фаол иштирокини таъминлаш каби стратегик мақсадлар счими билан ҳамоҳангдир. Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, мавжуд экологик муаммоларнинг ечимига қаратилган масалалар мазмунини талабаларга етказиш, унинг мақсади ва ечимларини уларга тушунтириш мақсадга мувофиқ.

### 1.1.2- чизма.



<sup>88</sup> Национальный доклад о состоянии окружающей среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан. ( 1999-2007). Ташкент, 2008, стр.42.

Бундай тарбиявий ишлар инсон, жамият ва табиат муносабатларининг уйғулапшувига олиб келади. Бундай кенг қамровли фаолият натижасида инсон экологиясининг муҳим бўлаги ҳисобланган “соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, ўта оғир юқумли касалликларга барҳам бериш ҳамда уларни камайтириш борасида қатъий чоралар кўрилди”.<sup>89</sup> Экологик муаммоларнинг ҳал қилиниши, умумий экологик аҳволнинг яхшиланнаётганилиги натижасида аҳолининг умумий умри узайди. Бугун Ўзбекистонда эркаклар ўртача 73, аёллар ўртача 75 ёш умр кўрмоқдалар.”<sup>90</sup> Мамлакатимиз селекционерлари сабзавот, полиз экинлари ва картошканинг 170 дан ортиқ навини, мева ҳамда зиравор экинлар ва узумнинг 175 та янги навини яратдилар. Истиқдол йилларида ғалла етиштириш ҳажми 1 миллион тоннадан 8 миллион тоннага етди ва Ўзбекистон ғалла экспорт қиласидан мамлакатлар қаторидан жой эгаллади. Яқин ўтмишда мамлакатимиз аҳолисини боқиш учун 5 миллион тонна бугдой четдан сотиб олинарди. Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 10 миллион кишига ёки 30 фоиздан ортиқ кўпайишига қарамасдан, жон бошига тўғри келадиган гўшт истеъмолини 1,3 баробар, сут ва сут маҳсулотларини 1,6 карра, картошкани 1,7 баробар, сабзавотларни 2 мартадан зиёд, меваларни қарийб 4 баробар ошириш имконини берди. Маркетинг ва жаҳон бозорларига чиқиши бўйича янги технологияларни жорий қилиш борасида амалий ёрдам кўрсатилди.<sup>91</sup> Мамлакатимиз ҳар йили умумий қиймати қарийб 5 миллиард доллар бўлган озиқовқат, мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қиласоқда. Сўнгги уч йилда экспорт қилинаётган қишлоқ хўжалиги

<sup>89</sup>Каримов И.А БМТ саммити. Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишлиланган ялпи мажлисидағи нутқи. Халқ сўзи, 2010 йил 22 сентябрь.

<sup>90</sup> Каримов И.А. Амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятияни куриш - ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабуғ қилинганнагининг 21 йилингига бағишлиланган тантанали маросимдаги маърузаси.//Халқ сўзи, 2013 йил 7 декабрь.

<sup>91</sup> Д.Н.Саидова, И.Б.Рустамова, Ш.А.Турсунов. “Аграр сиёсат ва озиқ-овкат ҳавфсизлиги”. Ўкув қўлланма. Т.: “ЎзР Фанлар Академияси Асосий кутубхонаси” босмахонаси наприёти, 2016. – 6.4.

маҳсулотлари ҳажми З баробардан зиёд ошди. Дунёнинг 80 та давлатига 180 турдан ортиқ сархил мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотларни экспорт қилинмоқда. Ўзбекистон ўрик, олхўри, узум, ёнгок, карам ва бошқа кўплаб мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми бўйича дунёда шундай маҳсулотларни етказиб берадиган ўнта етакчи давлат қаторига киради. 2020 йилда мева ва сабзавот, узум ва полиз маҳсулотлари етиширишни 2015 йилга нисбатан камида 1.3 марта, сутни 1.5, тухумни 1.7, балиқни 2.5 марта кўпайтириш мўлжалланмоқда Бундай кўрсаткичларга эришиш учун, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ этиш ва модернизация қилиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини ва ирригация тизимини яхшилаш, тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Бу борада хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва албатга мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга жаҳон бозоридаги талабни ошириш, уларни сақлаш, логистика ва истеъмол-чиларга етказиб беришнинг замонавий тизимини шаклланти-ришига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистонда етишти-рилаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг аксарият қисми янги узилган ҳолда эмас, балки консервация қилинган, қайта ишланган ёки қуритилган ҳолда истеъмол қилинмоқда. Ўзбекистонда жами 190 минг тоннадан зиёд мева ва сабзавотлар сақланадиган 274 та замонавий совиткичли камера ва омборлар қурилди ва тўлиқ реконструкция қилинди. “Навоий” эркин индустрималь-иқтисодий зonasида мева-сабзавотни нейтрал газли мұхитда сақлаш бўйича замонавий қувватлар фойдаланишига топширилди. Ушбу сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари авиа транспорт ёрдамида Европа ва Осиё мамлакатлари бозорларига етказиб берилмоқда. Мамлакатимизда ташкил этилган, Навоий шаҳри ҳалқаро аэропортида, “Кореан Эйр” компанияси бошқарувида фаолият кўрсатаётган интермодаль логистика маркази имко-ниятларидан фойдаланилмоқда. Ҳозирги вақтда мамлака-тимизда жами 630 минг тонна қишлоқ

хўжалик маҳсулот-ларини сақлаш қувватига эга бўлган 1300 дан зиёд омборлар мавжуд.<sup>92</sup> Уларда ҳар йили мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий турлари сақланмоқда. Бунинг натижасида ички бозорда нарх-навони барқарор ушлаб туриш, кузги-қишики мавсумда ушбу маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятини яратди. Ўзбекистон экспорт компаниялари Болтиқ денгизи бўйидаги Лиепай портида бир кеча-кундузда 1,5 минг тонна маҳсулотни сақлаш қувватига эга бўлган транспорт-логистика маркази ташкил қилинди, ундан кузатилган мақсад, мева-сабзавот маҳсулотлари Европа мамлакатларига тўғридан-тўғри етказиб беришдан иборат. Янги тараққиёт босқичида Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш фонди, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки, Глобал экологик фонд, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти каби бошқа кўплаб халқаро институтлар, шунингдек, хорижий мамлакатлар ҳукуматлари агентликлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Ўзбекистон Республикаси ва БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланган ва Тошкент шаҳрида ушбу ташкилот ваколатхонаси очилган. Ўзбекистон билан БМТнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги асосий молиявий институти бўлмиш Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш фонди ўртасида конструктив ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, бу фонднинг асосий вазифа-ларидан бири юқори самарадорликка эга бўлган қишлоқ хўжалиги тизимини шакллантириш бўйича ёндашувларни амалга оширишдан иборатдир. Ўзбекистон ва Осиё тараққиёт банки ўртасида жадал ривожланиб бораётган, қишлоқ хўжалиги соҳасида самарали лойиҳалар амалга оширилмоқда. Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири ирригация тизимларини модернизация

<sup>92</sup> Д.Н.Сайдова, И.Б.Рустамова, Ш.А.Турсунов. “Аграр сиёsat ва озиқ-овқат хавфсизлиги”. Ўқув қўлланма. Т.: “ЎзР Фанлар Академияси Асосий кутубхонаси” босмахонаси нашриёти, 2016. – 6.69.

қилишга қаратилган лойиҳалардир. Шу муносабат билан Осиё тараққиёт банки, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги билан ҳамкорликда Аму-Бухоро машина каналини қайта тиклаш лойиҳаси амалга оширилди, унинг доирасида 1,8 миллиондан зиёд одам истиқомат қилаётган 315 минг гектар майдонни сув билан таъминлайдиган ирригация инфрагузиласи реконструкция қилинди. Хорижий ҳамкорлар билан биргаликда ташкил этилган, мева-сабзавот маҳсулот-ларини сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш билан шугулланадиган агросаноат корхоналари иқтисодиётимизда муҳим ўрин эгаллади. Ўзбекистонда қишлоқ ҳўжалиги соҳасида дунёда етакчи давлатлар, яъни Германия, Голландия, Австрия, АҚШ, Швейцария, Хитой, Жанубий Корея, Италия, Испания каби 50 та мамлакатдан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилган ҳолда, 400 га яқин корхона ташкил этилди<sup>93</sup>.

## **2.3. Флора ва фаунадан самарали фойдаланишнинг инсон экологияси билан уйғунлиги**

Инсон экологияси тизимида биохилмаҳиллик муҳим ўрин эгаллади. Биохилмаҳиллик Ер юзида яшаётган 8 млн.дан ортиқ ўсимликлар, ҳайвонлар яшаётган муҳит, генетик турли туманликни ўз ичига олади. Биохилмаҳиллик мураккаб ва бир-бирига боғлиқ бўлган тизимларни ўз ичига олади. Ушбу жараёнда, кўзга кўринмаса-да, ҳар бир жонзот ёки ўсимлик муҳим ўрин эгаллади. Улар биохилмаҳиллик мувозанатига муҳим ҳисса қўшади. Инсон томонидан истеъмол қиласидиган озиқ-овқат сифати, одамларнинг нафас олиши, сув ичиши, бетакрор табиий шароит табиат иномлари ёки биохилмаҳилликнинг натижасидир. Биохилмаҳиллик инсоннинг ер усти ва сув остидаги ҳаётини таъминловчи омил ҳисобланади. Биохилма хиллик инсон фаолиятининг барча томонларига, унинг соғлигига ўз таъсирини ўтказади. Биохилмаҳиллик инсонни тоза сув, тоза ҳаво, озиқ-овқат маҳсулотлари билан

<sup>93</sup> Д.Н.Сайдова, И.Б.Рустамова, Ш.А.Турсунов. “Аграр сиёсат ва озиқ-овқат ҳавфисизлиги”. Ўқув қўлланма. Т.: “ЎзР Фанлар Академияси Асосий кутубхонаси” босмахонаси нашриёти, 2016. – 6.69.

таъминлайди, илмий билимлар, медицина учун манба ролини бажаради, табиий шароитда учрайдиган касалликлар имкониятини оширади, табиий ўзгаришларга чидамлилигини оширади. Юқорида ифодаланған тизимдаги бирор элементнинг йўқолиши, инсон ҳәётига салбий таъсир ўтказади ва кутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам, хулоса қилиш мумкинки, табиий унсурларсиз планетада ҳаёт бўлиши мумкин эмас.

Инсон хўжалик фаолияти Ер шарининг қуруқлик қисмининг тўртдан уч қисми ва океаннинг учдан икки қисмини ўзгартириди. Таҳлиллар тасдиқлайдики, фақат 2010 йилдан 2015 йилгача бўлган даврда 32 млн. гектар ўрмонлар йўқ бўлиб кетган, кейинги 1550 йил ичида короал рифларининг тирик қопломаси икки марта камайган. Музикларнинг эриши жадаллашмоқда, дунёдаги океанлар-нинг шўрланиши ортиб бормоқда, унинг маҳсулдорлиги камайиб боряпти. Ёввойи ҳайвонларнинг сони камайиб боряпти, кейинги 10 йил ичида тўрт турнинг бири, ер юзидан йўқолиши таҳмин қилинмоқда<sup>94</sup>.

Юқоридаги рақамлар тасдиқлайдики, тирик мавжудот ҳаётига катта хавф вужудга келди. Бундай шароитда инсоният биохилмакилликни сақлаб қолиш учун барча чораларни кўриши зарур. Биз англашимиз зарурки, бундай вазият инсон экологияси мувозанатининг бузилишига, одамларни озиқовқат билан таъминлашга зиён келтиради, соғлиқни сақлашга салбий таъсир ўтказади. “Биохилмакиллик ресурсларининг камайиши биринчи навбатда инсон фаолияти таъсир оқибатида юз беради. Охирги 50 йил ичида сайёрамиз аҳолиси сони 3,5 баробарга, истеъмол қилинаётган ичимлик сув ҳажми 11 баробарга, ҳайдаладиган ерлар майдони 2 марта, рўйхатдан ўтган транспорт воситалари сони 10 марта, нефть маҳсулотларидан фойдаланиш 7 марта, электр станциялари қуввати 21 марта ошди. Ҳайвонот ва ўсимлик олами турлари эса 20 фоизга камайди. Ҳар иили атмосфера ҳавосига 5 миллиард тонна карбонад ангирид гази, 200 миллион тонна

<sup>94</sup> Что такое биоразнообразие. <https://www.worldenvironmentday.global/ru/vyznali/chto-takoe-bioraznoobrazie>

углерод оксида, 146 миллион тонна сульфат оксида, 35 миллион тонна азот оксида ташланмоқда”<sup>95</sup>.

Инсоният ҳётида салбий воқеа коронавирус пандемиясининг пайдо бўлганлиги фикримизнинг далилидир. Ушбу салбий ҳолат натижалари тасдиқлайдики, биохилма-хиллик тизимининг кучсизланиши, инсон ҳётига янги хавф-хатарларни вужудга келтиради. Инсоннинг табиий балансни сунъий таъсирлар орқали бузганлиги, ёввойи табиатга ҳужуми, ҳайвонларнинг генетик турфалигини қисқартирди, натижада табиий шароит ўзгаришлар содир бўлди, экстремал табиий шароитнинг шаклланиши шатижасида вирусларнинг инсон танасига кириши учун максимал қулай шароит яратилди. Коронавирус пандемияси инсониятга, табиат томонидан юборилаётган огоҳлантириш сигналидир. Бундай шароитда инсон экологияси олдида турган асосий вазифа биохилма-хилликни тиклаш учун барча имкониятни ишга солиш зарур. Бундай салоҳиятли ҳаракат планетада йўқотилган флора ва фауна вакилларини тиклашга олиб келиши мумкин. Бундай жараён инсонлар томонидан ҳар бир индивид табиатнинг бир қисми эканлигини англаши лозимлиги, унинг ягона тизим эканлигини тушунишимиз вазифасини илгари суради. Янги ривожланиши босқичи бизнинг табиат билан муносабатларимизни юксак даражада англашни ва қабул қилинаётган қарорларда албатта табиий шароитни, унга етказилиши мумкин бўлган зарарни эътиборга олишимизни талаб қиласди. Бундай кенг қамровли фаолиятни амалга оширишда ривожланган демократик давлатларда, тирик мавжудотга, атроф-муҳит тозалигига бўлган тажрибага ҳам эътибор бериш мақсадга мувофиқ. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биологик хилмакиллик тўғрисидаги Конвенциясида, унинг планетадаги ҳаёт учун мұхим аҳамиятга эгалиги алоҳида таъкидланади. Буни эътиборга олиб, ривожланаётган мамла-катларга

<sup>95</sup> Алихонов Б. Жакбаров С. Биохилмакилликни сақлаш — барқарор ривожланиши омили Хуррият, 23 май 2012 йил. <http://parliament.gov.uz/upload/iblock/fad/joijtejkaabldbsionxbpjwipslnutde%20hmxnthytjuk-bcyoaaejwmtmee.pdf>

биохилмажилликни сақлаш учун стратегик режалар ишлаб чиқишига ёрдам беради. Ушбу ҳамкорликнинг муҳим жиҳати, миллий тизимларга биохилмажилликни сақлаш бўйича илмий асосланган тавсиялар беришдан иборат. Шунингдек, ушбу ҳалқаро ҳамкорлик давомида экотизим-ларни асраш бўйича, “Глобал ўрмон хизмати”, “Трофиякларни ҳимоялаш бўйича глобал таклифлар”, “Трофик ўрмонларни ҳимоялаш бўйича конфессиялараро таклифлар” платфор-малари қабул қилинган ва бу таклифлар биохилмажилликни планетар масштабда сақлашга хизмат қиласди.

Шунинг учун ҳам биохилмажиллик инсон экологияси ривожида табиат ва жамият муносабатларининг уйгуналашувида муҳим аҳамият касб этади. Биохилмажиллик табиат ва биологик қисмларининг ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирини тақозо этишини англатади. Биохилмажиллик тушунчалигининг можияти қўйидагича фарқланади: турларнинг биологик ранг-баранглиги барча ўсимликлар ва ҳайвонларнинг, шу жумладан, турли бактериялар ва микроорганизмларнинг турфалиги; генетик ранг-баранглик ва уларнинг ўргасидаги биохилмажиллик; экологик тизимларнинг турли-туманлиги, бойлиги, улар орасидаги ўхшашлик, жумладан, тог ўрмонлари, чўллар ёки саванналар, саҳролар ва дengizлар ва ҳ.к.. Бундай умумийлик биохилмажилликнинг ижтимоий мазмунини, унинг инсон фаолияти учун зарурлигини тасдиқлайди.

Биохилмажилликка иқтисодий, ижтимоий, маънавий манбаатлар нуқтаи назаридан ёндашишни талаб қиласди. Инсон ўзининг асосий функциясига мувофиқ “биосфера”да, яъни сайёрамизнинг жонли қисмида яшайди. Биосфера – жуда фаол субстанция, лекин ўзининг турли биологик қисмлари-нинг турфалиги туфайли, у ҳаётни экологик хавфсизлигини таъминлаш жиҳатидан жуда барқарордир. Биосфера фақат биологик ҳаётнинг ранг-баранглиги натижасида сунъий таъсирларга бардоп беради. Бунда аралашувлар табиий ёки одамлар фаолияти иштирокида амалга оширилган таъсирлар бўлиши мумкин. Ер юзида ҳаётнинг ранг-баранглиги қанча

камайиб борса, биосферанинг сиртдан аралашувларга таъсирчанлиги шунча ортади. Биохилмачиллик қанча кам бўлса, сайёрамизнинг узоқ муддатли истиқболда яшаб қолиш имкониятлари шунча камаяди.

Биохилмачиллик мамлакатимизда ўзбек халқининг иқтисодий, эстетик, соғлиқни сақлашга оид ва маданий фаровонлигининг муҳим манбаи ҳисобланади. Таъкидаш лозимки, жаҳонда биохилмачиллик сезиларли даражада камайиши, жумладан: ноёб генлар, турлар ва экологик тизимларнинг йўқолиши ўзбекистонга ҳам хавф солмоқда. Бунинг асосий сабаби инсоннинг атроф-муҳитга салбий таъсирининг, антропоген фаолияти ортиб бораётганилиги. Таъкидаш лозимки, Биохилмачиллик йўқолишининг ҳозирги жадаллиги сақданиб қолса, одамларнинг фауна ва флоранинг табиий яшаш жойларини бузиш, ифлослаш, иқдимни ўзgartириш борасидаги ҳаракатлари натижасида сайёрамиздаги турларнинг ярми 100 йилдан ҳам камроқ вақт ичида йўқ бўлиб кетади. Биохилмачилликка одамлар таъсирининг бош омиллари биологик ресурслар истеъмолининг ўсиб бораётгани, инсоннинг ишлаб чиқариш фаолияти, қишлоқ хўжалиги ҳамда одамлар яшайдиган жойлар кенгайиб бораётганидир.<sup>96</sup> Аммо инсоннинг ҳаёт фаолияти ва мавжудлиги учун неъматлар ишлаб чиқариш жараёнида Биохилмачилликка зиён етказмаслик ва уни келажак авлодлар учун сақлаб қолиш йўлларини топиш устида инсонлар, илмий тадқиқотлар натижасига амал қилиб, уни сақлаш, ундан рационал фойдаланиш ҳақида қайгуришлари лозим.

Юқоридағиларни ҳисобга олиб, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлардаги флора ва фаунани муҳофаза қилишнинг ҳукуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги, “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза

<sup>96</sup> Что такое биоразнообразие. <https://www.worldenvironmentday.global/ru/vyznali/chto-takoe-bioraznoobrazie>

қилиш ва ундан фойдаланиш тұғрисида” ги, “Ұрмон тұғрисида” ги қонунларида белгилаб қўйилган.

Биохилмажиллик инсон ҳәёти учун зарур бўлган табиий ресурслар манбай ҳисобланади. Инсон мустақил ижтимоий, иқтисодий фаолиятида, биохилмажилликнинг ёввойи ва хонаки компонентларидан, озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй қуриш, мебель ясаш учун ёғоч, тиббиёт, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун ишлатади. Биохилмажилликдан инсон фаолияти натижасида олинадиган ижтимоий фойдани икки гурӯхга бўлиш мумкин.

Биринчидан, биологик хизматлар, яъни қишлоқ ҳўжалигида ишлаб чиқариш тўлалигича табиий ресурсларнинг сифатига боғлиқ. Қишлоқлардаги ижтимоий ҳәёт учун табиий ресурсларга, улардан самарали фойдаланиш даражасига боғлиқ.

Иккинчидан, табиий маҳсулотлардан бевосита фойдаланиш механизмининг яратилганилиги. Ўзбекистонда янги ривожланишиш босқичида биохилмажиллик маҳсулотларидан фойдаланиш ёнилғи сифатида ишлатиш учун ёғоч йигиш, овчилик, озиқ-овқат сифатида фойдаланиладиган ўсимликларни, доривор гиёҳларни териш тизими такомиллаштирилди. Аммо тадқиқотлар тасдиқлайдики, инсон ўз фаолиятида биохилмажиллик маҳсулотларидан фойдаланиш норционал фойдаланиш ҳолатлари мавжуд, флора ва фауна неъматлари, яъни табиат тиклашга қодир бўлган даражадан ортиқ даражада йигилади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган экологик сиёсатнинг асосий мақсади Ўзбекистон табиатининг биологик ранг-баранглигини, шу жумладан, генетик, турлар ва экологик тизимлар хилмажиллигини сақлаб қолишдан иборатdir. Юқорида қайд этиб ўтилганидек, Ўзбекистонда биохилмажиллик йўқолиб бораётганининг асосий сабаби биохилмажиллик мавжуд табиий жойлар, асосан, қишлоқ ҳўжалигининг кенгайини ҳисобига бузилиши, биохилмажиллик маҳсулотлари ва хизматларидан оқилона фойдаланилмаслиги оқибатида

биохилмахиллик ресурслари таназзулга юз тутиши, уларнинг сони камайиб боришидир.

Биохилмахилликни сақлашдаги асосий омиллардан ва йўналишларидан бири, атроф-муҳит учун қулайликларга эришишнинг муҳим жиҳати биохилмахиллик ресурсларидан бевосита фойдаланувчи маҳаллий аҳолининг хатти-ҳаракатларига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда биохилмахиллик ҳолатини яхшилаш учун маҳаллий аҳолининг ўз муаммоларини ечишдаги фаоллигига ва табиий ресурсларни сақлашга, асрашга бўлган онгли муносабатига боғлиқдир.

Ўзбекистоннинг биологик ранг-баранглигини асрашда биохилмахилликнинг йўқ бўлиш сабабларини бартараф этишга, яъни қишлоқ ҳўжалиги кенгайишининг табиий яшаш жойларига салбий таъсирига чек қўйишга, биохилмахиллик маҳсулотлари ва хизматларидан оқилона фойдаланмаслик амалиётларига барҳам бериш муҳим амалий аҳамият касб этади. Шунингдек, биохилмахилликни асраш учун имконият-лар яратишга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқ ва аҳоли биохилмахиллик ресурсларидан зарур ҳолларда фойдаланишининг кейинги мавсумигача тикилашга қодир бўлган миқдорда фойдаланишини назарда тутадиган амалиётни қўллаш лозим. Бундай ижтимоий, иқтисодий мазмун касб этадиган фаолият давомида қўйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ.

Биринчидан, фермер ва дехқон ҳўжаликлари томонидан экиладиган экинлар мамлакатнинг муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлари ва муҳим биологик турлар яшайдиган жойларга қараб кенгайишига йўл қўймаслик. Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизнинг муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлари, минтақада биохилмахилликни сақлашнинг асосий омилидир. Шунинг учун ҳам янги ривожланиш босқичи шароитида алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудлардаги шаклланган биохилмахилликни сақлаш ҳозирги авлоднинг муҳим вазифасидир. Фермер ҳўжаликларини оптималлаштириш, дехқон ҳўжаликлари учун янги участкаларни танлаш, кластер тизимини ривожлантиришни режалаштириш даво-

мида, яъни янги ҳудудларнинг ўзлаштирилиши жараёнида биохилмахилликка зарар етказмаслик, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар атрофидаги ҳудудларни, муҳим биологик турлар яшайдиган жойларни тиклаш, уларнинг ёввойи турлар яшаси учун мақбул жойларга айланишига эришиш зарур. Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги учун фойдаланадиган ҳудудлар маҳаллий аҳолига муайян даражада, ижтимоий даромад манбаи ҳисобланади. Бундай шароитда аҳолидан доимий фойдаланиб келинган ерларни, давлат аралашуви билан олиб қўйиш масаланинг ечимини таъминламайди. Шу маънода, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва муҳим биологик турлар яшайдиган жойлар атрофидаги ердан фойдаланишда, инсон фаолиятнинг муқобил турларини шакллантириш амалиётларни жорий этиш мақсадга мувофиқ. Аҳоли вакилларига муҳофаза қилинаётган ҳудудлар яқинида ишлаш учун, таклиф қилинаётган янги фаолият турлари ёки айни шу фаолиятга нисбатан муқобил ёндашувлар экологик тизим, муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд ёки муҳим биологик турлар яшасидаги уйғунликни таъминлаши лозим.

Иккинчидан, инсон антропоген фаолияти натижасида таназзулга юз тутган экологик тизимларни, шунингдек, бундай ҳудудларда мавжуд бўлган биохилмахилликни тиклаш ва ривожлантириш, муҳим амалий иқтисодий ва маданий, тарбиявий аҳамият касб этади. Бундай фаолиятнинг асосий мақсади биохилмахиллик обьектларини асраш ва улардан барқарор тараққиёт мақсадлари учун самарали фойдаланиш, мавжуд ҳудудларни тиклашдан иборат бўлган лойиҳаларни излаб топиш, уларни қўллаб-қувватлашдан иборат. Бундай вазифанинг ечими маҳаллий ҳокимиятлар томонидан, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмита-сининг вилоятлардаги бошқармалари иштироқида, ҳудудлар ва биологик мажмуналарни жисмоний тиклашнигина эмас, балки ушбу ҳудудларни бошқаришни такомиллаштиришни ҳам назарда тутади.

Учигчидан, мамлакатимиз табиий ҳудудларидағи биохилмахилликка салбий таъсири камайтирадиган ҳұжалик фаолиятнинг ҳар қандай шакларини ривожлантириш имкониятларини излаш зарур. Ушбу жараён мұайян ҳудудда, табиий шароитда үседиган ёки яшайдиган Биохилмахиллик ресурсларидан оқилона фойдаланишдаги алтернатив имкониятнинг, яғни үзлари яратған ресурслар билан алмаштиришга ёки мағаллий ақолини иш билан таъминлашнинг мүқобил вариантыдан иборат бұлади. Таклиф этилган иш жойлари, одамлар учун яхши даромад көлтириши ва биохилмахилликнинг тикланишига ёрдам беріши лозим. Пировард натижада бундай лойиҳалар табиий ресурслардан рационал фойдаланиш имконини яратади, мазкур ресурсни тиклаш ва күпайтириш учун шароит яратади.

Антрапоген таъсири остида кучаяётгап табиий экотизимларнинг умумий таназзули ва фрагментацияси ареалларнинг ва ҳам камёб, ҳам ресурс (овланадиган) турларнинг сони қисқаришига олиб келди. Бундай турлар ёввойи табиатда йүқолиб кетиш хавфига эга ва “Қызил китоб”га киритиш учун тавсия қилинган. Ҳайвонларнинг 207 та тури ва кенже турлари камёб ва йүқолиб кетиш хавфи остидаги турли тоифаларга киритилган, улардан 184 таси Ўзбекистон Республикасининг “Қызил китоб”ига киритилган (2009 й.), улардан сут әмизувчиларнинг 24 тури, құшларнинг 48 тури, рептилийларнинг 16 тури, балиқларнинг 17 тури, бұғымличувалчангларнинг 3 та тури, молюскаларнинг 14 та тури, бұғым оёқлilarнинг 60 тури мавжуд.

Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқининг “Қызил китоб”ига ҳайвонларнинг 73 та тури ва кенже турлари киритилган. Уларнинг келажаги глобал құламда ташвиш үйготади. Йүқолиб кетиш хавфи остидаги турлар билан халқаро савдо қилиш тұғрисидаги конвенцияга Иловага ҳайвонларнинг 88 та тури ва кенже турлари киритилган. Ўзбекистон Республикаси “Қызил китоб”ининг охирги нашри (2009.й.) юксак үсимликларнинг 321 турини ва замбуруғлар-нинг уч турини үз ичига олади. Олдинги нашрлар билан таққослаганда, 23 тур чиқариб ташланған, бошқа томондан эса камёб деб

эътироф этилган ўсимликларнинг 11 янги тури киритилган, 7 тури улар табиатда кўпайганлиги муносабати билан “камёб” мақомидан “қисқариб бораётган” мақомига киритилган. Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобида «Йўқолиб кетган» мақоми билан 18 тур мавжудлигини алоҳида таъкидлаш зарур.<sup>97</sup>

Мамлакатимизда биохилмажилликни сақлаш учун муҳофаза қилинадиган ҳудудлар сони кўпаймоқда. “Бугунги кунда республикада 7 та қўриқхона (188,3 минг га), битта комплекс ландшафт-буортмахона (628,3 минг га), 2 та биосфера резервати (111,7 минг га), 3 та миллӣ табиий боф (558,2 минг га), битта «Дўрмон» миллӣ бofi (32,4 га), 10 та табиат ёдгорлиги (3,8 минг га), 12 та буортмахона (572,4 минг га) ва Бухоро ихтисослаштирилган «Жайрон» питомниги (165 минг га), шунингдек, ўрмон ва ўрмон овчилик хўжаликлари (11,121 млн га) мавжуд. Биохилмажиллик барқарор сақла-нишини таъминлайдиган муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг (муҳофаза қилинадиган ландшафтлар – курорт табиий ҳудудлар, рекреацион зоналар, сувни муҳофаза қилиш зоналари, қирғоқ бўйи полосалари, сув обьектларини санитария жиҳатидан муҳофаза қилиш зоналари, юза ва ер ости сувлар ҳосил бўлиши зоналарисиз) умумий майдони 13,2 млн гектарга яқинни ташкил этади. Айни вақтда муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг умумий майдони ўрмон хўжаликлари ва ўрмон овчилик хўжаликлари ҳисобга олинма-ганда 2079,2 минг гектарни ёки мамлакат ҳудудининг 4,64 фоизини ташкил этади”<sup>98</sup>.

Таъкидлаш лозимки, “муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар табиий мувозанатни таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Улар инсон яшашининг зарур шарти бўлган экологик барқарорликни сақлаш ва табиий экотизимларни тиклашнинг

<sup>97</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжкамасини “2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллӣ базаси, 13.06.2019 й., 09/19/484/3281-сон)

<sup>98</sup> 2019 - 2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегияси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллӣ базаси, 13.06.2019 й., 09/19/484/3281-сон)

муҳим мезони саналади. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар участкаларида ёввойи ҳайвонларнинг ҳамда ўсимлик-ларнинг ҳозирги ҳолати ва уларнинг ҳисобини юритиш бўйича, шунингдек, флора ва фаунанинг йўқ бўлиб кетиш хавфи остида бўлган ноёб турларини кўпайтириш ва қайта етишириш, сақлаш бўйича илмий-текшириш, ташкилий-техник тадбирлар олиб борилмоқда”<sup>99</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида» 2019 йил 17 январдаги Фармонини ва Ўзбекистон Республикаси Олий Маҷlisининг «1992 йилда Рио-де-Жанейрода имзоланган Биологик хилмаҳиллик тўғрисидаги конвенцияга Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида» 1995 йил 6 майдаги қарорини ижро этиш юзасидан, шунингдек, биологик хилмаҳилликни сақлаш ва ундан барқарор фойдаланишни таъминлаш, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни ривожлантириш ва кенгайтириш, табиий экологик тизимларнинг таназзулга учраши суръатларини пасайтириш, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг камёб ҳамда йўқолиб бораётган турларини қайта тикаш, биохилма-хилликни сақлаб қолип соҳасидаги халқаро муносабатларни ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги қарори қарор қилинди:<sup>100</sup>

<sup>99</sup> Алихонов Б. Жакбаров С. Биохилмаҳилликни сақлаш — барқарор ривожланиш омили Ҳуррият, 23 май 2012

<sup>100</sup> <http://parliament.gov.uz/upload/iblock/fad/jojtgejkabldbsionxbpjwipslnutde%20hmknrhytjuk-bcyooaejwmtmee.pdf>

<sup>100</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлап стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги қарори. (Қонун ҳужжатлари матъумотлари миллий базаси, 13.06.2019 й., 09/19/484/3281-сон)

– Қарорга мувофиқ, 2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилмахилликни сақлаш стратегияси тасдиқланди. Стратегия қуйидаги устувор вазифалар амалга оширилишини назарда тутади:

- муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар майдонларини мамлакат ҳудудининг 12 фоизига етказиш;
- Орол дengизининг қуриган тубида ўрмонзорлаштириш ишларини олиб бориш ва унинг майдонини 1,2 миллион гектарга етказиш;
- Бухоро ижтисослаштирилган «Жайрон» питомнигида жайронлар бош сонини 1000 га етказиш;
- давлат қўриқхоналаридағи эталон экотизимларда биохилмахиллик компонентлари учун мониторинг олиб боришининг марказий бўгинли ягона тизимини яратиш;
- замонавий геоахборот технологиялари (ГИС-технологиялар) асосида биохилмахилликнинг давлат мониторинги ва давлат кадастри ягона ахборот маълумотлар базасини яратиш;
- ҳар йили 2 млн. гектар майдонда табиий яловлар ва пичанзорлардаги ўсимликларни геоботаник текширувдан ўтказиш;
- биохилмахилликни сақлаб қолиш масалаларини иқтисодиётнинг барча тармоқларига интеграциялаш;
- Қарорда қайд этилганидек, Ўзбекистонда биологик хилмахилликни тиклаш ва сақлаш — экологик хавфсизликни таъминлаш ва мамлакатнинг барқарор ривожланиши, шунингдек, иқлим ўзгаришининг юз бераётган жараёнларига мослашишнинг ишончли йўли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси 1995 йилдан бошлаб Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Биологик хилмахиллик тўғрисидаги Конвенциясининг Томони ҳисобланади ва ўзига қуйидаги мажбуриятларни олган:

- биологик хилма-хилликни сақлаш ва ундан барқарор фойдаланишнинг ёки мавжуд режалар ва дастурларга мослаштиришнинг миллий стратегиялари, режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш;

- биологик хилмажилликни сақлаш ва ундан барқарор фойдаланиш учун унинг мұхим ақамиятга эта бўлган қисмларини бслгилаш;
- биологик хилмажиллик ишончларни таъминлаш мақсадида мавжуд муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни кенгайтириш ва янгиларини ташкил этиш;
- таназзулга учраган экотизимларни тиклаш ҳамда камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги турларини тиклаш чоратадбирларини кўриш лозим.

Биологик хилмажилликни сақлаш бўйича Биринчи миллий стратегия ва Ҳаракатлар режаси Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 1 апрелдаги қарори билан маъқулланган эди. Натижада биологик хилмажилликни сақлаш соҳасидаги кўплаб лойиҳалар Глобал экологик жамғарма, Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таракқиёт дастури, Ёввойи табиатни қўриқлаш жаҳон жамғармаси ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан халқаро қўллаб-қувватланди.<sup>101</sup>

Ушбу Стратегия доирасида атроф-мухитни муҳофаза қилиш бўйича бир қатор миллий ва маҳаллий дастурлар ҳамда режаларга биологик хилмажилликни сақлаш масалалари киритилди ва биологик хилмажилликни сақлаш соҳасида қирқقا яқин халқаро лойиҳалар амалга оширилди. Натижада ерларнинг таназзулга учрашини секинлаштиришга, чўлланиш жараёнларини қисқартиришга, табиий ресурслардан нобар-қарор фойдаланишнинг бошқа салбий оқибатларини сусайти-ришга эришилди. Эришилган натижаларга қарамай, табиий экотизимларга ва ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликлар кўпайишига салбий омилларнинг таъсири давом этмоқда. Биологик хилмажиллик компонентлари самарали муҳофаза қилинишини давом эттириш учун тизимли ёндашувни қўллаш талаб қилинади, ҳам ҳайвонларнинг ўзини, ҳам улар яшаш жойини муҳофаза қилиш бўйича комплекс тадбирларни ишлаб чиқиш зарур.

<sup>101</sup> Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2019-2028 йиллар даврида Узбекистон Республикасида биологик хилмажилликни сақлаш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида" ги қарори. (Қонун хужожатлари маълумотлари миллий базаси, 13.06.2019 й., 09/19/484/3281-сон)

Биологик хилмажилликни сақлаш стратегияси устувор йўналишларни, мақсадлар ва вазифаларни, режалаштиришни, уларга самарали эришиш усулларини, шунингдек, узоқ муддатли истиқболга биологик хилмажилликни сақлаш ва ундан фойдаланиш соҳасида барқарор тизимни шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида давлат сиёсати амалга ошири-лиши босқичларини белгилашга қаратилган. Ушбу жараёнда ўрмонларни инсон манфаатлари учун сақлаш, қуриқлаш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон ўрмонлар кам бўлган мамлакат ҳисобланади, бироқ ўрмон экотизимлари ҳам хўжалик муносабатларида, ҳам табиатни муҳофаза қилиш муносабатларида муҳим роль ўйнайди.

Мамлакатимизда давлат ўрмон фонди ерлари 11,2 млн гектарни эгаллайди, бу республика умумий майдонининг 25,2 фоизини ташкил этади, улардан 3,26 млн гектарга яқини ўрмонлар билан қопланган. Ўзбекистон ўрмонлари ўзининг табиий таркиби, маҳсулдорлиги ва бажариладиган функцияларига кўра жиддий равишда фарқланади. Ўрмонлар, асосан, қумли чўлларда — 9,53 млн.га, тоғларда — 1,12 млн.га, қайирларда — 0,11 млн.га, шунингдек, воҳаларда — 0,26 млн.га жойлашган. 30 минг гектарга яқинни эгаллаган тўқайзорлар участкалари Қорақалпогистон Республикасида жойлашган ва Амударё дельтасида тўқайзорлар дастлабки ҳудудининг 10 фоизига яқинни ташкил этади. Ушбу участкалар Ўзбекистондаги қолган барча тўқайзорларнинг 75 фоизини ва Марказий Осиё тўқайзорларининг 20 фоизини ташкил этади. Тўқайзорлар майдонининг камайиши камёб ва йўқолиб бораётган турларнинг қисқариши сабаблидир. Тўқайзорлар массивлари унча катта бўлмаган тор полосалар ва дарё уваларида алоҳида участкаларда сақланиб қолган ва ёввойи табиат учун муҳим экологик йўлаклар ҳисобланади.<sup>102</sup>

<sup>102</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллый базаси, 13.06.2019 й., 09/19/484/3281-сон)

# **ШІБОБ. ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ИНСОН ЭКОЛОГИЯСИНИ ЮҚСАЛТИРИШ ЖАРАЁНИДАГИ ЎРНИ**

## **3.1. Узлуксиз таълим тизимининг инсон эколоғиясидаги роли**

Ижтимоий гуманитар фанларда маданият тушунчаси инсон фаолиятини тапқыл қилиш ва ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларини ўз ичига олувчи, моддий ва маънавий меҳнат натижасида ўз ифодасини топган ижтимоий муноса-батлар тизими, маънавий бойликлар сираси, пировард натижада инсон ва табиат орасидаги муносабатлар тизими сифатида талқин қилинади. Шунингдек, маданият табиатга нисбатан инсон муносабатларининг уйгунилигида намоён бўлади. Маданият, бу - инсон онгли ижтимоий фаолиятининг, яъни субъектнинг табиий ва ижтимоий борлиққа муносабатидир. Маданият ижтимоий ҳодиса сифатида умумлашган шаклда жамият ва инсоннинг “турмуш тарзи” сифатида кўринади. Мана шундай мазмунда экологик маданият ўз мазмунига кўра, муҳим компонент сифатида ва инсоният цивилизацияси ривожланиш даражасининг бир қисмиdir. Глобаллашув шароитида жамият аъзолари олдида мавжуд табиатга нисбатан бўлган муносабатлар тизимини такомиллаштириши, яъни биосферани сақлаш, экологик ҳалокатга йўл қўймаслиқ, инсон фаолияти учун зарур бўлган шароитни қўриқлаш вазифаси турибди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти таъкидлаган эдики, “Барчамиз бир оддий ҳақиқатни қатъий ва аниқ англаб олишимиз керак – бундан буён Ўзбекистон Экологик ҳаракати янги сифат босқичига кўтарилади, юксак депутатлик минбаридан туриб атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини ўргага қўйиш ва назорат қилиш, инсонни ва мамлакат аҳолисини экологиянинг хавфли ҳамда тажовузкор ўзгаришларидан ҳимоя қилиш учун улкан имкониятларни қўлга

киритади”<sup>103</sup> Бундай мураккаб масала маълум даражада инсон фаолияти шаклларини ўзгартиришни талаб қилмоқда. Бу илмий муаммо, инсон дунёқаралини фуқаролик жамияти талаблари асосида шакллантириш заруриятини вужудга келтирди ва бу жараён моддий-маънавий маданиятнинг эски шаклларидан воз кечиш, жамиятни модернизациялаш даврига мос бўлган экологик маданиятни шакллантириш билан боғлиқдир. Шундай экан, экологик маданият умумий маданиятнинг таркибий ва ажралмас қисмидир. Экологик маданият инсон ақл заковати туфайли унинг фаолиятида табиат билан бўлган ўзаро муносабатларда ўз ифодасини топади. Таъкидлаш лозимки, инсоният ўз тараққисти даврида экологик маданиятни шакллантириш жараёнида табиатдан ҳам маълум даражада таълим олган, ўрганган. Ушбу хуросалар бугунги даврга ҳам тааллуқлидир. Маданий жараёнлар, ижтимоий ва табиий муносабатлар тизимида атроф-муҳитда содир бўлаётган ҳолатларни тўлиқ англаш, инсоннинг ҳозирги замонда ўз ҳаётини сақлаб қолишининг муҳим жиҳатларидан бири, яъни табиатга нисбатан ижобий таъсирини шакллантириш билан боғлиқдир. Шунинг учун жамият маданий даражасининг кўрсаткичи сифатида унинг фақат маънавий ривожланиши эмас, балки аҳолининг ахлоқий тарбияси, фуқаролар фаолиятига экологик қонунлар талаби, мазмуни, атроф-муҳитни асрараш ва уни қўпайтириш бўйича тушунчаларнинг сингдирилганлиги муҳим аҳамият касб этади. Ушбу муаммога фалсафа фани нуқтаи назаридан ёндашилса, экологик маданият жамият умумий маданиятининг бўлаги сифатида инсоннинг атроф-муҳитга таъсирида, шунингдек табиатни ўрганиш ва табиий ресурсларни ўзлаштиришда зарур бўлган маҳсус билимлар, маданий удумлар, маълум даражадаги табиатга нисбатан муносабатларни ўрганиш, амалиётда улардан унумли фойдаланишда кўринади. Бизнинг фикримиз-ча, экологик

<sup>103</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўпшма мажлисидағи маъруzasи. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш - устувор мақсадимиздир”. - Ҳалқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

маданиятнинг мазмунни, инсон экологик онгининг ривожланишида, эмоционал психологик ҳолатларнинг инсоннинг умумий фаолияти билан уйғунылигидә ҳам намоён бўлади. Экологик маданият шахс ҳаётининг умумий мазмунни ва унинг фаолиятидаги турли йўналишлар, сифатларида ўз аксини топади. Маълумки, фалсафий нуқтаи назардан экологик маданият инсонга унинг табиат ва жамият маҳсули сифатида ўз ўрнини белгилашни тушунишга ёрдам беради, сиёсий маданият инсоннинг хўжалик фаолияти ва табиий муносабатлар орасида экологик мувозанатни сақлашга ёрдам беради. Ҳуқуқий маданият эса қабул қилинган қонунлар тизими доирасида инсон ва табиат билан муносабатларни белгилайди, алоқий маданият инсоннинг табиатга нисбатан ғамхўрлик алоқаларини ифодалайди. Эстетик маданият бадиий асарлар, рассомлар полотноларида табиатни тараннум этиб атроф-муҳитга ҳурмат ўйғотади. Ушбу маданиятлар уйғунылиги экологик маданиятни вужудга келтиради. Шундай экан, экологик маданият тушунчаси жамият ва табиат муносабатлари тизимини сақлаш, янада ривожлантиришга хизмат қиласи. Фалсафа ва ижтимоий экологиянинг муаммоларини ўрганиш доирасида “маданият экологияси” тушунчаси ҳам тадқиқ қилинди, чунки бу муаммо инсоният томонидан вужудга келтирилган маданиятга доир муҳитни сақлаш, баъзи қисмларини тиклаш билан боғлиқдир. Ҳозирги даврда шахс умумий маданиятининг даражаси, шу жумладан, экологик маданиятининг намоён бўлиши табиат ва жамият муносабатларининг умумийлиги билан боғлиқдир. Бундай умумийликга жамият ва табиатдаги хотиржамлик натижасида эришилади, яъни табиат инсон фаолияти мазмунини ташкил қиласи, атроф-муҳитни асрар инсон ҳаётини ва жамиятни сақлашнинг асосий факторига айланади. Экологик маданият шахс фаолиятининг алоқий маънавий дунёси билан боғлиқ бўлиб, унинг табиат билан муносабатларнинг ўзига хос алоқалари натижасида кўринади. Бу фаолиятдаги бир-бирини тўлдирув-чи бўлаклар,

яъни: экологик онг, экологик муносабат ва экологик фаолият алоҳида аҳамият касб этади.

Таъкидлап лозимки, экологик маданиятни ҳар бир инсонда ва умумий ижтимоий онг даражасида ривож-лантириш учун экологик муассасаларнинг ўрни мухимдир. Глобаллашув даврида, яъни экологик бўхронлар авж олаётган пайтда инсониятнинг тақдири унинг ўзига боғлиқдир. Инсон фикрлашини ва фаолиятини экологик йўналишга бошқарсанга бу хавфни бартараф этиши мумкин. Жамият даражасида антропоцентризмни, шахс фаолиятида эгоцентризмни бартараф этгандагина экологик инқироздан қутулиш мумкин. Бундай жараён устида мунтазам ишлаш лозим. Экологик муаммолар устида илмий тадқиқотлар олиб бораётган олимларнинг фикрича ҳозир экологик аҳволни яхшилаш учун чора-тадбирлар кўрилмаса йиллар ўтган сари экологик муаммоларни ҳал қилиш кеч бўлади. Маълумки, маданий жараёнлар консерватив характерга эга, аммо ҳозирги даврдаги экологик вазият бизни экологик маданиятнинг янги шаклларига тезроқ ўтишимизни талаб қилмоқда. Маълумки, бундай ҳолатга табиий ресурсларни қўриқлаш ва кўпайтириш қонуни инсон онгига сингдирилганда, унинг фаолият қонунига айланганда эришиш мумкин. Аммо илмий тадқиқотлар натижалари кўрсатмоқдаки, моддий ишлаб чиқариш ва экологик маданият бир-бирига зид бўлган жараёндир. Бу муносабатлардаги қийинчиликларни бартараф этиш, шу жумладан, инсон онги ва фаолиятидаги қарама-қаршиликларни енгishни ҳам талаб қилади. Бугунги иннова-циялар даврида ҳар бир техникавий янгиликдан самарали фойдаланиб экологияга эътибор беришимиз лозим. Инсоният ўзининг кўп асрлик тарихида унчалик тараққий этмаган экологик тафаккур, экологик этика, онгли суратда экологик йўналтиришга эга бўлмаган фаолият билан шуғулланади. Замонавий экологик маданият муаммоларини ўрганар эканмиз, унинг шакланиш тарихий илдизларига эътибор беришимиз лозим. Бу борада ўрта Осиё мутафаккирларининг, шу жумладан, Абу Райҳон

Беруний, Абу Али Ибн Сино, Ал Форобий, Амир Темур, Алишер Навоий, Захириддин Мухаммад Бобур ва бошқалар асарларида экологик маданият масалалариға алоҳида аҳамият берилган. Ҳудудимиздаги ер, сув ресурсларини асраш, флора ва фаунани қўпайтириш лозимлиги таъкидланган. Ушбу илмий муаммо-нинг ёритилиши ҳозирги замон педагог, файласуф олимлар-нинг тадқиқотларида ўрганилган. Шу жумладан, россиялик файла-сүф олим Н. А. Бердяев инсоният тарихидаги барча ижтимоий ўрганишлар шахснинг табиатга муносабати билан белгиланган деб қайд қиласди. Олимнинг бу холосаси экологик маданиятни умум инсоният генезиси даражасида ўрганишни тақозо қиласди.<sup>104</sup> Шунингдек, файласуф олим В. С. Соловьев ушбу муаммони ўрганиб таъкиддайдики, инсон атроф муҳитта уч хил муносабатда бўлади. Биринчидан: инсоннинг табиатга ачиниши ва табиатнинг инсонга турли кўринишда хизмат қилиши; иккинчидан: табиат билан курашиш, уни мутлақ енгиш, ундан ўз манфаатлари учун қурол сифатида фойда-ланиш; учинчидан: ижобий муносабат, яъни инсоннинг табиатдан фойдаланишининг ижобий натижаларига ва табиат-нинг улуғланишига эришилади.<sup>105</sup>

Экологик маданиятнинг муҳим жиҳатларидан бири, унинг табиатга нисбатан ачинищ ҳолатидан кейин унга нисбатан ўзгарувчанлик муносабати бошланади ва бундай ёндашув табиат устидан ҳукмронликка, индивиднинг табиат билан курашига олиб келади. Экологик маданиятнинг марказий субъекти эгоцентризм гояси сингдирилган индивиддир. Бу жараён табиий, объектив характерга эга бўлиб, ҳозирги давр ахлоқий талаблари билан танқид қилинмайди. Табиатга ҳужум ва меҳнат қуролларини ишлатиш натижасида ундан вужудга келган, тайёрланган табиий ресурсларнинг ҳўжаликда фойдаланиш муаммоси экологик маданиятнинг янги шаклини вужудга келтирди. Шахс ва инсониятнинг техникавий ҳамда

<sup>104</sup> Бердяев Н.А. Самопознание. Москва, Издательство: АСТ, Neoclassic, 2017.-480с.

<sup>105</sup> Соловьев В. С. Философские начала цельного знания: монография - Москва: Директ-Медиа, 2012.-126с.

интеллектуал құдрати биосферанинг мувозанатини бұзди, жамиятни ҳозирғи глобал экологик инқизорзға олиб келди. Вужудға келаётган бу бұхрон ҳақида үз вақтида буюк мутафаккирлар огохлантирган әди. Уларнинг фикрича, табий ресурслардан норционал фойдаланиш, уни тикламаслик фалокатта олиб келади. Шундан келиб чиқсан қолда, таъкидлаш лозимки, атроф-мухитни қўриқлаш ва асрашга йўналтирилган жамоатчилик ташкилотлари, экологик ҳаракат-ларнинг экологик маданиятни шакллантиришдаги ўрни мұхим ажамият касб этмоқда.

Шахс экологик маданияти доирасига киравчы мұхим жиҳатлардан бири, таълим ва тарбия мазмунининг экологик маданиятни уйғунашувидаги ролидир. Шахс экологик билими ва унинг экология ҳақидағи тушунчалари инсоннинг экологик муаммоларга мұносабатида базис, фундамент ўрнини бажаради. Атроф-мухитга экологик маданият нұқтаи назаридан ёндашишда эстетик маданиятнинг роли алоҳида ажамият касб этади, чунки эстетик маданият табиатта ахлоқий эстетик нұқтаи назарда ёндашувни шакллантиради. Шунинг-дек, шахс экологик маданиятини унинг фаолиятида атроф-мухитга ҳақиқий таъсирида яққол қўриш мумкин. Юқорида таъкидланған, келтирилган фикрлар янгни экологик тафаккурнинг вужудға келишида мұхим ажамиятта эга. Таъкидлаш лозимки, ҳозирғи даврда түрлі мамлакаттар ва мінтақаларда ахолининг экологик маданият даражаси ҳар хилдир. Аммо қайд қилиш лозимки, жамият аъзоларининг кўпчилигида экологик тафаккур мавжуддир. Фуқароларни атроф-мухитда содир бұлаётган экологик бұхронлар, инқизорзлар огохликка чақирмоқда. Ҳозирғи даврда табиатни инсон манбаатларига бўйсундириш ҳақида фикрлаётган кишиларни учратиш қийин. Жамият аъзоларининг кўпчилиги “Табиат биздан яхшироқ билади”, “Табиатни асраш ҳаммамизнинг вазифамиз” деган фикрни билдиришмоқда. Экологик маданиятнинг марказий нұқтасини ташкил этувчи янги экологик тафаккурнинг шаклланиши бизнинг табий ресурсларни чегарасиз фойдала-

нишимииз, биосферанинг қашшоқлашувига сабаб бўлганлиги, унинг ҳимоя қилиниш лозимлигини тушуниш, англашини талаб этади. Экологик тафаккур шахс ёки бир ижтимоий гуружнинг манфаатларига хизмат қилувчи экологик фаолият юритишдан воз кечиши тақозо этади, чунки бундай экологик йўналишдаги ишлар тезда қўлга киритиладиган фойда изидан қувиши шатижасида атроф-муҳитнинг сақданишига зид бўлиб, балки келажак авлод манфаатлари ҳам эътиборга олинмайди. Аксинча, ҳозирги замон экологик тафаккури демократик мазмунга эга бўлиши, умуинсоний қадрияларга асосланиши, тарихий келажакка йўналтирилган бўлиб, бугунги мақсадли манфаатларни инкор этиши лозим. Экологик тафаккурнинг ўзига хос ҳусусиятларидан яна бири ҳозирги даврдаги жаҳондаги экологик вазиятни чуқур ва жиҳдий англаши, экологик муаммоларни ечиш учун янги инновациялар, замонавий технологияларни тагбиқ қилишидадир. Т’аъкидаш лозимки, ҳозирги даврда жамиятдаги оммавий экологик онг тизимида фуқораларнинг мавжуд экологик инқирозларнинг можиятини, баъзи ҳолларда инсон яшаётган табиий, ижтимоий муҳитнинг мазмунини англаб етмасликни кузатиш мумкин. Жамият аъзолари томонидан атроф-муҳитни асрар юзасидан миңтақада олиб борилаётган ишлар билан чегараланишининг ўзи кифоя қиласи деган кайфиятни кузатиш мумкин. Инсон ва табиат орасидаги ижтимоий муносабатлар туфайли жамият аъзолари орасида ҳозирги замонда прогрессив аҳамият касб этувчи экологик маданият шаклланади. Замонавий экологик маданият экологик тизимга таалуқли бўлган соҳаларни ўз ичига қамраб олади: экология соҳасидаги ишлаб чиқариш муносабатлари, экологик тафаккур, экологик фаолият, экологик йўналишдаги ижтимоий институтлар, экологик таълим ва тарбияни. Гуманистик типдаги экологик маданиятни демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини қарор топтирмасдан шакллантириб бўлмайди. Бу жараён ушбу йўналишдаги ижтимоий муносабатларни, инсонлар орасида, мамлакатлар ва халқлар орасидаги алоқаларни, жаҳон ҳамжамияти муносабатларни таъминлаштириб бўлмайди.

батларини гуманизм принциплари талаблари асосида олиб борилғандагина үз мақсадыга этади. Бу жараённинг алтернативи йўқ.

Экологик маданият шаклланишининг ижтимоий-иқтисодий ишлаб чиқариш билан боғлиқ томонларига эътибор беришимиш алоҳида аҳамият касб этади. Мамлакатимиз мустақиллиги йилларида экологик маданиятнинг ушбу жабҳаларига муҳим ўрин берилди. Ишлаб чиқаришда экологик талаблар жадал суръатда жорий қилина бошланди. Бу борадаги амалий ишлар саноат тармоқларида, шу жумладан, нефть-химия, газни қайта ишлаш, нефть ва газни қазиб олиш соҳаларида олиб борилди. Энергетика иншоотлари реконструкция қилинди. Ишлаб чиқариш корхоналарида тозалаш объектлари ишга туширилди. Атмосфера ҳавосининг тозалигига алоҳида эътибор берилмоқда. Мамлакатимиздаги экологик сиёсат табиатнинг алоҳида унсурларини ҳимоя қилишдан экотизимни умумий ҳимоялашга ўтишга, инсон яшайдиган ҳаёт кечириши муҳитининг қулай жиҳатларини кафолатлашга йўналтирилган. Бундай экологик сиёсатнинг амалга оширилиши ижтимоий иқтисодий мажмуи ва умуман жамиятнинг барқарор ривожланиши шартларидан бири бўлиб қолиши керак. Узбекистон Республикасининг экологик сиёсати натижаларидан бири инсон саломатлиги учун юқори даражадаги хавфга эга ҳудудларда атроф-муҳит сифатини яхшилаш ва экотизимни барқарорлаштиришдан иборат бўлди. Оролбўйида экологик вазият оқибатларини бартараф қилиш бўйича тадбирлар амалга оширилмоқда - кичик маҳаллий сув ҳавзалари, ичимлик суви билан таъминловчи сув ўтказгичларининг қурилиши олиб борилмоқда. Республикамизда мустақиллик даврида ифлослантирувчи моддаларнинг атмосферага ташланиш миқдори 2,1 баробар, ифлосланган оқова сувлари 2,0 баробар камайди. Пестицидлардан фойдаланиш кейинги беш йил давомида 4 баробар қисқарди. Экин майдонларида пахта экишнинг камайтирилиши ҳисобига галла ва дуккакли, сабзавот ва полиз, картошкага экин майдонлари

кенгайиб бормоқда. Пахта экиладиган майдонлар ҳозирги кунда анча қисқартирилган ва экин майдонларининг 40,6 фоизини ташкил этади. Жамиятда бундай ижобий тадбирларнинг амалга оширилиши шахсда табиатга ижобий ёндашувнинг ривожланиши ва пировард натижада экологик маданиятнинг шаклланишида муҳим фактор ролини ўйнамоқда. Янги шаклдаги экологик маданиятнинг шаклланишида ижтимоий-сиёсий соҳалардаги туб ўзгаришлар ҳам муҳим ўрин згалламоқда. Юртимиизда экологик аҳволнинг яхшила-ниши, баркамол ёшлар экологик тарбияси, экологик мада-ниятининг ривожланиши учун муҳим аҳамият касб этувчи жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланишида ҳам ўз ифодасини топди. Натижада мамлакатимизда соглом бола-ларнинг сони 52,7%дан 62,9%га ўсди, сурункали касалликлар билан оғриғанлар сони сезиларли даражада камайди. Ўзбекистон Республикаси халқаро “Болаларни қутқариш” ташкилоти тузган рейтингига биноан, болалар соғлиғи ҳақида ғамхўрлик қилаётган мамлакатлар орасида биринчи ўнликдан жой олди, кейинги йилларда 1500 замонавий болалар спорт иншоотлари ишга туширилди.<sup>106</sup>

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар ҳокимликлари экологик масалаларга муҳим аҳамиятга эга бўлган фаолият сифатида қарашмоқда, экологик муносабатларнинг ҳуқуқий базаси мустаҳкамланмоқда. Мустақиллик йилларида экология соҳасида 30 дан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Мамлакатимизда мавжуд экологик аҳволни ўрганиш ва назорат қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзоси сифатида кўпчилик халқаро конвенцияларга қўшилди, уларнинг бажарилиши учун тадбирларни амалга

<sup>106</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг “Юксак билимли ва интеллектуал мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидағи нутқи. \\ Халқ сўзи, 2012 йил 18 февраль.

ошироқда. Мамлакатимизда экологик ҳаракат, экология соҳасида нодавлат ва нотижорат ташкилотлари вужудга келди. Оммавий ахборот воситалари мунтазам суръатда атроф-муҳит ҳимоясига багишлиланган мақолалар чоп этмоқда, телекүрса-тувлар, радио эшилтиришлар ташкил қилинмоқда. Мавжуд сиёсий партиялар дастурларида экологик масалаларга ўрин берилган. Жамоат ташкилотлари фаолиятида экологик тадбирлар, мавжуд экологик аҳволга багишлиланган сұхбатлар, учрашувлар үтказилишига эътибор берилмоқда. Таъкидлаш лозимки, бундай кенг қамровли фаолият жамиятимиз аъзоларида умумий экологик маданиятнинг шаклланишига сабаб бўлмоқда. Улар онги ва тафаккурида маълум даражадаги маънавий, ҳуқуқий экологик меъёрлар шаклланмоқда. Шу жиҳатдан олганда, ҳар бир фуқарода табиат олдида ўзининг шахсий жавобгарлигини англаш туйғусининг вужудга келганини таъкидлаш лозим. Фуқаролар табиий ресурсларга етказилган зарар учун ҳуқуқий, ахлоқий, маъмурий жавобгарликка тортилишларини чуқур англаш-моқда. Таъкидлаш лозимки, инсон томонидан келажак олдида жавобгарлигини англамаслик экологик инқироззининг бошланишига сабаб бўладиган сабаблардан биридир. Жамият аъзоларида мавжуд бўладиган экологик жавобгарлик ҳисси уларнинг ижтимоий ва маънавий жавобгарликларини ҳам ўз ичига олади. Шахснинг жамият олдидағи жавобгарлиги доимий суратда демократик қадриятлар билан боғлиқдир, демак инсонда атроф-муҳитга, бошқа фуқароларга, шахсан ўз фаолиятига нисбатан қандай муносабатда бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Бу борада шахсий жавобгарлик индивиднинг ижтимоий муҳит билан ҳамкорлиги борасида намоён бўлади. Шу муносабат билан экологик маданиятнинг икки жиҳати, яъни моддий ва маънавий томонларига эътибор бериш лозим. Жамиятнинг экологик маданияти бир-бири билан боғланган бўлаклардан ташкил топган бўлиб, улар қуийдагилардан иборат: экологик муносабатлар, экологик онг ва экологик фаолият. Экологик муносабатлар мазмунида

ижтимоий экологик жараённинг уч томонига эътибор беришмиз лозим бўлади. Биринчидан: инсоннинг табиий шароитда яшапи, табиатга таъсири бўйича фаолияти. Иккинчидан: инсон фаолиятининг моддий ишлаб чиқариш билан боғлиқ тамонлари, яъни инсоннинг табиатнинг кучи, қуввати ва моддий имкониятларидан фойдаланиши. Учинчидан: ижтимоий индивид сифатида инсоннинг табиий муҳитга, объектив борлиққа муносабати билан белгиланади.

Инсон экологик фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири, моддий ва маънавий соҳалардаги ҳаракатлари натижаси, яъни табиатни билиш, ўзлаштириш, атроф-муҳит доирасида табиий ҳолатни сақлаб қолган ҳолда уни ўзгартиришида ҳам намоён бўлади. Қайд қилиш мумкинки, табиий ресурсларга муносабат биринчидан инсон фаолиятининг муҳим қисмидир, иккинчидан инсоннинг ҳаётини гаъминловчи асосий фактлардан ҳисобланади. Таъкидлаш лозимки, инсон экологик фаолият билан Ер шарида яшай бошлаган даврдан буён шугулланади. Фақат экологик маданият жамият тараққиётининг турли босқичларда ўзгариб турган. Ҳозирги даврдаги экологик фаолият янги типдаги экологик маданият тизимларига, энг муҳими, ҳозирги замондаги экологик дунёқарашига мос бўлиши лозим.

Жамиятни модернизациялаш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш давридаги экологик фаолият, бу инсоннинг ишлаб чиқаришдаги, яъни табиий ресурслардан унумли фойдаланиш фаолияти бўлиб, ундаги асосий вазифалардан бири табиий ресурсларни асраршdir. Пировард натижада табиий ресурслардан фойдаланиш маданияти замонавий экологик дунёқарашга, илмий тадқиқотларга, экология соҳасидаги инновацияларга, экологик ҳуқуқий талабларга мос бўлиши керак. Ушбу жараённинг асосий жиҳатларидан яна бири инсоннинг ишлаб чиқариш фаолияти туфайли унинг табиатга етказипи билан мумкин бўлган салбий таъсирини чукур англашидир. Инсоннинг табиатни ҳимоя қилиш

фаолияти янги экологик маданиятга асосланиб, гуманистик этикага мос бўлмоғи талаб қилинади.

Шу муносабат билан қайд этиш лозимки, жамиятнинг модернизациялашуви муносабати билан, ёшлар экологик маданиятининг шакллантириш ва уни тобора юксалтириш зарурлиги қўйидаги омиллар билан изоҳланади.

Биринчидан, мамлакатимиз сарҳадларининг глобал экологик вазият билан бевосита боғлиқ эканлиги.

Иккинчидан, ҳозирги шароитда глобал ва минтақавий экологик вазиятнинг кескинлашуви ҳамда унинг ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан ечимини топишда муайян қийинчиликлар вужудга келаётганлиги.

Учинчидан, мунтазам тараққиёт концепцияси билан боғлиқ ҳолда, мавжуд ер, сув ресурсларидан унумли фойдаланиш зарурлиги, айниқса, ичимлик суви танқисли-гининг ошиб бораётганлиги.

Тўртингчидан, атмосфера ҳавосининг тозалиги учун курашиш, инсон саломатлиги, унинг ижтимоий-иқтисодий жараёнлардаги унумли фаолиятини таъминловчи фактор эканлигини барча тарбия воситалари орқали тушунтириш лозимлиги.

Бешингчидан, мамлакатимизнинг бетакрор флора ва фаунасини авайлаб асраш, ундан фойдаланишда халқаро талабларга амал қилиш муносабати билан инсон омилининг роли ошиб бораётганлиги.

Олтингчидан, демократик ва ҳуқуқий давлат қурилиши мобайнида экологияга доир мавзуда қабул қилинган қонунлар мазмунини, мақсадини, амалий аҳамиятини ёшлар онгига сингдиришни тарбиявий аҳамиятининг кучайганлиги билан белгиланади.

Таъкидлаш лозимки, табиий ресурслардан унумли фойдаланиш иқтисодиёт тармоқларининг ривожланишида ҳам мухим аҳамиятга эга. Инновацион технологияларга асосланиб маҳсулот ишлаб чиқариш, унинг рақобатбардошлиги, хом ашё ресурсларининг сифати билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу

жараён ундирилаётган, этиштирилаётган маҳсулотларнинг таркиби, стандартларга жавоб берипи бевосита табиий ресурсларнинг умумий ҳолати ва уларнинг экологик талабларга жавоб беришни талаб қилади. Бундай ҳолат аграр, индустриал сектор ривожланишининг ҳозирги талаблар даражасида ташкил этишни ҳам тақозо қилади. Мамлакатимиздаги мавжуд ер, сув ресурсларининг, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг умумий ҳолати иқтисодий тармоқларни модерни-зациялаш шароитида ривожланишнинг муҳим омилидир. Таъкидлап лозимки, саноат тармоқлари учун тайёрланаётган ҳом ашё маҳсулотларининг сифати ва рақобатбардошлигини таъминлаш уларни мунтазам қўриқлаш, ҳавфсизлигини таъминлаш лозимлигини талаб қилади. Экологик мувозанат-нинг сақданиши, атроф-муҳитнинг тозалиги, инсон саломат-лиги ва меҳнат фаолиятига салбий таъсир кўрсатадиган ҳолатларнинг олдини олиш кўп жиҳатдан жамоатчилик, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигига боғлиқдир. Иқтисодиётнинг барча тармоқларини модернизациялаш, демократик ва ҳуқуқий давлатнинг қурилиши, ҳамда фуқаролик жамияти ривожланиши шароитида фуқораларнинг ижтимоий фаоллиги ошади, ҳар бир жамият аъзосининг мамлакатимиздаги мавжуд табиий ресурслардан оқилона фойдаланишдаги бевосита иштироки кучаяди.

Ўзбекистон ҳудудидаги экологик вазият ва уни янада яхшилаш, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирокида доимий мониторинг қилиниши мамлакатимиз манбаатлари нуқтаи назаридан стратегик масалалардан биридир. Шунингдек, ушбу жараён қазиб олинаётган моддаларнинг истеъмолчиларга йўқотишларсиз етказилиши, уларни қайта ишлашда замонавий технологиялардан кенг ва унумли фойдаланиш самарадорлигини таъминлашни талаб қилади. Ушбу масаланинг ўзига хос хусусиятларидан бири, иқтисодиётнинг глобаллапшув шароитида ривожланишини эътиборга олиб ривожланган мамлакатларда табиий ресурслардан фойдаланиш тажрибасидан ҳам

самарали фойдаланиш имкониятларини яратади. Иқтисодиёт тармоқдарининг интенсив ривожланиш хусусиятлари ҳудудлардаги мавжуд ер, сув, биологик ресурслардан фойдаланишини янада такомиллаштиришни тақозо қилмоқда. Табиий ресурслардан самарали фойдаланиш мунтазам суръатда экологик жараён билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий асоснинг такомиллашувини кун тартибига қўймоқда. Фуқаролик жамияти шароитида муаммонинг ечимига бундай ёндашув экологик масалаларнинг глобаллашуви, минтақаларда табиий ресурслардан фойдаланиш жараёнида вужудга келаётган масалалар ечими илмий асосланганлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялап шароитида табиий ресурслардан, шу жумладан, ер, сув ресурсларидан унумли фойдаланиш масаласи бевосита барқарор иқтисодий тараққиёт, аҳолинининг озиқ-овқат, инсон саломатлиги, широрад натижада ижтимоий хавфсизлигини таъминлаш эканлигини англаши лозим. Шу мақсадларни амалга ошириш учун мамлакатимизда фақат ер ресурсларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун 2010 йилда 300 мард. сўм сарфланди.<sup>107</sup> Аграр сектор фойдаланаётган ер ресурслари мамлакатимиз ички ялпи маҳсулотининг 26,8%ини яратилиши табиий ресурсларнинг иқтисодиётимиздаги салмоқли ҳиссаси-дан далолат беради. Иқтисодий ривожланишнинг муҳим жиҳатларидан бири табиий ресурслардан ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланаётган субъектларнинг вазифаси уларнинг ифлосланишига йўл қўймасликлари, ишлаб чиқаришнинг атроф-муҳиттга салбий таъсир этмаслигини таъминлашлари, шунингдек мавжуд биологик хилмаҳилликнинг экологик ҳолатини бузмаслигини таъминлаши лозим. Бундай ёндашув мавжуд экологик қонунчилик асосларига қатъий амал қилишини ҳам талаб қиласди.

Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини қуриш жадал давом этмоқда. Жамия-

<sup>107</sup> Каримов И.А. Узбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига. Халқ сўзи, 2010 16 октябрь.

тимизни рақамлашиши ва фуқаролик жамиятини қуриш учун мамлакатимиз барча имкониятларга эгадир. Шундай шароитда ёшлар, шу жумладан, талаба ёшлар жамиятдаги ижтимоий-иктисодий жараёнларда фаол иштирок этмоқда. Мамакатимизда 2020 йилнинг «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиёт йили» деб номланиши мұхим тарбиявий, амалий аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан олиб қарабанда, ёшлар экологик тарбиясига мұхим илмий масала сифатида қаралмоғи лозим. Чунки ҳозирги даврда амалга оширилаётган жамиятни модернизациялаш мұаммоси мавжуд экологик мұаммоларни ечишни ва ушбу жараёнда ёшларнинг фаол иштирокини талаб қылади. Мураккаб, замоновий инновацион технологиялар асосида фаолият юритаётган иқтисодиёт соҳасидаги кичик ва ўрта бизнес корхоналари, тармоқларини бошқаришни фақат юқори малакали ёшлар амалга ошириши мүмкін. Глобаллашув даврида иқтисодиёт ривожланишида табиий ресурслардан фойдаланиш давом этади. Қолаверса, мавжуд табиий ресурслардан янада унумлироқ фойдаланиш мұоммаси вужудға келмоқда. Бундай шароитда тежамкор технологияларнинг амалиётта киритилиши, аваламбор, ёш мутахассисларнинг экологик билими, ва омилкорлигига болғылғыр. Демак ёшларнинг, бұлажак мутахассисларнинг экологик тарбияси мұхим амалий аҳамият касб этади. Масаланинг амалий жиҳатларидан яна бири ёшларнинг экологик ҳолат билан боғлиқ бұлған маънавий маърифий жараёнлардаги ўрнидир. Талаба ёшлар мәданий-маърифий йуналиштаги тадбирларни тайёрлаш ва үтказиш жараёнида маънавият асослари, адабиёт ва санъат асарлари билан яқындан танишадилар. Бу мәнбалардаги Ватанимиз табиати, гүзал ва бетакрор иқлими, тұрт фасли, водийлари таровати бұлажак мутахассисларнинг экологик тарбияси учун мұхим түшүнчә манбаи ролини бажаради.

Мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида мустақил экологик сиёсат олиб бориши туфайли минтақа экологиясини тубдан яхшилаш борасида тарихий ишлар амалга оширилди. Бу

борадаги амалий фаолият ёшларнинг ушбу соҳадаги иштирокини кенгайтиришга имконият яратди. Академик лицей, касб-хунар колледжлари, олий ўқув юртларининг талабалари ўзлари яшаётган ҳудудлар ободончилиги ишларида, теварак атрофни кўкаламлаштиришда, мавжуд ер, сув, минерал хом ашё ресурсларидан унумли фойдаланишдаги мунтаззам фаолиятда, энг муҳими аҳоли орасида ўтказила-диган табиатни асрашга багишланган тадбирларда фаол иштирок этишмоқда, кўп ҳолларда улар экология соҳасидаги муҳим ижобий таклифлар муаллифиidlар.

Ёшлар мамлакат аҳолисининг кўғчилигини ташкил қилишининг ўзи бу ижтимоий қатламнинг жамиятимиздаги салмоқли ўрнидан дарак беради. Иқтисодиётни модерниза-циялаш ва жамиятни демократлаштириш, яъни фуқаролик жамиятини шакллантиришда мамлакатимизда табиий ресурс-ларни сақлаш ва улардан унумли фойдаланиш тизимини янада мукаммаллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бундай кенг қамровли вазифанинг бажарилиши ёшлиар экологик тарбияси устида мунтазам ишлашни талаб қиласди. Экологик тарбия ёшларда атроф-муҳитга, мавжуд табиий шароитга ижобий муносабатни вужудга келтиради. Талаба ёшлар экологик тарбиясининг асосий жиҳатларидан бири уларнинг бўлажак мутахассис эканалигини англасак улар бакалавр ёки магистратурани тамомлаганларидан кейин мавжуд экологик тизимни мустахкамлаш, уни кўриқлаш, ундан унумли фойдаланиш, келажак авлодга етказиш каби туйгуларни шакллантириши лозим. Ёшлар экологик тарбиясининг асосий хусусиятларидан яна бири унинг таълим ва тарбия воситалари орқали талабалар онгига сингдирилишидадир. Мамлакатимизда вужудга келтирилган узлуксиз таълим тизими унинг асосий фундаментидир. Таълим муассасаларида талабаларга ўқити-лаётган фанлардаги экологик маълумотлар орқали улар тафаккурида экологик муммолярнинг келиб чиқиш сабаблари, ривожланиши, тарқалиши, унинг инсон фаолиятидаги хавфли жиҳатлари ёки унинг хаётига таъсири тўғрисида илмий

асосланган маълумотлар мужассамлашади. Тарабалар экологик тарбиясида мавжуд экологик вазиятни тушунтириш, яъни глобаллашув даврида минтакамизда вужудга келган экологик ҳолат тўғрисида уларга илмий асосланган маълумот бериш мақсадга мувофиқ.

Глобал экологик масалалар яъни озон қатлами ning бузилиши, иқдим ўзгариши ҳақидаги маълумотларнинг, Орол дengизининг қуриши, минтақада биохилма хилликнинг камайиб бораётганилиги, шаҳарларда чиқиндилар тўплам-ларининг ошиб кетаётганилиги, аҳоли учун ичимлик сув танқислигининг кучайиши ёки ер ости сув ҳавзаларининг инсон антропоген фаолияти туфайли ифлосланаётганилиги каби муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларининг тушин-тирилиши талаба ёшлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, глобал экологик масалалар маълум даражада минтақавий, ҳудудий экологик муаммоларнинг вужудга келишига сабаб булади.

Шу муносабат билан, ҳар бир фуқаронинг ўзида яшаетган ҳудуддаги экологик вазият учун жавобгарлик ҳиссини ўйғотиш, яъни экологик вазиятни бузмаслик учун ҳаракат туйгусини шакллантириш масаласи туради. Масаланинг амалий аҳамияти ҳар бир шахснинг яшаси, ишлаётган жойи, дам олиши ҳудудида экологик барқарорлик талабларига бўйсимиши экологик жихатдан тарбияланганлигидан дарак беради. Айниқса, бу ҳолатнинг намоён бўлишини шаҳарлар ва қишлоқ жойларда, рекреация ҳудудларида яққол кўриш мумкин. Бугунги кун талabalari ижтимоий экологияда мунтазам тушунтирилаётган, инсоннинг табиатга антропоген таъсири ҳақидаги аниқ тушунчага эга бўлиши талabalarda экологик тарбиянинг ўйгунашувига сабаб бўлади. Маълумки, мана шу масаланинг моҳиятини чуқур тушуниш табиатга оқилона муносабатда бўлишнинг асосини ташкил қиласди. Масаланинг моҳияти инсон шахснинг шаклланиши, табиатга, атроф-муҳитга ўзининг бевосита таъсири йўналишларини англай ола бошлагани билан боғлиқдир. Ушбу жараён узлуксиз таълимда

академик лицей, касб-хунар колледжлари ва олий ўкув юрглари талабаларига экологик тарбиянинг тури шакллари орқали тушунтирилади. Ёшларимиз экологик тарбиясининг муҳим бўгинидан яна бири уларда Марказий Осиё экологик тизимиning ягоналигини англашларидир. Ёшларга экологик вазиятнинг мувозонагида ер, сув ресурсларидан унумли фойдаланиш, атмосфера ҳавосининг мусоффолиги учун курашиш зарурлигини муттасил тушунтириш лозим бўлади. “Асрлар давомида Марказий Осиёдага мавжуд ер ва сув ресурсларидан шу ерда яшаган барча халқларнинг вакиллари бамаслаҳат фойдаланишган. Ҳамкорликда экологик муаммоларни ҳал килишган. Шуни алоҳида қайд этишимиз лозимки, «тариҳдан маълумки, Ўрта Осиё ҳудудида аҳоли азалдан водийларда, като сув манбалари - дарё ва анхорлар бўйида яшаб келади. Атрофи чўл ва саҳролар билан ўралган, табиати, иқлими ғоят мураккаб бўлган минтақа шароитининг ўзи ана шу элат ва миллатларнинг минг йиллар давомида бир-бирига мослашиб, яқин елкадош бўлиб, бир-бирининг огирини енгил қилиб яшашини тақозо этиб келади»<sup>108</sup>. Шу нуқтаи назардан ҳозирги даврда минтақадаги экологик вазиятни ҳимоя қилишда, ёшларнинг экологик тарбияси муҳим омил қаторига киради. Ушбу ҳолат ёшларга табиий ресурслардан хотүгри фойдаланиш оқибатида вужудга келиши мумкин бўлган экологик катострофалар оқибатларини тушунтириш лозим. Давримизнинг муҳим хусусиятларидан бири минтақадаги атмосфера ҳавосини муттасил заҳарлаётган манбаларни бўлажак мутахасисларга илмий асосда тушунтириш муҳим аҳамият касб этади. Шу муносабат билан трансчегаравий манбалар тўгрисида аниқ, илмий асосланган маълумотлар бериш лозим. Табиий ресурслар тизимидағи асосий қисмдан бири бўлган атмосфера ҳавосининг тозалиги инсон ҳаётидаги муҳим вазифани бажариши, флора ва фаунанинг ривожидаги муҳим факторлигини талабалар онгига сингдириш зарур. Экологик инқирозларнинг олдини олишда талабаларнинг

<sup>108</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч, Т.:»Маънавият», 2008, 9-бет.

экологик таълими, тарбияси ҳал қидувчи омиллардан саналади. Ана шу мақсадда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа иқтисодиёт комиссияси томонидан “Барқарор ривожланиш учун таълим бўйича Стратегия”сини белгиловчи хужжат қабул қилинган. Ўзбекистон Республикасида мазкур стратегиянинг, шунингдек, барқарор ривожланиш учун таълим бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Декадасини амалга оширилиши юзасидан амалий фаолият олиб борилмоқда. Таъкидлаш лозимки, бўлажак бакалаврлар ва магистрларнинг экологик тарбиясида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда тасдиқланган уч томонлама қарор муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон Республикасида экологик таълимни ривожлантириш ва эколог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш истиқболлари Дастури ва Концепцияси тасдиқланган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Европа иқтисодиёт комиссиясининг юқорида қайд этилган Стратегиясига мувофиқ мамлакатимиз талаба-ёшлигининг экологик таълими ва экологик тарбияси бўйича халқаро ҳамкорлик амалга оширилмоқда. Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълим вазирлиги билан уч томонлама қарорнинг амалга оширилиши юзасидан экологик таълим бўйича муайян ишлар бажарилмоқда. Талаба-ёшлилар учун экологик таълимни ташкиллаштириш бўйича ўқув қўлланмалари, дарсдан ташқари шароитда ўтказиладиган экология тўғараклар учун дастурлар ишлаб чиқилган. Халқ таълими вазирлиги мутахассислари томонидан бўлажак бакалаврлар учун дарсликлар, профессор-ўқитувчилар учун амалий қўлланма ва дастурлар чоп этилган. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан мамлакатимиз талабала-рига мўлжалланган табиатни муҳофаза қилиш бўйича ўқув қўлланма,

фанларнинг дастурлари нашр этилган. Барча олий ва ўрта махсус ўқув юртларида “Экология” ва “Атроф-муҳит муҳофазаси” фани ўрганилиши йўлга қўйилган. Ҳар йили республика бўйича олий ўқув юртларида экологиянинг турли ихтиносликлари бўйича мутахассис кадрлар тайёрланади. Ушбу бўлажак экологларнинг Ўзбекистон Республикаси Эко-логия ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётини ўташ ташкиллаштирилади. Экологик таълим ва тарбия тизими Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Гаълим тўғрисида”ги Қонунлари асосида амалга оширилди. Бўлажак мутахассислар учун экологик билимларни ўргатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тайёрланган ва экологик мазмундаги махсус туркум адабиётлар чоп этилди. Шу жумладан, “Ўзбекча-руска-инглизча экологик изоҳи лугат”, “Қизил китоб, икки томлик”, “Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланишининг ҳолати тўғрисида миллий маъруза-ретроспектив таҳдил), “Ифлослантирувчи манбалар ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди атроф-муҳитга таъсири ҳолати тўғрисида”ги ахборот бюллетенъ (Атроф-муҳит мониторинги Давлат дастурининг амалга оширилиши натижаларига кўра, “Сармишсой”, “Ҳисор қўриқхонаси” буклетлари, “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар” тўпламидан фотоальбом, “Қўриқхоналар ва миллий парклар” китоби, “Оммабоп экологик энциклопедия, икки томлик”, “Экологик ҳуқуқ ва атроф-муҳит муҳофазаси” китоби напр қилинган. Бу амалий ишларнинг мақсади бўлажак мутахассисларда табиий ресурслар ҳақидаги билимларини чуқурлаштириш ва экологик тарбиясига қаратилганлигидир. Таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз қизил китобининг икки томда нашр қилинганлиги талабалар орасида катта қизиқиш уйғотди ва уларнинг экологик тарбиясида муҳим роль ўйнамоқда. Бўлажак бакалаврлар ва магистрлар юртимизда флора ва фаунанинг

йўқолиб бораётган вакилларини авайлаб-асраш, уларнинг кўпайиши учун гамхурлик қилиш ишларида иштирок этмоқдалар. Алоҳида қайд қилиш лозимки, талабаларнинг экологик тарбиясида мустақиллик йилларида қабул қилинган экологияга оид қонунларнинг улар томонидан ўрганилиши муҳим аҳамиятта эгадир.

Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш ва глобаллашув жараёнида мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечимида олий маълумотли мутахассисларнинг роли ошмоқда. Етук иқтисодий маълумотга эга бўлган мутахассисларгина регионал ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ўзига хос ҳусусиятларини зудлик билан идрок қила оладилар ва уларнинг замонавий ечимини топа олишлари мумкин. Иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашуви шароитида регион-лар ижтимоий-иқтисодий тараққиётида илмий асосланган экологик ҳулосаларнинг ўрни муҳим аҳамият касб этмоқда. Малакали иқтисодчилар экологик муаммолар ечимининг ҳозирги иқтисодий ривожланишига ижобий таъсири нафақат иқтисодиётга, балки ижтимоий, сиёсий, маданий масалаларга, шу муносабат билан атроф-муҳитга ҳам ўз таъсирини ўtkазаётганлигини амалиётда кўяптилар. Шунинг учун олий таълимда иқтисодчилар тайёрлашда экологик фанларнинг ўқитилишига, ушбу фанларнинг янги педагогик технологиялар, инновацион педагогик усуллар асосида ўрганилишига эътибор бериш лозим. Энг муҳим масалалардан бири экологик таълим дастурларининг сўнгги илмий ҳулосалар, статистик маълумотлар, ҳалқаро экологик ташкилотларнинг материалари билан бойитилиши мақсадга мувофиқдир. Бўлажак иқтисодчиларга тушунтириш лозимки, ҳозирги даврнинг кўпчилик экологик муаммолари инсоният учун умумий муаммо шаклига айланди. Бунинг ёрқин далили сифатида ер ресурсларидан фойдаланиш, иқлум ўзгариши, глобал даражада ҳавонинг исиши, ичимлик суви таъминотидаги етишмовчилик, биохилмаҳилликдаги йўқотишлар, денгиз сатҳининг кўтарилаётганлиги муаммоларидир. Таъкидлаш лозимки, мамлакат

иқтисодиётини модернизациялаш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида атроф-муҳитни асраш, мавжуд ер, сув ресурсларини қўриқлаш, улардан инсон манфаатлари йўлида самарали фойдаланиш амалий аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда қадимдан сув ресурсларидан самарали фойдаланиш зарурлиги ватандошларимиз томонидан тарғиб қилинганд, ёшлиар шуурига, онгига сингдирилган. Мавжуд ер, сув ресурсларидан инсон фаолияти, ҳаёти учун зарур бўлган ҳолларда тежаб фойдаланиш, кишиларнинг сувни ифлослантирасликлари муҳим ҳаётий қоида сифатида қаралган.

Мустақиллик йилларида мамлакат раҳбариятининг таклифлари ва бевосита иштирокида, раҳнамолигида табиий ресурслар, шу жумладан ер, сув ресурсларини асраш, рационал фойдаланиш бўйича жаҳоншумул аҳамиятга молик амалий ишлар бажарилди. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти таъкидлайдиларки, “хусусан, атроф-муҳитни ҳимоя қилишни таъминлаш тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг роли ва ўрнини белгилашга қаратилган “Экологик назорат тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиши ва бошқа қатор қонун ҳужжатларини қабул қилиш фурсати етди, деб ўйлайман.”<sup>109</sup>

Ўзбекистон Республикасида “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” (1992 йил), “Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси” (1993 йил), “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида” (1993 йил), “Давлат санитария назорати тўғрисида” (1992 йил) қонунларининг қабул қилиниши ушбу муаммолар ечимини топишда ва етук иқтисодчи кадрларни тайёрлашда муҳим амалий аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари қабул қилинганлиги мавжуд ер, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда катта роль ўйнамоқда. Ушбу тарихий аҳамиятга молик ҳужжат-

<sup>109</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. //Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь.

ларнинг бош мақсади юртимизда иқтисодий ва экологик хавфсизликни, ер, сув ресурсларининг тозалигини, инсон манбаатларига хизмат қилишини таъминлашга қаратилгандир.

Ҳозирги даврдаги экологик қонунларимизнинг бош мақсади инсон экологик хавфсизлигини таъминлашдир. Яъни атроф-муҳит ва унинг асосий бўлакларидан инсон манбаатлари учун оқилона ишлатиш, экологик тизимларни қўриқлаш, табиий ресурслардан унумли фойдаланиш имко-ниятларини такомиллаштиришдир. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги атроф-муҳитга зарар етказилган тақдирда уни истеъмолчилар томонидан қоплаш зарурлигини ҳам белгилаб қўйган. Мамлакатимиздаги мавжуд сув ресурсларининг умумий ҳолати, улардан фойдаланиш самарадорлигини оши-риш муаммолари, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда давлат ташкилотларининг ўринини аҳолига тушунтиришда ҳар уч йилда бир марта нашр қилинаётган “Миллий маъруза” муҳим роль ўйнамоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноий, Административ, Фуқаролик, Меҳнат кодексларида фуқароларнинг атроф-муҳитни асрашга бағишлиланган қонунларни бажаришлари бўйича вазифалари аниқ кўрсатилган. Сув захиралари ҳимоясида, сувдан аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларининг унумли фойдаланишларида “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу Қонунга мувофиқ, сув ресурслари давлат мулкидир ва унинг ҳимоясига олинган. Сув омборлари, давлатлараро каналлар ва иншоотлар тубидаги ерлар, ер ости сувлари олинадиган жойлар ҳам давлат мулки таркибиغا киритилган. Ҳўжаликлар ҳудудидаги сув иншоотлари сувдан фойдаланувчилар ассоциясининг мулки бўлишлиги белгиланган. Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши ер, сув захираларининг тозалигини сақлаш, иқтисодиёт тармоқларининг сув ресурсларидан унумли фойдаланиши, аҳолини ичимлик сув билан таъминланишига эришишдир. Экологик инновацион характеристерга эга бўлган материалларнинг бакалаврлар ва магистрлар

томонидан ўрганилиши иқтисодчи мутахассислар шакланишида муҳим роль ўйнайди.

Яъни атроф-муҳит ва унинг асосий бўлакларидан инсон манбаатлари учун оқилона ишлатиш, табиий тизимларни қўриқлаш, аҳолининг табиий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини такомиллаштиришга йўналтирилгандир. Ушбу қонунчилигимиз атроф-муҳитнинг экологик ҳолатига баҳо бериш ва экологик экспертиза ўтказишни ҳам тақозо қиласди.

Қонуннинг ҳаётимиздаги муҳим аҳамиятидан яна бири, сув ишоотлаарининг умумий ҳолати яхшиланди, уларнинг қўриқланиши такомиллаштирилди. Лекин, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси маълумотларига қараганда, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижроси устидан давлат назоратини амалга оширилиши натижасида кўпчилик сувдан фойдаланувчиларда олинаётган сув ҳажми ҳисобида ноаниқликлар мавжудлиги аниқланган, баъзи ҳолларда санитария муҳофаза инпоотлари талаб даражасида ишламаяпти. Баъзи сувдан фойдаланувчилар қудуқлардан фойдаланиш қоидаларига риоя қилишмайди.

Мамлакатимиз қонунчилигига биноан сув ресурсларини бошқариш вазифасини Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги гидрометерология бош бошқармаси, Қишлоқ ҳужалиги ва Сув хўжалиги вазирликлари ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари томонидан амалга оширилади. Мугасадди ташкилотлар мамлакатимиздаги мавжуд сув захираларидан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш учун барча чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Жумладан, “Муҳофаза этиладиган табиий муҳитлар” мақоми берилган ер ости сувлари булоқлари тасдиқланиб, мамлакатимиздаги 7 та булоққа вилоят аҳамиятидаги булоқлар, 8 та булоққа Республика аҳамиятидаги булоқлар мақоми берилган. Бугун ватандошларимиз сув ресурсларининг мамлакатимиз учун аҳоли ва иқтисодиёт

тармоқдарини сув билан таъминлаш эмас, балки мамлакатимиз миллий хавфсизлиги билан боғлиқдигини англашмоқда. Шу муносабат билан қайд қилиш лозимки, мавжуд трансчегаравий сувлардан унумли фойдаланиш масаласи янада кескинлашмоқда. Юртдошларимизнинг манфаатлари бу масалада янада кўпроқ намоён бўлмоқда. Ўтган асрда мавжуд бўлган қатагон сиёsat туфайли Ўрта Осиё ягона экологик тизими, яъни сув ресурсларидан фойдаланиш масаласида содир этилган хато фаолият натижасига кўра, Орол дengизининг қуришига олиб келди, Орол атрофида яшаётган аҳолининг ижтимоий аҳволига салбий таъсир кўрсатди, мамлакатимиз ҳудудида глобал экологик муаммони вужудга келтирди.

Мустақалигимиз қўлга киритилган кундан бошлаб табиат инъоми бўлган сув ресурсларимизни тежаш, ундан юртимиз фаровонлиги йўлида унумли фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий тараққиётида сувнинг ўрни янада ошиб бормоқда. Маълумки, кейинги йилларда Ўрта Осиё мамлакатлари, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам сув танқислиги тобора сезилмоқда. Мамлакат раҳбари таъкидлайдики, “аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида охирги 10 йилда 17 та лойиҳа доирасида 618 миллион доллардан зиёд хорижий кредит маблағлари жалб этилди. Бошлангич лойиҳаларнинг кўпчилиги охирига етказилмади. Ичимлик суви қанча-қанча одамлар учун ширин орзулигича қолмоқда”.<sup>110</sup>

Мамлакатимиз ҳудудининг катта қисмини қуруқ минтаقا шароитлари ташкил этишини ҳамда аҳоли сонининг муттасил ўсиб боришини ҳисобга олсак сувга ва ҳаёт учун зарур бўлган озиқ-овқат манбаларига нисбатан ҳам эҳтиёж ошиб боради. Эколог олимларнинг фикрича, бундай ҳолат республикамиизда аҳоли зич яшайдиган минтақаларда экологик вазиятнинг қийинлашувига олиб келиши мумкин. Шундай экан, мавжуд сув ресурсларидан тежаб, оқилона фойдаланиш масаласи

<sup>110</sup> Шавкат Мирзиёев. Ҳалқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Тошкент, “Ўзбекистон”, Том 2, Б.115.

қўйилмоқда. Муаммонинг бундай ечими эса, ўз навбатида, аҳолининг, шу жумладан, ёшларимиз орасида экологик тарбияга алоҳида эътибор бериш зарурлигини тақозо қиласди. Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлайдики, “Бугунги кунда аксарият жойларда ана шу муаммони ечиш мақсадида келгуси беш йил давомида қарийб 9 минг километр ичимлик суви тармоқдари, 1 минг 400 та қудук ва 3 минг 600 та сув иншооти қурилади ва реконструкция қилинади. Бу эса Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Тошкент, Хоразм вилоятларида 3,2 миллион аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш ва мамлакатимизда ушбу кўрсаткични 67 фойздан 84 фойзга етказиш имконини беради.”<sup>111</sup>

Сув ресурслари тозалигининг мониторинги шундан далолат берадики, Европа ҳамжамиятига кирувчи мамлакатларда аҳолининг гигиена талабларига жавоб бермайдиган сувни истеъмол қилиши натижасида ҳар йили 18000 кишининг ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, ичимлик сувининг сарфланишидаги камчиликлар, сугорищдаги исрофгарчилик, ердан фойдаланишдаги салбий ҳаракатлар, кургоқчилик туфайли содир бўлаётган йўқотишлар сув ресурсларидан янада тежамкорлик билан фойдаланишни талаб қиласди.

Сув ресурслари манбаларини асраш қўриқлаш муҳим экологик талаблардан биридир. Айниқса, республикамиз ҳудудидаги мавжуд ўрмонларнинг илмий хуносаларга асосланмасдан кесилиши, инсон антропоген фаолияти туфайли заарланиши сув тошқинларининг кўпайишига сабаб бўлаётган омиллардан биридир. Кузатишлар шундан далолат берадики, инсоннинг табиатга салбий таъсири туфайли кейинги беш йил ичида биргина Европа ҳамжамиятига кирган мамлакатлар ҳудудида юздан ортиқ сув тошқинлари содир бўлган.

<sup>111</sup> Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кутарамиз. Том 1, Тошкент, “Ўзбекистон”. 2017, Бет 78.

Илмий, экологик кузатишлар кўрсатяптики, трансчегаравий дарё сувлари фақат электроэнергия ишлаб чиқариш учун эмас, балки озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, Амударё ва Сирдарё атрофида яшаётган жалқларнинг турмуш шароити таъминоти учун ҳам зарурдир. Мавжуд сув ресурсларини тежаш ва ундан омилкорлик билан фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон ҳукумати барча чораларни амалга ошироқда, шу жумладан, фақат сабзавот маҳсулотларини етиштириш мақсадида томчилатиб сугориш технологиясини жорий қилиш учун давлат бюджетидан маблағ ажратилган. Маиший хизмат соҳасида сувдан фойдаланишда тежамкорликни йўлга қўйиш учун аҳоли яшайдиган уйларга сувнинг исрофини ҳисобга оладиган маҳсус ўлчов асбоблари ўрнатилди. Шунингдек, саноат корхоналари, хусусий ташки-лотлар, кичик бизнес субъектларида ҳам сувнинг сарфланиши маҳсус асбоблар ёрдамида ҳисобга олинмоқда. Бундай тадбирлар мамлакатимизнинг барча ҳудудида, юртдошларимиз учун муносаб ижтимоий турмуш тарзини таъминлашга қаратилгандир.

### **3.2. Фуқаролик жамияти институтларининг инсон экологиясидаги ўрни**

Мамлакатимиз тараққиётининг янги ривожланиш босқичи жараёнида жамиятда инсон экологик муносабатларининг кенгайиши, инновацион хусусият касб этганлиги, миллатлараро тогувликнинг янада мустаҳкамланишида фуқаролик жамияти институтларининг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Демократик ислоҳотларнинг чуқурлашуви жараёни, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва барқарор тараққиётини таъминлашда сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат институтлар фаолиятидаги ҳамкорлик муҳим омил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам демократик ислоҳотлар жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ислоҳотлардаги фаоллигини таъминлашдаги иштирокига эътибор берилди. Сиёсий

партиялар, оммавий ахборот воситалари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг иши такомиллаштирилди, улар фаолияти учун мухим аҳамият касб этадиган, жамиятдаги ўрнини, ислоҳотлардаги фаоллигини янада оширишга қаратилган, ислоҳотлар жараёнининг йўналишларидағи иштирокини аниқ белгилаб олиши учун фундамент, методологик асос ролини бажарадиган экология соҳасидаги қонунлар қабул қилинди. Тараққиётнинг янги босқичида ижтимоий, иқтисодий муносабатлар, минтақавий экологик муаммолар ечими соҳасида ҳамкорлик алоқаларининг кенгайиши асосий вазифа сифатида белгиланди.

Жамият тараққиётида, демократик ислоҳотларнинг ижобий натижаларга экологик барқарорлик туфайли эришиш мумкин. Экологик барқарорликнинг мухим хусусияти унинг толерантлик, яъни жамият аъзолари томонидан мавжуд табиий ресурсларни авайлаб асрани, унумли фойдаланишида ахлоқий қадриятларга асосланиш алоҳида ўрин эгаллаши билан характерланади. Экологик барқарорлик ўз мазмуни-моҳиятига кўра, байналминал, толерант хусусият касб этади. Мамлакатда яшаётган барча миллатлар вакиллари табиий ресурслардан тенг фойдаланиш имкониятига эгадир. Турли миллатлар вакилларининг табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари мамлакатимиз қонунлари билан ҳимояланган. Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллатлар вакиллари юртимизнинг ер, сув, атмосфера ресурсларидан унумли фойдаланишлари натижасида ижти-моий, иқтисодий ривожланишининг турли соҳаларида иштирок этмоқдалар. Бундай ижтимоий, ҳуқуқий имкониятларни қиплоқ ҳўжалиги, таълим, саноат тармоқлари, энергетика, қурилиш, тадбиркорликда кузатиш мумкин. Экологик барқарорлик шахснинг жисмоний, интеллектуал, маданий юксалишидаги мухим факторлардан ҳисобланади. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг глобаллашуви, интенсив харак-терга эга бўлаётганлиги экологик барқарор-ликни шахс ижтимоий, иқтисодий ҳимоясидаги асосий воситалардан бирига

айлантириди. Шунинг учун ҳам ҳозирги даврда экологик хавфсизлик миллий хавфсизли-гимизнинг таркибий қисмидан ўрин олган. Экологик мувозанатнинг муҳим жиҳатларидан бири, унинг яхлитлиги, яъни табиий ресурслар сақданишининг бир-бирига боғлиқлигидадир. Бундай ҳолат глобал, минтақавий, локал экологик ҳолатларга ҳам дахлдордир.

Ўрта Осиё экологияси ягона тизимлидир. Асрлар давомида ушбу минтақада яшаган ҳалқлар ундаги бетакрор ер ва сув ресурсларидан ҳамжиҳатлик билан фойдаланганлар, умргузаронлик қилганлар, оила аъзолари учун зарур турмуш шароитларини шакллантиришда истеъмол қилган, уй-жой қуришган, тадбиркорлик ишларини ривожлантирганлар. Табият инъомларидан тадбиркорликда фойдаланганлар, улар ҳозирги шароитда ҳам жамият тараққиётининг муҳим манбай ҳисобланади. Минтақа иқтисодиётидаги жадал ўзгаришлар чорвачилиқ, сабзавотчилик, боғдорчilikни аҳоли турмушидаги асосий фаолият турига айлантирган. Экологик барқарорлик таъминланиши туфайли ижтимоий турмуш обьектлари вужудга келтирилган ва у инсон манфаатларига хизмат қилган. Бундай ҳолат ҳудуддаги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий барқарорликка ижобий таъсир кўрсатган, уни таъминловчи муҳим фактор ролини бажарган. Натижада минтақадаги умумий ривожланиш, иқтисодий юксалишда муҳим ўрин эгаллаган янги, инновацион иқтисодий тармоқларнинг вужудга келиши, замонавий корхоналар шаклланишида муҳим манба ролини бажарган. Шунингдек, экологик барқарорлик шахснинг ижтимоий, майший манфаатларини таъминловчи омил ролини ҳам бажарган. Ушбу ижтимоий, иқтисодий феноменнинг муҳим томонларидан яна бири, ҳалқаро, трансчегаравий характерга эга эканлигидадир. Минтақадаги ягона экологик тизимнинг ушбу ҳудудда жойлашган давлатлар иқтисодиётидаги салмоқли ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Шу жумладан, трансчегаравий сув ресурсларидан унумли фойдаланиш масаласи муҳим муаммолардан бирига айланмоқда. Минтақада жойлашган

Амударё ва Сирдарёning сув ресурсларидан хўжалик тармоқларини юритишда, ушбу ҳудуддаги барча халқлар фойдаланишган. Экологик барқарорликка путур кетипи туфайли қишлоқ хўжалиги, балиқчилик, тадбиркорлик субъектлари, саноат тармоқлари катта зарар кўради. Аҳолининг ичимлик суви билан таъминланиши қийинлашиши мумкин. XXI асрда, Орол дengизининг қуриши муносабати билан вужудга келган экологик бўхрон авж олди, минтақанинг қатор ҳудудларида содир бўлаётган чўлланиш жараёни янада кенгайди. Экологик ҳолатдаги салбий оқибатлар минтақадаги аҳоли вакилларининг турмушига ўзининг салбий таъсирини ўтказди, улар сув танқислиги шароитида яшамоқда.

Ўзбекистонда экологик вазиятни барқарор ҳолатда сақлаш масаласига илмий асосда ёндашилмоқда. Экологик ҳолатнинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган давлат тизими яратилган. Ушбу тизимнинг мунтазам ишлашини белгилаб берган миллий Қонунлар қабул қилинган ва инсон экологияси учун зарур бўлган имкониятларни таъминлашнинг ҳуқуқий асоси яратилган. Ҳозирги даврда Ўзбекистон экологик ҳаракати негизида Ўзбекистон экологик партияси тузилган. Мамлакатимизда ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг амалга ошишида экологик тадбирларнинг ўрнига муҳим омил сифатида қаралмоқда. Шу муносабат билан аҳолининг экологияни асраш соҳасидаги фаолиятига алоҳида эътибор берилмоқда. Фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида ёшлар экологик тарбияси, экологик маданияти масалалари ечими, таълим муассасалари мутасаддилари ва жамоат ташкилотлари, фуқаролик институтлари вакилларининг фаол иштирок этишини тақозо қилади.

Шу муносабат билан, ёшлар экологик тарбияси жараёнида давлат ва жамоат ташкилотларининг кенг қамровли ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Ўзбекистон Экологик партияси Марказий кенгаси ҳузуридаги “Аҳолининг экологик маданиятини ошириш, экологик маданият ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлашти-рувчи гурух”

аъзолари экологик барқарорликни сақлашга муҳим масала сифатида эътибор қилмоқда. Шу жумладан, миңтақада яшаетган ёшларнинг экологик маданиятини оши-риш, экологик билимларини юксалтириш бўйича иш олиб борилмоқда. “Узлуксиз экологик таълим бўйича Давлат стандартини”, “Узлуксиз экологик таълим бўйича Концепцияларни”, узлуксиз экологик таълим-тарбия тизимини ишлаб чиқишида ва такомиллаштиришида ташкилотлараро комиссия фаолиятида қатнашиш, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги табиатни муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш қонунларининг бажарилишини назорат қилишда ёшлар ва жамоатчилик вакилларининг иштирокини фаоллаштириш, экологик муаммолар ечимида ва соғлиқни сақлаш масалаларида Ўзбекистон экологик партиясининг дастурий вазифаларига таянган ҳолда нодавлат нотижорат ташкилотлар ишига ёрдам бериш каби муштарақ мақсадлардан иборатдир. Ўзбекистон экологик партияси бундай тарбиявий вазифаларнинг ечимида Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда экологик билимларни оммабоплаштириш, ёшларнинг экологик тарбияси билан боғлиқ бўлган фаолиятда иштирок этишни кўзда тутади.

Ўзбекистон экологик партияси дастурида қайд қилинганидек, атроф-мухит муҳофазаси ва экологик ҳолатни согломлаштириш ишида жамоатчилик иштирокини кенгайтириш, ушбу соҳада қабул қилинган қонунлар ва экологик мувозанатни таъминлашга қаратилган қарорларнинг ижросини таъминлаш ҳамда бу соҳадаги фаолиятни такомиллаштиришга кўмаклашиш бўйича тизимли ишларни юритиш асосий вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг янги ривожланиш даврида унинг табиий ресурсларида, Ватан келажаги, халқ манфаатлари ечими, жумладан, янги иш ўринларини яратиш имкониятлари ҳам вужудга келди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти қайд этадики, “мамлакатимизнинг бетакрор

табиати, гўзал дам олиш зоналари имкониятларидан фойдаланиб, янги туристик йўналишлар очиш мумкин. Бу соҳага жаҳон брендларини фаол жалб этган ҳолда, биз зиёрат туризми, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик туризм ва бу соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.”<sup>112</sup>

Таълимдаги ислоҳотлар туфайли академик лицей, касбхунар колледжлари ва олий ўқув юртларидағи ўқув режаларига экологияга оид мавзуларнинг киритилганлиги, минтақада барқарор экологик вазиятни шакллантиришдаги муҳим омиллардан ҳисобланади. Шу муносабат билан фуқароларнинг экологик тарбиясига таълим-тарбия тизимида алоҳида эътибор берилмоқда. Фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида экологик тарбия масалалари ечими таълим муассасалари мутасаддилари ва жамоат ташкилотлари вакил-ларининг фаол ишгирок этишини тақозо қиласди.

Юртимизда истиқомат қилаётган барча миллат вакилларига ҳозирги глобаллашув давридаги экологик вазиятнинг муҳим муамолари, яъни глобал, минтақавий, ҳудудий аҳамият касб этаётган экологик масалалар ва уларнинг ечимини малакали мутахассислар томонидан жамиятни янги тараққиёт палласида улар онгига сингдирилаётганлиги, ёшлар экологик тарбиясига муҳим таъсир воситаси ҳисобланмоқда ва улар экологик маданиятини шакллантириш, ҳамда уларнинг фуқаролик жамиятини қуришдаги фаол иштирокидаги муҳим омилдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қайд қиласдики, “эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга ошираётган ислоҳотларимизда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни ва роли бекиёс эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ҳозирги кунда юртимизда 9 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат

<sup>112</sup> Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлнимизни қаттият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Том 1, Топкент, “Ўзбекистон”. 2017, Бет 129.

ташкилоти мавжуд, 29 халқаро ва хорижий ноҳукумат ташкилотларнинг ва ваколатхоналари фаолият юритмоқда.”<sup>113</sup>

Ўзбекистон экологик партияси мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётида алоҳида ўринга эгадир. Мамлакатимизда вужудга келаётган демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини шакллантиришда, унинг институтлари фаолиятида экологик партия аъзолари фаол иштирок этишмоқда.

Мустақиллик йилларида юртимиздаги демократик йўналишдаги ислоҳотлар туфайли жамиятдаги мавжуд ижтимоий қатламлар манфаатларини ҳимоя қиласиган жамоат ташкилотлари шаклланди. Бунинг ёрқин тасдиғи сифатида нодавлат нотижорат ташкилотлари сони муттасил ортиб бораётганиги, Ўзбекистон экологик партиясининг вужудга келганлиги ва ушбу жамоат ташкилоти бўғинларининг вилоятлар, туманларда ташкил этилганлигидир. Шунингдек, Экологик партия вакилларидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутататлигига сайланганлиги мамлакатимизда экологик вазиятини янада яхшилашга ва аҳолининг экологик маданиятини шакллантириш борасидаги ҳаракатлардан далолатдир.

Мамлакатимизда жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ҳуқуқий асоси яратилган. Жамоат ташкилотларининг жамиятимиздаги ижтимоий, иқтисодий жараёнлардаги фаол иштироки мамлакатимизда шакланаётган фуқаролик жамияти талабларига мос фаолияти амалга оширишга қаратилгандир.

Ўзбекистонда «бугунги кунда экологик йўналишдаги 100 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотларни бирлаштирган Ўзбекистон экологик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар олдида катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Ўзбекистон экологик партияси ўзининг маҳсус ҳаракат дастурига эга бўлган жамоат ташкилотидир. Бу жараён мамлакатимизда мавжуд

<sup>113</sup> Шавкат Мирзиёев. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Тошкент, “Ўзбекистон”, Том 2, Б.102.

бўлган экологик муаммоларнинг, глобал экологик бўхронларнинг бир қисми эканлигидан далолатdir. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлайдики, “айниқса халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик, диний қарама-қаршилик, ноқонуний миграция, одам савдоси, экологик муаммолар, айрим минтақаларда иқтисодий ноchorлик, ишсизлик, қашшоқлик кучайиб бораётгани бугун инсониятни қаттиқ хавотирга солмоқда.”<sup>114</sup>

Ўзбекистон экологик партиясининг шаклланиш жараёни мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий мазмундаги ислоҳотлар мақсади ва мазмuni билан чамбарчас боғлиқdir. Ўзбекистондаги демократик мазмундаги ва халқ манфаатлариiga хизмат қилувчи ислоҳотларнинг пиrowард натижалари инсон манфаатлариiga қаратилганлиги билан ажralиб туради. Шунингдек, улар замирида Ватанимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва златларнинг мавжуд табиий ресурслардан тенг ҳуқуқли фойдаланишларини тўлиқ таъминлаш ҳам кўзда тутилган.

Ўзбекистон ҳудудидаги экологик вазият ва уни янада яхшилаш доимий мониторинг қилиниши фуқаролар манфаатлари нуқтаи назаридан стратегик масалалардан биридир. Шунингдек, экологик хавфсизликка эришиш мамлакатимиз миллий хавфсизлигини таъминлашнинг узвий қисмларидан ҳисобланади. Экологик муаммолар мавжуд бўлган ҳудудда яшаётган аҳоли саломатлигини ҳимоялаш, аҳоли орасида вужудга келаётган баъзи касалликларнинг олдини олиш, мавжуд ижтимоий тизимларнинг, соғлиқни сақлаш муассасаларининг, шу жумладан, жамоат ташкилотларининг тарбиявий соҳадаги фаолият турларидан бири ҳисобланади. Чунки аҳоли орасида ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирларнинг катта қисмини фуқаролар саломатлигини мустаҳкамлаш ёки улар орасида учраши мумкин бўлган касалликларнинг олдини

<sup>114</sup> Шавкат Мирзиёев.Миллий тараққиёт йўлнимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.Том 1, Тошкент, “Ўзбекистон”.2017, Бет473.

олиш бўйича тарбиявий йўналишдаги тушунтириш ишларини олиб боришини тақозо қиласди.

Айниқса, бундай ижтимоий фаолиятнинг экологик танглик мавжуд бўлган ҳудудларда яшаётган аҳоли вакиллари орасида олиб борилиши амалий аҳамият касб этади, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларини модернизациялаш ишларидаги фаоллигини оширади, жамият аъзоларининг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги бевосита фаол иштирокини таъминлайди. Бу борадаги кенг қамровли тадбирларнинг таълим-тарбия ишлари билан ҳамкорликда олиб борилиши, таълим муассасалари билан экологик партия аъзолари ўртасидаги мунгазам ижодий ҳамкорликни тақозо қиласди. Жамоат ташкилотлари, фуқаролик институтлари вакиллари иштирокида, ўқувчилар ва талабалар орасида экологик йўналишдаги, инсон экологияси мазмуни, можияти ва тарбиявий аҳамият касб этувчи тадбирларнинг ўтказилиши ёшларимизнинг атроф-муҳит муаммоларини англапи, уларнинг мазмуни, экологик тангликнинг келиб чиқиши сабабларини, салбий оқибатларини билиб олишларига ёрдам беради. Бундай тадбирлар пировард натижада минтақадаги умумий экологик ҳолатнинг ижобий томонга силжишига олиб келади.

Таъкидлаш лозимки, бу жараён давомида Ўзбекистон экологик партияси аъзоларининг Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликдаги фаолиятини жонлантиради ва ёшларнинг экологик онги, маданиятини шакллантиришдаги муҳим факторлар сирасига киради. Бундай тадбирларнинг муҳим ижтимоий жиҳатларидан яна бири, ўқувчилар ва талабаларнинг улар яшаётган ҳудудларда шаклланган экологик ҳолатни тубдан яхшилаш соҳасидаги ишлардаги бевосита иштирокини таъминлайди, уларнинг ижтимоий фаоллигини оширади, ватанпарварлик туйғуларини оширади, мавжуд биологик хилма-хилликни сақлаш, атмосфера ҳавосини кўриқлаш, ер ва сув ресурсларини асраш ҳиссини кучайтиради. Бу фаолиятнинг муҳим хусусиятларидан бири, ёшларнинг

ахлоқий тарбиясидаги үрнидир, яъни экологик йўналишдаги ишлар натижасида ўқувчилар, талабаларда юртимиздаги экологик мазмундаги қадриятларни асраш, уларни улуғлаш лозим. Шунингдек, экологик қадриятлардан миллий фахрланиш ҳиссини юксалтириш воситаси сифатида фойдаланиш жараёнига хизмат қиласи.

Ўзбекистон экологик партияси мамлакатимиздаги мавжуд экологик ҳолатни соғломлаштиришни ўзининг асосий вазифаларидан деб ҳисоблаган ҳолда, давлат органлари, жамият ташкилотлари ва аҳолининг саъй-харакатларини уйғулаштирадиган кучdir. Шу муносабат билан табиат, инсон, жамият манбаатларининг умумийлигини ҳам ўз фаолиятида ифода этади.

Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини қуриш жадал давом этмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти таъкидлаганидек, жамиятимизни модернизациялаш ва фуқаролик жамиятини қуриш учун мамлакатимиз барча имкониятларга эга ва бизнинг устувор вазифамиздир<sup>115</sup>. Шундай шароитда ёшлар, шу жумладан талаба-ёшлар жамиятдаги ижтимоий-иктисодий жараёнларда фаол иштирок этмоқда. Мамлакати-мизда шунинг учун ҳам ёшлар экологик тарбиясига эътибор берилиши мухим, амалий аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, ёшлар экологик тарбиясига мухим илмий масала сифатида қаралмоги лозим. Чунки ҳозирги даврда амалга оширилаётган фуқаролик жамиятни ривожлантириш муаммоси мавжуд экологик муаммоларни ечишни ва ушбу жараёнда ёшларнинг фаол иштирокини талаб қиласи. Мураккаб, замонавий инновацион технологиялар асосида фаолият юритаётган иқтисодиёт, хизмат кўрсатиш соҳасидаги кичик ва ўрга бизнес корхоналари, тармоқларини бошқа-ришни фақат юқори малакали ёшлар амалга ошириши мумкин. Барқарор тараққиёт даврида иқтисодиёт ривожла-нишида табиий ресурслардан

<sup>115</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъruzasi. Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь

самарали фойдаланиш давом этади. Қолаверса, мавжуд табиий ресурслардан янада унумлироқ фойдаланиш муаммоси вужудга келмоқда. Бундай шароитда тежамкор технологияларнинг амалиётга киритилиши, аввалам-бор, ёш мутахассисларнинг экологик билими ва омилкор-лигига боғлиkdir. Демак, ёшларнинг, бўлажак мутахассис-ларнинг экологик тарбияси муҳим амалий аҳамият касб этади. Масаланинг амалий жиҳатларидан яна бири, ёшларнинг экологик ҳолат билан боғлиқ бўлган маънавий-маърифий жараёнлардаги ўрнидир. Талаба-ёшлар экологик мазмундаги, маърифий йўналишдаги тадбирларни тайёрлаш ва ўтказиш жараёнида миллий маънавият асослари, адабиёт ва санъат асарлари билан яқиндан танишадилар. Бу манбалардаги Ватанимиз табиати, гўзал ва бетакрор иқлими, тўрт фасли, водийлари таровати, инсон фаолияти учун зарурияти бўлажак мутахассисларнинг экологик тарбияси учун муҳим тушунча манбаи ролини бажаради.

Мамлакатимизда олиб борилган демократик ислоҳотлар даврида мустакил экологик сиёсати туфайли минтаقا экологиясини тубдан яхшилаш борасида илмий асосланган ишлар амалга оширилди. Бу борадаги амалий фаолият ёшларнинг инсон экологиясини таъминлашдаги фаол иштирокини кенгайтиришга имконият яратди. Ёшлар мамлакат аҳолисининг кўпчилигини ташкил қилишининг ўзи бу ижтимоий қатламнинг жамиятимиздаги салмоқли ўрнига эгалигини тасдиқлади. Инновацион характерга эга бўлган бундай жараён, иқтисодиётни модернизациялаш ва жамиятни демократлаштириш, яъни фуқаролик жамиятини шакллантиришда мамлакатимизда табиий ресурсларни сақлаш ва улардан унумли фойдаланиш тизимини янада мукаммаллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бундай кенг қамровли вазифанинг бажарилиши ёшлар экологик тарбияси устида мунтазам ишлашни талаб қиласиди. Экологик тарбия, экологик маданият ёшларда атроф-муҳитга, мавжуд табиий шароитга ижобий муносабатни вужудга келтиради. Талаба-ёшлар экологик тарбиясининг асосий жиҳатларидан бири уларнинг бўлажак

мугахассис эканлигини англасак, улар бакалавр ёки магистратураны тамомлаганларидан кейин мавжуд экологик тизимни мустаҳкамлаш, уни қўриқлаш, ундан унумли фойдаланиш, келажак авлодга етказиш каби туйғуларни шаклантириши лозим. Ёшлар экологик тарбиясининг асосий хусусиятларидан яна бири, унинг таълим ва тарбия воситалари орқали талабалар онгига сингдирилишидадир. Мамлакати-мизда вужудга келтирилган ва тобора ривожланиб бораётган, мамлакат инновацион тараққиётида муҳим амалий аҳамият касб этажётган узлуксиз таълим тизими унинг асосий фунда-ментидир. Таълим муассасаларида талабаларга ўқити-лаётган фанлардаги экологик маълумотлар орқали улар тафаккурида экологик муаммоларнинг келиб чиқиш сабаб-лари, ривожла-ниши, тарқалиши, унинг инсон фаолиятидаги хавфли ва хатарли жиҳатлари ёки унинг инсон ҳаётига таъсири тўғрисида илмий асосланган маълумотлар мужассамлашади. Талабалар экологик тарбиясида мавжуд экологик вазиятни тушунтириш, яъни глобаллашув даврида минтақамизда вужудга келган экологик ҳолат тўғрисида уларга илмий асосланган маълумот бериш мақсадга мувофиқ. Илмий тадқиқотлар шуни қўрсатадики, глобал экологик масалалар маълум даражада минтақавий, ҳудудий экологик муаммолар-нинг вужудга келишига сабаб бўлади. Шу муносабат билан ҳар бир фуқаронинг ўзида яшаётган ҳудуддаги экологик вазият учун жавобгарлик ҳиссини уйғотиш, яъни экологик вазиятни бузмаслик учун ҳаракат туйғусини шаклантириш масаласи туради. Масаланинг амалий аҳамияти ҳар бир шахснинг яшаси, ишлаётган жойи, дам олиши ҳудудида экологик барқарорлик талабларига бўйсениши экологик жиҳатдан тарбияланганлигидан дарак беради. Айниқса, бу ҳолатнинг намоён бўлишини шаҳарлар ва қишлоқ жойларида, рекреация ҳудудларида яққол қўриш мумкин. Бугунги кун талабалари ижтимоий экологияда мунтазам тушунтирилаётган, инсон-нинг табиатга антропоген таъсири ҳақидаги аниқ тушунчага эга бўлиши талабаларда экологик тарбиянинг уйғунлашувига сабаб бўлади. Маълумки,

мана шу масаланинг моҳиятини чуқур тушуниш табиатга оқилона муносабатда бўлишнинг асосини ташкил қиласиди. Масаланинг моҳияти инсон шахсининг шакланиши, табиатга, атроф-муҳитга ўзининг бевосита таъсири йўналишларини англай ола бошлагани билан боғлиқдир. Ушбу жараён узлуксиз таълимда академик лицей, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлари талабаларига экологик тарбиянинг турли воситалари, шакллари орқали тушунтирилади. Ёшларимиз экологик тарбиясининг муҳум бўғинидан яна бири, уларда Марказий Осиё экологик тизимининг ягоналигини англашларидир. Ёшларга экологик вазиятнинг мувозанатида ер, сув ресурсларидан унумли фойдаланиш, атмосфера ҳавосининг мусаффолиги учун курашиш зарурлигини муттасил тушунтириш лозим бўлади. Асрлар давомида Марказий Осиёдага мавжуд ер ва сув ресурсларидан шу ерда яшаган барча халқларнинг вакиллари бамаслаҳат фойдаланишган. Трансчегаравий дарёларда сунъий қурилмаларнинг вужудга келтирилиши аҳоли орасида, шу жумладан, ёшларда табиий ресурслардан рационал фойдала-ниш, унинг экологик оқибатларини тушунадилар. Давримиз-нинг муҳим хусусиятларидан бири, минтақадаги атмосфера ҳавосини муттасил захарлаётган манбаларни бўлажак мутга-хассисларга илмий асосда тушунтириш муҳим аҳамият касб этади. Шу муносабат билан трансчегаравий манбалар тўғрисида аниқ, илмий асосланган маълумотлар бериш лозим. Табиий ресурслар тизимидағи асосий қисмдан бири бўлган атмосфера ҳавосининг тозалиги инсон ҳаётидаги муҳим вазифани бажариши, флора ва фаунанинг ривожида муҳим факторлигини талабалар онгига сингдириш зарур.

Инсон экологияси вазифаларининг ёшлар онгига сингдирилишида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи муҳим ишларни амалга оширмоқда. Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Олий Мажлис Конунчиллик палатаси ҳузурида Ёшлар масалалари бўйича комиссия ва «Ёшлар клуби» тузилди. Биринчи бор янги ташкил этилган «Мард ўғлон» Давлат мукофоти ҳамда

«Келажак бунёдкори» медаллари тенгдошларига ўрнак бўлаётган йигит-қизларга топширилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат болиқаруви академияси қошида ташкил этилган Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтида ёш тингловчилар таҳсил олиб, малака оширди. Иттифоқнинг жами 22 мингдан ортиқ бошлангич ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилди. Умумтаълим мактабларида 1 миллион 960 мингдан ортиқ сардорлари, олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида 387 минг 700 дан ортиқ етакчилари фаолият олиб бормоқда. Иттифоқ ва «Камалак» болалар ташкилоти тизимида 1 миллион 960 минг нафар Сардорлар кенгаши аъзолари бор<sup>116</sup>.

Ёшлар иттифоқи ўз атрофида 10 миллиондан ортиқ ёшларни бирлаштирган. 2018-2021 йилларда қурилиши режалаштирилган 8 минг 600 га яқин кўп қаватли «Ёшлар йўлари»дан 848 та ёш оиласа янги уй калитлари топширилди. 190 та касб-хунар коллеж негизида «Ёшлар марказлари» ташкил қилинди ва 29 та йўналишдаги 2 минг 537 та бепул тўгараклар фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур тўгаракларда ҳар куни ўртacha 160 минг нафарга яқин ёшлар билим ва кўникма эгалламоқда. 2018 йилда юртимиз ёшлари ҳаётида яна бир тарихий аҳамиятга молик воқеа юз берди. Мамлакат ёшларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этиш ҳамда уларнинг ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида давлатимиз раҳбари Фармони билан «Yoshlar – kelajagimiz» жамгармаси фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, 2018 йилда 1 минг 66 нафар ёш фермерга 52 миллиард сўм, ёш тадбиркорларнинг 4 минг 300 та лойиҳасига 226,6 миллиард сўм, жами 278,6 миллиард сўм 13 фоизлик имтиёзли кредитлар ажратилиши таъминланди. 2018 йилда ҳудудларда 156 маротаба «Ҳоким ва ёш фермерлар» мавзуида очик мулоқот ва амалий учрашувлар

<sup>116</sup> Ўзбекистон ёшлар иттифоқи учун 2018 йил қанчалик самарали бўлди?  
<https://www.xabar.uz/jamiyat/ozbekiston-yoshlar-ittifoqi-uchun>

тапкил этилди. Уларда 9 мингдан ортиқ ёш фермерлар иштирок этди. 2018 йилда 37 номдаги китоблар 10 минг нусхадан чоп этилиб, таълим муассасаларига бепул етказиб берилди. Бу лойиҳани амалга ошириш учун жами 10 миллиард сўм маблағ ажратилди.<sup>117</sup>

### **3.3. Инсон экологиясининг ижтимоий жараёнлар билан боғлиқлиги**

Инсоннинг ижтимоий ҳаёти, жамият аъзолари орасидаги алоқалардан иборат бўлган муносабатларни ўз ичига олади, яъни оиласдан бошланган, психолигик, маданий, ижтимоий-иқтисодий жараёнлардан ташкил топган. Ижтимоий омилларнинг инсон саломатлигига таъсири зўриқишини келтириб чиқаради ва шахснинг саломатлиги ёмонлашувидаги асосий сабабдир. Шу билан биргаликда, ижтимоий муносабатларнинг камайиши ҳам, жиёдий касалликларни келтириб чиқаради. Шу муносабат билан этник экологик жараёнлар, инсоннинг муайян ҳудудда ва қулай руҳий вазиятда яшаши мухим аҳамият касб этади. Этник экология мустақил фан сифатида, этнография ва инсон экологияси оралиғидаги муаммоларни тадқиқ қиласи.

Этник экология инсоннинг ўзига хос хусусиятларини ва ижтимоий биологик мавжудот сифатида ўрганади, унинг этно популяцион гурӯҳ сифатида шаклланиш қонуниятларини таҳдил қиласи. Шу билан бирга, этник экология инсоннинг муайян маданий жараёнларга боғлиқлигини тадқиқ қилиб, яшаш жойидаги шароитга мослашувчанлигига эътибор беради. Ушбу жараёнда инсоннинг ҳўжалик фаолияти унинг ҳаётини таъминлайди шу билан биргаликда, табиатга, атроф-муҳитга таъсирини белгилайди. Этно экология томонидан таҳдил қилинадиган муаммоларнинг марказида этнослар тарихий тараққиёти масаласи туради. Шунингдек, ушбу жараёнда экологик факторлар ва уларнинг эволюцияси мухим аҳамият

<sup>117</sup> Ўзбекистон ёшлар иттифоқи учун 2018 йил қанчалик самарали бўлди?  
<https://www.xabar.uz/jamiyat/ozbekiston-yoshlar-ittifoqi-uchun>

касб этади. Этно экология, этносни яъни, унинг маданияти, ишлаб чиқариш фаолияти табий ресурслардан фойдаланишини умумий тараққиёт динамикаси билан бирлигиде ўрганади. Муаммога бундай комплекс ёндашув, таҳдиллар маҳсус таҳдиллар методини қўлланилишини талаб қиласди. Бундай методлар муҳим бирликлар ва ички алоқаларнинг ягона тизимини асосий, функционал ҳаракатларнинг моделлаштирилишини тақозо этади. Ишлаб чиқариш мазмуни ва демографик жараёнларнинг, атроф-муҳитнинг қандай ресурсларга эга эканлигини баҳолашни ҳам илгари суради. Бундай жараён хўжалик юритиш ва маданий жараёнларнинг турли тарихий шаклларини таққослаш, ҳарактерлаш имкониятини яратади. Этно экологиянинг асосий терминлари, яъни ижтимоий, иқтисодий ҳаётни таъминлаш ва адаптациядир. Инсон ҳаётини таъминлаш терминининг мазмунига унинг овқатланиши, яшashi, ижтимоий, иқтисодий ҳаёти учун зарур бўлган воситалардан фойдаланиш жараёни киради. Мамлака-тимиз олимлари тадқиқотларида ҳаётни таъминлаш тизими тушунчаси ишлаб чиқариш, демографик тизимлар, инсоннинг ҳудудларда жойлашиши, меҳнат кооперацияси каби муҳим жиҳатларнинг ўзаро комплекс боғлиқлигини талаб қиласди. Ушбу жараён инсон ижтимоий хуқукининг экологик жиҳатлари билан боғлиқ бўлиб, инсоният жамиятига муайян ҳудуддаги ресурслардан фойдаланиш имкониятини яратади. Этно экологиянинг яна бир муҳим хусусияти бу, ҳаёт таъминотининг маданияти этнос маданиятининг алоҳида компонентидир. Бу жараён моддий ва маданий маданиятнинг ҳамма элементларидан ташкил топади. Ушбу элементлар, ўз навбатида, инсонлар ҳаётини таъминлайди, яъни яшаш жойи, кийим, овқат ва бошқалар. Ҳаётни таъминлаш тизимлари ва маданияти аналитик категориялар сифатида намоён бўлади. Ҳар иккала тушунччанинг умумлашган мазмуни сифатида агроф-муҳитдан фойдаланиш терминини қўллаш мумкин, ушбу термин инсоннинг табий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини англатади. Инсон ҳаётини таъминланиши

түшунчаси этно экологиянинг асосини ташкил қиласа, адаптация термини инсон маданиятининг динамиксини айлатади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, этник маданият мослашувчанликнинг, яъни адаптациянинг аниқ шакларини ўзида ифода қиласи ва тарихий жараёнларда намоён бўлади. Шумуносабат билан инсоният босиб ўтган тарихий давр, унинг маданияти, ҳаёти таъминланиши табиий ресурслардан фойдаланиши жиҳатларига эътибор бериши лозимлигини тақозо қиласи. Бундай ганлов мослашувчанлик стратегияси, деб номланади. Бу жараён фақат атроф-муҳитнинг ўзига хослиги билан эмас, балки технологик тараққиёт даражаси, гуруҳнинг маданий қадриятлари, ташқи таъсир ва жуда кўп бошқа омилларга ҳам боғлиқ. Шунинг учун ҳам инсон экологиясида демографик ахборотлар муҳим ўрин эгаллайди. Инсон экологияси, ўз навбатида, инсон саломатлигига таъсир қиласидан сабаблар, омиллар инсоннинг ҳаётдан кетиши сабабларини таҳдил қилишга ҳаракат қиласи ва инсон ҳаётини узайтириш ҳақида тавсиялар беради. Шунинг учун ҳам демографик мазмундаги ахборотлар бундай таҳдилларнинг асосий манбай ҳисобланади. Инсон экологиясини ўрганишда демографик аҳлоқ мазмунини тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади. Демографик аҳлоқ бир-бири билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар, муносабатлар тизимдан иборат бўлиб, инсон жамиятидаги демографик ҳолатни сақлаш ва ўзгариш жараёнларидан иборатdir. Демографик ҳулқ аҳоли миграцияси жараёнларини ўз ичига олади. Демографик ҳулқда одамларнинг ўз саломатлигига муносабати муҳим аҳамият касб этади. Таъкидлаш лозимки, аҳоли кўпайиш жараёнига ва оиласига яшаш, турмуш ўз таъсири ўтказади. Ушбу жараёнда туғилиш муҳим кўрсатгич ҳисобланади. Инсон экологиясида одамлар ўлимнинг сабаблари ҳам ўрганилади. Олиб борилган тадқиқотлар тасдиқлайдики, ҳозирги пайтда мамлакатимизда одамлар орасида ўлимнинг асосий сабабларини, юрак-қон томир касалликлари, баҳтсиз ҳодисалар, онкологик касалликлар ташкил қиласи. Шунга қарамасдан, мамлака-тимиизда

олиб борилган тизимли ижтимоий-иқтисодий сиёсат туфайли аҳоли сони мунтазам ошиб бормоқда ва ҳозирги шароитда аҳолининг умумий сони 34 миллионни ташкил қиласди. Таъкидлаш лозимки, демографик кўрсаткичларда аҳоли миграцияси муҳим ўрин эгаллайди. Шу муносабат билан инсон экологиясида одамларнинг яшаш шароити ва унинг сифати муҳим аҳамият касб этади. Инсон ҳаётининг сифати унинг яшаш шароити билан чамбарчас боғлиқдир. Инсон ҳаёти тушунчаси мазмунига комплекс ёндашиш зарур, яъни, унинг ҳаётининг асосий томонларини ўрганиш зарур, буларга қўйидагилар киради: меҳнат шароити, яшаш шароити, ижтимоий фаоллик, сиёсий жараёнлардаги иштироки, мада-нияти, ўзининг ва бошқаларнинг саломатлигига муносабати. Таъкидлаш лозимки, инсон ҳаётининг асосий мазмуни унинг соглиғидир. Тадқиқотлар орасида турмуш шароитини таҳли-лига икки хил ёндашилган: соғлом ҳаёт тарзи ва носоғлом ҳаёт тарзи. Соғлом ҳаёт тарзига қўйидагилар киради. Мазмунли дам олиш, фаол ҳаёт позицияси, ўз ишидан мамнунлиги, жисмоний ва маънавий қулиялиги, юқори медицина фаоллиги, моддий мустақиллик, оиласда психофизиологик яхши муҳити, жисмо-ний фаоллик.

Носоғлом ҳаёт дам олишдаги қийинчиликлар, ижтимоий сусткашлиқ, чарчаш, овқатланиш режимиининг бузилиши, бузилган оиласий муносабатлар, спиртли ичмилклар суистеъмол қилиш, гиёхванд моддалар истеъмол қилиш, тамаки чекиш шулар жумласидан. Аҳоли томонидан моддий ва маънавий имкониятларнинг истеъмоли муайян даражада жамиятда инсонлар ҳаёти даражасини белгиловчи индикатор ҳисобланади. Ҳаёт даражаси, яъни аҳолининг турмуш даражаси ҳар бир одамнинг фаолиятидаги сон ва сифат кўрсаткичларида ўз аксини топади. Бу жарёнга аҳолининг реал даромади, озиқ-овқатни истеъмол қилиш тизими, асосий истеъмол молларига қўйиладиган нарх динамикаси киради. Ушбу жараён уй жой учун тўланадиган коммунал тўловлар, солиқ тўловлари, транспорт ҳаражатларини ҳам ўз ичига олади. Инсон ҳаёт даражаси кўрсаткичларига ижтимоий тўловлар, иш кунининг

Давомийлиги, уй жой шароити, мавжуд ижтимоий имкониятлардан фойдаланиш (дам олиш, туризм, спорт ва бошқалар) ҳам киради. Инсон ҳәёт даражасини белгилашда истеъмол товар саватчаси асосий қўрсаткич ҳисобланади ва унга инсон учун зарур бўлган хизматлар ва унинг турмуш шароитини таъминлайдиган товарлар киради. Инсон турмуш даражаси тушунчаси кенг мазмунни ўз ичига олиб, ҳәёт сифат даражасини белгилайди. Ушбу жараён инсон ҳәётининг мазмуни, унинг нима учун яшаётганлигини ҳам белгилаб беради. Ушбу тушунча орқали инсоннинг ижтимоий ва индивидуал ҳәёти мазмуни белгиланади. Инсон ҳәёти сифати даражасига комплекс муаммо даражасида қараш керак. Шунингдек, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий омиллар. Юқорида келтирилган жараёнлар инсоннинг жамиятдаги ўрнини белгилайди.

Инсон экологияси одамлар турмуш шароитидаги салбий жараёнлар алкоголизм, наркомания, тамаки чекиш масалаларини ҳам ўрганади. Инсон ҳәётига заарли одатлар унинг фаолиятига, саломатлигига салбий таъсир қиласи. Инсонда ижобий ва салбий хулқ кўринишларининг шаклланишида ижтимоий муҳит ҳам ўз ролини ўйнайди. Шунингдек, ушбу жараёнда инсон темпераменти ҳам муҳим аҳамият касб этади. Инсон фаолиятига наркомания заарли таъсирини қўрсатади. Наркотиклар моддаларнинг муайян қисми соғалиқни сақлаш тизимида ҳам фойдаланилади. Ушбу жараёнда баъзи ёшларнинг мунтазам суръатда наркотикларни истеъмол қилиши, уларда эмоционал бузилишларни вужудга келтиради. Баъзи ҳолларда жиноят қилишга, жамиятдаги қонунларнинг бузишга сабаб бўлади. Шунингдек, инсон ҳәётидаги салбий одатлар: алкоголизм, гиёхвандлик, тамаки чекиш зарари, одамнинг ўзини шахс сифатида англашига ёки соғалиқقا бевосита зарар етказадиган нарсалар ҳисобланади. Жамиятдаги мавжуд психологик, ижтимоий муҳит, ёшлар одатларининг шаклланишига ижобий ёки салбий таъсир қўрсатиши мумкин. Шунингдек, бу жараёнда шахсият ва темперамент хусусият-

лари мухим роль ўйнайди. Таъкидлаш лозимки, деярли барча гиёхванд моддалар (эфир эритувчиларидан ташқари) терапевтик воситалар сифатида ишлатилади ва гиёхвандликка олиб келиши мумкин, яъни инсон танаси уларга одатланиб қолади. Мутахассислар ёшларга хос бўлган гиёхвандлик ривожланишининг асосий сабабларини аниқладилар: латент ҳиссий бузуқликнинг намоён бўлиши, жавобгарлик оқибатларидан қатъи назар, тез завқ олиш истаги, ижтимоий анъана ва қонунларга зид равишда жиноий хатти-ҳаракатлар содир қилиш. Ўз-ўзини даволашга уриниш ноорганик табиатдаги руҳий касаллик (ижтимоий стресс, умидсизлик, ҳаётий манфатларнинг бузилиши, қўрқув ва хавотир, руҳий касалликнинг бошланиши).

Жамиятда мавжуд бўлган, муайян бир ижтимоий гуруҳда “машҳурлик” мақсадида дори-дармонларни суиистеъмол қилиш – “ижтимоий бефарқлик” деб аталадиган туйғу шакланиши мумкин. Ёшларнинг алкоголь ичимликларини истеъмол қилиши, турли ижтимоий ва маданий тадбирларда чекиш (дискотека, концерт ва бошқалар) натижасида. Юқоридаги омилларнинг ҳар бири фақат табиатга “қарам” бўлган одамларда - қўрқоқ, иродасиз, заиф иродали, осонгина шикастланадиган, бошқа одамларга қарам, жисмоний заиф, ахлоқий беқарор ва ҳоказоларга қарамликни келтириб чиқариши мумкин. Наркомания билан оғриган одамнинг танасида асаб тизимининг ҳужайралари ўртасида маълумот узатиш жараёни бузилади. Олимлар аллақачон баъзи нейротрансмиттерлар маълум сезгилар, ҳис-туйғулар, ҳиссиётларни келтириб чиқариши мумкинлигини исбот-ладилар. Шундай қилиб, наркотик моддалар сунъий яратилган қувонч, баҳт ва мамнуният гормони ҳисобланади.

Тамаки чекиш, наркотик моддаларни истеъмол қилиш, юрак-қон томирлари, кўкрак қафасида жойлашган органлар касалликларини кучайтиради, пировард натижада ногиронлик пайдо бўлади. Чекиш репродуктив тизимга ҳам салбий таъсир қиласида. Чекишнинг одамга таъсири ҳар бир чекувчининг ўзига

хос хусусиятлари билан белгиланади. Чекишнинг таъсири зарарли, аммо улар кўп йиллар ўтгач пайдо бўлади, шунинг учун бу салбий одат билан боғлиқлик аниқ эмас. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти қўйидагиларни таъкидлайди: чекувчилар орасида ўлим кўрсаткичи сигарет чекмайдиганларга нисбатан тахминан 30-50% га кўп; сигарет чекадиганлар сонининг кўпайиши билан ўлим ҳолатлари ошиб боради, шунингдек, ёшлигида чекишни бошлаган одамлар орасида ўлим юқори. Спиртли ичимликлар истеъмоли ва инсон саломатлиги баҳтсиз ҳодисалар, заҳарланиш, жароҳатлар, асосан, эркакларда учрайди. Спиртли ичимликларни тез-тез истеъмол қилиш билан турли органлар фаолиятининг бузи-лиши кузатилади, шундан кейин уларда анатомик ўзгаришлар пайдо бўлади. Ошқозон шиллиқ қаватида қон кетиши кузатилади, жигар ва буйрак тўқималари ўзгаради, томирлар камроқ эластиклашади, нафас олиш органлари, гонадалар ва скелет тизими заарланади.

Инсон экологиясида унинг эҳтиёжлари қондирилиши мухим ўрин эгаллайди. Инсон эҳтиёжлари, асосан, олти тоифага бўлинади: биологик, психолого-этник, ижтимоий, меҳнат, иқтисодий. Тақдим этилган тасниф баъзи олимлар томонидан эҳтиёжларнинг алоҳида турлари сифатида белгиланган идеални ҳисобга олмайди. Атроф-муҳит нуқтаи назаридан барча эҳтиёжларни тұрма ва сотиб олингандарга бўлиш фойдали бўлади. Тұрма эҳтиёжларнинг аксарияти бир вақтнинг ўзида барча одамлар учун зарур бўлган бошланғич, элементар эҳтиёжлар бўлиб, улар ижтимоий ташкилотга, жамиятнинг иқтисодий ривожланиш даражасига ёки географик, ирқий ва этник гурухта жуда кам боғлиқдир. Шундай қилиб, одамнинг кислородга бўлган эҳтиёжи тұрма, бошланғич, моддий-енергия, тўгридан-тўғри, шошилинч ва оқилона эҳтиёж бўлиб, у қатъий миқдордаги ифодага эга. Бирламчи бўлгандан сўнг, инсоният эҳтиёжлари хилма-хил бўлган улкан дунё мавжуд. Уларнинг барчаси ҳам экологик аҳамиятга эга эмас. Келинг, фақат энг мухимларини кўриб чиқайлик.

Биологик эҳтиёжлар бирламчи биологик шаклларда эҳтиёж тананинг ташқи мұхитда бұлған ва унинг ҳаёти учун зарур бұлған нарсага бұлған эҳтиёжини қондиради. Биологик эҳтиёжлар тананинг ички мұхитининг доимийлігини тәъминлаш зарурати билан бөглиқ. Улар томонидан құзатылған фаолият ҳар доим асосий ҳаётий жараёнларнинг мақбул даражасига, фойдалы адаптив натижага эришишга қаратылған. Ушбу фаолият ички мұхит параметрлари мақбул даражадан четта чиққанда ва унга эришилғанда тұхтаб қолғанда давом этади.

Замонавий одамда индивидуал ёки гурұқ маконига түрмә эҳтиёж сезиларлы даражада камаяди. Бу ҳаётни құллаб-қувватлайдыган табиирлар майдони қысқариши ва уйда яшашга мослашиши билан бөглиқ. Одамлар зичлиги жуда катта фарқ қиласы - қутбели ёки қурғоқ зоналардаги әнг паст күрсаткышлардан йирик шаҳарларда 1 км<sup>2</sup> га ўн минглаб одамларға қадар. Биноларда ёки жамоат транспортида одамлар янада гавжум шароитларға дош берадылар. Бундай шароитта инсон атроф-мухитининг гигиеник танқидий күрсаткышлари бир неча бор ортади. Максимал қулайликка бұлған эҳтиёж, одамларнинг ҳаддан ташқары зичлиги ва номаълум алоқаларнинг ҳаддан ташқары құтарилишидан келиб чиқадын стресс ҳолатидан ҳимояланишини англарады. Тури темпераментлар билан табиаттан бир киши одатда жуда фаол мавжудотдир. Унинг нормал физиологик ҳолати учун маълум даражадаги фаоллик, восита фаолияти ва бөглиқ ахборот оқимини идрок қилиш талаб этилады. Ҳаракатланиш ва жисмоний фаолият-нинг етишмаслиги, ҳаддан ташқары ҳаракатчанлик ёки тиним-сиз меңнат касалликка олиб келади. Инсонни мажбурий жисмоний меңнатдан қутқариш учун саноат цивилизациясыға интилиш аста-секин енгил жисмоний меңнатнинг ташкил қылнишига сабаб бұлады ва баъзи олимларнинг фикрига күра, инсон фаолиятга бұлған эҳтиёж тобора күпроқ ҳиссий ва ахборот эҳтиёжлари соңаларига үтмоқда. Агар жисмоний мәданият ва спорт қисман, физиологик даражада мақсады жисмоний

мехнатга бўлган эҳтиёжнинг ўрнини босса, унда спорт намойишлари ва спорт муҳлисларининг ҳамдардлиги аллақачон рақобатбардош фаолиятнинг тақлидиdir. Ушбу бузилган эҳтиёжга янги жавоблардан бири бу электрон ўйинлар, "виртуал ҳақиқат" технологияси ва бошқалар. Умуман олганда, биринчи даражали ҳаётий эҳтиёжлар учун кераксиз бўлган касблар, фаолият ўрнини босадиган ва тақлид қилувчи нарсалар замонавий инсоннинг хатти-ҳаракатларида тобора ортиб бормоқда. Таълим ва маданият томонидан киритилган турли этник, психологияк, ижтимоий ва бошқа имтиёзлар, анъаналар, қоидалар биологик асосда белгиланади. Эҳтиёж-ларнинг пайдо бўлишининг психофизиологик механизmlари сезгиларга бўлган эҳтиёжнинг биокимёвий корреляциялари баъзи маълумотларга кўра, қўшимча стимуляция зарурати одамнинг баъзи биокимёвий хусусиятлари билан белгиланиши мумкин. Шу билан бирга, таҳдил усули сифатида корреляция сабаб-оқибат муносабатлари учун асос яратмаслигини ҳам унутмаслик керак. Асос сифатида, юқорида санаб ўтилган биокимёвий хусусиятлар сезгириликни излашга қаратилган хатти-ҳаракатлар натижасида пайдо бўлганлиги, ҳозирги пайтда номаълум (эҳтимол ижтимоий) омилларнинг таъсири натижасида юзага келади. Ижтимоий-психологияк ва ижтимоий эҳтиёжлар ижтимоий эҳтиёжлар инсоннинг бошқа одамлар билан ўзаро муносабатларини таъминлашга қаратилган. Буларга, биринчи навбатда, оиласдан бошлаб, биосоционал боғлиқ одамлар гурӯҳига тегишли бўлиш зарурлиги киради. Бунинг оқибатлари қўйидагилардан иборат: гурӯҳнинг бошқа аъзолари билан алоқа ўрнатиш ва гурӯҳ ичидағи муносабатлар иерархиясидаги ўрнини ва уларнинг ижтимоий мавқеини аниқлаш, оиласни яратиш зарурати; маълум бир одамлар жамиятига хос бўлган хулқ ва маданият асосларини ўзлашгириш; этник келиб чиқиши ҳақида хабардорлик; фаолиятнинг табиати ва ижтимоий меҳнат тақсимоти тизимидағи шахснинг мавқеини белгиловчи кўникмаларни эгаллаш; яшаш имкониятларини танлаш эркинлигига бўлган эҳтиёж - имтиёзларни олиш

воситаси; эстетик ва интеллектуал эҳтиёжлар; мақтов ва далда, жамоат тан олиниши, ижтимоий обўга бўлган эҳтиёж; шахснинг ўзи мансуб бўлган жамият билан фахрланиш кераклиги. Шу асосда соф ижтимоий эҳтиёжлар аллақачон пайдо бўлади: маданий анъаналар, ахлоқий меъёрлар ва одамлар ўртасидаги алоқа қоидалари; уларнинг ижтимоий (давлат ва конституциявий) нормаларда, шахснинг ижтимоий-психологик эҳтиёжларини қондирадиган ва унинг фуқаролик ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини кафолатлайдиган қонунларда ва институтларда акс эттириш; маълум бир ижтимоий тартиб, ижтимоий тузилма, иерархия ва ташкилотнинг мавжудлиги; ижтимоий ҳимоя; келажакка ишонч, ўзини тутиш ва фаолиятни дастурлаш қобилияти. Баркамолликка эришиш учун эҳтиёжлар психофизиологияда идеал эҳтиёжлар шахснинг ривожланиши учун биологик жиҳатдан аниқланган асос сифатида кўриб чиқилади. Бу гуруҳ қўйидагиларни ўз ичига олади: 1) янгиликка бўлган эҳтиёж; 2) компетенцияга бўлган эҳтиёж; 3) енгиги үтиш зарурати. Янгиликка бўлган эҳтиёж кишининг йўналтирувчи-тадқиқот фаолияти асосида ётади ва унга атрофдаги оламни фаол билиш имкониятини беради. Иккала омил омиллари ушбу эҳтиёжни актуаллаштириш билан боғлиқ: фаол стимуляция етишмовчилиги, бу янги стимулларни (мураккаб ва ўзгарувчан) қидиришни талаб қиласи ва бизни ноаниқликни камайтириш йўлларини излашга мажбур қиласи. Инсон эҳтиёжлари соҳасини тавсифлашда, баъзида ахборотга бўлган эҳтиёж эҳтиёжнинг алоҳида тури сифатида ажратилади, бу "сезгир очлик" эмас, балки тури стимуляцияларга бўлган эҳтиёждир. Ахборотга бўлган эҳтиёждан қониқмаслик нафақат одамнинг ақлий мувозанатида, балки унинг танасининг ҳаётий фаолиятида ҳам бузилишларга олиб келиши мумкин. Масалан, тўлиқ сезги изоляцияси буйича тажрибаларда, соғлом одам маҳсус ҳолатга ботирилади, бу эса уни ҳар хил ҳолатлар (акустик, визуал, сезгир ва ҳоказо) нинг ҳиссий стимулларидан деярли бутунлай ажратишга имкон беради. Бир мунча вақт ўтгач (бу

ҳар бир киши учун ҳар хил), одамлар руҳий безовталикни (тана сезгиларининг йўқолиши, галюцина-циялар) бошдан кечирадилар, бу асаб бузилишига олиб келиши мумкин. Аммо ягар бир хил стимул ритмик эмас, балки тасодифий тартибда тақдим этилса, одамнинг умумий ҳолати яхшиланади. Рағбатлантириш параметрлари ўзгаришсиз қолганда, ноаниқлик лаҳзаси ва маълум бир маънога ёки маълумотга эга бўлган прогноз қилиш имконияти пайдо бўлади. Бу инсоннинг руҳий ҳолатини нормаллаштиришга ёрдам беради. Шундай қилиб, ахборотга бўлган эҳтиёж, идеал эҳтиёжларга тегишли бўлса ҳам, инсон учун ҳаётий аҳамиятга эгадир.

Инсон экологиясининг муҳим хусусиятларидан бири, унинг бутун умри давомида, муайян тўсиқларни бартараф этишга, ёки уларни ҳал қилишга бўлган ҳаракатидир. Бундай ҳаракат шаклларидан бири таълим олишга, мустақил ўқишга бўлган ҳаракатидир. Ўқишининг табиий шартларидан бири, бу инсонни билимли қилишга, мутахассислик, касб эгаллашга йўналтиришидан иборат. Бундай интилиш, шу ҳаракатни тўлиқ бажарилгунга қадар тақорорлаш истагида намоён бўлади ва ёш болаларнинг хатти-ҳаракатларидан бошланади ва таълимнинг барча бўғинларида давом этади.. Ушбу эҳтиёжнинг мослашувчан маъноси аник: унинг қониқиши инструментал маҳоратни ўзлаштириш учун замин яратади. Инсоннинг енгиш зарурати ҳақиқий тўсиқ мавжуд бўлганда юзага келади ва одам бу тўсиқни енгиб ўтишга бўлган истаги билан белгиланади. Эволюцион физиология нуқтаи назаридан, санаб ўтилган ижтимоий ва идеал эҳтиёжлар инсоннинг мотивацон-эҳтиёж соҳасида ўз ифодасини топиши керак. Шахсий ривожланиш жараёнида асосий эҳтиёжлар ижтимоий-лашади, шахсий контекстга киритилади ва фаолиятнинг мотивига айланиб, сифат жиҳатидан янги таркибга эга бўлади. Аммо инсонда мавжуд бўлган ҳар бир эҳтиёжини ҳар хил йўллар билан қондириш мумкин. Ушбу усуllар севги, мулоимлик, адолат, мустақиллик ва ҳақиқатга интилишда, нафратда, садизмда,

бузғунчиликда, яратувчанлик, ташкилот-чилик фаолиятида намоён бўлади.

Иқтисодий эҳтиёжлар биологик ва ижтимоий эҳтиёжларни моддий қўллаб-қувватлаш турли истеъмол усуллари ёрдамида амалга оширилади, уларнинг асосий қисми (хизматлар ҳам) сўзнинг кенг маъносида товарлардир. Шахсий эҳтиёжлар ва турли товарлар ва хизматлар йигиндиси асосида бирламчи эҳтиёжлар билан бир қаторда иккиламчи, ихтиёрий эҳтиёжларнинг иккинчи даражали соҳаси вужудга келади. Замонавий инсоннинг асосий эҳтиёжларини моддий таъминоти озиқ-овқат ва асосий эҳтиёжлар таркибига нисбатан турли моддалар, материаллар ва энергияни истеъмол қилишнинг сезиларли даражада кўпайиши билан боғлиқ. Маданиятли инсон учун иссиқлик ва фазовий қулайлик, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари ва қулайлик восита-ларини ишлаб чиқариш учун минимал энергия истеъмоли ҳам озиқ-овқат энергиясига нисбатан каттароқдир. Иккиламчи эҳтиёжлар, бирламчи эҳтиёжлардан устун бўлганлиги сабабли, харажатларни бир неча баравар оширади. Иккиламчи нарса-ларга одамларнинг урф-одатлари ва шахсий диди ва мойнилиги асосида моддий ҳаётни танлаш имкони туғилганда пайдо бўладиган муайян нарсалар ва шароитлар киради. Бир хил миқдордаги тўлиқ озуқавий моддаларни озиқ-овқатдан олиш мумкин, уларнинг нархи тубдан фарқ қиласи (масалан, ўрмонда тўпланган қўзиқорин, ёнгоқ, резаворлар, ўтлар, дарёга тутиб олинган балиқ нархини, ресторандаги ширин кечки овқат билан солиштиринг). Паҳтадан ясалган пиджак ва шашка пальтоси билан тенг иссиқлик қулайлигига эришиш мумкин. Саройларнинг қулааларга нисбатан нисбий афзаллик-лари аллақачон маълум бўлган. Ушбу мисоллардаги фарқлар фақат иккинчи даражали эҳтиёжлар билан боғлиқ. Бирламчи ва иккиламчи материал эҳтиёжлари ўртасидаги чегара унчалик аниқ эмас. Юқоридаги миқдорий чеклов бу эрда бўлиши мумкин: асосий эҳтиёжлар чекланган (сиз нафас ололмайсиз, овқатланолмайсиз, истаганингизча истеъмол қила олмайсиз),

иккиламчи эҳтиёжлар, айниқса, товарлар томонидан қондириладиган эҳтиёжлар чексиздир. Айнан шу хусусият замонавий иқтисодиёт деярли фақат иккиламчи эҳтиёжлар соҳаси ҳисобидан ривожланиб бориши ва ушбу соҳанинг кенгайиншини рағбатлантирувчи ҳар томонлама - маркетингнинг барча арсеналлари ёрдамида эҳтиёжлар ва товарлар ассортиментидан иборат бўлади.

Моддий ёрдам нафақат моддий - энергия, балки ахборот, ижтимоий-психологик ва ижтимоий эҳтиёжларни қондириш учун керак, уларнинг аксарияти иккинчи даражали. Замонавий бозор ҳар хил тузилмалар ва улардан келиб чиқадиган барқарор талаб: зўравонлик соҳалари, жумладан, қурол ишлаб чиқариш, базавий завқ (алкоголь, гиёхванд моддалар, қимор ўйинлари, парфюмерия, поп мусиқаси), шахсий устунлик хусусиятлари ва бошқалар. Шахсий обрўнинг эҳтиёжларидан фойдаланган ҳолда, ўрнини босувчи ва соҳта эҳтиёжлар соҳаси ҳар томонлама рағбатлантирилиб, одамнинг баҳолашини "бўлиш"- "кўринишга" қарашга, яъни "кўринишга", яъни, ички хусусиятлардан ташқи хусусиятларга, инсон томонидан тайинланган нарсаларга. Турли соҳта ва заарали эҳтиёжлар фақат иккиламчи эҳтиёжлар соҳасида вужудга келади. Жамиятнинг бир қисми қаршилик кўрсатишига қарамай, уларнинг эҳтиёжлар таркибидағи улуши аста-секин ўсиб бормоқда, чунки бу кўп жиҳатдан талаб ва таклифнинг ўзаро боғлиқдигига боғлиқдир. Бундан фарқли ўлароқ, ҳайвонлар инстинкти популяцияга ёки турларга зарар этказиши мумкин бўлган эҳтиёжлар ва хулқ-атвор ўзгаришини бугунлай бекор қиласи ва шу нуқтаи назардан, улар объектив хусусиятга эгадир.Faқат кучли супра-инстинкттив мотивацияга эга бўлган одам кўпинча иррационал эҳтиёжларга эга ва объектив иррационал равишда, яъни асоссиз хатти-ҳаракатлар. Бу одамларнинг иқтисодий эҳтиёжлари ўргасидаги тобора кучайиб бораётган қарама-қаршиликларга нисбатан кўпроқ қўлланилади.

# IV БОБ. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИННИНГ ИНСОН ЭКОЛОГИЯСИН БИЛАН УЙГУНЛИГИ

## 4.1. Экологик тангликтин инсон фаолиятига таъсирини юмшатишининг ижтимоий аҳамияти

Инсон экологияси муаммоларининг ечимида чиқиндиларни утилизация қилиш, улрни инсон учун хавфсиз ҳолатга келтирип мұхым амалий аҳамият касб этади. Чиқиндиларни утилизацияси муайян даражада маблаг ажратилиши, уларни сақлаш учун полигонларга ер ажратиш, сақлаш бүйича ҳаражатлар талаб қиласы. Шунинг учун Ўзбекистонда қаттық майший чиқиндиларни санитария йўли билан тозалаш ва утилизация қилиш дастури амал қилмоқда. Ушбу дастур мұхым амалий аҳамиятга эга бўлганлиги учун, “бу дастурнинг амалга оширилиши шаҳарларимиз ва қишлоқ аҳоли пунктларининг тозалиги ва гўзаллигини ошириш, атроф-муҳитни заҳарлайдиган ва аҳоли саломатлиги учун хавф туғдирадиган, ноқонуний пайдо бўлган 1,5 мингта чиқиндиҳонани йўқ қилиш имконини беради”.<sup>118</sup>

Яна ривожланиш босқичида ер ресурслари ва ҳавони ифлослантиришга, турли юқимли касалликларнинг аҳоли орасида тарқалмаслигининг олдини олиш мақсадида, “барча вилоятлар марказларида ҳамда йирик шаҳарларда 168 та полигон барпо этилади. Чиқиндиларни тозалаш билан шугулланадиган ташкилотлар қўшимча равишда 405 та замонавий маҳсус техника билан таъминланади”<sup>119</sup>.

Экологик тангликтин инсон фаолиятига Орол дengизи ҳалокати таъсирини бартараф этиш учун комплекс чоратадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Тарихий маълумотларга кўра,

<sup>118</sup> Шавкат Мирзиёев.Миллий тараққиёт йўлнимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга куттарамиз.Том 1, Тошкент, “Ўзбекистон”.2017, 816.

<sup>119</sup> Шавкат Мирзиёев.Миллий тараққиёт йўлнимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга куттарамиз.Том 1, Тошкент, “Ўзбекистон”.2017, 816.

ундан 21 миллион йил аввал Орол, Каспий ва Қора дengиз ҳиммаси бир бўлиб бу уммон Тэтис деб номланган. Бугунги Устюрга кенгликлари, Қорақум, Қизилқум саҳролари ана шу улкан Тэтис уммони билан қопланган эди.

Тектоник жараёнлар сабабли Устюрга тепага кўтарилиб, Қора дengиз, Каспий, Орол дengизлари бўлиниб кетади. Ҳозирги даврда дунё аҳли Орол дengизини йўқолиб кетишидан хавотирда. Орол экологик муаммосини юмшатиш учун ҳам қум ва тузларни чекинишини жиловлаш борасида, мамлака-тимиз илм фан намоандалари томонидан кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Орол дengизини қуриган тубида яшил майдон барпо этиш бўйича бир қатор илмий, амалий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ушбу экологик муаммо, Орол дengизининг қуриган тубида экологик ҳолатни барқарорлаштириш нафақат юртимиизда, балки бутун дунёда муҳим масалага айланди. Бугунги кунда Оролни қуриган туби 5,5 миллион гектар ер сувсиз бўлиб, ундан ҳар йили юз миллион тонналааб туз, қум атмосферага чиқиб бормоқда. Бу эса мамлакатимиз ҳудудларига тушиб, аҳоли орасида турли касалликлар кўпайишига сабаб бўлмоқда. Щунингдек, қишлоқ хўжалигида яроқди бўлган ерларнинг шўрланишига олиб келди.

Олимларнинг таҳлиллари тасдиқлайдики, Орол дengизи сувининг сатҳи Амударё ва Сирдарё сувининг режими билан боғлиқлигидан, бу икки дарё суви сугоришга қанча кўп сарфланса, дengизда сув сатҳи шунчак камая борган. Айниқса, ўтган асрнинг 60-йилларидан сугориладиган экин майдонларининг кенгайтирилиши натижасида дengизга Амударё ва Сирдарёдан қуйиладиган сув миқдори йилдан йилга камайган. Оқибатда дengизда сув сатҳи жадал суръатларда пасая бошлаган. Орол дengизида сув сатҳи пасайишининг унинг сув юзаси ва сув сифимига таъсири Орол дengизи да сув сатҳининг пасайиши сув баланси элементларининг қийматларига ҳам кескин таъсир кўрсатди: 1911-1960 йилларда дengиз сатҳи ўртача  $53,04$  метрни ташкил этиб, дарёлар дengизга қўядиган сув миқдори  $56 \text{ km}^3$ , дengиз юзасига ёғган атмосфера ёғинлари

микдори эса 9,1 км<sup>3</sup> га тенг бұлған. Сарфланиш, яъни чиқым эса, асосан, бүгланишдан иборат бўлиб, шу даврда ўртача 66,1 км<sup>3</sup> ни ташкил этган. Шу давр ичида сув балансида салбий фарқ қайд этилган: дengiz ҳар йили 1 км<sup>3</sup> дан, 1911-1960 йиллар давомида 50 км<sup>3</sup> ҳажмдаги сувни йўқотган. Ҳозирги кунда Орол дengизи 3 бўлакка бўлинган: биринчиси - кичик ва саёз Шимолий қисми (шўрлиги – 8-13 г/л); иккинчиси - нисбатан каттароқ майдонга эга бўлган ва саёз Шарқий қисми (шўрлиги – 69-72 г/л); учинчиси - энг чуқур ҳисобланган Гарбий қисми (шўрлиги - 68-69 г/л)<sup>120</sup>.

Дengiz чўл минтақасида жойлашганидан унинг юзасидан ҳар йили 1 метр қалинликдаги сув бугланган. Ўтган асрнинг бошларидан сув сатҳи пасая бошлаган. Таҳдиллар тасдиқладики, 1911-1960-йиллар давомида Орол дengизига дарёлардан ёмғир ва қор ёгини билан бирга бир йилда, ўртача 65 куб, км сув келиб турган, сув юзасидан эса 66,10 куб, км сув бугланган. Шундай қилиб, ҳар йили дengиз 1 куб км 50 йил давомида эса 50 куб, км сувни йўқотган. Сув сатҳи, айниқса, ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб сугориладиган экин майдонларининг кенгайтирилиши, Амударё ва Сирдарё сувларининг сугоришга ишлатилиши туфайли кескин камая бошлаган. Ўтган 40 йилдан кўпроқ вақт давомида Орол дengизининг майдони деярли 4 марта, сув сатҳи 1,8 марта, ундаги сув ҳажми 9 мартага яқин камайди. Дengиз сувининг шўрланиши 9-10 г/л дан 70-84 г/л гача ортди. Ҳозирги кунда дengиз чуқурлигининг камайиши йилига 80-110 см ни ташкил этади. Ўтган 40 йил мобайнида қирғоқ чизиги 80-100 км пасайган. Бунинг оқибатида 4,5 млн гектардан ошиқроқ дengиз туби очилиб қолди. Унинг саёз кичик Шимолий қисмининг суви кучсиз минераллашган (8-13 г/л), бирмунча каттароқ саёз Шарқий қисми анча кучли шўрланган (68-72 г/л)<sup>121</sup>.

<sup>120</sup> Орол дengизи [http://www.ntsomz.ru/projects/eco/econews\\_271108\\_beta](http://www.ntsomz.ru/projects/eco/econews_271108_beta)

<sup>121</sup> Орол дengизининг ҳозирги ҳолати

[https://enc.for.uz/w/index.php?title=Orol\\_dengizi&action=edit&section=5](https://enc.for.uz/w/index.php?title=Orol_dengizi&action=edit&section=5)

Орол денгизи асосан Амударё ва Сирдарёдан сув олади. Сунги йилларда Сирдарё суви сув омборларини тўлдиришга ва сугоришга фойдаланилиши туфайли Орол денгизига етиб бормайдиган бўлди. Амударё ва унинг ирмоқларида сув омборлари қурилиб, кўп миқдордаги сув каналлар орқали экин далаларига оқиза бошланди. Бунинг оқибатида Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарё ва Амударёга етиб бормайдиган бўлиб қолди. Ҳозирги даврда Амударёдан сув оладиган каналларнинг умумий узунлиги 170 минг км дан, сув омборлари сони 50 тадан ошиб кетди. Уларнинг сув сигими 16-17 млд кубокилометрни ташкил этади.

Сув захираларидан ноўрин фойдаланиш - Амударёнинг юқори ва ўрта оқимларидағи ҳудудларда сизот сувларининг кўтарилиб, тупроқдаги намлик буғланишининг кўчайиши ва бунинг оқибатида тупроқларнинг шўрланишининг ортишига олиб келди. Оролбўйи ҳудудларида эса сизот сувлари юзаси пасайиб, эр юзаси шўрҳоқ тупроқ билан қоплана бошлади.

Орол денгизи сув сатҳининг пасайиши билан қирғоқ чизиги 100 км дан ортиқроқ орқага чекинди. Денгиз туби ёш Оролқум чўли пайдо бўлди. Шундай қилиб, Амударё ва Сирдарё сувидан ноўрин фойдаланиш 20 аср охирида 3 млн дан кўпроқ аҳоли яшайдиган ҳудудда, “Орол фожиаси” деб аталган глобал экологик ҳалокатни шакиллантириди.

Орол денгизи ўрнида пайдо бўлган Оролқум майда туз ва тупроқ заррачалари билан қопланган. Шамол эсганида туз ва тупроқ заррачаларидан иборат чанг ҳавога кўтарилиб, узоқ масофаларга тарқалади. Айрим маълумотларга қараганда, Қорақалпогистон Республикасида сугориладиган майдонларнинг ҳар гектарига бир йил давомида 250 кг, айрим ҳудудларда 500 кг. гача тузли чанг ёғилади. Қуриган денгиз тубидан бир йил давомида 15 млн. дан 75 млн. тоннагача чанг кўтарилиши мумкин. Тузли чанг тӯфонларнинг кенглиги 40 км га; узунлиги 400 км га этади. Тузли чанг Оролқумдан ўнлаб, ҳатто юзлаб км масофага тарқалиб, табиий ўтлоқлар, воҳалардаги экинлар, боғлар, шаҳарлар ва қишлоқлар устига

ёгилади. Орол чанги, ҳатто Тянь-шан ва Помир төгларында музликларидағи музликларга ҳам етиб бориб, у ердагы музликларнинг эришини тезлаштириб юборган<sup>122</sup>.

Чұлланиш ва шүрланишнинг тезлашуви оқибатида сұнгти йилларда 50 минг гектарга яқин екін майдони қишлоқ хұжалигыда фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолди. Ноқулай экологик вазият қишлоқ хұжалик экинлари ҳосилини ва чорна маҳсулотлари етиштиришнинг кескин камайишига олиб келди.

Орол денгизининг қурий бошлаши иқлимга ҳам таъсир күрсатди, Иқлим янада континенталлашиб, қишки ҳарорат үртача икки градусга пасайды, ёзги ҳарорат эса икки градусга күтарилади. Бунинг натижасида совук күнлар эрта тушиб, экинларнинг пишиб етилиши кечика бошлади. Оролбўйи ҳудудида вужудга келган экологик танглик аҳоли саломатлигига ҳам таъсир күрсата бошлади. Аҳоли үртасида юрак-қон томир, ошқозон-ичак, нафас олиш органдары касалларни (ұпка сили, астма, бронхит) күпайди. Ҳудудда камқонлик касаллиги 60 йилларга нисбатан деярлик 20 марта ошғанлиги кузатилган.

Экологик танглик Оролбўй табиати, үсимликлар ва ҳайвонот дүнёсига ҳам катта зиён етказди. Сув захирала-рининг камайиши ва шүрланиши натижасида яйловларда чорва учун озиқ бўладиган үсимликлар тури ва сифати камайиб, ўтлоқлар майдони деярлик уч мартаға қисқарди. Амударё ва Сирдарё сувининг камайиши, сув тошқынларининг бўлмаслиги, дарёларнинг сув босадиган қирғоқларида ястаниб ётадиган тўқайлардаги хилма-хил үсимликларнинг қуриб, йўқ бўлиб кетишига олиб келди. Уларнинг ўрнини қургоқчиликка чидамли юлғун, шувоқ каби чўл үсимликлари эгалламоқда. Тўқайларнинг йўқолиши кўплаб үсимлик ва ҳайвон турларининг қирилиб кетишига сабаб бўлди. Ўтган 20 асрнинг иккинчи ярмида Амударёнинг куйи қисмидаги тўқайларнинг бузилиши билан бу жойлардан йўлбарс, бухоро буғуси йўқолиб

<sup>122</sup> Орол бўйи ҳудудининг экологик муаммолари.

[https://enc.for.uz/w/index.php?title=Orol\\_dengizi&action=edit&section=6](https://enc.for.uz/w/index.php?title=Orol_dengizi&action=edit&section=6)

кетди. Жанубий Оролбўйидаги 60 дан ортиқ қушлардан 10 га икин тури йўқолиб бораётгани ва 42 туридан ортиғи ноёб турга айланадётгани ҳақиқатдир. Шўрланишининг кескин ортиши туфайли Орол денгизи тобора ўлик денгизга айланаб бормоқда. Орол денгизи ва Оролбўйида сув ҳавзаларда тарқалган 28 тур балиқлардан 12 тури, жумладан Амударё қуракбурун, Орол мўйловдори йўқолиб кетаётган ва ноёб турларга киритилган<sup>123</sup>.

Хоразм вилояти маркази Урганч шаҳрида Орол денгизи муаммосига бағишлиланган "Орол денгизи минтақасидаги экологик оғат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш" мавзусида ҳалқаро анжуман иштирокчилари олдидаги видеоконференция орқали чиқишида БМТ Бош котиби Пан Ги Мун ҳалқаро донорларни экологик муаммо оқибатларини бартараф этишга чақирган. БМТ Бош котиби конференцияда сўзлаб, таъкидладики, "Бугун Орол денгизи қуриб қолиш ёқасига келиб қолган ва бу йўқотиш нафақат Ўзбекистондаги, балки унинг атрофидағи миллионлаб инсонларнинг ҳаётига таъсир кўрсатади. Орол денгизи қуриб қолишининг асосий сабаби сув ресурсларидан номутаносиб фойдаланишдир".<sup>124</sup>

БМТ Бош котиби Пан Ги Мун 2010 йил апрелида Орол дengизининг қуриб қолган ҳудудини бориб кўрган эди. Анжуман иштирокчиларига мурожаатида Ўзбекистон биринчи Президенти Ислом Каримов, Марказий Осиё республикалари 1993 йилда ташкил этган Оролни қутқариш ҳалқаро жамгармаси дengиз ва Оролбўйи муаммоларини ҳал қилишга 2 миллиард долладан зиёд маблағ сарфланганини, лекин кўрилган чораларга қарамасдан, "Минг афсуски, бугунги кунда Орол

<sup>123</sup> Оролбўйи ҳудудининг экологик муаммолари

[https://enc.for.uz/w/index.php?title=Orol\\_dengizi&action=edit&section=6](https://enc.for.uz/w/index.php?title=Orol_dengizi&action=edit&section=6)

<sup>124</sup> БМТ БОШ котиби ҳалқаро ҳамжамиятни Оролни қутқаришга чақиради..  
[https://www.bbc.com/uzbek/uzbekistan/2014/10/141029\\_aral\\_conference](https://www.bbc.com/uzbek/uzbekistan/2014/10/141029_aral_conference)

дengizini тўлиқ қайта тиклаш имкони йўқлиги тобора аен бўлиб бормоқда", деб таъкидлаган.<sup>125</sup>

2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг Оролбўйига сафари давомида муаммонинг ечимига қаратилган аниқ чоралар ишлаб чиқилди. 2018 йил кузи ва 2019 йил баҳорида 500 минг гектар майдонда яшиллик барпо этилди. 2020 йилда бу кўрсаткични 700 минг гектарга етказилади. Янги ривожланиш босқичида экологик мувозанатни тиклашага қаратилган ишларнинг самарадорлиги туфайли, Орол дengизи қуриган тубида, ўтган 40 йилда ўрмон барпо этишнинг 400 минг гектар ободонлаштирилган. Бир йилда эса 500 минг гектар ўрмонзор барпо этилди<sup>126</sup>.

Оролни "тўлдириш", уни "ортга қайтариш" йўналишида бир қатор таклифлар, тахминлар мавжуд. Биринчиси, сув билан тўлдириш. Бунинг учун Россиядаги дарё ўзанини бошқариб, оролга олиб келиш режаси мавжуд. Бунинг учун 25 йил давомида ҳар йили 600 миллион доллар сарфлаш керак. Бунинг ҳам имкони йўқ. Иккинчидан, Орол дengизи тубида "яшил ҳудуд" барпо этишдан иборатdir. Асосий ишлар доирасида саксовулзор барпо этиш, қандим, юлгунни кўпайтириш билан бирга, янги ўсимликлар ҳам синаб кўрилмоқда. Мақсад келажакда Оролни ўтлар билан қоплаш, чорва учун озуқа этиштириш. Олимларнинг умумий хуроса-сига кўра Оролни илгари ҳолатига қайтариш имконияти йўқ. Фақат яшил қоплама билан унинг қуриган тубидан салбий оқибатларни бартараф этиш мумкин<sup>127</sup>. Орол дengизининг қуриб бориши ва унинг ўрнида заҳарли, йирик туз майдон-ларининг вужудга келиши, нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё давлатлари учун йилдан-йилга катта муаммоларни келтириб чиқармоқда.

<sup>125</sup> БМТ БОШ котиби ҳалқаро ҳамжамиятни Оролни қутқаришга чакирди. [https://www.bbc.com/uzbek/uzbekistan/2014/10/141029\\_aral\\_conference](https://www.bbc.com/uzbek/uzbekistan/2014/10/141029_aral_conference)

<sup>126</sup> Сайёра Шоева, Ёқуб Мелибоев. 40 йилида 400 минг гектар, бир йилда эса 500 минг гектар ўрмонзор барпо этилди. <https://uza.uz/oz/society/orol-dengizi-ya-in-kelazhakda-nimalar-r-y-beradi-mutakhassis-27-02-2020>

<sup>127</sup> Сайёра Шоева, Ёқуб Мелибоев. 40 йилида 400 минг гектар, бир йилда эса 500 минг гектар ўрмонзор барпо этилди. <https://uza.uz/oz/society/orol-dengizi-ya-in-kelazhakda-nimalar-r-y-beradi-mutakhassis-27-02-2020>

Хусусан, Оролбўйи аҳолиси орасида турли хавфли қасалликларнинг ортиб бориши, чорва ва бошқа турдаги ҳайвонларнинг нобуд бўлиши, шунингдек, дехқончилик учун ер майдонларининг яроқсизлиги ҳамда бошқа йирик муаммолар шулар жумласидандир. Бундай шароитда ягона ечим бу - ҳудудда биохилмажилликни вужудга келтириш ва турли йўллар билан аҳоли саломатлигини яхшилашдан иборат. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон жаҳондаги йирик халқаро ташкилотлар эътиборини мазкур муаммога қаратиш орқали Оролбўйи ҳудудида нисбатан қулай муҳит яратишга интилоқда.

Ушбу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан Ислом тараққиёт банки, шўрланиш шароитида биодехқончилик халқаро маркази (ICBA), БМТ озиқ-овқат ташкилоти, Қурғоқчилик масалаларини тадқиқ этиш ва таълими бўйича халқаро платформа (IPDRE), АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ECFS ташкилоти ҳамда БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда манбаатдор томонлар иштироқида Кўп тармоқли форум ташкил қилинди.<sup>128</sup>

Шунингдек, ушбу стратегик вазифани амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Орол дengизи тубидаги суви қуриган ҳудудларда «яшил қопламалар» - ҳимоя ўрмонзорлари барпо этиш бўйича чоратадбирлар тўғрисида” 2019 йил 25-декабрда махсус қарори қабул қилинди.<sup>129</sup> Вазирлар Маҳкамаси қарорида таъкидланадики, Орол дengизи тубидаги суви қуриган ҳудудларда «яшил қопламалар» - ҳимоя ўрмонзорлари барпо этиш, экологик муҳитни барқарорлаштириш ҳамда табиий мувозанатни

<sup>128</sup> «Ўзбекистон Орол дengизи билан боялиқ муаммо туфайли кўп пул йўқотмоқда» — Халқаро марказ директори муаммо бўйича таклифлар берди.

<https://kun.uz/news/2019/09/10/ozbekiston-orol-dengizi-bilan-bogliq-muammo-tufayli-kop-pul-yoqotmoqda-xalqaro-markaz-direktori-muammo>

<sup>129</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Орол дengизи тубидаги суви қуриган ҳудудларда «яшил қопламалар» — ҳимоя ўрмонзорлари барпо этиш бўйича чоратадбирлар тўғрисида” 2019 йил 25-декабрда махсус қарори қабул қилинди, Конун ҳужжатлари маълумотлари миллӣ базаси, 25.12.2019 й., 09/19/1031/4192-сон)

тиклаш мақсадида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Олиб борилган комплекс фаолият натижасида, Орол денгизининг қуриган ҳудудида 1,126 минг гектар майдон экишига тайёрланиб, 461 минг гектарда ўрмон барпо қилиш ишлари амалга оширилди, жумладан, 93 км масофада ҳимоя тўсиқлари ташкил этилиб, келгуси экиш мавсумларида ушбу ҳудудда экиш ишларини давом эттириш учун 420 гектар майдонда саксовул ниҳоллари экилди.

Орол денгизининг суви қуриган тубидан кўтарилаётган кўм, туз ва чанг заррачаларининг салбий таъсирини камайтириш, ушбу ҳудудларда чўл ўсимликларидан «яшил қопламалар» - ҳимоя ўрмонзорлари барпо этиш ишларини изчилик билан давом эттириш ҳамда глобал иқдим ўзгаришлари ва Орол денгизи қуришининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёти ва фаолиятига салбий таъсирини янада юмшатиш, шунингдек, 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни тизимли амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Орол денгизининг суви қуриган тубида «яшил қопламалар» - ҳимоя ўрмонзорлари (кейинги ўринларда «яшил қопламалар» деб аталади) барпо этишни давом эттириш тўғрисидаги таклифига розилик берди<sup>130</sup>. Шунингдек, Орол денгизи қуриши натижасида юзага келган экологик ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, Орол денгизи инқизорининг салбий оқибатларини юмшатишга ҳисса қўшиш зарур. Шу муносбат билан қайд этиш лозимки, минтақа халқлари ўртасидаги маданий алоқаларнинг янги босқичга кириши, ушбу масалалар ечимида муҳим аҳамият касб этади.

<sup>130</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Орол денгизи тубидаги суви қуриган ҳудудларда «яшил қопламалар» — ҳимоя ўрмонзорлари барпо этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 25-декабрда маҳсус қарори қабул қилинди Қонун хўжатлари маълумотлари миллӣ базаси, 25.12.2019 й., 09/19/1031/4192-сон)

2018 йилнинг август ойида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг саммитида таъкидланганидек Орол дengизининг қуриши муаммоси минтақавий халқарининг ижтимоий, иқтисодий ривожида алоҳида ўрин тутади, яъни ушбу экологик танглик, минтақадаги мавжуд бўлган умумий фожиадир. Унинг салбий оқибатлари, тобора чуқурлашмоқда, минтақа халқлари ҳётига салбий таъсир кўрсатмоқда.. Оқибатда биз сув ресурслари тақчиллиги, ичимлик суви сифатининг ёмонлашуви, тупроқнинг деградацияга учраши, биохилма-хилликнинг кескин камайиши, жиҳдий иқлим ўзгаришларида сезилмоқда. Минтақа халқарининг яшаш шароитига бирдек таъсир кўрсатаётган чўлланиш жараёнини тўхтатиш, унинг оқибатларини пасайтириш ҳам Экологик партия аъзолари томонидан ечими топилишига эътибор қаратишлари зарур-дир. Иқтисодиётнинг комплекс ривожланиши, минтақада экологик хавфсизлик, сув ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш заруриятини вужудга келтирди. Бу борада, “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида Траст фондининг тузилиши ўзбек дипломатиясининг катта ютуғи бўлди”.<sup>131</sup>

#### **4.2. Барқарор ривожланиш даврида инсон экологиясини шакллантиришнинг инновацион механизмлари**

Муайян суръатда мавжуд экологик танглик глобал ва минтақавий характерга эга бўлганлиги учун давлат раҳбарларининг халқаро учрашувларида муҳокома қилинади Ўзбекистон раҳбари Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 2018 йил 15 мартағи Қозогистон Республикаси Остона шаҳридаги маслаҳат учрашувида сўзлаган нутқида “савдо иқтисодий, инновация, инвестиция, транспорт ком-

<sup>131</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. Халқ сўзи, 29 декабрь 2018 йил.

муникация, банк молия, сув энергетика ва маданий гуманитар соҳалардаги шериклик бўйича аниқ дастурлар “йўл хариталири”ни ишлаб чиқиши зарурлиги ҳақидаги пурнома фикрни илгари сурди.<sup>132</sup>

Муаммонинг тадқиқи зарурияти, долзарблиги, мамлакат тараққиётидаги, шахс камолотидаги ўрни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга биринчи мурожаатномасида таъкидланган эдик, яъни «Ўтган давр мобайнида ташқи сиёsat соҳасида хорижий давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш борасида сезиларли натижаларга эришдик. 2017 йилда 21 та олий даражадаги ташрифлар амалга оширилди, 60 дан ортиқ давлат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари билан учрашувлар ўtkазилди. Натижада 400 дан ортиқ битим ва келишувларга эришилди, қарийб 60 миллиард АҚШ доллари ҳажмидаги савдо ва сармоявий шартномалар имзоланди. Қабул қилинган ҳужжат ва келишувларни ўз вақтида тўлиқ бажариш мақсадида 40 та “йўл харитаси” ишлаб чиқилди ва хорижий ҳамкорларимиз билан биргаликда амалга оширилмоқда<sup>133</sup>. Айниқса янги ривожланиш даври учун муҳим аҳамият касб этадиган, миллатлараро муносабатлар ва қўшни давлатлар билан экологик вазиятни юмшатадиган, инсон ҳаёти хавфсизлигини таъминлайдиган алоқаларнинг янги босқичини бошлаб берди. Бу толерант мазмун касб этадиган амалий фаолият туфайли “Ўзбекистоннинг ташқи сиёsatида Марказий Осиё – бош устувор йўналиш” тамойилини амалда татбиқ этишга киришдик. Натижада минтақамизда мутлақо янги сиёсий мухит яратилди, ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик асосидаги алоқалар мустаҳкамланмоқда”<sup>134</sup>.

<sup>132</sup> Шавкат Мирзиёев. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Тошкент, “Ўзбекистон”, Том 2.,Б.350.

<sup>133</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси. Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь

<sup>134</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси. Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь

Янги тараққиёт босқичида азалий қўшини, маданий, экологик, иқтисодий ҳамкор бўлган, тили, урф одатлари ўхшайдиган қардош халқдар “Туркманистон ва Қирғизистон билан стратегик ҳамкорлик ўрнатилди. Қозоғистон билан стратегик ҳамкорлигимизни янада чуқурлаштириш борасида бир қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди, 2 миллиард доллар миқдорида иқтисодий битимлар тузилиди. Тоҷикистон билан ҳамкорлигимиз ҳар томонлама мустаҳкамланмоқда. Тошкент ва Душанбе шаҳарлари ўртасида авиақатнов йўлга қўйилди. Қирғизистон билан давлат чегаралари тўғрисидаги битимнинг имзоланиши Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган катта қадам бўлди”.<sup>135</sup>

Бозор иқтисодиёти муносабатларининг чуқурлашуви, минтақа далатлари орасида ижтимоий, иқтисодий муносабатларни янги юксалиш жараёнини кенгайтириш, экологик муносабатларни янада ривожлантиришни, уни янги тараққиёт босқичини муносаб суръатда ташкил этишда жамиятдаги барча потенциал имкониятларни сафарбар қилиш заруря-тини вужудга келтирди. Бундай ҳолат, ўз навбатида, бир мингақада яшаган ва фаолият юритаётган халқларнинг ер, сув ресурсларидан рационал фойдаланиш тарихини, унинг янги даврда ривожланиш тенденцияларини, ҳозирги даврдаги экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича ислоҳотлар мазмуни, мақсади билан ўзаро боғлиқдигини ижтимоий фалсафий жиҳатларини илмий асосда ўрганишни тақозо қиласди. Юқоридагиларни ҳисобга олиб, 2017 йилда биз қўшниларимиз билан сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш, чегараларни белгилаш, ўтиш пунктларини очиш, транспорт қатновини қайта тиклаш ва кенгайтириш каби кўплаб нозик масаллаларнинг ечимини топдик”.<sup>136</sup> Ушбу жараёнда фуқаролик жамияти институтларининг имкониятларига, улар фаолиятини янада кенгайтириш имкониятларини

<sup>135</sup> Узбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси. Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь

<sup>136</sup> Шавкат Мирзиёев. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Тошкент, “Ўзбекистон”, Том 2., Б.277.

топиш заруриятини шакллантиради. Шунингдек, улар фаолиятиги глобаллашув, минтақада экологик шаффофликни сақлаш, жамият тараққиётида инсон экологияси асосий омиллардан бирига айланганлигини англаш лозим. Таъкидлаш лозимки, экология соҳасидаги ҳалқаро ҳамкорлик, алоқаларнинг кенгайиши ҳалқлар ва миллатлар аро муносабатлар мустаҳкамланишидаги асосий омиллар қаторига киради. Инсон экологиясига мансуб алоқаларнинг ривожи, кенгайиши илм фан, олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтлари ходимларининг ҳамкорлигини ҳам тақозо қиласди. Бу жараён шировард натижада минтақа тараққиёти давомида учраётган экологик муаммоларни ҳалқаро илмий лойиҳалар кесимида тадқиқ қилиш вазифасини илгари суради. Тарихий, географик жойлашувга кўра, минтақа ҳалқлари асрлар давомида трансчегаравий сув ресурсларидан биргаликда фойдаланишган. Минтақа ҳалқларининг қадимий Ипак йўлидаги саноат, савдо марказларида жойлашганликлари натижасида савдо иқтисодий муносабатлар, маданий алоқалари ўзаро маданиятлар алмашинувида, этномаданиятларнинг бир-бирини тўлдиришида, ўзаро ижобий таъсирида намоён бўлган. Шунингдек, ҳозирги даврда минтақанинг баъзи давлатларида кузатилаётган терроризм, айирмачилик, диний экстремизм, одам савдоси, маҳаллийчилик, табиий ресурслардан рационал фойдаланишдаги айирмачилик каби салбий воқеаларни жамият ривожига таъсирининг олдини олишда, ушбу ҳолат-ларнинг асосий мақсадини фош этишда муҳим ўрин эгаллайди. Шунинг учун ҳам, “барча соҳаларда вазиятни ҳар томонлама ўрганиш ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун таъсирчан чоралар ишлаб чиқишида Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар ролини янада кучайтириш керак”.<sup>137</sup> Масаланинг амалий, назарий, тарбиявий жиҳатларига эътибор берилса, шунга амин бўламизки, сиёсий партиялар жамиятдаги етакчи сиёсий куч хисобланади. Сиёсий партиялар ўзининг интеллек-туал, илмий,

<sup>137</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси. Ҳалқ сўзи, 2017 йил 23декабрь

ташкилотчилик ва етакчилик имкониятларига эга бўлган кадрлар корпусига эгадир. Улбу потенциалдан, ислоҳотларнинг устувор вазифаларини ҳал қилишда самарали фойдаланиш даркор. Бу жараён сиёсий партия етакчиларидан ўтказилаётган тадбирларнинг юқори савида ташкил этилишини, электорат билан муносабатларни бозор иқтисодиёти талабларига, демократик ислоҳотларнинг жамиятнинг барча ижтимоий қатламларини қамраб олиши жараёнига мос суръатда, комплекс ёндашган ҳолда ташкил этишини талаб қиласди. Сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрни, уларнинг демократик жараёнлардаги фаоллиги, тарбиявий, ташвиқот ишларидаги ўрни, ёшлар билан ишлашда, уларни ислоҳотларга сафарбар этишдаги тарбиявий, ташкилотчилик фаолиятида кўринади. Шу муносабат билан, улар қаторидаги ёшлар қаноти бўлими ишини мунтазам такомиллаштириш, партия қаторларида фаолият олиб бораётган ижодкорларнинг маданий алоқалар тизимини янада юксалтириш, миллатлараро муносабатлар, ҳалқлар дўсталиги, ўзаро қўшничилик ҳамкорлигини тараннум этувчи бадиий асарлар, театр постановкалари, мўйқалам соҳиблари яратган композициялар, портретлар, опера, мусиқа спектакллари яратишга қўшаётган ҳиссасини янада ошириш вазифасини вужудга келтиради ва бу жараён ўз навбатада “партиялараро рақобатни таъминлаш, барча сиёсий субъектлар учун тенг шароитлар яратиш парламент ролини кучайтиришнинг мухим шарти ҳисобланади”.<sup>138</sup> Муаммонинг ечимиға бундай ёндашув жамиятдаги ижтимоий ҳамкорлик, партиялар ва жамоат ташкилотлари, маданият, санъат муассасалари орасидаги ижодий, ташкилий ишларни кучайтиришни ҳам тақозо қиласди. Сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрнининг ошиб бориши натижасида улар фаолиятига бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Шу муносабат билан, таъкидлаш лозимки, “2008 йилда ташкил этилган Ўзбекистон Экологик ҳаракати ўтган даврда чинакам

<sup>138</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси. Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь

сиёсий кучга айланди. Аммо тан олиш керак, Ҳаракат вакиллари парламент қуи палатасига квота асосида кирити-лиши унинг фаол ва ташаббускор бўлиб ишлапини муайян даражада сусайтирмоқда. Барча сиёсий кучлар учун тенг шароит яратиш ва парламент қуи палатасидан Экологик ҳаракат вакиллари учун маҳсус ўрин ажратишдан воз кечиш вақти келди, деб ўйлайман. Бу ўзгариш сиёсий майдонда соғлом рақобатни кучайтиради ва Экологик ҳаракатнинг алоҳида сиёсий куч сифатида мустаҳкамланишига хизмат қиласи".<sup>139</sup> Натижада 2018 йилда олиб борилган ташкилий ишлар туфайли, мамлакатимизда экологик партияни шакллан-тириш жараёни амалга оширилди ташкил этилди, 2019 йилнинг 8 январь куни Ўзбекистон Экологик партияси таъсис съезди бўлиб ўтди.

Таъкидлаш лозимки, қатоғонлик даврида атроф-муҳит ҳолатига эътиборсиз муносабатда бўлиш, табиий ресурслардан меъёрдан ортиқ фойдаланиш ва экологик талабларни менсимаслик Орол денгизи қуриши, чўлланиш, ер ва сув ресурсларининг таназзули, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси генофондининг ёмонлашуви, биологик хилмаҳилликнинг қисқариши, кўп миқдордаги саноат, майший ва бошقا чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши каби қатор глобал ва минтақавий экологик муаммоларни пайдо бўлишига олиб келди. Лекин вужудга келган экологик хатарларни бартараф этишининг илмий асосланган ечимлари топилмади. Ушбу муаммолар минтақада иқлим ўзгариши содир бўлаётган шароитларда янада яққолроқ ва кучлироқ намоён бўлмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимиз ва мантақа халқлари учун ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва уни соғломлаштириш масалаларини янада долзарб қилиб қўймоқда.

Мамлакатда давлат ва жамият қурилиши соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида ва Ўзбекистон экологик ҳаракати томонидан тўпланган тажрибалар асосида янги сиёсий партияни ташкил этиш зарурати вужудга келди. Янги

<sup>139</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси. Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь

тараққиёт босқичида, экологик сиёсий партиянинг асосий мөтибори атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мамлакат ҳар бир фуқаросининг умумий иши бўлишига қаратилади. Таъкидлаш лозимки, ҳозирги даврда хорижий давлатлар амалиётида экология соҳасидаги сиёсий партиялар фуқаролик жамиятида муҳим ўринга эга. Жумладан, дунёда 100 га яқин давлатларда экологик партиялар фаолият олиб боради.<sup>140</sup> Бозор иқтисодиёти чуқурлашуви шароитида экологик партиялар мамлакатлар сиёсий майдонининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида вакиллик органларида ўз ўринларга эгадир. Мамлакатда барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, аҳоли учун қулай экологик шароит яратиш ва ноёб табиатни сақлашга жамиятнинг барча кучларини сафарбар қилиш, ҳудудий ва маҳаллий экологик ва фуқаролар соғлигини муҳофаза қилиш, шахснинг маданий савиасини оширишга йўналтирилган дастурларини ишлаб чиқиш зарурдир. Шунингдек, жамиятда адолининг экологик маданияти даражасини кўтариш, ёшларда миллий фурур, Ватанга ва ватанимиз табиатга ҳурмат, уни асраш ва келгуси авлодларга етказиш ҳиссини шакллантириш лозим. Экологик партия аъзолари, ҳозирги даврда ёшларни табиат ресурсларидан фойдаланишга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш ишларига муносаб ҳисса қўшиш, атроф-муҳитни моҳофаза қилишга йўналтирилган халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган, илмий асосланган таклифлар, тавсиялар ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ.

Фуқаролик жамиятининг ривожланиш жараёнида, яъни “эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга ошираётган ислоҳотларимизда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва роли бекиёс эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.”

Экология соҳасига мансуб халқаро ҳамкорлик алоқалари инсон маънавий дунёсига бевосита таъсир ўтказадиган жиҳатларининг тобора кенгайиб бораётганлиги, инсон ҳуқуқ ва

<sup>140</sup> Узбекистон Экологик партияси таъсис съездига бўлиб ўтди. 08.01.2019.  
<http://ekolog.uz/>

эркинликларига яратилаётган ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий имкониятлар мавжудлигидан далолат беради. Демократик ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилоти фаолияти ривожланди. “Ҳозирги кунда юртимизда 9 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилоти мавжуд, 29та халқаро ва хорижий ноҳукумат ташкилот-ларининг филиал ва ваколатхоналари фаолият юритмоқда. 2017 йилда “Нуроний” жамғармаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон фермер, дәхқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Савдо-саноат палатаси, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши каби нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган алоҳида Фармон ва қарорлар қабул қилинди.”<sup>141</sup> Демократик ислоҳотларнинг жадаллашуви, нодавлат нотижорат ташкилотларининг мамлакаг маданий ҳаётида ва халқаро маданий муносабатлардаги ролининг ошиб бориши, уларнинг фаолиятига давлат ташкилотлари томонидан эътиборни кучайтиришни тақозо қиласи. Шунинг учун ҳам, давлат раҳбарининг таклифига биноан, “ушбу ижтимоий тузилмалар билан амалий мулоқотни йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгашини тузиш мақсадга мувофиқ, деб топилди”.<sup>142</sup>

Нодавлат нотижорат ташкилотилар қаторидан ўрин олган 138 миллий маданий марказ, Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши, шунингдек, 34 дўстлик жамияти фаолияти Ўзбекистондаги барча миллатлар ва элатларнинг тарихи, маданияти, маънавий қадриятлари, анъана ҳамда урғодатларини асраш ва ҳар томонлама ривожлантириш, миллатлараро муносабатларни уйғуллаштириш, экологик хавфсиз-

<sup>141</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. Халқ сўзи, 23 декабрь 2017 йил.

<sup>142</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. Халқ сўзи, 23 декабрь 2017 йил.

ликни таъминлашда, инсон учун мұйтадил экологик шароитни нужудға келтиришда жамият ва давлатни барқарор ривожлантиришда мұхим үрин тутади. Улар «Халқ дипломатияси» механизмидан фаол фойдаланған ҳолда тинч ва фаровон ҳәётни асраш, хорижий мамлакатлар билан дүстона муносабатлар ва мәданий-маърифий алоқаларни ривожлантириш, чет әлдаги ҳамюртлар билан яқын ва үзаро манфаатли муносабатларни йүлга қўйишга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз таълим муассасаларида ўқиш 7 тилда олиб борилмоқда. Теле-радио кўрсатув ва эшигтиришлар 12 тилда эфирга узатилмоқда, газета ва журналлар 10 дан ортиқ тилда чоп этилмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши ва амалга оширилиши мұхим аҳамият касб этди.<sup>143</sup> Биз яшаётган бугунги даврнинг ўзи давлатимиз мустақиллиги ва суверениитетини мустаҳкамлаш, мамлакат атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва яқын қўшичилик мұхитини яратишга қаратилган пухта ўйланган, үзаро манфаатли ва амалий сиёсатни юритиш, шунингдек, аҳоли, айниқса, ёшлар онгига инсонпарварлық қадриятларини, турли миллат вакиллари ўртасида үзаро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, бу борада амалга оширилаётган ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришни тақозо этмоқда.

Экология соҳасидаги алоқалар, инсон экологиясининг турли жиҳатларига оид муносабатлар ривожида, инсон тафаккурига, табиий ресурслардан самарали фойдаланишига доир миллий ва умиминсоний қадриятларни сингдиришда ва “Жамиятимиз ҳәётида демократик принципларни мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситалари мұхим ва таъсирчан омил ҳисобланади. Бугунги кунда юртимизда 1 минг 500 дан зиёд оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатмоқда. Улар мулк

<sup>143</sup> Узбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг 2017 - 2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясини тасдиқлап ҳақида. Халқ сўзи, 2017 йил 8 феврал.

шакли, йўналиши, ахборот узатиш воситаларига кўра турличадир".<sup>144</sup>

Экологияга оид алоқаларнинг янги босқичга кўтарилишида мустақил давлатлар миллй радио ва телекомпаниялари ўртасидаги ижодий алоқалар муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда, 2019 йил 27 май куни Москвада Ўзбекистон Миллй телерадиокомпанияси ва Россия давлат телерадиокомпанияси ўртасида ўзаро ҳамкорлик битими имзоланди. Ҳужжатга кўра, икки томонлама ҳамкорлик доирасида Ўзбекистон ва Россия-нинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётидаги долзарб масалалар кенг ва холисона ёритиб борилади. Шунингдек, телерадиокомпанияларнинг икки мамлакат ҳудудида ўтказиладиган турли фестиваллар, конгресслар, форумлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиши кўзда тутилган.<sup>145</sup> Имзоланган ҳужжатнинг муҳим амалий аҳамияти шундан иборатки, мамлакатларимиз орасидаги ўзаро ҳамкорлик янги босқичга кирганлиги шароитида, ҳар иккала давлат олиб бораётган тинчликсеварлик ташқи сиёсати, маданий, таълим, айниқса, олий таълим, фан, илмий ахборотлар алмашуви, кадрлар малакасини ошириш, экологияга доир ахборотлар алмашуви соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларининг тобора кенгайиб бораётганлигини ёритиш зарурияти вужудга келди.

Телевидение кўрсатувларида, радио эшиттиришларда, газеталар саҳифасида эълон қилинган мақолаларда ислом ва христиан, умуман, турли динларга эътиқод қилувчи миллат вакиллари бир оила аъзоларидек аҳил ва ҳамфирк бўлиб яшаётгандигига, атроф-муҳит, флора ва фаунани сақлашга алоҳида ургу берилмоқда. Бағрикенглик ўзбек халқининг азалий қадрияти фуқаролик жамияти ривожланиши шароитида ҳам ўз исботини топмоқда. Таъкидаш лозимки, мамлакатимизда "фаолият олиб бораётган мусулмонлар, христианлар, католиклар, яхудийлар, корейс нротестантлари,

<sup>144</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. Халқ сўзи, 23 декабрь 2017 йил.

<sup>145</sup> Ўзбекистон ва Россия давлат телерадиокомпаниялари ҳамкорлик келишувини имзолади. 27.05.2019 4880.kz / Ўзбекистон.

ирман апостол черкови вакиллари, умуман, барча дин вакилларига ўз эътиқоди эркинлигидан фойдаланиши, ибодатини ималга ошириши учун ҳамма шароит яратиб берилган".<sup>146</sup>

Жаҳон тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган халқлар ичida экологик маданияти билан бири бирига жуда яқин бўлган халқлар ичига ўзбек ва тожик миллати киради. Иккала қўшни халқ бошқа тилларда сўзлашсада, кўп асрлик умумий тарих, маданий-маънавий муштараклик элларни, дилларни боғловчи муҳим омил бўлиб келган. Хусусан, ўзбек ва тожик халқарининг ўхшаш урф-одатлари, санъати, маданий мулоқоти шаклларини топиш, ютуқлар билан алмashiшга имкон берган. Шунингдек, икки қардош халқ қўшни бўлиб яшаганилиги учун, ер, сув ресурсларидан ҳамкорликда фойдаланиб келган.

Янги ривожланиш босқичида ҳам бу каби анъаналар давом этмоқда. Ўзбекистонда Тожикистон маданияти кунлари ўтказилгани ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга кўтарилигидан далолат беради. Мазкур фестиваль санъат, маданият ҳамда экология соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қиласи. Ҳар иккала мамлакат раҳбарларининг учрашув ва мулоқотлари ўзаро ишончга асосланган ижтимоий-иқтисодий алоқаларни мазмунан бойитиб, ижодий муваффақиятларни рағбатлантириш, айниқса, сув ресурсларидан фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Афғонистон бўйича "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзусида ўтказилган халқaro конференцияда 2018 йил 27 марта сўзлаган нутқида таъкидлайдики, "Амударё биз учун ҳамиша тириклик манбаи бўлиб келган, аммо одамларнинг эркин ҳаракат қилишига, савдо алоқаларини яқиндан ривожлантиришга, илм фан соҳасидаги ютуқлар билан ўртоқла-

<sup>146</sup> Юлдашева Т. Диний бағрикенглиг — халқимизга хос фазилат. Халқ сўзи, 13 Февраль 2018

шишга ва бир-бирини маданий жиҳатдан бойитишга ҳеч қачон тўсқинлик қилмайди".<sup>147</sup>

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида давлат раҳбари томонидан илгари сурилган бешта ижобий ташаббус, ёшларнинг ислоҳотлардаги фаоллигини оширишда, ижтимоий, иқтисодий муаммолар ечимида, миллатлараро муносабатларни маданий алоқаларни кенгайтиришда, экологик муаммоларни ҳал қилишда устувор аҳамият касб этмоқда. Беш ижобий ташаббус шахс маънавий ва ахлоқий дунёсининг жамият тараққиёти учун зарур бўлган, барқарор миллий ривожланишга ундайдиган, пировард натижада устувор, инновацион, илмий асосланган янги гоялар билан бойитди. Ушбу илмий асосланган, илфор фикр тарихий тараққиётни, фуқаролик жамияти ривожини янги поғонага олиб чиқишини таъминловчи омил ҳисобланади. Шунингдек, беш ижобий ташаббус мазмунида мамлакатнинг устувор ривожланишини таъминлаётган, ҳаракатлар стратегияси концепцияси мазмунида ижодий ривожлантирилди. Ўзбекистон раҳбари жамият аъзоларининг ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги фаолиятини, яратувчанлик ишларини, жамият тараққиётни янги поғонага олиб чиқишига йўналтирилган дастурни эълон қилди. Шунингдек, беш ташаббусда билдирилган концептуал фикрларни амалиётга жорий қилишни жадаллаштириш, ислоҳотлар кесимида инсон факторининг амалий, назарий аҳамияти ҳисобга олиниб, фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнини такомиллаштириш масалалари илгари сурилди.

**Биринчи ташаббус** – ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишиларини янада оширишга, истеъодини, ижодий қобилияtlарини юзага чиқаришга хизмат қилади.

**Иккинчи ташаббус** – ёшларни жисмоний чиниқтириш, спорт соҳасидаги қобилиятини, шахсий имкониятларини

<sup>147</sup> Шавкат Мирзиёев. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Ташкент, "Ўзбекистон", Том 2., 362 6.

шамоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган.

**Учинчи ташаббус** – аҳоли ва ёшлар ўртасида компютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишини ташкил этиш, уни такомиллаштиришга қаратилган.

**Тўртингчи ташаббус** – ёшлар маънавиятини демократик давлат ва ҳуқуқий давлатни шакллантириш жараёни талабларига мос равишда мунтазам юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни олиб бориш, бунинг учун ташкилий, тарбиявий ишларни жадаллаштириш кўзда тутилган.

**Бепинччи ташаббус** – хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларнинг жамиятда ўзларининг муносаб ўринини эгаллаши, бандлиги, ижтимоий ҳимояланганлиги, ислоҳотлардаги фаоллигини ошириш масалаларини назарда тутади.<sup>148</sup> Таъкидлаш лозимки, мамлакат раҳбарининг юқорида қайд қилинган концептуал ғоялари жамият ривожланишини янги босқичга олиб чиқишига қаратилган ижтимоий ҳаракатdir. Ушбу жараён давомида инсон манфаатлари, ҳуқуқининг ижтимоий, иқтисодий муносабатларда тўлиқ таъминланиши мақсад қилинган. Жамият тараққиётида алоҳида ўрин эгаллайдиган ёшлар сиёсатининг амалга оширилиш жараёни, бевосита уларнинг ижтимоий манфаатларининг, билим олиш, касб танлаш, бандлиги бўйича ҳуқуқлари таъминланиши билан боғлиқ бўлган ва демократик ислоҳотлар давомида амалга ошадиган фаолиятdir. Шунинг учун ҳам “мамлакатимиз аҳолисининг қарийб ярмини ташкил этадиган ёшлар билан ишлаш масаласи, бундан буён ҳам энг асосий вазифаларимиздан бири бўлиб қолади. Ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида “Ёшлар – келажагимиз” жамғармаси фаолиятини янада кенгайтириш зарур”.<sup>149</sup>

<sup>148</sup> Саида Мирзиёева Президентнинг беш ташаббуси бўйича Бўкага борди. Жамият. 2019 йил 20 Апрель 20363

<sup>149</sup> Узбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси parliament.gov.uz 29.12.2018

Шу сабабли мазкур соҳадаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш мақсадида, фуқаролик жамияти ривожланиши жараёни талабларига мос равища ҳар томонлама баркамол, мустақил фикрлайдиган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, ҳалқ манфаати йўлида интелектуал, жисмоний, маънавий салоҳиятини сафарбар қиласидиган, шиҷоатли ёшларни тарбиялаш, уларнинг ижодий имкониятларини рӯёбга чиқариш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинган.<sup>150</sup> Таъкидлаш лозимки, демократик ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадрияларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиниш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга, соҳадаги вазият ва амалга оширилган тадбирларнинг илмий таҳдили, уюшмаган ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳаётда муносиб ўрнини топиши учун зарур шароит, уларни касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, малакасини ошириш, шахсий ташаббусларини рағбатлантириш борасидаги ишлар талаб даражасида ташкил этилмагани аниқланди. Ёшларга оид давлат сиёсатини изчили ва самарали амалга ошириш, ёшларни демократик ислоҳотлар давомида ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислоҳ этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги" Фармони қабул қилинди.<sup>151</sup> Ўзбекистон "Камолот" ёшлар

<sup>150</sup> Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида" Қонуни. 1409.2016 й. п ўрқ-406., Ҳалқ сўзи, 2016 йил 15 сентябр.

<sup>151</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги" Фармони 05.07.2017 й. п пф-5106 "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2017 йиль 10 июль, 27-сон, 607-модда

ижтимоий ҳаракатининг 2017 йил 30 июнь куни бўлиб ўтган IV қурултойи қарорига мувофиқ, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил топган кун - 30 июнь санаси мамлакатимизда "Ёшлар куни", деб эълон қилинди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятининг устувор йўналишлари белгиланиб, унда Ўзбекистон ёшлар иттифоқини республикада ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишида давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминловчи, "Ёшлар - келажак бунёдкори" шиори остида профессионал фаолиятни амалга оширувчи тузилма сифатида фаолият юритиши белгилаб олинди. Шунингдек, ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умумисоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, онги, қалбида мустақиллик гояларига содиқлик, миллий ўзликни англаш, Ватанга муҳаббат унинг тақдирига дахлдорлик, инсон экологиясига доир муаммолар ечимида фидойилик ҳиссини қарор топтириш ва ривожлантириш, турли мафкуравий таҳдидлардан асрашга доир ишларни амалга ошириш зарурлиги қайд этилди. Ўзбекистон Президенти шу билан биргаликда Ўзбекистон ёшлар ташкилоти олдидаги муҳим вазифалардан бири, яъни "энг муҳим масала аҳолининг экологик маданиятини ошириш ҳақида жиҳдий бош қотири-шимиз зарур. Албатта бундай муаммоларни фақат маъмурий йўл билан ҳал этиб бўлмайди, бунга ёш авлод қалбида она табиатга меҳр-муҳаббат, унга дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш орқали эришиш мумкин." деб ҳисоблади.<sup>152</sup>

Демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислоҳотларда ёшлар фаоллигини ошириш, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позиция, миллий дунёқараш ва чукур билимларга эга

<sup>152</sup> Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Том 1, Ташкент, "Ўзбекистон". 2017, 570 б.

ташаббускор, шижаатли, эл-юрт манфаати йўлида бор куч-гайрати, билим ва салоҳиятини сафарбар қиласиган, мамлакат истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олипга қодир ёшлиар сафини кенгайтириш муҳим вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон ёшлиар иттифоқи ташкилоти, ёшларнинг замонавий касб-хунарларни пухта эгаллаши учун муносиб шароитлар яратиш, баандигини таъминлаш, ишбилармонлик қобилиятини ривожлантириш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш, шахсий ташаббусларини рагбатлантириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рӯёбга чиқаришига кўмаклашиши лозим. Демократик ислоҳотлар давомида, ёшларнинг илмий ва бадиий китоблар, жумладан, электрон асарларни ўқишига бўлган қизиқишини янада ошириш, ҳуқуқий, экологик, тиббий ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш маданиятини юксалтириш орқали уларда турли мағкуравий таҳдидларга, хусусан, диний экстремизм, тероризм, "оммавий маданият" ва бошқа ёт гояларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш ҳам муҳим вазифалар қаторига киради.

Фуқаролик жамияти ривожланишининг муҳим жараёнларидан бири, ёшлиар ўртасида соғлом турмуш тарзи ва оила муқаддаслиги гояларини кенг тарғиб қилиш, эрта турмуш қуриш, ёш оилалар ажрамишининг олдини олишга қаратилган самарали тадбирларни амалга ошириш ҳам мақсадга мувофиқдир. Беш ташаббусда илгари сурилган фикрлар асосида ёшларни, айниқса, улар уюшмаган қисмининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланишга, ижодий тўгараклар ва турли, жумладан, хорижий тилларни ўргатиш ўқув курсларига кенг жалб этиш устувор масалалар қаторига киради.

Ислоҳотларнинг ижобий натижаси сифатида ёш оилалар, хусусан, имконияти чекланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ ёшлиарни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитлар яратишга қаратилган мақсадли ишларни ташкил этишга

эътибор берилмоқда. Ёшлар ўргасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва профилактика қилиш ишларида фаол иштирок этиш, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этадиган, халқ манфаатларига садоқат билан хизмат қиласидиган билимли, ташаббускор, ишбилармон, ҳалол ва фидойи ёш раҳбар кадрларни тарбиялаш, захирасини яратиш ва уларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг масъул лавозимларига тавсия этиш имконияти шаклланди. Янги тараққиёт босқичида ёшлар сиёсати соҳасида халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, хорижий мамлакатларда таҳсил олаётган ва меҳнат қилаётган ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш зарурияти шаклланди. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига ёшларга оид фаолиятни ташкил этишда ғоявий-услубий жиҳатдан кўмак бериш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи ваколатли идоралар фаолияти устидан самарали жамоатчилик назора-тини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Янги ривожланиш даврида ёшларнинг ўз иқтидор ва истеъдодини рӯёбга чиқаришлари, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишлари учун ижтимоий, иқтисодий имкониятларни янада кенгайтириш заруранияти вужудга келди. Шу сабабли мазкур соҳадаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг демократик ислоҳотлар талабларига мос бўлган беш ижобий ташаббуси мустақил фикрлайдиган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, халқ манфаати йўлида бор салоҳиятини сафарбар қиласидиган, шижаотали ёшларни тарбиялаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рӯёбга чиқариш учун мустаҳкам имконият яратди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар

стратегияси демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислоҳотларда ёшлар фаоллигини ошириш билан боғлиқ вазифаларни белгилаб берилган эди.<sup>153</sup> Мамлакат раҳбари томонидан илгари сурилган беш ташаббус ушбу тарихий ҳужжатда қайд этилган фикрларнинг узвий, илғор ғоялар билан бойитилган давоми ҳисобланади. Янги тараққиёт босқичида “Беш ижобий ташаббус” доирасида бошланган ишларимиз тобора кенг тарқалмоқда, ҳалқимиз бу ҳаракатни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда”.<sup>154</sup> Мамлакатимизда ёшларнинг китобхонликка қизиқишини янада орттириш мақсадида вилоятларда “Маърифат карвони” ташкил этилди ва туман ва шаҳар кутубхоналарига бадиий адабиётлар етказиб берилди. Жумладан, Сирдарё ҳамда Наманган вилоятлари ёшлари учун 25 минг дона китоб, 80 турдаги спорт жиҳозлари ва мусиқа асбоблари келтирилди.<sup>155</sup> Андижон шаҳридаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида “Беш ташаббус билан келажак сари” шиори остида тадбир ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Прези-дентининг 30 июнь – Ёшлар куни муносабати билан йўллаган байрам табриги тантаналарида 5 ижобий ташаббусни амалга оширишда намунали этиб танлаб олинган Андижон шаҳри учун китоб ва Шаҳрион туманидаги мактаблар учун мусиқа асбоблари ҳамда Асака ёшлари учун учун спорт карвонлари тантанали равишда топширилди<sup>156</sup>. Ёшлар орасида китобхонликнинг тарғиб этилиши, улар шуурига миллий ғояни сингдириш жараёни билан боғлиқ. Таъкидлаш лозимки, миллий ғоянинг асосий мазмунини англаган ёшлар демокра-тик ислоҳотларнинг амалга оширилишда асосий ижрочи вазифасини бажаради. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари

<sup>153</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентиниг Фармони. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегияси”ни тасдиқлаш туғрисида. Халқ сўзи, 2017 йил 6 февраль.

<sup>154</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенатининг 20-яллиг мажлисидаги нутқи. [kun.uz](http://kun.uz) / Ўзбекистон 22.06.2019 44724

<sup>155</sup> Президент бешта мухим ташаббусни илгари сурди. Улар нима? 14:27 / 20.03.2019 [85511kun.uz](http://85511kun.uz) / Ўзбекистон

<sup>156</sup> Беш ташаббус билан келажак сари. 30.06.2019. <http://andijan.uz/news/>

таъкидлайдики, “... олдимизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун куч-қудрат манбаи бўладиган миллий ғояни ривожлантиришимиз зарур. Хусусан, миллий ўзлигимизни аглаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим”.<sup>157</sup>

Ташаббускор истеъдодли ёшларнинг ижодий ишларга қизиқишларини ҳисобга олиб туман ва шаҳарларда маданият марказлари ва умумтаълим мактабларида 1,5 минг тўғарак, бадиий-ҳаваскорлик жамоалари, ёшлар театр-студиялари ва “Ёшлар клублари” ташкил этилди.<sup>158</sup> Таниқли санъаткор ва истеъдодли ижодкорларни туманлардаги маданий ишларга қўмакчи сифатида бириктирилди. Мусиқа ва санъат соҳасида олий маълумотли кадрларни тайёрлашга эътибор берилди. Фуқаролик жамияти ривожланиши шароитнда ўқувчи ёшлар, талабаларда сиёсий, ахлоқий, маънавий, экологик маданият кўникмаларини шакллантириш мақсадида, муайян мавзулар бўйича гуманитар фанлар дарсларини музейлар, тарихий обидалар, қадамжо ва театрларда сайёр ўtkазилиши ташкил қилинмоқда. Шунинг учун ҳам давлат раҳбари таъкидлайдики, “буюк аллома ва адилларимиз, азиз-авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйгуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиш керак. Шу мақсадда, Ўзбекистон Миллий телерадио компанияси таркибида “Ўзбекистон тарихи” каналини ташкил этиб, илмий жамоатчилик, ижодкор зиёлиларимиз билан биргаликда унинг дастурларини пухта шакллантириш керак”.<sup>159</sup> Ёшларни жисмонан чиниқтириш, уларнинг жаҳон аренасида

<sup>157</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси [parliament.gov.uz](http://parliament.gov.uz) 29.12.2018

<sup>158</sup> Президент бешта муҳим ташаббусни илгари сурди. Улар нима? 14:27 / 20.03.2019 [85511kun.uz](http://85511kun.uz) / Ўзбекистон

<sup>159</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси [parliament.gov.uz](http://parliament.gov.uz) 29.12.2018

спорт мусобақаларидағи иштирокини таъминлашга мұхим ижтимоий вазифалар сирасига киради. Таҳдилар шуның күрсатадықи, мамлакатимизда 12 мингдан зиёд спорт иншоотлари мавжуд, аммо ёшларни жисмоний тарбия ва оммавий спортта қамраб олиш даражаси етарлы әмас. Умумтаълим мактабларининг спорт анжомлари билан жиҳозланиш күрсаткичи мамлакат бүйіча 56 фойзни, жумладан, Сурхондарё вилоятида 12 фойзни, Хоразмда 14 фойзни, Қорақалпогистонда 15 фойзни ташкил этади<sup>160</sup>.

Спорт ишларини янада такомиллаштириш мақсадида давлат ташкилотлари ва хусусий сектор имкониятларини үйгүнлаштириш мақсадға мувофиқ. Шунинг учун ҳам туман ва шаҳарлар ҳокимларининг ёшлар масалалари бүйіча ўринбосарлари, спорт бүйіча мутахассислар билан биргаликда ёшларнинг спорт турларига қызықиши, спорт иншоотларининг жиҳозланиш даражасини мунгазам ўрганиб бориши лозим. Қишлоқларда енгил конструкцияли сендвич панелдардан кичик спорт заллари ва сунъий қопламали майдонлар қурилиб, ташаббускор тадбиркорларга спорт иншоотлари ташкил этиш учун ер ажратылмоқда. Жойлардаги спорт мактабларига халқаро мусобақаларда голиб бұлған таниқди спортчиларни раҳбар этиб тайинлаш, шунингдек, спортчиларни олий үқув юртларининг маҳсус сиртқи бўлимларида мақсадли ўқитиш йўлга қўйилди. Болалар ва ўсмиirlар спорт мактаблари сонини кўпайтирилмоқда, янгидан ташкил этилган универсал спорт майдонларида бадантарбия, минифутбол, бадминтон, стол тениси ва бошқа спорт турлари билан шуғулланиш учун кенг шароит яратилди. “Соғлом ҳаётга қадам ташла” акцияси доирасида “Саломатлик куни” оммавий тадбирлари бўлиб ўтди. Туманлардаги қишлоқларда эрталабки бадантарбия машқлари ўтказилиб, унда ва ҳудудга яқин қишлоқлар аҳолиси томонидан стадионда жисмоний тарбия машқлари бажарилмоқда, қишлоқларга кириш йўлаги бўйлаб 5

<sup>160</sup> Президент бешта мұхим ташаббусни илгари сурди. Улар нима? 14:27 / 20.03.2019 85511kun.uz / Ўзбекистон

километр масофага фаол юриш ташкил қилинди. “Саломатлик майдончаси” ва “Соғлом овқатланиш ярмаркаси” ташкил қилинди. Туманлар марказий стадионларида туман ташкилотлари ходимлари, спорт мактаблари, коллеж ўқувчилари ва аҳоли иштирокида гимнастика машқлари бажарилди, катталар ва болалар томонидан велосайр, спорт ҳамда мусиқа мактаблари ўқувчиларининг бадиий чиқишилари уюштирил-моқда. “Соғлом овқатланиш ярмаркаси”, “Биз тамакисиз ҳаёт учун овоз берамиз” тадбирлари ўтказилди<sup>161</sup>.

Ёшларни интернетдаги заарли хуружлардан асрарш, уларни ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш кўнгилмаларини ҳосил қилиш, улар тарбиясида учрайдиган муайян нуқсонларни бартараф қилишга ёрдам беради. Шунингдек, ахборот ресурс марказлари, компьютер ўйинлари учун майдонлар, Wi-Fi ҳудудлари ташкил этилди.

Мамлакат раҳбари таъкидлайдики, “хусусан, хотин-қизлар бандлигини оширишга доир бешингчи ташаббус бўйича 2019-2020 йилларда ҳар бир туманда тикув-трикотаж корхоналарини қуриш ва аёллар учун қарийб 57 мингта янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилмоқда. Бу лойиҳалар ўзининг дастлабки натижаларини бермоқда. Лекин уларнинг самарасини опириш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак. Яна бир муҳим масала – аёлларни иш билан таъминлаш, хотин-қизларнинг замонавий касб-ҳунарларни пухта эгаллаши учун шароит яратиш, уларнинг ишбилармонлик кўнгилмаларини ривожлантириш, хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб этишдан иборат”<sup>162</sup>. Бу вазифани амалга ошириш учун тизимли ишлар йўлга қўйилган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, ёшларнинг демократик ислохотлардаги фаоллигини ошириш жамият тараққиётида, инсон экологияси феномени ечимида муҳим амалий аҳамият

<sup>161</sup> Соғлиқни сақлаш вазирилги: беп ташаббус доирасида бўка туманида юриш ва гимнастика оммавий тадбирлари ташкил этилди. 17 июня 2019.

[minzdrav.uz/uz/news/](http://minzdrav.uz/uz/news/)

<sup>162</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенатининг 20-ялли мажлисидағи нутқиқун.uz / Ўзбекистон 22.06.2019 44724

касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида, фармонларида ва қарорларида, янги тараққиёт босқичидаги ёшлиар сиёсати билан bogлиқ масалаларга алохида эътибор берилган. Президент томонидан илгари сурилган беш ижобий ташаббус ёшларнинг жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлашга қаратилган. Ушбу ҳужжатнинг тарихий аҳамияти шундаки, унда илгари сурилган ғоялар, аниқ вазифаларни бажариш учун давлат, нодавлат-нотижорат ташкилотлар ҳамкорлигини такомиллаштириш зарурияти вужудга келди.

Маданий алоқаларнинг янги ривожланиши босқичидаги ривожланиши, миңтақа давлатлар ва ҳалқлари орасидаги азалий дўстлик муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қила-ди. Ушбу жараённинг амалга ошида мамлакатлар раҳбар-ларининг ўзаро учрашувлар ва ушбу соҳада икки томонлама қабул қилинган ҳужжатлар мұхим аҳамият касб этади. Шу билан биргаликда, мустақил давлатлар парламентларининг ўзаро алоқалари ҳам мұхим ўрин тутади. Маданий алоқаларни янги босқичга кўтарилиши шароитида ушбу муносабатларни такомиллаштириш, жадаллаштириш, замонавий мазмун билан бойитиш учун қуидагиларга эътибор бериш лозим:

Сирдарё ҳавzasига боғланган майдонларни қўшимча сугориш учун Тожикистондаги сув омборидан фойдаланилади. Сирдарё ҳавzasига боғланган, хусусан, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларидағи майдонларни сугориш учун Тожикистон сув омборидан сув олинади. 2020 йилда кузатилаётган сув танқислиги шароитида Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларининг майдонларидағи қишлоқ ҳўжалиги экинларини Тожикистон Республикасининг «Баҳри Тоҷик» сув омборидан қўшимча сув чиқариш орқали сув билан таъминлаш мақсадида Тожикистон томонига моддий-техник ресурслари етказиб берилади ва ирригация тадбирлари амалга оширилади. Бунинг учун Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан 1,5 миллиард сўм маблағ ажратилди. Ўзбекистон Сув ҳўжалиги вазирлиги ушбу моддий-техник ресурсларни Тожикистон Энергетика ва сув ресурслари

вазирлигининг тегишли ташкилотига қайтариб олмаслик шарти билан топшириши кўзда тутилган.<sup>163</sup>

#### **4.3. Коронавирус пандемияси шароитида инсон экологик хавфсизлигини таъминлаш омиллари.**

Коронавирус пандемияси даврида инсон фаолияти учун зарур бўлган экологик хавфсизликни таъминлашдаги халқаро ҳамкорлик фаоллаштирилди. Ўзбекистон Республикаси Президент таъкидлайдики, “жаҳон иқтисодиётининг глобаллашгуви ва баъзи минтақаларда юзага келган нотинч вазият аҳоли миграцияси кучайишига сабаб бўлмоқда. Бу эса жиноятчилик, одам савдоси, террорчилик, экстремизм, наркографик каби иллатларнинг ҳамда ўта юқумли касалликларнинг кўпайишига олиб келмоқда”<sup>164</sup>.

Коронавирус мамлакатимиз ҳудудига 2020 йил 15 март куни кириб келган ва карантин эълон қилинган. Ана шу куни Тошкент шаҳрида коронавирус билан касалланган биринчи бемор аниқланган. Шу муносабат билан коронавируснинг инсон экологиясига салбий таъсирини камайтириш, ва унга қарши курашни кучайтириш мақсадида соғлиқни сақлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик кенгайтирилди.

Ушбу мақсадда Ўзбекистон Хитойдан 1300та кислород концентратори, 20та ПЗР синов аппарати ҳамда вирусга қарши дори воситалари сотиб олди. Қайд этилишича, айни кунда мамлакатда аҳоли орасида вируснинг кенг тарқалиб бораётгани баробарида кислородга бўлган талаб ҳам кескин ошмоқда. Шундан келиб чиқиб давлат раҳбарининг топширигига кўра коронавирусга қарши тиббиёт жиҳоз-ларини имкон қадар қисқа муддатларда мамлакатга етказиш чоралари кўрилди. Хитойдан олиб келинган зарурий жиҳозлар Соғлиқни сақлаш

<sup>163</sup> Сирдарё ҳавzasига боғланган майдонларни қўшимча сугориш учун Тожикистандаги сув омборидан

фойдаланилади.<https://daryo.uz/k/2020/07/21/sirdaryo-havzasiga-boqlangan-maydonlarni-qoshimcha-sugorish-uchun-tojikistondagi-suv-omboridan-suv-olinadi/>

<sup>164</sup> Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Том 1, Топкент, “Ўзбекистон”. 2017, Бет45.

вазирлиги ихтиёрига топширилди. Вазирлик ҳудудлар эҳтиёжидан келиб чиқиб уларни соғлиқни сақлаш муассасаларига тақсимлади<sup>165</sup>.

2020 йил 21 июль куни Ўзбекистон ва Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ўртасидаги молиявий-техник ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари мухо-кама қилинди. Жамғарманинг Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларда, хусусан, қишлоқ ҳудудларида уй-жойлар қуриш, сув таъминоти тизимини яхшилаш ва аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш соҳасидаги иштирокига алоҳида эътибор қаратилди. Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси коронавирусга қарши кураш доирасида Ўзбекистон тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлаш учун 5,6 миллион АҚШ доллар миқдоридаги Жамғарма маблағларини йўналтириш тўғрисидаги Ўзбекистон томонининг таклифини қўллаб-куvvатлади<sup>166</sup>.

Коронавирус пандемияси экологик туризмга ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказди. Олиб борилган эмпирик кузатишлар ва статистик маълумотларнинг умумлаштирилиши ушбу жараённинг муайян жиҳатларини тасдиқлайди. Жумладан Ўзбекистонга туристик мақсадларда келган ва мамлакатимизда шу даврда хорижий давлатларга турист сифатида сайёҳатга кетган шахслар коронавирус пандемияси тарқалгандан кейин камайган. 2020 йилнинг январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасига туристик мақсадларда келган чет эл фуқаролари сони 1,2 млн кишини ташкил этган бўлса, апрель-июнь ойларида бу кўрсаткич 2,1 минг кишини ташкил этди.

<sup>165</sup> Ўзбекистонга 1300та кислород концентратори олиб келинди.

<https://kun.uz/news/2020/07/24/ozbekistonga-1300ta-kislorod-konsentratori-olib-kelindi>

<sup>166</sup> Кувайт жамғармаси Ўзбекистон тиббиёт муассасаларини ускуналар билан жиҳозлаш учун 5,6 млн доллар ажратishi mumkin

<https://kun.uz/news/2020/07/21/kuvayt-jamgarmasi-ozbekiston-tibbiyot-muassasalarini-uskunalar-bilan-jihozlash-uchun-56-mln-dollar-ajratishi-mumkin>

Давлат статистика қўмитаси хабарига кўра, 2020 йилнинг январь-март ойларида туристик мақсадларда кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 1,4 млн кишини ташкил этган бўлса, апрель-июнь ойларида эса бу кўрсаткич 3,5 минг кишини ташкил қилган. 2020 йилнинг январь-июнь ойларида Ўзбекистон Республикасига туристик мақсадларда келган чет эл фуқаролари сони 1,2 млн кишини ташкил этган. Бу кўрсаткич 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 60,0 фоизга камайган. 2020 йилнинг январь-июнь ойларида МДҲ давлат-ларидан Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари 1,1 млн кишини ташкил этган бўлиб, бу жами ташриф буюрганларнинг 95,5 фоизини ташкил этади. Узоқ хорижий давлатлардан эса 54,8 минг киши (ёки 4,5 фоиз) келган. Таъкидлаш лозимки, 2020 йилнинг январь-июнь ойларида туристик мақсадларда чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сони 1,4 млн кишини ташкил этди. 2019 йилнинг шу даврига нисбатан таққосланганда эса бу кўрсаткич 61,3 фоизга камайган. 2020 йилнинг январь-март ойларида мустақил давлатлар ҳамкорлиги давлатларига саёҳат қилган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 1,3 млн кишини ташкил этган бўлиб, бу жами кетганларнинг 92,7 фоизини ташкил этади. Узоқ хорижий давлатларга эса 104,6 минг кипи (ёки 7,3 фоиз) кетган.<sup>167</sup>

Коронавирус пандемияси шароитида ноодатий кун тарзи, иш жойи ёки даромад манбайнинг йўқотилиши оқибатидаги молиявий қийинчиликлар кишиларда стресс ва тушкунлик кайфиятини келтириб чиқариши мумкин. Бу эса коронавирусдан ҳимояланишда иммунитет мустаҳкамалиги муҳим бўлган ҳозирги пайтда саломатликни жиҳдий хавф остида қолдиради. Таъкидлаш лозимки, стресс – тананинг ёқимсиз ва салбий ҳодисаларга қарши реакциясидир. Ҳозирги карантин даврида келажакнинг ноаниқлиги, вирус юқтириб олиш ваҳимаси,

<sup>167</sup>Ўзбекистонга туристик мақсадларда келган ва кетган шахслар бўйича статистика очиқланди.<https://kun.uz/news/2020/07/23/ozbekistonga-turistik-maqsadlarda-kelgan-va-ketgan-shaxslar-boyicha-statistika-ochiqlandi>

молиявий қийинчиликлар, одатдаги түрмуш тарзининг кескин үзгариши, ҳордиқ чиқариш имкониятининг қисқарипи, доимий равишда уй ичидә бўлиш мажбурияти, яқинлар билан жонли мулоқотнинг чекланиши кабилар давомий стрессга сабаб бўлади. Бундай шароитда ижтимоий вазиятни тўлиқ назорат қила олиш имконияти бўлмаганлиги учун имконият доирасида ҳаракатланиш лозим. Шунинг учун биринчи навбатда шифокорлар тавсияларига амал қилиш, қўлингизни тез-тез ювиш, антисептиклардан фойдаланиш ва одамлар билан алоқа қилмасликка ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқ. Ҳар бир киши безовталикни ҳис қиласа, атрофдаги рангларга, ҳидларга, таъмларга эътибор бериши лозим. Психологларнинг таъкидлашича, бу ҳис-туйғуларни бошқаришга ёрдам беради. Кундалик тартиб карантиндан аввалги даврдагидек бўлиши мақсадга мувофиқ. Масофавий ишлаётган шароитда, аввалидек бир хил вақтда туриш, уйда жисмоний машқларни бажариш зарур. Пандемия ва бошқа мавзулардаги янгиликларни олиш учун фақат ипончли манбалардан фойдаланиш лозим. Ҳар бир инсон кундалик, майший, ташкилий ташвишларини яқинлари, оила аъзолари билан баҳам кўриш, ҳамма ташвишларни ўзида сақлаб юрмаслик лозим. Хавотирдан холи бўлиш ўзингизни ривожлантириш, янги нарсаларни ўрганиш имконини беради. Шунингдек, карантин даври бу – пауза қилиш, ижтимоий ҳаёт ва келажак режалари ҳақида ўйлаш учун имкониятдир. Бундай шароитда соғлом уйқу ҳақида унутмаслик мақсадга мувофиқ. Бир хил вақтда ётиш ва туриш фойдали эканлигини унутмаслик керак. Тўғри овқатланишга ҳаракат қилиш, овқатланиш тартибини унутмаслик инсонга далда беради. Организм вақтида керакли озуқани олмаса ҳам стрессга туша бошлайди. Тартибсиз овқатланиш эса кейинчалик ортиқча вазн муаммосига ва стрессга сабаб бўлади. Мия қанчалик яхши ишласа, стрессга берилиш эҳтимоли шунчалик пасаяди ёки нисбатан осоироқ кечади. Ҳар куни хотира, дикқат ва бошқа билиш қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган машғулотлар билан шугулланиш

лозим. Шунингдек, психо эмоционал ҳолатни яхшилашга ёрдам берадиган онлайн курслар ва машгулотлар билан банд бўлиш ҳам фойдалидир.<sup>168</sup>

2020 йил 10 июльдан бошлаб Ўзбекистонда яна қаттиқ карантин режими жорий қилинди. Республика бош давлат санитария инспектори Нурмат Отабеков фикрича, агар бу чекловлардан олдинги давр билан солиштирадиган бўлсак, умумий қайд қилинган беморлар сони 10 минг нафар атрофида бўлгани ҳолда ҳар кунлик вирусга чалиниш кўрсаткичи 500 нафардан ошиб, 600 нафарга яқинлашиб қолган эди. Жами беморлар сони 19 мингга яқинлашпти, бир кунда қайд этилган янги ҳолатлар сони эса 500дан кам бўлди. Биз вируснинг камида бир яширин даврича муддатда қаттиқ карантин чораларини қўлладик, айниқса, шанба-якшанба кунлари бу масалага нихоятда жиддий қаралди. Бу ўз натижасини берди. Албатта, реал ва минимал ҳисоб-китобларга кўра ҳам агар бу чораларни кўрмаганимизда, кунига ўртacha 700та, балки 1000та янги ҳолатлар қайд этилаётган бўларди.<sup>169</sup>.

Республика маҳсус комиссиясининг амалдаги карантин чекловларини 2020 йил 15 августгача узайтириш таклифи давлат раҳбари томонидан маъқулланди. Чекловлар қўлланманганилигида вазият чиндан издан чиқарди. Буни аниқлаш осон, қўппни давлатлар билан ҳам, аҳолиси биз билан тенг давлатлар билан ҳам солиштириш кифоя. Шу боис карантин чоралари ўзини оқлаётганига, уни узайтиришга катта зарурат борлигига шубҳа йўқ. Бунинг сабаби бирор давлат, бирор ташкилот бу касалликни жиловлааб олгани тўлиқ даволаб юбора олгани йўқ. Ўзбекистон ўз тажриба ва услубларидан келиб чиқиб, ўзининг тактикасини танлаб оляпти. Яъни ўзи исботлаган тажрибани

<sup>168</sup> Халирова Наргиза. Карантин – пауза қилиш учун имконият». Изоляция даврида стрессдан ҳимояланиш бўйича психолог тавсиялари.<https://kun.uz/news/2020/07/24/karantin-pauza-qilish-uchun-imkoniyat-izolyatsiya-davtida-stressdan-himoyalanish-boyicha-psixolog-tavsiyalari>

<sup>169</sup> Аброр Зоҳидов. Чекловларсиз вазият издан чиқиб кетган бўларди» – Нурмат Отабеков карантин ўз натижасини берәётгани ҳақида гапириди.

<https://kun.uz/news/2020/07/23/checklovlarsiz-vaziyat-izdan-chiqib-ketgan-bolardir-nurmat-otabekov-karantin-oz-natijasini-berayotganini-malum-qildi>

ўзи яна татбиқ этди. Одамларнинг тўпланишларини чеклаш, тиббий ниқоблар мажбурийлиги бўйича талаблар каби чекловларда қатъий турилгани ўз самарасини берди. Маълумки, фалсафада плюрализм – фикрлар ва қарашлар хилмажиллиги тушунчаси бор. Бир соҳа вакилларининг ҳар хил фикрда бўлиши табиий ҳол, у ўз йўлида баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб, натижада ҳақиқат қарор топади. Бироқ кўпчилик бирданига битта саволнинг жавобига қизиқиб қолиши, одамларнинг эътиборини қозона олмаган, мутахассис сифатида ўзини намоён қилолмаган, соҳада ўрнини тополмай ҳаётдан, жамиятдан аразлаб юрган тиббиёт ходимларини ҳам беихтиёр олдинга олиб чиқди.<sup>170</sup> Соглиқни сақлаш вазирлиги Covid-19га қарши курашда кўмак бериш учун Ўзбекистонга хитойлик, германиялик ва турк мутахассислари консультант сифатида таклиф қилди. Юртимизда коронавирус инфекцияси га чалинган беморларни даволаш жараёнини ташкил қилишда етакчи мамлакатларнинг тажрибасини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириғига асосан юртимиздаги Covid-19га қарши кураш марказий штабига коронавирус инфекцияси тарқалиши олдини олиш бўйича консультант сифатида турк мутахассислари ташриф буюрдилар. Ўзбекистонга келган мутахассислар гуруҳи орасида Туркия Соглиқни сақлаш вазирлиги илмий кенгаши аъзоси, юқумли касалликлар бўйича мутахассис, профессор Ражаб Ўзтурк, Хасеттепе университети илмий кенгаши аъзоси, жамоатчилик саломатлиги бўйича мутахассис, профессор Левен Оқин ва Анқара шаҳар шифохонасининг юқумли касалликлар бўйича мутахассиси, профессор Хатиче Раҳмет Гунер бор эди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шодмонов консультантларни қабул қилди ва мамлакатда Covid-19га қарши олиб борилаётган чоралар ҳақида батафсил гапириб

<sup>170</sup> Аброр Зоҳидов.Чекловларсиз вазият издан чиқиб кетган бўларди» – Нурмат Отабеков карантин ўз натижасини берадигани ҳақида гапириди.  
<https://kun.uz/news/2020/07/23/cheklovlarsiz-vaziyat-izdan-chiqib-ketgan-bolardi-nurmat-otabekov-karantin-oz-natijasini-berayotganini-malum-qildi>

берди. Учрашув иштирокчилари янги коронавирус инфекцияси сини профилактикаси ва даволашнинг амалий жиҳатлари, ушбу соҳадаги ҳамкорликнинг ҳолати ва истиқболларини мұхокама қилишган. Тадбирда соглиқни сақлаш соҳасидаги иккى томонлама ҳамкорликнинг тафсилотлари ҳам мұхокама қилинди. Туркия мутахассислари билан соғлиқни сақлаш соҳасида кенг ҳамкорлик йўлга қўйилгани таъкидланган. Бунда таълим соҳасидан тортиб, ихтисослашган тиббиёт муассасалари ўртасидаги тажриба алмашув, мураккаб жарроҳлик амалиётларини биргаликда ўтказиш, тиббий жиҳозлар билан таъминлашгача йўналишлар қамраб олинган.<sup>171</sup> Томонлар тури ёшдаги bemorlarда Covid-19 касаллиги, янги турдаги коронавирус инфекциясининг характерли белгилари, ушбу касалликнинг ўзига хос белгилари, диагностика усуслари, даволаш протоколлари, соғайган bemorларни кузатиш ва бошқа мавзуларни мұхокама қилган. Реанимация бўйимларида ўта оғир bemorларни даволашнинг сўнгги усусларига алоҳида эътибор қаратилаётгани айтилган. Covid-19 глобал муаммосининг инқирозли кўринишларини олдини олиш ва бартараф этиш, шунингдек, олдинги сафларда хизмат қилаётган тиббиёт ходимларини рағбатлантириш ҳамда касаллиги гумонланганларни карантинга олиш ва bemorларни даволаш тадбирлари бутунлай давлат томонидан қопланиши бўйича Ўзбекистон раҳбарияти томонидан кўрилаётган чоратадбирлар тўгрисидаги маълумотлар Туркия вакилларида катта қизиқиши уйғотди. Ташириф давомида турк мутахас-сислари тиббиёт муассасалари, жумладан, бирламчи тиббиёт муассасалари ва Тошкент вилояти, Зангигита туманида барпо этилган кўп тармоқди маҳсус шифохона иш фаолияти, касалланган bemorларни даволаш баёнлари, юртимиизда коронавирус инфекциясининг тарқалиши билан боғлиқ бўлган эпидемиологик вазиятни батафсил ўрганиб чиқадилар, илмий-

<sup>171</sup> Туркиялик мутахассислар гурухи Ўзбекистонга коронавирусга қарпи курашда маслаҳатчи сифатида келишди. <https://kun.uz/news/2020/07/24/turkiyalik-mutaxassislar-guruhi-ozbekistonga-koronavirusga-qarshi-kurashda-yordam>

амалий тадбирларда иштирок этадилар ҳамда юргимизнинг турли ҳудудларида даволанаётган аҳволи ўта оғир беморларнинг ҳолатини яхшилаш мақсадида онлайн конференциялар ўтказадилар. Шунингдек, Туркия Республикасининг Covid-19га қарши курашда ижобий тажрибаларини Ўзбекистонда қўллаш имконияти вужудга келди. Коронавирус инфекциясига чалинган аҳволи оғир беморлар ҳолати, уларни даволаш жараёнини таҳмил қилиш ва керакли ўзгартиришларни киритиш мақсадида хорижлик ва маҳаллий мутахассислар ва олимлар иштироқида видеоконференциялар ташкил этилди. Германиянинг етакчи тиббиёт мутахассисларидан бўлмиш профессор Вернер Бэр ҳам мамлакатимиздаги Covid-19га қарши кураш марказий штабида коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича консультант сифатида ишлади. Олим мамлакатимизнинг турли ҳудудларида аҳволи оғир беморларни самарали даволаш бўйича зарур тавсияларини берди, натижада даво муолажаларини коррекция қилишга эришилди.<sup>172</sup> Франкфуртдан Ўзбекистонга амалга оширилган чартер рейс орқали Германия давлатининг Ўзбекистон ҳалқига вирусга қарши курашишда қўмаклашиш учун тиббиёт жиҳозлари олиб келинди. Германиядаги элчихона ташаббуси билан «Friedensdorf International» ҳалқаро хайрия ташкилоти билан ҳамкорликда Ўзбекистон-нинг тиббий ва ижтимоий муассасаларини коронавирусга қарши курашишда қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, техноген фалокатдан азият чеккан Сирдарё вилоятига ёрдам беришга қаратилган инсонпарварлик акцияси ўтказилди. Акция доирасида тўпланган тиббиёт жиҳозлари, ногиронлар аравачалари, доридармонлар, турли хил тиббиёт асбоб-ускуналари, материаллар ва ҳимоя воситаларидан иборат умумий огирилиги 2,8 тоннадан ортиқ бўлган гуманитар юқ Ўзбекистонга юборилди.

<sup>172</sup> Туркиялик мутахассислар гуруҳи Ўзбекистонга коронавирусга қарши курашда маслаҳатчи сифатида келишди.<https://kun.uz/news/2020/07/24/turkiyalik-mutaxassislar-guruhi-ozbekistonga-koronavirusga-qarshikurashda-yordam>

Шунингдек, Хитой Ҳалқ Республикасидан 49 тоннага яқин тиббиёт жиҳозлари, асбоб-ускуналар, комбинзеон, шунингдек, кислород концентраторлари олиб келинди.<sup>173</sup> Коронавирус таҳдидини оддини олиш, беморларга зудлик билан ёрдам бериш мақсадида, Самарқанд давлат тиббиёт институтида зарур тиббий мутахассисларни зудлик билан тайёрлаш йўлга қўйилди. Жумладан, институт қошида инфекционист, эпиде-миолог, вирусолог, ПЗР лаборанти, реаниматолог мутахассислари тайёрлаш бўйича 18 соатлик ўқув курслари ва циклари ташкил этилди. Бундан ташқари, врач-реаниматологлар, тор соҳа мутахассисларидан шульмонолог ва вирусологларни қайта тайёрлаш юзасидан Самарқанд вилояти бўйича 144 соатлик мобил циклар ташкил этилди. «Самарқанд давлат тиббиёт институти мутахассисларидан иборат мобил гурухлар жойлардаги тиббиёт муассасаларида ҳам бўлиб, bemorlarга тиббий ёрдам кўрсатилди. Олийгоҳнинг малакали профессорлари вилоят ҳудудидаги тиббий муассасалар шифокорлари билан bemorlarни даволаш юзасидан онлайн консультациялар ўтказди».<sup>174</sup>

Ўзбекистонда пандемия даврида жасорат кўрсатган фидойи шифокорлар ва бошқа соҳа вакиллари давлат мукофотлари билан тақдирланди. Президент ҳалқаро ва маҳаллий тажрибани ҳисобга олиб, коронавирусни даволаш стратегияси ва тактикаси янгилангани, тиббиёт олий ўқув юрглари ва коллеклари профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлар ва пенсияга чиққан мутахассислар орасидан жами 5 мингта врач ҳамда 9 мингта ҳамшира bemorlarни даволаш ва маслаҳат беришга жалб этилгани қайд этилди.<sup>175</sup>

<sup>173</sup> Ўзбекистонга Германиядан гуманитар ёрдам ва Хитойдан тиббиёт жиҳозлари олиб келинди <https://kun.uz/news/2020/07/28/ozbekistonga-germaniyanadan-gumanitar-yordam-va-xitoydan-tibbiyot-jihozlar-oilib-kelindi>

<sup>174</sup> Самарқанд давлат тиббиёт институтида зарур тиббий мутахассисларни зудлик билан тайёрлаш йўлга қўйилди. <https://kun.uz/news/2020/07/24/samarqand-davlat-tibbiyot-institutida-zarur-tibbiy-mutaxassislarini-zudlik-bilan-tayyorlash-yolga-qoyildi>

<sup>175</sup> Пандемияни жиловлашда жасорат кўрсатган фидойилар тақдирланади. <https://kun.uz/news/2020/07/23/pandemiyani-jilovlashda-jasorat-korsatgan-fidoyilar-taqdirlanadi-prezident>

Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлайди, «шу ўринда ўз ҳаёти ва соғлигини хавф остига қўйиб, касалликка қарши мардана курапаётган фидойи шифокорларимизга ҳар қанча раҳматлар айтсак арзийди. Бугун коронавирус пандемияси шароитида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва ҳаётини асрар, юртимизда инфекцияни жиловлашда улкан жасорат ва фидойилик намуналарини кўрсатган бир гуруҳ тиббиёт, ички ишлар, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ҳамда Миллий гвардия ходимларини ва бошқа ташкилотчиларни фаҳрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонни имзоладим», дейди давлат раҳбари<sup>176</sup>. Олдинда бундай мукофотлар кўп бўлиши таъкидланган. Бу курашда ўзини аямай меҳнат қилаётган барча тиббиёт ходимлари албатта муносиб тақдирланиши таъкидланган. «Биз пневмонияни даволашда нафақат ўзимизнинг шифокорлар, балки видео-алоқа орқали хориждаги етакчи мутахассисларни консультация беришга жалб қиласпмиз. Ҳозирги вақтда германиялик тиббиёт профессори юртимизга келиб, даволаш жараёнларида бевосита иштирок этмоқда. Бугун Туркиядан бир гуруҳ профессорлар етиб келади. Бошқа давлатлардан ҳам энг тажрибали мутахассисларни жалб қилиш бўйича иш олиб боряпмиз», деган давлат раҳбари<sup>177</sup>.

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази Жаҳон банки билан ҳамкорликда «Ўзбекистон фуқароларини тинглаш» (Listening to Citizens of Uzbekistan, L2CU) лойиҳаси доирасида Covid-19нинг ижтимоий-иктисодий оқибатлари бўйича тадқиқот ўтказди. Унда 1500 хонадонлар ўргасида сўров ўтказиш орқали бугун республикадаги оиласларнинг ижтимоий-иктисодий ҳолатини ўрганиш кўзда тутилганди. 2019 йилдан

<sup>176</sup> Мирзиёев Ш.М. Пандемияни жиловлашда жасорат кўрсатган фидойилар тақдирланади. <https://kun.uz/news/2020/07/23/pandemiyani-jilovlashda-jasorat-korsatgan-fidoyilar-taqdirlanadi-prezident>

<sup>177</sup> Мирзиёев Ш.М. Пандемияни жиловлашда жасорат кўрсатган фидойилар тақдирланади. <https://kun.uz/news/2020/07/23/pandemiyani-jilovlashda-jasorat-korsatgan-fidoyilar-taqdirlanadi-prezident>

буён лойиҳа доирасида 22та сўровнома ўтка-зилди. Сўнгги сўровнома 2020 йилнинг 21 июнида ўтказилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳу-зуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар марказининг Жамоатчилик билан алоқалар хизмати тадқиқот натижаларини умумлаштирган. Таъкидлаш лозимки, бандлик даражаси пандемия шароитидаги асосий ижтимоий масалалардан бири ҳисобланди. 2020 йил июнь ойида аҳолининг бандлиги жадал суръатларда олдинги даражаларга қайтишда давом этди. Камида битта оила аъзоси бўлган уй хўжаликларининг иш билан бандлик даражаси апрель ойида кескин 40 фоиз пунктига қисқарган бўлсада, кейинчалик июнь ойида 33 фоиз-га кўпайди. Шундай бўлишига қарамай, хонадонлар аъзоларидан кимdir «ишидан айрилган ёки ишламай қолгани» ҳақида хабар берган респондентлар сони апрель ойида 19 фоизга ўсди ва июнь ойида яна 3 фоизга кўпайди. Сўровномада деярли барча респондентлар фаолиятини тўхтатиб турилишини вақтингчалик деб ҳисоблашган. Бироқ бандлик даражаси 2019 йилдагига нисбатан пастроқ бўлса-да, Covid-19 пандемиясидан олдинги тенденциялар сақланиб қолмоқда.<sup>178</sup>

Бандликнинг пасайиши ўзини-ўзи иш билан банд қилганлар орасида энг сезиларли ва узоқ вақт давом этди. Ўзини иш билан банд қилганлигини кўрсатган респондентларнинг улуши 2020 йилнинг апрель ойида 67 фоизга тушиб, июнь ойида 26 фоизга пасайишда давом этди. Аксинча, ойлик маош олиб ишлайдиган одамларни ишга қабул қилиш (ходимларнинг) июнь ойида ўртача 2019 йил даражасига қайtdi, шу билан бирга аёлларга нисбатан эркаклар орасида тезроқ амалга ошди. Бўш иш ўринлари бўйича кўрсаткичлар 80 фоизга тушиб кетгандан сўнг, янги иш ўринлари сони кўпайиши иқтисодиётнинг тикланиш белгila-рини кўрсатмоқда. Ушбу пасайиш 2019 йилнинг шу даврига

<sup>178</sup> Пандемиянинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари. Ўзбекистон аҳолиси сўровномада иштирок этди. <https://kun.uz/news/2020/07/23/pandemiyaning-ijtimoiy-iqtisodiy-oqibatlari-ozbekiston-aholisi-sorovnomada-ishtirok-etdi>

нисбатан туризм, дам олиш ва кўнгил очар хизматлар (-95 фоиз), ресторандар ва барлар (-91 фоиз), таълим (-85 фоиз) соҳаларида жуда катта бўлди. 2020 йил июнь ойида тиббиёт ва қурилиш соҳаларида жадал тикланиш кузатилиб энг кам таъсир кўрсатган касблар орасида ҳам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан пасайиш 50 фоиз ва ундан кўпроқни ташкил этди.

Ижтимоий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиди. Пандемия шароитида 3,8 миллион фуқаро ҳукумат ёрдамини турли шаклларда олди. Пандемия бошланганидан кейин аҳолининг 11 фоизи тўғридан-тўғри ҳукумат ёрдамини олганилиги ҳақида хабар берди. Ёрдамнинг энг катта қисми 92 фоизи тўғридан-тўғри ёки ваучерлар шаклларида берилган ва асосан шаҳарларда кўпроқ тарқалган. Кўрсатилган ёрдам ҳажми асосан даромади паст хонадонлар билан боғлиқлиги юқори бўлиб, мазкур дастур доирасида ёрдамнинг жуда катта улуши айнан ижтимоий заиф уй хўжаликларига йўналтирилганлигини тасдиқламоқда<sup>179</sup>.

Даромадини йўқотган уй хўжаликларида ҳаражатларнинг ошиши ва пандемиянинг иқтисодий таъсири кўпроқ ташвишга солган. Респондентларнинг 53 фоизга яқини ўз ҳаражатларида жиiddий ўзгаришлар бўлганини таъкидламоқда. Уларнинг 60-65 фоизи охирги 30 кун ичида одатдагидан кўпроқ пул сарфлаганликларини, қолганлари эса одатдагидан камроқ пул сарфлаганликларини билдиришган. Ҳаражатларнинг ошиши инқироз даврида даромади юқори бўлган уй хўжаликлири таъсири анча барқарор бўлиб чиқди. Ҳаражатлари кўпайганини билдирган респондентларда карантиндан олдин ҳам истеъмол даражаси юқорироқ бўлган.

2020 йилнинг июнь ойида маҳаллий маҳсулотларнинг танқислиги камайди. Респондентларнинг тахминан 1 фоизга

<sup>179</sup> Пандемиянинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари. Ўзбекистон аҳолиси сурвономада иштирок этди. <https://kun.uz/news/2020/07/23/pandemianing-ijtimoiy-iqtisodiy-oqibatlari-ozbekiston-aholisi-sorvnomada-ishtirok-etdi>

яқини жамғармалари тугаганини, бу апрель ойида эълон қилинган 16 фоиздан анча паст эканлигини таъкидлашган. Ушбу маҳсулотлар орасида озиқ-овқат маҳсулотлари, айниқса, ун нархларининг ошиши ҳақида маълумотлар пайдо бўлди. Дори-дармон ва ниқобларнинг сотувга чиқарилмагани ҳақида хабар берганлар апрель ойида 5 фоиздан июнь ойида деярли нольга тушди. Пандемия миграция ва пул ўтказмаларига ҳам сезиларли таъсир ўтказди. Пул ўтказмаларини қабул қиласидан уй хўжаликлари улуши июнь ойининг бошида бироз тикланди, аммо 2019 йилга нисбатан сезиларли даражада кам. Апрель ойида ҳар қандай пул ўтказмаларини олган уй хўжаликлари улуши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан икки баравар камайди, шундан сўнг май ва июнь ойларида бироз тикланди. Пул ўтказмаларини олганлар учун апрель ойида ўтказмаларнинг ўртacha ҳажми 21 фоизга камайди (инфляцияни ҳисобга олган ҳолда сўмда), аммо май ойида Россия рублининг кучайиши натижасида ўсади.

Респондентларнинг кам қисми оила аъзолари чет элда ишлашини таъкидлашди. Апрель ойида оила аъзолари хорижда ишлаётган уй хўжаликларининг улуши 2019 йилнинг худди шу даврига нисбатан 3 фоиз пунктга кам бўлди. Хорижда бўлиб турганлар орасида доимий иш билан банд бўлганлар улуши 88 фоиздан қарийб 73 фоизга тушиб кетган. Миграция мавсумий равишда кўпайган бир даврда, 2019 ва 2020 йиллар ўртасидаги тафовут май ва июнь ойларида янада ортди. Апрель ва июнь ойлари орасида, келажакда чет элга миграциясини режа қилаётган уй хўжаликларининг улуши деярли нольга тушди<sup>180</sup>.

Коронавируснинг салбий таъсирларидан хавотир юқори бўлиб қолмоқда. Респондентларнинг деярли барчаси Covid-19 нима эканлигини билишларини айтишган ва 75 фоиздан кўпроғи Covid-19 билан «жуда яхши таниш» эканликларини айтишган.

<sup>180</sup> Пандемиянинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари. Ўзбекистон аҳолиси сурвномада иштирок этди. <https://kun.uz/news/2020/07/23/pandemianing-ijtimoiy-iqtisodiy-oqibatlari-ozbekiston-aholisi-sorovnomada-ishtirok-etdi>

Апрел ва июнь ойлари орасида Covid-19нинг заарали таъсиридан хавотирлар бироз пасайди: согликлари учун хавфлардан «жуда хавотирда» эканликларини билдирганлар 64 фоиздан 60 фоизга тушди, иқтисодий оқибатлардан «жуда ташвишланаётганлар» 61 фоиздан 56 фоизга тушди. Социологик сўровда иштирок этган респондентларнинг таъкидлашларича, улар ўтган ҳафта ҳукуматнинг Covid-19 билан боғлиқ расмий баёнотларидан хабардор. 2020 йил апрель ойида 75 фоизи расмий эълонларни эшитганликларини айтишган ва июнь ойида бу рақам 80 фоизга етган. Деярли ҳамма телевизор ахборотнинг асосий манбай эканлигини таъкидлади. 2020 йил апрельдан кейинги даврда ижтимоий оммавий ахборот воситалари (12 фоиз) ва матнли хабарлар (15фоиз) ҳам оммабоп манбалар бўлган. Фақат бир неча фуқаро расмий эълонлар тўгрисида газеталар, радио ёки дўстларидан билиб олишларини айтишди.

Сўровда иштирок этганларнинг 80 фоизи респондент-ларда пандемия пайтида уларнинг одатий ҳаракатлари ўзгарганлигини қайд этишди. Асосан бу ниқоб тақиши (98 фоиз), оила аъзолари ва дўстларига ташрифларни қисқартириш (84 фоиз), қўлларни тез-тез ювиш (81 фоиз), қўл сиқиб кўришиш, ўпипшиш, саломлашиш (77 фоиз), ижтимоий масофа сақлаш (72 фоиз), уйдан ташқарида ишлашга камроқ вақт сарфлаш (51 фоиз), ўзини ўзи изоляция қилиш (17 фоиз)да ўз аксини топган. Респондентлар қўл ювиш талабларига юқори даражада ўсиб бораётганлигини маълум қилишди. Сўровда қатнашганларнинг таъкидлашича, улар қўлларини кунига ўртacha 5,5 марта ювадилар, бу апрель ойида қайд этилгандан 4,8 мартаға кўп. Респондентларнинг ўртacha қатлами қўлларини кунига ўртacha 10 марта ювишларини қайд этишган<sup>181</sup>.

<sup>181</sup> Пандемиянинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари. Ўзбекистон аҳолиси сўровномада иштирок этди. <https://kun.uz/news/2020/07/23/pandemianing-ijtimoiy-iqtisodiy-oqibatlari-ozbekiston-aholisi-sorovnomada-ishtirok-etdi>

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 24 июлида «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонни имзолади. Фармонга кўра, Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати (кейинги ўринларда — Санитария-эпидемиология хизмати), унинг ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари ташкил қилинди. Санитария-эпидемиология хизмати унинг тузилмасига кирувчи ташкилотлар билан бирга яхлит тизимни ташкил қиласди. Санитария-эпидемиология хизматининг тибиёт, санитария-эпидемиологик ва бошқа ходимларига коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиб тадбирларига жалб этилган даврда уларнинг ойлик лавозим маошига 6 фоиз миқдорида ҳар кунлик қўшимча тўловлар тўланиши тадбиқ этилади.<sup>182</sup> Мамлакат раҳбари доимий суръатда ҳар бир фуқаронинг саломатлигини муҳофаза қилишини назоратга олган. Ушбу мақсадда соғлиқни сақлашга жавобгар бўлган ташкилотлар, биринчи навбатда Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятига, унинг жойлардаги шифохоналари ишига талаб кучайтирилди. “Инсон саломатлигини муҳофаза қилиш борасида сўнгги вақтда олиб борилаётган ишларимизга қарамасдан, афсуски, жойларда кўплаб муаммолар сақланиб қолмоқда. Ана шуларни ҳисобга олиб, ҳудудлар аҳолиси учун қулай бўлган, сифатли ва замонавий тиббий ёрдам кўрсатиш, касалликларни барвақт аниқлаш бўйича бошланган ишларимизни изчил давом эттирамиз.”<sup>183</sup> Бундай жараён натижасида шифохоналарни,

<sup>182</sup> Шавкат Мирзиёев «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонни имзолади <https://kun.uz/news/2020/07/25/sanitariya-epidemiologik-osoyishtalik-va-jamoat-salomatligi-xizmatining-hududiy-boshqarmalari-tashkil-etiladi>

<sup>183</sup> Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлнимизни қатъяят билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Том 1, Тошкент, “Ўзбекистон”. 2017, Бет 45.

коронавирус тарқалиши муносабати билан ташкил этилған касалхоналар тажрибали мутахасислар билан таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июльдаги «Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимоя ва ёрдамга муҳтоҷ аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони мухим аҳамият касб этади.<sup>184</sup>

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва эҳтиёжманд оиласларни моддий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ва халқимизнинг тарихий ва маънавий қадриятларини намоён этган «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракатини янада кучайтириш мақсадида, шунингдек Қурбон ҳайити байрами муносабати билан ушбу Фармон қабул қилинди. Таъкидлаш лозимки ушбу тарихий қарорнинг амалий аҳамияти, Корона-вирус пандемияси оқибатларини юмшатиш мақсадида ҳамда Қурбон ҳайити байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан, моддий ёрдам ва кўмакка муҳтоҷ оиласларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун «Саховат ва кўмак» жамғармасининг ҳудудий бўлимларига 200 миллиард сўм, тез тиббий ёрдам бригадалари ходимларига (врач, фельдшер, санитар ва ҳайдовчилар) бир марталик пул мукфоти бериш учун 100 миллиард сўм маблағ ажратилди.<sup>185</sup>

Кўрилган коронавируснинг тарқалиш суръатлари пасай-маяпти. “Пандемия бутун дунёдаги умумий вазиятга, айниқса, давлатларнинг миллий иқтисодиётига ниҳоятда салбий таъсир ўтказмоқда. Ушбу оғат туфайли юзага келган фавқулодда вазият оқибатида кескинлашган глобал иқтисодий инқироз барча

<sup>184</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июльдаги «Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимоя ва ёрдамга муҳтоҷ аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони (Қонун ҳужжатлари маълумотлари базаси, 30.07.2020 й., 06/20/6038/1125-сон)

<sup>185</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июльдаги «Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимоя ва ёрдамга муҳтоҷ аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони (Қонун ҳужжатлари маълумотлари базаси, 30.07.2020 й., 06/20/6038/1125-сон)

мамлакатларнинг барқарорлиги, аҳоли турмуш давлатини ва фаровонлигига жиёдий путур етказмоқда 2020 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари пандемия кунлаб давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига тўсиқ бўлиб, шунга янги таҳдид ва инқирозларни юзага келтирганини давлат мөбода Дунё кўламида кенг тарқалган бу вабони жиловлаш борасида тахминлар эса ҳамон ноаниқ ва қарама-қаршиликларга тула”<sup>186</sup> “Шунинг учун ҳам коронавирус инфекциясига қарши самарали курашмоқ учун давлат сиёсатининг оқилона ҳамда юксак масъулият билан олиб борилиши – давлат ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳаётий аксиомалар халқимиз манфаатларини ҳимоя қилиш борасида аниқ-равshan ва изчил давлат сиёсати, ижтимоий йўналтирилган давлат бошқаруви олиб борилишини энг муҳим ҳаётий зарурат сифатида кун тартибига қўймоқда”<sup>187</sup>.

2020 йилнинг июнь ойида Бандлик ва меҳнат муносабат-лари вазиригининг Республика бандлик ва меҳнатни муҳофаза қилиш иммий маркази томонидан Халқаро меҳнат ташкилоти тавсиялари асосида иплаб чиқилган методика бўйича республиканинг 101та шаҳар ва туманларида навбатдаги ижтимоий сўров ўтказилди. Унда 490 та фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари, 4,9 мингта уй хўжаликлари ҳамда 25,9 минг нафар фуқаро қамраб олинди. Социологик сўров натижаларига кўра, Covid-19 пандемияси даврида коронавирус инфекцияси тарқалишини олдини олишга қара-тилган карантин чоратадбирлари меҳнат бозорига сезиларни даражада таъсир кўрсатган. Республикада ишсизлик даражаси иқтисодий фаол аҳолининг 13,2 фоиз ташкил этганлигини кўрсатди. Бу кўрсаткич 2019 йилнинг шу даврида 9,1 фоизга teng бўлган. Ишга муҳтоҷ бўлганларнинг умумий сони 1,9 млн кишини ташкил этади (16-30 ёшгача бўлганлар ўргасида ишсизлик даражаси- 20,1 фоиз, аёллар ўргасида ишсизлик даражаси эса - 17,4 фоиз).

<sup>186</sup> Исмоилов Н.,Кароновирус: илк сиёсий сабоқлар.

<https://uz.a.uz/oz/politics/koronavirus-ilk-siyesiy-sabo-lar-25-07-2020>

<sup>187</sup> Исмоилов Н.,Кароновирус: илк сиёсий сабоқлар.

<https://uz.a.uz/oz/politics/koronavirus-ilk-siyesiy-sabo-lar-25-07-2020>

Меҳнат ресурслари сони 19 млн. кишини ташкил этиб, 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 0,6 фоизга кўпайган бўлса, Covid 19 пандемиясининг иқтисодиёт субъектлари фаолиятига салбии таъсири натижасида иқтисодиёт тармоқларида банд бўлганлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5 фоизга ёки 671 минг кишига камайиб, 12,7 млн кишини ташкил қилди.

Шунингдек, иқтисодиёт тармоқдарининг расмий секторда банд бўлган аҳоли сони 5,5 млн кишини ташкил қилиб, ўтган йил шу даврга нисбатан 0,2 фоизга ёки 12,4 минг кишига камайди. Бунда коронавирус инфекцияси тарқалишини олди-ни олишга қаратилган айрим чеклов чора-тадбирлар сабабли якка тартибда тадбиркорлик билан шугулланувчилар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 167,5 минг (46,4 фоиз)га камайиб кетганлиги ҳисобига юзага келган бўлса, 131,2 минг ишсизларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш ҳисобига расмий бандлар сони кескин камайиш олди олинди. Тадқиқот натижаларига кўра, республикадан ташқарига хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетганлар сони 2 млн кишини ташкил этган, бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 553,2 минг, 2020 йилнинг 1-чорак якунига нисбатан эса 232,1 минг кишига камайган.

Норасмий секторда банд бўлганлар сони (хорижда ишлаётган меҳнат мигрантларини ҳисобга олмаганда) ўтган йилга нисбатан 2,1 фоизга ёки 105,3 мингга камайиб, 5,1 млн кишини ташкил этмоқда. Бунда асосан вақтингчалик бир марталик ва мавсумий ишларни бажарувчилар (108,4 мингга камайган), меҳнат муносабатларини расмийлаштирумасдан оиласвий корхоналарда ва тадбиркорларда ишловчилар (87,6 минг), рўйхатдан ўтмасдан ва тегишли рухсатномасиз фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар (110,6 минг) сони камайди.<sup>188</sup> Шу билан бирга, карантин чора-тадбирлари даврида уйда ўтирган фуқаролар сони ошганлиги ҳамда фуқароларнинг шахсий томорқаларни ривожлантириш учун Бандликка кўмаклашиш

<sup>188</sup> Узбекистонда ишсизлик даражаси маълум қилинди

Узбекистонда 2020 йилнинг январь-июнь ойларида ишсизлик даражаси 13,2 фоизни ташкил этди <https://kun.uz/news/2020/08/03/ozbekistonda-ishsizlik-darajasi>

жамғармасидан субсидиялар бериш дастури ҳажми кескни ортгандыктын учун деңқон ва шахсий томорқаларда банд бўлганлар сони 201,1 мингга ортган.

Тадбиркорлик субъектлари ва ўзини ўзи банд қилган фуқароларга меҳнат стажини ҳисобга олиш ва рағбатланти-рувчи имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқи берилиши норасмий секторда бандлар улушкини камайтириш имкониятини бермоқда. Республикада иқтисодий нофаол аҳоли сони 2019 йил мос даврига нисбатан 4,5 фоизга ошган. Ушбу кўрсаткич ўтказилган тадқиқот давомида тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш соҳаси вакиллари карантин чора-тадбирлари даврида вақтингчалик ўз фаолиятларини тұхтатиб туришларини ва чекловлардан сұнг қайта тиклаш ниятини билдириб, бошқа фаолият билан шугулланмасликни афзал кўраётганлиги сабаб-ли ошганлигини кўрсатди.<sup>189</sup>

2020 йилнинг январь-июнь ойларида, айниқса, Covid-19 пандемиясининг меҳнат бозорига салбий таъсирини юмшатиши мақсадида меҳнат органлари томонидан 588,2 минг (30 ёшгача бўлганлар 159,9 минг ва аёллар 229,4 минг) ишсиз ва банд бўлмаган аҳолига хизматлар кўрсатилди.

Хусусан, 501,1 минг нафари доимий иш ўринларига ишга жойлаштириш ва жамоат ишларига жалб қилиш орқали бандлиги таъминланди, 15,0 минг нафар ишсизлар касб-ҳунарга ўқитилди, 27,0 минг нафар ишсиз шахсларга Банд-ликка кўмаклашиш жамғармасидан 10,1 млрд. сўм ишсизлик нафақаси тўлаб берилди. Шунингдек, Бандликка кўмаклашиш жамғармасидан ажратиладиган субсидиялар ҳисобига 24,8 минг нафар фуқаро шахсий томорқаларида, 15 минг нафар фуқаро қишлоқ ҳўжалиги, тикувчилик ва ҳунармандчилик кооперативларида аъзо сифатида биритирилиб, банд қилинди, 3 минг нафар фуқаро тадбиркорликка жалб этилди, 256 та иш берувчига меҳнат органлари йўлланмаси билан ишга олинган 2,3 минг нафар ишсизларнинг касбий малакасини оширганлиги ва ижтимоий

<sup>189</sup> 189 Ўзбекистонда ишсизлик даражаси маълум қилинди

Ўзбекистонда 2020 йилнинг январь-июнь ойларида ишсизлик даражаси 13,2 фоизни ташкил этди <https://kun.uz/news/2020/08/03/ozbekistonda-ishsizlik-darajasi>

ҳимояга муҳтож аҳолини ишга олганлиги учун моддий кўмак ажратилди.<sup>190</sup> Шунинг билан биргалиқда, пандемия шароитида одамлар иштимоий ҳимоя-сига алоҳида эътибор берилди. Жумладан, уларнинг бандли-гини таъминлаш учун чора тадбирлар ишлаб чиқилди.

2020 йилнинг 1 август ҳолатига кўра, 617 минг нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Шундан 506 минг нафари айнан пандемия даврига тўғри келди. Ташқи миграциядан қайтган ва хорижга ишга кета олмаган фуқароларга субсидия ажратиш механизми жорий қилинди. Жумладан, фуқароларга энг кам иш ҳақининг 3 бараваридан 30 бараваригача миқдор-даги маблаг шахсий томорқаларини ривожлантериш учун берилди. Ҳозиргача 25 минг оила иш билан таъминланиб, бунинг учун 54 млрд сўм маблаг сарфланган. Аҳоли энг кам иш ҳақининг 10 бараваригача бўлган маблаг асосида иқтисодий қўллаб-куватланган. Натижада 3 ой ичида 318та кооператив ташкил қилиниб, 16 минг киши меҳнатга жалб қилинди. Бунинг учун жами 26 млрд. сўм пул сарфланган. 2020 йил якунигача яна 327та кооператив ташкил қилиш ва уларга 17 минг нафар аҳолини жалб қилиш режалаштирилган. Бундай кооперативларнинг 17 таси ҳунармандчиликка асосланиб, хотин-қизларни бирлаштиради. Ўз-ўзини банд қилиш йўна-лишлари 24тадан 67тага кўпайтирилди. Шунингдек, унинг тўлови 1 миллион 50 минг сўмдан 115 минг сўмга туширилди. Ҳозирда республикада 201 минг нафар фуқаро ўз-ўзини банд қилган.<sup>191</sup>

<sup>190</sup> Ўзбекистонда ишсизлик даражаси маълум қилинди

Ўзбекистонда 2020 йилнинг январ-июн ойларида ишсизлик даражаси 13,2 фоизни тапкил этди <https://kun.uz/news/2020/08/03/ozbekistonda-ishsizlik-darajasi-malum-qilindi>

<sup>191</sup> Пандемия даврида аҳоли бандлиги кўрсаткичлари ҳақида маълумот берилди <https://kun.uz/news/2020/08/07/pandemiya-davrida-aholi-bandligi-korsatkichlari-haqida-malumot-berildi>

## ХУЛОСА

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, инсон экологияси жамият тараққиётида, шахс ижтимоий манфаатларининг амалга ошишида муҳим аҳамиятга эгадир. Глобал ва минтақавий экологик тангликтин юмшатишга қаратилган халқаро алоқалар, жумладан глобал ва минтақавий экологик вазиятни юмшатиш борасидаги комплекс, илмий асосланган тадбирлар, инсон фаолияти учун зарур бўлган, муайян шаффоғ шароитни вужудга келтиришнинг янги ривожланиш босқичидаги кенгайиши, минтақа давлатлари ва халқлари орасидаги азалий дўстлик муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қиласди. Ушбу жараённинг амалга ошишида мамлактлар раҳбарларининг ўзаро учрашувлар ва ушбу соҳада ики томонлама қабул қилинган ҳужаттлар муҳим аҳамият касб этади. Шу билан биргаликда мустақил давлатлар парламент-ларининг ўзаро алоқалари ҳам муҳим ўрин тутади. Инсон экологияси такомилига мўлжалланган халқаро ҳамкорликни такомиллаштириш, замонавий мазмун билан бойитиш учун қўйидагиларга эътибор бериш лозим.

Биринчидан, Марказий Осиё мамлакатлари қўшни вилоятлар раҳбарлари, мутасадди вазирлар ва сиёсий партиялар раҳбарларининг ўзаро учрашувларни ташкил этишни кўпайтириш ва ушбу анжуманлар, учрашувлар доирасида минтақа халқлари, жумладан, сиёсий партиялар аъзолари, депутатлар фракциялари, миллий парламентлар орасидаги маданий алоқаларни янада кенгайтириш, минтақавий ва локал экологик муаммоларни ҳал қилиш учун, ҳамкорликда амалий таклифларни ишлаб чиқиш зарур.

Иккинчидан, мустақил давлатлар ижодкор ёшлари фестивалини, инсон экологиясининг долзарб масасалаларига бағишлиланган кун тартиби билан, икки йилда бир марта пойтахтларда ўtkазиш ва унда минтақадаги экологик

хавфсзлиги, миграция масалларини, экология мавзусида миллий адабиёт ижодкорлари орасидаги ижодий алоқаларни кенгайтириш масалларини муҳокама қилиш лозим.

Учинчидан, инсон экологияси тарғиботи, такомида мұхым үрин әгаллайдиган адилар, жамиятшунос, эколог олимлар, илмий тармоқ институтлари раҳбарлари, Фанлар академиялари вакиллари орасидаги үзаро ижодий, илмий ҳамкорликни мунтазам йұлга қўйиш, экологиянинг сув, ер, ҳаво, флора ва фауна ресурсларидан фойдаланишга бағиши-ланган илмий конференциялар үтказиш, ташкил қилиш мақсадға мувофиқ.

Тўртингидан, халқларимиз орасидаги дўстликни, сув ресурсларидан рационал фойдаланишнинг, ҳавони ифлослантирумаслик бўйича тарихий илдизларини, ҳамкорликни тараннум этувчи бадий адабиёт, монографиялар, мемуарларни ўзбек тилига ва бошқа қардош халқлар тилига таржима қилишни, баддий, хроникал кино ленталарни дубляж қилишни кенгайтириш лозим.

# **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ**

## **I. УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИ**

1. Узбекистон Республикаси Конституцияси. Ташкент, “Узбекистон”. -2018

2. Узбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” Қонуни. 1409.2016 й. п ўрқ-406., Халқ сўзи, 2016 йил 15 сентябр.

3. Узбекистон Республикасининг “Экологик назорат тўғрисида” Қонуни. Узбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-сон, 688-модда;

4. Узбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” Қонуни. Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 1-сон, 38-модда; Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 6-сон, 118-модда.

## **II. УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ Ш.М.МИРЗИЁЕВ АСАРЛАРИ, ФАРМОНЛАРИ, ҚАРОРЛАРИ**

1. Шавкат Мирзиёев. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Тошкент, “Узбекистон”, 2018, Том 2.,Б.130.

2. Шавкат Мирзиёев.Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кутарамиз. Тошкент, “Узбекистон”. 2017, Том 1, Бет498..

3. Шавкат Мирзиёев «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осоишишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонни имзолади <https://kun.uz/news/2020/07/25/sanitariya-epidemiologik-osoyishtalik-va-jamoat-salomatligi-xizmatining-hududiy-boshqarmalari-tashkil-etiladi>

4. Мирзиёев Ш.М. Пандемияни жиловлашда жасорат курсатган фидойилар тақдирланади. <https://kun.uz/news/2020/07/23/pandemiyani-jilovlashda-jasorat-korsatgan-fidoyilar-taqdirlanadi-prezident>

5. Мирзиёев Ш.М. Узбекистон Республикаси Президентиниг фармони.“Узбекистон Республикасини янада ривожлантириш-

нинг 2017- 2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегияси” ни тасдиқлаш туғрисида. Ҳалқ сўзи, 2017 йил 6 февраль.

6. Шавкат Мирзиёев чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва ипакчилик тармоқларини янада ривожлантириш масалаларига бағишлиган видеоселекгор йигилиши ўтказди. 13 ноябр 2019, <https://www.gazeta.uz/uz/2019/11/13/chorvachilik/>

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-куvvатлаш туғрисидаги” фармони 05.07.2017 й. н ПФ-5106 “Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами”, 2017 йил 10 июль, 27-сон, 607-модда

8. Ўзбекистон республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. Ҳалқ сўзи, 23 декабрь 2017 йил.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 3 октябрдаги қарори Қонун хужжатлари маълумотлари миллый базаси, 05.10.2018 й., 07/18/3956/1994-сон; 21.03.2019 й., 07/19/4247/2801-сон; 22.07.2020 й., 06/20/6031 /1088-сон.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони Қонун хужжатлари маълумотлари миллый базаси, 17.01.2018 й., 06/18/5303/0579-сон, 20.02.2018 й., 06/18/5354/0791-сон, 31.10.2018 й., 06/18/5564/2137-сон, 12.12.2018 й., 06/18/5596/2298; 14.12.2019 й., 06/19/5894/4161)

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси [parliament.gov.uz](http://parliament.gov.uz) 29.12.2018

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенатининг 20-ялпи мажлисидағи нутқи. [kun.uz](http://kun.uz) / Ўзбекистон 22.06.2019 44724

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони.”2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси” <https://uza.uz/oz/documents/2030-yilgacha-b-lgan-davrda-zbekiston-respublikasining-atrof-31-10-2019>

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июлдаги «Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимоя ва ёрдамга муҳтоҷ аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.07.2020 й., 06/20/6038/1125-сон)

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. «Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020 - 2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида». <http://uzo.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-suv-kh-zhaligini-rivozhlantirishning-10-07-2020>

### **ІІІ. КИТОБЛАР, МОНОГРАФИЯЛАР, АСАРЛАР, МАҚОАЛАЛАР.**

1. Аброр Зоҳидов.Чекловларсиз вазият издан чиқиб кетган бўларди» – Нурмат Отабеков карантин ўз натижасини бераётгани ҳақида гапириди. <https://kun.uz/news/2020/07/23/cheklovlarsiz-vaziyat-izdan-chiqib-ketgan-bolardi-nurmat-otabekov-karantin-oz-natijasini-berayotganini-malum-qildi>

2. Абу Али ибн Сино, Тиб қонунлари. I жилдлик сайланма /Тузувчилар: У.Каримов, Х.Хикматуллаев. - Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт наприёти, 1996. – 542 б.

3. Абу Жаъфар Наршахий. «Бухоро тарихи» <sup>1</sup> <http://www.eturix.uz/milliyat-insholari/311-buxoro>

4. Абу Наср Форобий — Шарқнинг иккинчи муаллими. <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/falsafa/abu-nasr-forobiy-sharqning-ikkinchi-muallimi/>

5. Абу Райхон Беруний Муҳаммад ибн Аҳмад. <http://www.ferlibrary.uz/abu-rayon-beruniy-muhammad-ibn-a>

6. Авеста (Зенд-Авеста), книга. <http://rushist.com/index.php/ancient-east/2512-avesta-zend-avesta-kniga>

7. Автобиография Тамерлана. В книге “Тамерлан: Эпоха. Личность. Деяния», М.; «Гураш», 2002, с.83.

8. Автобиография Тамерлана. В книге “Тамерлан: Эпоха. Личность. Деяния”, М.; «Гураш», 2002, с.86.

9. Автобиография Тамерлана. В книге “Тамерлан: Эпоха. Личность. Деяния”, М.; «Гураш», 2002, с.51.

10.Алихонов Б. Жакбаров С. Биохилмажилликни сақдаш — барқарор ривожланиш омили Ҳуррият, 23 май 2012 йил.  
<http://parliament.gov.uz/upload/iblock/fad/jo7gejkabldbsionxbpjwijpslnutde%20hmxnryijuk-bcyooaaejwmtmee.pdf>

10.Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) кутубхонаси. [http://n.ziyouz.com/books/alisher\\_navoiy\\_asarlari/](http://n.ziyouz.com/books/alisher_navoiy_asarlari/) Ali-sher%20Navoiy.%20Majolisun-nafois.pdf

11.Атроф-муҳит ҳолатининг шарҳи. БМТ. Женева, Нью Йорк, 2010, Бет. 24.

12.Атроф-муҳит ҳолатининг шарҳи. БМТ. Женева, Нью Йорк, 2010, Бет. 25-28.

13.Бартольд В. Царствование Тимура. В книге “Тамерлан: Эпоха. Личность. Деяния», М.; «Гураш», 2002, с. 488-489.

14.Бердяев Н.А.Самопознание. Москва, Издательство: АСТ, Neoclassic, 2017..-480 с..

15.Беш ташаббус билан келажак сари.30.06.2019. <http://andi-jan.uz/news/>

16.БМТ БОШ котиби ҳалқаро ҳамжамиятни Оролни кутқаришга чақирди.. [https://www.bbc.com/uzbek/uzbekistan/2014/10/141029\\_aral\\_conference](https://www.bbc.com/uzbek/uzbekistan/2014/10/141029_aral_conference)

17.Большой словарь иностранных слов русского языка. Москва, [https://gufo.me/dict/foreign\\_words](https://gufo.me/dict/foreign_words).

18.Бозорова Н.Ш. Талабаларда экологик маданиятни ривожлантиришнинг илмий-педагогик асослари (олий ўқув юрти мисолида). Пед. фан. ном...дисс. – Т. 2006. -9 б.

19.Гийасиддин Али. Дневник похода Тимура в Индию. В книге “Тамерлан: Эпоха. Личность. Деяния”, М.; «Гураш», 2002, с. 293.

20.Иванин М.Состояние военного искусства у среднеазиатских народов при Тамерлане. В книге “Тамерлан: Эпоха. Личность. Деяния”, М.; «Гураш», 2002, с.434..

21.Исмоилов Н.,Кароновирус: илк сиёсий сабоқдар. <https://uza.uz/oz/politics/koronavirus-ilk-siyesiy-sabo-lar-25-07-2020>

22.Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз демократик ислоҳотларни чукурлашириш ва модернизация жараёнларини изчил давом этириш йўлдир. // Халқ сўзи, 2011 йил 8 декабрь.

23.Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т.; “Маънавият”, 2008, 44 - 45 бет.

24. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримовнинг “Юксак билимли ва интелекгуал мамлакатни барқарор тараққий этириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидағи нутқи. \\ Халқ сўзи, 2012 йил 18 феврал.

25. Каримов И.А. Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолоти. – Тошкент, Шарқ, нашриёти – матбаа концерни Бош таҳририяти, 1993. – Б. 27-28.

26. Каримов И.А. “Ўрта Осиёнинг трансчегаравий экологик муаммолари: уларни ҳал этишда халқаро ҳуқуқ механизмларини қўллаш” мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига.Халқ сўзи, 2010 йил 18 ноябрь.

27. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияитини ривожлантириш концепцияси./Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь.

28. Каримов И.А. Ўзбекистон пахткорлари ва барча меҳнаткашларига. Халқ сўзи, 2010 16 октябрь.

29. Каримов И.А БМГ саммити. мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишлиган ялпи мажлисидаги нутқи. Халқ сўзи, 22 сентябрь.2010 йил.

30. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо – этиш устувор мақсадимиздир”.- Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

31. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

32. Клавихо Г. История Великого Тимура. В книге “Гамерлан: Эпоха. Личность. Деяния», М.; Гураш», 2002, с.300.

33. Кувайт жамгармаси Ўзбекистон тиббиёт муассасаларини ускуналар билан жиҳозлаш учун 5,6 млн доллар ажратиши мумкин <https://kun.uz/news/2020/07/21/kuvayt-jamgartmasi-ozbekiston-tibbiyot-muassasalarini-uskunalar-bilan-jihozlash-uchun-56-mln-dollar-ajratishi-mumkin>

- 34.Маликова А.Р. Педагогика олий ўкув юрти талабаларида экологик маданиятни шакллантириши: Пед.фан.номз ... дисс. – Т.: 2010.-8 б.
- 35.Мамашакиров С.. Ваҳимами ёки ҳақиқат.Тошкент, “Иқтисод-молия”, 2012.Б.8.
- 36.Маҳмуд Кошгари. Девону Луготит Турк. Том 1.Тошкент, 1960. - 499 с.
- 37.Муминов И. Роль и место Амира Тимура в истории Средней Азии. В книге “Тамерлан: Эпоха. Личность. Деяния», М.; «Гураш», 2002, с. 535.
- 38.Низомиддин Шомий. Зафарнома. Т.:”Ўзбекистон”,1996,176.
- 39.Национальный доклад о состоянии окружающей среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан. ( 1999-2007). Ташкент, 2008, стр.42.
- 40.Нишонова Н.Ў. Умумий ўрта таълим мактаб ўкувчиларининг экологик маданиятини ривожлантириш (адабий таълим мисолида): Пед. фанл, номз. ... дисс. – Т.: 2001. -4 б.
- 41.Орол денгизи [http://www.ntsomz.ru/projects/eco/econews\\_271108\\_beta](http://www.ntsomz.ru/projects/eco/econews_271108_beta)
- 42.Орол денгизининг ҳозирги ҳолати [https://enc.for.uz/w/index.php?title=Orol\\_dengizi&action=edit&section=5](https://enc.for.uz/w/index.php?title=Orol_dengizi&action=edit&section=5)
- 43.Орол бўйи ҳудудининг экологик муаммолари. [https://enc.for.uz/w/index.php?title=Orol\\_dengizi&action=edit&section=6](https://enc.for.uz/w/index.php?title=Orol_dengizi&action=edit&section=6)
- 44.Пандемияни жиловлашда жасорат кўрсаттан фидойилар тақдирланади. <https://kun.uz/news/2020/07/23/pandemiyani-jilovlashda-jasorat-korsatgan-fidoyilar-taqdirlanadi-prezident>
- 45.Пандемия даврида аҳоли бандлиги кўрсаткичлари ҳақида маълумот берилди <https://kun.uz/news/2020/08/07/pandemiya-davrida-aholi-bandligi-korsatkichlari-haqida-malumot-berildi>
- 46.Президент бешта муҳим ташаббусни илгари сурди. Улар нима? 14:27 / 20.03.2019 85511kun.uz / Ўзбекистон
- 47.Сайдова Д.Н., И.Б.Рустамова, Ш.А.Турсунов. “Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги”. Ўкув қўлланма. Т.: “ЎзР Фанлар Академияси Асосий кутубхонаси” босмахонаси нацириёти, 2016. – 6.4.
- 48.Саида Мирзиёева Президентнинг беш ташаббуси бўйича Бўкага борди. Жамият. 2019 йил 20 Апрель 20363

49. Саифназаров И. Маънавий баркамоллик ва сиёсий маданият: рисола / И. Саифназаров. - Т.: Шарқ, 2001. - 160 с.

50. Самарқанд давлат тиббиёт институтида зарур тиббий мутахассисларни зудлик билан тайёрлаш йўлга қўйилди. <https://kun.uz/news/2020/07/24/samarqand-davlat-tibbiyot-institutida-zarur-tibbiy-mutaxassislarini-zudlik-bilan-tayyorlash-yolga-qoyildi>

51. «Сардоба» сув омбори тўғонининг ўтирилиш сабаблари аниқланди. <https://www.gazeta.uz/uz/2020/07/27/sardoba>

52. Сирдарё ҳавзасига боғланган майдонларни қўшимча сугориш учун Тожикистондаги сув омборидан фойдаланилади. <https://daryo.uz/k/2020/07/21/sirdaryo-havzasiga-boglangan-maydonlarni-qoshimcha-sugorish-uchun-tojikistondagi-suv-omboridan-suv-olinadi/>

53. Словарь философских терминов. Научная редакция профессора В.Г. Кузнецова. М., ИНФРА-М, 2007, с. 2-3.

54. Соғлиқни сақлаш вазирлиги: беш ташаббус доирасида бўка туманида юриш ва гимнастика оммавий тадбирлари ташкил этилди. 17 июня 2019. [minzdrav.uz/uz/news](http://minzdrav.uz/uz/news)

55. Соловьев В. С. Философские начала целевого знания: монография - Москва: Директ-Медиа, 2012. стр.126.

56. Темур тузиклари. Т.: Гоффур Гулом номидаги нашриёт матбаа бирлашмаси, 1991, 66 бет.

57. Туркиялик мутахассислар гурухи Ўзбекистонга коронавирусга қарши курашда маслаҳатчи сифатида келишди. <https://kun.uz/news/2020/07/24/turkiyalik-mutaxassislar-guruhi-ozbekistonga-koronavirusga-qarshi-kurashda-yordam-berish-uchun-kel>

58. Уватов У. Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида. Т.: «Шарқ», 1997, 57 бет.

59. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2013 йил 27 майда “2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастури тўғрисида” қарори. <http://news.mail.ru/28мая2013>

60. Ўзбекистон бир йилда қанча гўшт ишлаб чиқаришини биласизми? <https://kun.uz/02867092?q=%2F02867092>

61. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 21 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги маърузаси://Халқ сүзи, 7 декабрь 2013 йил.

62. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг“2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини тасдиқлаш тұгрисида”ги қарори. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.06.2019 й., 09/19/484/3281-сон)

63. 2019 - 2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегияси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.06.2019 й., 09/19/484/3281-сон)

64. Ўзбекистон Республикаси Давлат экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг тарихи <http://www.uznature.uz/yz/site/page?numer=103>.

65. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Москва,” Рус тили” нашриёти, 1981, Б.439

66. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи учун 2018 йил қанчалик самарали бўлди? <https://www.xabar.uz/jamiyat/ozbekiston-yoshlar-ittifoqi-uchun>

67. «Ўзбекистон Орол дengizi билан bogliq muammo tufileli k'up pul yuqotmoqda» — Халқаро марказ директори муаммо бўйича таклифлар берди. <https://kun.uz/news/2019/09/10/ozbekiston-orol-dengizi-bilan-bogliq-muammo-tufayli-kop-pul-yoqotmoqda-xalqaro-markaz-direktori-muammo>

68. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг “Орол дengizi tubidagi suvi қуриган xuddularda «yaşil qoplamlar» — ximoya urmonzorlari barpo etishi b'oyicha chora-tadbirlar tughrisida” 2019 йил 25-декабрда маҳсус қарори қабул қилинди. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.12.2019 й., 09/19/1031/4192-сон)

69. Ўзбекистон ва Россия давлат телерадиокомпаниялари ҳамкорлик келишувини имзолади. 27.05.2019 4880 kun.uz / Ўзбекистон.

70. Ўзбекистонга 1300та кислород концентратори олиб келинди. <https://kun.uz/news/2020/07/24/ozbekistonga-1300ta-kislorod-konsentratori-olib-kelindi>

71. Ўзбекистонга туристик мақсадларда келган ва кетган шахслар бўйича статистика очиқланди. <https://kun.uz/news/2020/07/23/ozbekistonga-turistik-maqsadlarda-kelgan-va-ketgan-shaxslar-boyicha-statistika-ochiqlandi>

72. Ўзбекистонга Германиядан гуманитар ёрдам ва Хитойдан тиббиёт жиҳозлари олиб келинди <https://kun.uz/news/2020/07/28/ozbekistonga-germaniyadan-gumanitar-yordam-va-xitoydan-tibbiyot-jihozlari-olib-kelindi>

73. Ўзбекистонда 2020 йилнинг январь-июнь ойларида ишсизлик даражаси 13,2 фоизни ташкил этди. <https://kun.uz/news/2020/08/03/ozbekistonda-ishsizlik-darajasi-malum-qilindi>

74. Ўзбекистон ва Россия давлат телерадиокомпаниялари ҳамкорлик келишувини имзолади. 27.05.2019 4880 kun.uz / Ўзбекистон.

75. Халилова Наргиза. Карантин – пауза қилиш учун имконият». Изоляция даврида стрессдан ҳимояланиш бўйича психолог тавсиялари. <https://kun.uz/news/2020/07/24/karantin-pauza-qilish-uchun-imkoniyat-izolyatsiya-davrida-stressdan-himoyalanish-boyicha-psixolog-tavsiyalari>

76. Холмуродов Р. Ва бопи. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш – давр талаби, <http://www.xs.uz/uzkr/post/oziq-ovqat-khavfsizligini-taminlash-davr-talabi>

77. Что такое биоразнообразие. <https://www.worldenvironmentday.global/ru/vy-znali/chto-takoe-bioraznoobrazie>

78. Шоева Сайёра, Ёқуб Мелибоев. 40 йилида 400 минг гектар, бир йилда эса 500 минг гектар ўрмонзор барпо этилди. <https://aza.uz/oz/society/orol-dengizi-ya-in-kelazhakda-nimalar-r-uberadi-mutakhassis-27-02-2020>

79. Шоназаров У. Тожикистон маданияти кунлари таассуротларга бой бўлди. Халқ сўзи, 2017 йил 14 октябрь.

80. Юлдашева Т. Диний бағрикенглик — жалқимизга хос фазилат. Халқ сўзи, 13 Февраль 2018

81. Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадгу билиг» <https://ziyouz.uz/ozbek-sheriysi/ozbek-mumtoz-sheriysi/yusuf-xos-hojib/>

82. Якубовский А. А. Темур. В книге “Тамерлан: Эпоха. Личность. Деяния”, М.; «Гураш», 2002, с.43.

# **МУНДАРИЖА**

<b>КИРИШ .....</b>	<b>3</b>
--------------------	----------

## **I БОБ. ИНСОН ЭКОЛОГИЯСИННИГ НАЗАРИЙ МЕТОДОЛОГИК ВА ИЖТИМОИЙ ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ**

1.1. Марказий Осиё мутафаккирларининг инсон экологияси ҳақи- даги қарашларининг ижтимоий фалсафий жиҳатлари .....	8
1.2. Инсон экологиясининг ҳуқуқий ва фалсафий асослари .....	26
1.3. Инсон экологик хавфсизлигини таъминлаш институционал тизими такомиллаштирилиши .....	60

## **II БОБ. ЖАМИЯТНИНГ ЯНГИ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧИДА ИНСОН ЭКОЛОГИЯСИ РИВОЖИГА КОМПЛЕКС ЁНДАШГУВ**

2.1. Рақаботбардош кадрлар тайёрлаш тизими такомиллашу- вииning инсон экологияси таъсири .....	75
2.2. Табиий ресурсларидан рационал фойдаланишнинг инсон экологияси билан ўзаро боғлиқдиги .....	97
2.3. Флора ва фаунадан самарали фойдаланишнинг инсон эколо- гияси билан уйғуналиги .....	113

## **III БОБ.ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ИНСОН ЭКОЛОГИЯСИНИ ЮКСАЛТИРИШ ЖАРАЁНИДАГИ ЎРНИ**

3.1. Узлуксиз таълим тизимининг инсон экологиясидаги роли .	127
3.2. Фуқаролик жамияти институтларининг инсон экологиясидаги ўрни.....	153
3.3. Инсон экологиясининг ижтимоий жараёнлар билан боғлиқ- лиги .....	167

## **IV БОБ. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИНГ ИНСОН ЭКОЛОГИЯСИН БИЛАН УЙГУНЛИГИ**

4.1. Экологик тангликин инсон фаолиятига таъсирини юмшатишнинг ижтимоий аҳамияти .....	180
4.2. Барқарор ривожланиш даврида инсон экологиясини шакллантиришнинг инновацион механизмлари .....	189
4.3 Коронавирус пандемияси шароитида инсон экологик хавфсизлигини таъминлаш омиллари .....	211
<b>ХУЛОСА .....</b>	<b>231</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>233</b>

Ҳакимов Назар Ҳакимович

# ИНСОН ЭКОЛОГИЯСИ

*Монография*

*“IQTISODIYOT” - 2021*

*Муҳаррир:*  
*Камилова Д.Д.*

*Мусаҳҳиҳ:*  
*Матхўжаев А.О.*

*Техник муҳаррир:*  
*Матхўжаева Ш.Б.*

Лицензия А1 № 240 04.07.2017 й. Босишга рухсат этилди 29.09.2020.  
Қоғоз бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. “Арно Pro” гарнитураси. Офсет босма.  
Шартли босма табоби 15,3. Адади 50 нусха.  
Баҳоси келишилган нархда.

“IQTISODIYOT” нашриёти ДУКнинг матбаа бўлимида чоп этилди.  
100066. Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-үй.